

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИБИЁТ ИНСТИТУТИ**

МИРЗАЕВА МАҲПОРАХОН МАМАДАЛИЕВНА

**“ЭКОЛОГИЯ ВА ГИГИЕНА”
ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Фармация - 5510500 йўналиши учун

Андижон 2020 йил

Тузувчи:

М.М.Мирзаева

Умумий гигиена кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар:

Н.Н. Норалиева

Андижон давлат университети Экология ва ботаника кафедраси мудири, т.ф.н. доцент

С.М.Бабич

АДТИ Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси мудири, т.ф.н., доцент

Уибу “Фармация” йўналиши – 5510500 таълим соҳаси Соғлиқни сақлаш – 510000 тиббий олийгоҳлар талабалари учун ўқув қўлланмада, ўқув дастурининг 2.06 блокида берилган, умумий гигиена кафедрасида ўқитиши жараёнида «Экология ва гигиена» фанининг назарий асосларини ўзлаштириши учун зарур бўлган назарий ва амалий билимлар ҳајми тўлиқ ёритилган. Талабалар билимининг якуний даражасини аниқлаши мақсадида, ўқув қўлланмада вазиятли масалалар, саволлар, тестлар, лугат ва глоссарий келтирилган.

Ўқув қўлланма Андижон давлат тиббиёт институт кенгашида тасдиқланди.

“ _____ ” 2020 йил баённома №_____

Кенгаш котибаси, доцент

Х.А.Хусанова

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	7
Мавзу № 1. Ҳаёт мұхитлари: сув, ер-тупроқ, ҳаво ва тирик организм. Яшаш мұхитларининг ўзига хослиги. Мосланиш, экологик омиллар, уларнинг организмга таъсир этиш қонуниятлари.....	8
Мавзу № 2. Популяциянинг тузилиши, унда организмларнинг жойлашиши...28	
Мавзу № 3. Биоценозлар (жамоалар) хақида тушунча. Организмлар орасидаги муносабат типлари, турлараро муносабатлар. Экотизимларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг тузилиши.....	51
Мавзу № 4. Биосфера хақида умумий тушунча. Биосферада моддаларнинг айланиши.....	77
Мавзу № 5. Замонавий экологик муаммолар. Ижтимоий экология ва инсон экологияси.....	102
Мавзу № 6. Атмосфера ҳавосининг аҳамияти, уни ифлослантирувчи манбалар. Сув манбаларининг ифлосланиши ва мухофазаси, сув сифатини яхшилаш.....	122
Мавзу № 7. Тупроқни ифлослантирувчи манбалар, заҳарли кимёвий моддалар. Тупроқ ўз-ўзини тозалаш жараёнининг аҳамияти, тупроқ мухофазаси.....	146
Мавзу № 8. Биологик захиралар, уларнинг аҳамияти ва мухофазаси. Махсус қўриқланадиган худудлар.....	167
Мавзу № 9. Мұхит ҳолатини назорат қилиш мониторинги. Экологик экспертиза. Экологик хафвсизлик. Экологик таълим тарбия.....	190
Глоссарий.....	223
Адабиётлар.....	227

КИРИШ

Инсон дунёга келгандан бери табиат билан тўхтовсиз ўзаро муносабатда бўлиб, унинг бойликларидан баҳраманд бўлмоқда. Ўзаро муносабат бевосита ва билвосита тарзда содир бўлиб, бу ҳодиса биологик ва кимёвий модда ҳамда энергия алмашуви жараёнида яхши ифодаланади. Модда ва энергия алмашуви инсоннинг табиатга таъсир миқёсига боғлик. Маълумки, техника ва технология такомиллашган сари инсоннинг табиатга таъсир доираси кенгайиб бормоқда, табиий мухитда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Маъданларни очиқ усулда қазиб олиш жараёнида улкан карьерлар, ишлатиб бўлинган тоғ жинслари уюмлари таркиб топмоқда. Буларнинг барчаси инсоннинг эндиликда нақадар катта ўзгартирувчи кучга айланганидан дарак беради. Хозирда экологик муаммоларни бартараф этиш долзарб масала эканлиги барчага маълум. Атроф мухитни ифлосланишдан сақлаш, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, умуман экологик-иктисодий барқарор ривожланишга еришиш кўп жихатдан ахолининг экологик саводхонлик даражаси, экологик маданияти ҳамда иқтисодиёт жабхаларининг қанчалик экологиялаштирилишига боғлик. Шу туфайли экологиянинг турли жихатларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, уни иқтисодий жихатдан ўрганиш жиддий аҳамиятга эга. Чунки, экология билан иқтисодиёт бир-бири билан ўзаро таъсир ва алокада ривожланади. Бу иқтисодиёт йуналишидаги талаблар, экологик билим ва кўникмаларининг юксак даражада шаклланган бўлишини такозо этади.

Фанни ўқитишдан мақсад - “Экология ва гигиена” фанини ўқитишдан мақсад – талабаларга ташқи мухит омилларнинг тирик организмларга таъсири, уларнинг ташқи мухит билан ўзаро муносабатларнинг умумий қонуниятлари тўғрисида, экосистемалар ҳаётини белгиловчи қонуниятлар ва принциплари тўғрисида, бўлажак провизорларда гигиена асосларини илм сифатида шакллантириш, республикамиз аҳолисини сифатли дори препаратлари билан таъминлашдаги муаммоли масалаларни ҳал этишда бевосита алоқадор эканлигини ва асосий ўрин эгаллашини тушунтиришдан иборат. Гигиенанинг асосий тушунчалари, қонунлар ва меёrlари хақида билим ҳамда уларни амалиётда тадбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилишдан иборат.

Фаннинг вазифаси -- ташқи мухит билан инсон организми ўртасидаги боғланишларни ўргатиш, инсон организмида юзага чиқадиган касалликларга ташқи мухит ҳолатининг таъсирини ўргатиш, табиатда энергия ва моддалар алмашинувини ўргатиш, генетик ахборотни сақлаш, узатиш механизmlари ва аҳамиятини ўргатиш, биосферанинг умумий тузилмаси ва унда моддалар айланишини ўргатиш, замонавий экологик муаммолар ва уларнинг ечими йўлларини ўргатиш, ташқи мухит ҳолатини назорат қилиш, унинг мониторинги ва экспертизасини ўтказишни ўргатиш.

Талаба: - экология фанининг асослари, популяциялар, экосистемалар, биогеоценозлар, биосфера тўғрисида;

- ташқи муҳит билан инсон организми ўртасидаги боғланишлар;
- инсон организмидаги юзага чиқадиган касалликларга ташқи муҳит ҳолатининг таъсири;
- табиатда энергия ва моддалар алмашинуви;
- генетик ахборотни сақлаш, узатиш механизmlари ва аҳамияти;
- биосферанинг умумий тузилмаси ва унда моддалар айланиши;
- замонавий экологик муаммолар ва уларнинг ечими йўллари;
- ташқи муҳит ҳолатини назорат қилиш, унинг мониторинги ва экспертизасини ўтказиш хақидаги тасаввурга эга бўлиши;
- экосистемалар компонентларининг абиотик ва биотик омиллар билан боғлиқлиги, ундаги озуқа занжири ва трофик алоқаларни;
- экосистемалар чидамлилиги ва ўзини қайта тиклаш хусусиятини;
- биосфера эволюцияси ва биосферада модда алмашинувини,
- флора ва фауна турлар таркибини ўзгариши, экосистема барқарорлигини таъминловчи механизmlарни билиши ва улардан фойдалана олиши;
- экосистемадаги жараёнларни бошқариш имкониятлари;
- табиатдан фойдаланишнинг экологик принциплари;
- ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш, табиат муҳофазаси бўйича тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш;
- ташқи муҳит омилларига гигиеник баҳо бериш, уларни текшириш усулларини қўллаш, гигиеник муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш кўнимкаларига эга бўлиши керак

1- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: ҲАЁТ МУҲИТЛАРИ: СУВ, ЕР-ТУПРОҚ, ҲАВО ВА ТИРИК ОРГАНИЗМ. ЯШАШ МУҲИТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. МОСЛАНИШ, ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР, УЛАРНИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИР ЭТИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ

Амалий машғулот технологик картаси

Технологик босқичлар	Фаолият мазмуни.	
	Ассистент	Талаба
1. Ўқув жараёнинга кириш (10 мин)	<p>Машгулот мавзусини эълон килади, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таништиради.</p> <p>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўқув натижалари ва баҳолаш критериялари билан таништириш.</p>	<p>Машгулот режаси билан таништирадилар ва зарурий ахборотларни қайд этиб боради.</p>
2. Асосий босқич	2.1. Қуйидаги диққатни жалб қилувчи саволларга жавоб	Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва

(60 мин)	<p>беришни таклиф қиласи.</p> <p>1. Экологик омиллар турлари.</p> <p>2. Экологик омилларнинг тирик организмга таъсири.</p> <p>3. Экологик мухитнинг бузилиши.</p> <p>4. Экологик омилнинг қонуниятлари.</p> <p>5. Экологик мухит тушунчаси.</p> <p>6. Экологик омиллар ҳақида тушунча.</p> <p>7. Экологик омилларнинг тирик организмларга таъсир этиш қонуняти.</p> <p>8. Экологик омилларнинг таснифи. Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир нечта жавобларни тинглайди)</p> <p>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурухларга бўлади. Хар бир гурухда биттадан савол бўйича варақаларини тарқатиб беради.</p> <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласи. Ўқитувчи маслаҳатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар киритади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4. Тақдимот нихоясида хулосалар қилиб, хар бир гурух иштирокчилари диққатини мавзунинг асосий саволларини ёритишга қаратади.</p>	<p>жавобларни тахлил қиласи.</p> <p>5 кишидан иборат 3 гурухга бўлинади</p> <p>Гурух аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p>Машғулотларни системалаштиради, ўзаро фикр алмашади. Гурух сардорлари ўз гурухи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қиласи ва гурух жавобларни асослаб беради.</p>
3. Якуний босқич (10 мин)	<p>Мавзу бўйича умумий хулосалар қиласи. Натижаларни аниқлайди. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида кўрсатмалар беради.</p>	<p>Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар.</p>

Мухит тушунчаси фанда турли маъноларни англатади. Булар экологик, географик, физик, фалсафий, ижтимоий ва бошқалар. Экологияда мухит деб тирик организмни ўраб турган физик қуршовни эътиборга олинади. Мухит теварак-атрофдаги ўзаро боғланишлардаги шарт-шароитлар ва таъсирлар мажмуuidир.

Одатда табиий ва сунъий мухитлар ажратилади. Табиий мухитни сув, қуёш, шамол, хаво, ер, ўсимлик ва хайвонот дунёси каби табиий омиллар мажмуи ташкил этади. Сунъий мухит инсон томонидан яратилган бўлиб, бунда инсоннинг меҳнат маҳсули ётади. Табиий ва сунъий мухитлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг боғлиқлигини экологик мухит тушунчаси ифодалайди. Экологик мухит табиий ва сунъий атроф-мухит бўлиб, тирик мавжудотлар субъект ва обьект таъсирлар сифатида қатнашиб, таъсирлар сони эса теварак атрофни сақлаб қолиш ёки хавф солиш шароитини келтириб чиқаради. Экологик мухит муайян экологик тизим хисобланиб, уни табиий ва ижтимоий-иктисодий қисмларга ажратиш мумкин.

Табиий экотизим ёки экосфера хаётни ривожланишига имкон берадиган ернинг тавсифи ва абиотик жисмларнинг мажмуидан иборат. Ижтимоий-иктисодий тизим эса инсоннинг барча атроф-мухитга (жонсиз ва жонли табиатга) бўлган муносабатини билдиради.

Экологик мухит мувозанатда ёки мувозанат бузилган холатларда бўлади. Тирик организмларнинг хаёти ўзгармаган шарт-шароитлар ва таъсирлар барқарор холатида мувозанат ўзгармайди, аксинча, мухитнинг шарт-шароитлари ва таъсирлар бузилганда мувозанатсиз холат келиб чиқади.

Экологик мухитнинг бузилиши атмосферанинг ер остики сувларининг ифлосланиши, қаттиқ чиқинди моддаларнинг тўпланиши ва озуқанинг захарланиши, шовқинларнинг кўпайиши, радиоактив моддалар ва бошқаларнинг таъсирини ортиб боришида кўринади. Инсон табиат қонунларини чукурроқ ўрганиш ўрнига хаёт мухитини тезкорлик билан бузиб ифлослантира бошлади. (Тирик организмлар - тўртта асосий мухитларда тарқалади. Улардан иккитаси, яъни сув ва хаво мухитлари ўлик, тупроқ мухити оралиқ ва организм (мухит сифатида) тирик хусусиятга эга. Хар бир хаёт мухити ўз навбатида организмлар яшashi учун хар хил яшаш жойларидан иборат. Масалан сув мухити қуидаги холатда учраши мумкин, чучук ва шўр сув, кўлмак ва оқар сув, чукур ва саёз, илиқ ва совуқ ва хоказолар. Хаво ва тупроқ хам нихоятда хилма-хил яшаш жойларини ташкил этади. Тирик организмлар (ўсимликлар, замбуруғлар, хайвонлар) хам паразит ва симбионтлар учун мухит сифатида ўзига хосдир.

МОСЛАШИШ

Сайёрамизда тирик организмлар бир-бирларидан кескин фарқ қилувчи ўзига хос тўртта мухитда тарқалган экан, улардан бири хисобланган сув мухитида дастлаб хаёт келиб чиқкан. Кейинчалик тирик организмлар қуруқликка чиқиб, тупрок хосил бўлишида қатнашадилар ва уни эгаллайдилар. Шунингдек, хаво ва бошқа бир тирик организмни ичиди ёки сиртида хам тарқалганлар. Демак, бизга маълум бўлган тирик табиат ва унинг таркибий қисмлари хисобланган увоқлилар, замбуруғлар, ўсимликлар ва хайвонлар ана шу мухитларда яшашга мослашганлар. Хуш мослашишни ўзини қандай тушуниш керак? Мослашиш ёки адаптация айrim индивидлар, популяциялар тур ёки жамоаларнинг морфофизиологик хулқий ва ахборот биоценотик хусусиятларининг мажмуидан иборат бўлиб, бошқа индивидлар, популяциялар, тур ёки жамоалар билан яшаш учун курашда

ғолиб чиқишига сабабчи бўладиган, шунингдек абиотик мухит омилларининг таъсирига чидамлилигини ифодалайди. Мослашиш турли даражаларда ва кўринишларда намоён бўлади. Масалан харорат омилига мослашиш молекуляр даражадан бошлаб то биоценотик даражагача кузатилиши мумкин. Купчилик ўсимликлар ортиқча кизиб кетишдан сақланиш учун бошқа ўсимлик турининг соясида ўсади. Бу ерда мослашиш биоценотик даражада намоён бўлмокда. Асалариларнинг уяларини хаддан ташқари қизиб кетганда қанотларини қоқиб уяни совутиши жамоа даражасидаги мослашишга мисол бўлади. Хайвонларнинг тер безлари орқали танасини совутиши ёки ўсимликларни транспирация орқали барг юзасини совутиши кабилар организм даражасидаги мосланишлардир. Кучли ёруғлик таъсирида хлоропластларнинг хужайра девори остида маълум бир тартибда жой олиши хужайра даражасидаги, термофил микроорганизмларнинг оқсилларини юқори харорат таъсирига чидамлилиги эса молекуляр даражадаги мослашиш хисобланади.

Ҳозирда маълум адаптатив радиация изоляцияда қолган архипелаглар ҳамда оролларга ўхшаш жойларда (масалан, кўлларда) кузатиш мумкин. Аммо, ҳаёт хилма-хиллиги адавтив радиация ҳодисаси экологик мухит турланиш учун қулай пайтларда рўй берган вазиятларда юзага келади. Бу контекстда экологик мухитнинг мос бўлишида иккита асосий механизм мавжуд: (1) организмнинг мухим инновациялар билан боғлиқ ички ўзгаришлари; (2) ташқи таъсиrlар атроф-мухитдаги ўзгаришлар ҳамда ажralган ер массаларининг колонизацияси (келиб қўшилиши) каби. Икки ҳолатнинг ҳам ўзаро алоқадорлиги бор, масалан, ички (интринсик) ўзгаришлар организмга янги мухитни ўзлаштиришга имкон беради. Ҳар икки ҳолатда ҳам, янги табиий ниша мухитни ўзлаштираётган индивидларда адаптив радиация билан боғлиқ генетик дивергенция рўй бериши учун популяциянинг қолган қисмидан қай даражададир ажратилаган бўлиши талаб этилади. Агар янги ўзлаштирувчи бошқа шу жойдаги бошқа яшовчилар (ажратилмаган изоляция бўлмаган) билан яқин алоқага киришганда, уларнинг таксаси томонидан давомий колонизация қилинади ва турнинг ўзгарган қисмлари эволюцион жараён эмас, балки иммиграция ва ташқи таъсиr этувчи омилларни ўзида мужассамлаштирган экологик жараён томонидан бошқарилади.

Мухит организмнинг физик қобиги хисобланиб, хар қандай мухит физик, кимёвий ва бошқа омилларнинг мажмуи билан намоён бўлади. Омил тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсиr этувчи мухитнинг айрим бир таркибий қисмидир. Шундай қилиб, экологик омилни тирик организмлар мослашиш реакциялари орқали жавоб берадиган хар қандай мухитнинг шарт-шароити деб қараш керак.

Экологик омиллар жуда хилма-хил. Шунинг учун уларни таснифлаш зарур бўлади. Экологиянинг тарихидан маълумки, омилларнинг таснифи анча мураккаб масалалардан бири хисобланади. Табиатда омиллар тирик организмларга бир бутун ёки биргаликда таъсиr этади. Улар экологик, физиологик, генетик ва хоказолар тарзида таъсиr этади. Омилларни таснифлашда уларнинг хилма-хил таъсиr этиши эмас, балки келиб чиқиши манбаига қараб

ажратиш лозим. Омилни аниқлашда уни тирик организмларга тўғридан-тўғри ва ўзига хос таъсири мухим ахамиятга эга.

Экологик омилларни таснифлашда унинг табиати, харорат, нурланиш, босим мухитнинг реакцияси ва бошқалар доимо ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Д.Н. Кашкаров (1933) омилларни уч гурухга ажратади: иқлим, эдафик ва биотик. В.В.Алексин (1950) иқлим, эдафик, орографик, биотик, антропоген ва тарихий омилларга ажратади.

Таърифга биноан омил мухитнинг айрим элементи хисобланиб, организмга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Аммо тарихий, орографик каби омиллар тирик организмларга хеч қандай тўғридан-тўғри таъсир этмайди. Шубҳасиз, маълум бир жойнинг денгиз сатхидан абсолют баландлиги, тоғликларнинг қиялик бурчаги даражаси ёки сув хавзасининг чуқурлиги кабилар хам ана шундай хусусиятга эга. Улар тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсир этмай, балки бевосита таъсир этган холда бошқа омиллар, яъни харорат, босим ва хоказоларни таъриф этиш хусусиятини ўзгартиради.

Мухит кенг маънода қаралиб, унинг таркибида фаоллик кўрсатувчи омиллар мавжуд. Омилларни таъсир этувчи ва хаёт шароити учун зарур гурухларга ажратиш мумкин. Таъсир этувчи омиллар тирик организмлар хаётига қучли таъсир этиб, уларнинг хатто ирсий хусусиятлари ёки бошқа кўринишлардаги ўзгаришларини келтириб чиқаради. Буларга хар хил мутаген омилларни (нурланиш ва бошқалар) кўрсатиш мумкин.

Хаёт шароити учун зарур бўлган омиллар ўз навбатида тирик организмларнинг яшами учун зарур бўлган хаёти ва ўсишини таъминловчи омиллар ва ривожланиш шароити (онтогенезни таъминловчи) омилларига бўлинади.

Яшил ўсимликларнинг хаёти учун зарур бўлган омиллар космик (ёруғлик, харорат) ва ердаги сув ва озуқа омилларга ажратилади. Ушбу омиллар мавқеи жихатдан бир-бiri билан баробар, шунингдек, бошқа омил билан алмаштириб бўлмайди. Илмий-техник тараксист туфайли инсон яшил ўсимликлар учун, зарур бўлган космик омилларни бошқара олиш имкониятига эга бўлди.

Шундай қилиб, хозирги вақтда экологик омиллар келиб чиқишига вақт бўйича, мухитга, характеристига, объектга таъсир этишига ва бошқа томонларини хисобга олиб таснифланади.

Екологик омилларни абиотик (ўлик табиатнинг таъсири), биотик (тирик организмлар билан боғлик бўлган таъсир) ва антропоген (инсоннинг фаолияти натижасида келиб чиқадиган таъсир) омилларга бўлиб ўрганилади.

Абиотик омилларга қуйидагилар киради:

1. Иқлим, ёруғлик, харорат, хаво, намлик (хар хил шакллардаги ёғингарчиликлар, тупроқ ва хавонинг намлиги, қор қоплами);
2. Эдафик (ёки тупрок. грунт) — тупроқнинг механик ва кимёвий таркиби, унинг физик хоссалари ва бошқалар.
3. Топографик (ёки орографик) - рельеф шароити.

Биотик омилларга қуйидагилар киради: 1. Фитоген - биргалиқда яшаётгап ўсимликларнинг түғридан-түғри (механик таъсирлар, симбиоз, паразитлик, эпифитларнинг яшашы) ва билвосита (тирик организмлар яшаётган мухитни ўзгартириши) каби таъсирлари; 2. Зооген - хайвонларнинг (оziқланиши, пайхон қилиши ва бошқа механик таъсирлар, чанглатиш, мева ва уруғларни тарқатиши, мухитга таъсир этиши каби таъсирлар; 3. Микробиоген ва микоген-микроорганизмлар ва замбуруғларнинг (паразитлилік, ташқи мухитни ўзгартириш) таъсири.

Антрапоген омиллар инсоннинг фаолияти натижасыда келиб чиқадиган омиллардир. Антрапоген таъсир натижасыда тирик организмлар яшаш мухитининг ўзгариши ўз навбатида экотизимларнинг таркибий қисмлари ўртасидаги боғланишларнинг бузилишига, инқирозга юз тутишига (чүлларни ўзлаштириш, ўрмонларни кесиб юбориш, пичан ўриш ва мол боқиши, сув, тупроқ ва хавони саноат чиқындилари, заарли кимёвий моддалар, майший чиқындилар билан ифлослантириш ва захарлашга олиб келади. Баъзи холларда биоценозларнинг бутунлай йўқ бўлиб кетишига сабабчи бўлади .

ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРНИНГ ТИРИК ОРГАНИЗМЛАРГА ТАЪСИРИ

Маълум шароитда яшаётган организмларга экологик омиллар турлича таъсир этиши мумкин. Аммо экологик омиллар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг тирик организмларга таъсир этиш характери нуқтаи назардан улар учун умумий бўлган қонуниятлар хам мавжуд. Организмнинг нормал ривожланиши учун маълум даражада қулай экологик омиллар мажмуи талаб этилади. Хар бир омилнинг организмга таъсир этиш кучи хамда қуи ва юқори таъсир этиш чегаралари бўлади. Омилнинг кучли таъсир этувчи кучи оптимум зона деб қаралади ёки оптимум деб аталади. Экологик омил организмга хаддан ташқари кучсиз (минимум) ва кучли (максимум) таъсир этиши мумкин. Шундай қилиб, хар қандай экологик омилнинг оптимум, минимум ва максимум таъсири бўлар экан. Минимум ва максимум чегаралари критик нуқта деб аталади. Критик нуқталардан ортиқ куч таъсирида организм нобуд бўлади.

Омилнинг кучли таъсир этиши, яъни оптимум қонуннинг организмларга таъсирини тушуниб олиш учун ғўза ўсимлигини хаво хароратига бўлган муносабати ва унинг оптимум, минимум ва максимум нуқталари хақида тухтаб ўтамиз. Маълумки, чигитнинг униб чиқиши учун температура $14-16^{\circ}\text{C}$ бўлиши зарур. Бахорда харорат паст келса, чигитнинг униб чикиши кечикади. Бизнинг шароитда ғўза нихоллари пайдо бўлган вақтда хаво билан тупроқ температураси секин-аста кўтарилади ва одатда, нормал даражада бўлади. Температура 38°C дан юқори бўлганда, айниқса, нам кам бўлса, ўсимлик қизиб кетади. Температура $1-2^{\circ}\text{C}$ бўлса, ғўза нихолларини совук уради. Куздаги $3-4^{\circ}\text{C}$ совуқ хам ғўзани нобуд қиласди. Шундай қилиб, ғўза ўсимлигининг вегетатсия давомида минимум нуқтадан хароратни $1-4^{\circ}\text{C}$ пасайиши уни нобуд бўлишига олиб келади. $14-16^{\circ}\text{C}$ дан 38°C гача оралиқдаги температура ўсимлик ўсиши учун қулай, ундан юқориси эса, ноқулай хисобланади. Ғўза ўсимлиги учун максимум нуқта $46-47^{\circ}\text{C}$ деб қараш мумкин.

Экологик омилларни ўрганиш соҳасида Ю. Либих кўп тажрибалар ўтказади ва 1840 йилда омилларнинг **минимум қонунини** таклиф этган.

Унинг ёзишича -организмнинг чидамлиги унинг озиқ занжиридаги энг кам миқдорга боғлиқ.

Ю.Либих экинларнинг ҳосилдорлиги кўпинча улар учун кўп керак бўлган элементлар билан чекланмайди, аксинча, тупроқда кам учрайдиган ва ўсимликлар учун жуда кам миқдорда керак бўлган элементлар билан чекланади.

Толерантлик қонуни

Организмнинг ҳаёт фаолиятини сусайтирувчи омилга чекловчи омил дейилади. Шундай қилиб организмлар учун экологик омилларнинг етишмаслигигина (минимум) эмас балки ортиқчалиги (максимуми) ҳам чекловчи омил бўлиши мумкин

У ёки бу турнинг яшаш имконияти бўлган маълум бир омилнинг ўзгарувчан чегараси толерантлик дейилади

Мухитнинг бирор омилига кенг доирада мослашган экологик турларга эври-олд қўшимчасини қушиб, тор доирада мослашганларга стено-олд қўшимчасини қўшиб номланади. Температурага нисбатан эвритерм, стенотерм, намлика нисбатан эвригидрид, стеногидрид, шўрланишга нисбатан эвригал, стеногал. Экологик омилларнинг таъсир этиш кучи билан организмда бўладиган ўзгаришларнинг ўзаро таъсири босимга нисбатан эврибат, стенобат экологик гурухлар ажратилади.

Ташқи мухитнинг турли омилларга нисбатан экологик валентликлар йиғиндиси турнинг экологик спектрини ташкил этади. Масалан, чўлда ўсуви шўраклар тупроқнинг шўрлигига, курғокчилик ва юқори тэмпературага яхши мослашган. Ушбу омилларга мосланиш шуракларнинг экологик спектрини ташкил этади. Бошқа турлар тупроқ шўрланишига чидамсиз эканлигини кўриш мумкин.

Айрим турларнинг экологик спектри бир-бирига туғри келмайди. Хатто бир хил шароитда яшаётган ва мослашиш хусусияти ҳам ўхшаш бўлган турлар озми-кўпми миқдорда ўзининг экологик имкониятига эга бўлади. Изен ва терескен ўсимликлари қурғокчил ва иссиқ шароитга мослашган турлар хисобланиб, улардан биринчиси нисбатан курғокчиликка ҳам, юқори хароратга ҳам бироз кучлироқ мослашиши билан ажралиб туради.

Экологик омиллар организмнинг турли функцияларига ҳам турлича таъсир этади. Совук қонли хайвонлар учун хаво температурасииинг $40-45^{\circ}\text{C}$ бўлиши модда алмашинуви жараёнини тезлаштиради, аммо уларнинг фаоллиги, яъни харакатланиши сусаяди. Бунда хайвонлар тиним холатига ўтади.

Айрим индивидларнинг ташқи мухит омилларига чидамлилик даражаси, критик нуқталари, оптималь зонаси ҳам туғри келмайди. Ушбу индивиднинг ирсий, жинсий, ёш ёки физиологик хусусиятлари билан боғлиқ, бўлиши мумкин. Дон махсулотлари ва унда яшовчи мита капалагининг ғумбаги учун критик температура -7°C ни ташкил этса, катта ёшдагилари учун 22°C , тухумлари учун

эса - 27°C. -10°C, температура ғумбакни нобуд қилади, аммо уларнинг даври ва тухумларига таъсир этмайди.

Мухитнинг айрим экологик омиллари организмга бир вактда таъсир этади. Ушбу омилларнинг таъсири бошқа омилларнинг микдорига боғлиқ бўлади. Буни омилларнинг узаро таъсир этиш қонунияти дейилади.

Организмнинг нормал хаёти учун маълум даражада шароит талаб этилади. Агар барча шарт-шароитлар қулай бўлиб, улардан бири етарли миқдорда бўлмаса, уни чекловчи омил деб аталади. Чекловчи омил организмни ушбу шароитда яшashi ёки яшай олмаслигини белгилаб беради.

Турларнинг шимолга томон силжишига температура омилиниңг етишмаслиги таъсир этса, кургокчил районларда эса намлик ёки юкори температуранинг таъсири чекловчи хисобланади. Чекловчи омиллар фақатгина абиотик омиллар бўлиб колмай, балки биотик омиллар ҳdm бўлиши мумкин. Гулли ўсимликлар турларини бирор жойга иқлимлаштиришда уларни чанглатувчн хашаротлар чекловчи омил бўлади. Чекловчи омилларнн аниқдаш амалий жихатдан муҳим аҳамиятга эга.

Организмнинг яхши ўсиши, ривожланиши абиотик омилларнинг оптималь (зона) шароити таъсирида бўлса, уларнинг ёмон холати (нобуд бўлиши) минимал шароитда, яъни абиотик омилларнинг салбий таъсири натижасида юзага келади.

Мухит организмнинг физиологик қобиғи ҳисобланиб, ҳар қандай муҳит физик, кимёвий ва бошқа омилларнинг мажмуи билан намоён бўлади. Омил тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсир этувчи муҳитнинг айрим бир таркибий қисмидир. Шундай қилиб, экологик омилни тирик организмларга мослашиш реакциялари орқали жавоб берадиган ҳар қандай муҳитнинг шарт-шароити деб қараш керак.

Экологик омилларнинг хилма-хиллиги уларни таснифлашни тақозо этади. Омилларни таснифлашда уларни хилма-хил таъсири эмас, балки келиб чиқиш манбаига қараб ажратиш лозим. Омилни аниқлашда уни тирик организмларга тўғридан-тўғри ва ўзига хос таъсири муҳим аҳамиятга эга.

Мухит кенг маънода қаралиб, унинг таркибида фаоллик кўрсатувчи омиллар мавжуд. Омилларни таъсир этувчи ва ҳаёт шароити учун зарур гурӯхларга ажратиш мумкин. Таъсир этувчи омиллар тирик организмлар ҳаётига кучли таъсир этиб, уларнинг хатто ирсий ҳусусиятлари ёки бошқа кўринишлардаги ўзгаришларини келтириб чиқаради. Буларга ҳар-хил мутаген омилларни (нурланиш ва бошқалар) кўрсатиш мумкин.

Ҳаёт шароити учун зарур бўлган омиллар, ўз навбатида, тирик организмларнинг яшashi учун зарур бўлган (ҳаётини ва ўсишини таъминловчи) омиллар ва ривожланиш шароити (онтогенезни таъминловчи) омилларга бўлинади.

Яшил ўсимликларнинг ҳаёти учун зарур бўлган омиллар космик (ёруғлик, ҳарорат) ва ердаги сув ва озуқа омилларига ажратилади. Ушбу омиллар мавқеи жихатидан бир-бири билан баробар, шунингдек, бошқа омил билан алмаштириб бўлмайди. Илмий-техник тараққиёт туфайли инсон яшил ўсимликлар учун зарур

бўлган космик омилларни бошқара олиш имкотиятига эга бўлади.

Хозирги вақтда экологик омиллар келиб чиқишига, вақт бўйича, муҳитга, характеристига, объектга таъсир этишига ва бошқа томонларини ҳисобга олиб таснифланади.

Биз экологик омилларни абиотик (ўлик табиатнинг таъсири), биотик (тирик организмлар билан боғлиқ бўлган таъсир) ва антропоген (инсоннинг фаолияти натижасида келиб чиқадиган таъсир) омилларга бўлиб ўрганамиз.

1. Экологик омилларнинг таснифланиши.

2. Абиотик (куруқлиқдаги ва сув муҳитидаги) омиллар.

АБИОТИК ОМИЛЛАР

Ўзига хос морфологик, физиологик ва хулқ-атвorum билан боғлиқ озуқа ёки яшаш жой ҳарактеристикалари борлиги ҳақидаги фикрни ўзи экологик алтернативалар мавжудлигига ишора қиласди. Ўз навбатида бу ҳам иккита ҳар хил дунё нуқталаридан бир хил экологик вазифага эга мавжудотларнинг учратилишига ишора қиласди. Гриннеллнинг мисолида, Сахара жербоаси билан аниқ вазифада тўғри келадиган Шимолий Америка Диподомиси келтирилган. Экологик ўрнини босувчилар мавжудлиги шунга ишора қиласдики, мавжудотлардан кўпроқ улар ҳаёт кечирадиган жойга хос ўзгармас вазифаларни бажариш талаб қилинади, мисол учун чўллардаги. Шу билан биргаликда вазифалар бўш қолиши ҳам мумкин ва бунга сабаб уларга мос келадиган мавжудот турлари ўша муҳитда учрамаслигидир. Балки улар ўша муҳитга келмаган ёки келиб ривожланиб кета олмагандирлар. Шу зайдилда қанчалик даражада экологик ўрин босувчилар табиатда учраши мумкинлигини айта оламиз? Гриннелл ишидан кейин ўн йиллар ўтиб, биз баъзи мисолларнинг аниқ мавжудлиги ва уларнинг бир-бирига ўхшаш муҳитда ҳаёт кечиришига амин бўлдик. Шуннгдек, ушбу мавжудотлар бир-биридан узоқда яшаси ва бири бирига жуда ўхшаш бўлмаслигини ҳам тушундик. Бўлиши мумкинки, аниқ шу фикрлар экологик вазифаларнинг кейинги иккита тарғиби яралишига олиб келган. Уларнинг ҳар бири экология дунёси қандай ишлаши тўғрисидаги ўзига хос фикрлар тўпламидан иборат

“Блиц усули”

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Экологик омиллар турлари.			
2.	Экологик омилларнинг тирик организмга таъсири.			
3.	Экологик муҳитнинг бузилиши.			
4	Экологик омилнинг қонуниятлари.			
5.	Экологик муҳит			

	тушунчаси.			
6.	Экологик омиллар ҳақида тушунча.			

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чикиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Экологиянинг мақсади				
Экологик тадқикот методлари				
Умумий экология				
Хусусий экология				

Мавзуга оид вазиятли масалалар

Вазиятли масала

Сув мухити қуидаги холатда учраши мумкин, аччиқ ва ширин сув, кўлмак ва оқар сув, чуқур ва саёз, балчиқ ва тоза сув, илиқ ва совуқ ва хоказолар.

Вазиятни баҳоланг:

Вазиятли масала

Сайёрамизда тирик организмлар бир-бирларидан кескин фарқ қилувчи ўзига хос тўртта мухитда тарқалган экан, улардан бири ҳисобланган сув мухитида дастлаб хаёт келиб чиққан. Кейинчалик тирик организмлар қуруқликка чиқиб, тупрок хосил бўлишида қатнашадилар ва уни эгаллайдилар.

Колган учта мухитни санаб беринг.

Вазиятли масала

Мослашиш ёки адаптация айrim индивидлар, популяциялар тур ёки жамоаларнинг морфофизиологик хулқий ва ахборот биоценотик хусусиятларининг мажмуидан иборат бўлиб, бошқа индивидлар, популяциялар, тур ёки жамоалар билан яшаш учун қурашда ғолиб чиқишига сабабчи бўладиган, шунингдек абиотик мухит омилларининг таъсирига чидамлилигини ифодалайди.

Мослашиш қандай даражаларда ва кўринишларда намоён бўлади?

Вазиятли масала

Харорат омилига мослашиш молекуляр даражадан бошлаб то биотценотик даражагача кузатилиши мумкин.

Кўпчилик ўсимликлар ортиқча қизиб кетишдан сақланиш учун қандай ўсади?

Вазиятли масала

Мухит организмнинг физик қобиги хисобланиб, хар қандай мухит физик, кимёвий ва бошқа омилларнинг мажмуи билан намоён бўлади. Омил тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсир этувчи мухитнинг айrim бир таркибий қисмидир. Шундай қилиб, экологик омилни тирик организмлар мослашиш реакциялари орқали жавоб берадиган хар қандай мухитнинг

Жумлани тугалланг.

Вазиятли масала

Экологик омилларни таснифлашда унинг табиати, харорат, нурланиш, босим мухитнинг реакцияси ва бошқалар доимо ўзига хос хусусиятга эга бўлади. В.В.Алексин (1933) омилларни уч гурухга ажратади: иқлим, эдафик ва биотик омилларга ажратади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Экологик омилларни таснифлашда унинг табиати, харорат, нурланиш, босим мухитнинг реакцияси ва бошқалар доимо ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Д.Н. Кашкаров (1950) иқлим, эдафик, орографик, биотик, антропоген ва тарихий омилларга ажратади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала


Мухит кенг маънода қаралиб, унинг таркибида фаоллик кўрсатувчи омиллар мавжуд. Омилларни таъсир этувчи ва хаёт шароити учун зарур гурухларга ажратиш мумкин. Таъсир этувчи омиллар тирик организмлар хаётига кучли таъсир этиб, уларнинг хатто ирсий хусусиятлари ёки боиқа кўринишлардаги ўзгаришларини келтириб чиқаради.

Буларга қайси омилларни кўрсатиш мумкин:

Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси


“ШАЖАРА ДАРАХТИ” усули

МУХИТ ТУШУНЧАСИ ТЕХНОЛОГИЯСИ СТРУКТУРАСИ




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**


**ТАБИЙ
ОМИЛЛАР**




**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
“Кластер” усули**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологиялари
“ЛОЙИХА”усули**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси**
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
“Кластер” усули**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули
БИОТИК ОМИЛЛАР**



1 – вариант

1. Муҳит

А. экологик, географик, физик, фалсафий, ижтимоий

Б., географик, физик, фалсафий, ижтимоий

В. экологик, , физик, фалсафий, ижтимоий

Г. экологик, географик, , фалсафий, ижтимоий

2. Табиий мухитни...

А. сув, қуёш, шамол, хаво, ер, ўсимлик ва хайвонот дунёси

Б. сув, , шамол, хаво, ер, ўсимлик ва хайвонот дунёси

В. сув, қуёш, , хаво, ер, ўсимлик дунёси

Г. сув, қуёш, шамол, хаво, ер, хайвонот дунёси

3. Экологик мухитнинг бузилишига кирмайди:

А. Қуёшнинг чарақлаб туриши Б. қаттиқ чиқинди моддаларнинг тўпланиши ва озуқанинг захарланиши,

В. шовқинларнинг кўпайиши, радиоактив моддаларнинг таъсирини ортиб бориши

Г. атмосферанинг ер остки сувларининг ифлосланиши,

4. Тирик организмлар - тўртта асосий мухитларда тарқалади. Нотўғри жавобни топинг.

- А. Ижтимоий мухит
Б. Сув ва хаво мухити
В. организм
Г. тупроқ мухити
5. Ўлик мухитга киради
А. Сув ва хаво мухити
Б. тупроқ мухити
В. Организм
Г. Ижтимоий мухит
6. Оралик мухитга киради:
А. тупроқ мухити
Б. Организм
В. Сув ва хаво мухити
Г. Ижтимоий мухит
7. Мослашиш даражалари
А. молекуляр даражада, биоценотик даражада, жамоа даражасида, организм даражасида, хужайра даражасида,
Б. биоценотик даражада, жамоа даражасида, организм даражасида, хужайра даражасида,
В. молекуляр даражада, жамоа даражасида, организм даражасида, хужайра даражасида,
Г. молекуляр даражада, биоценотик даражада, организм даражасида, хужайра даражасида,
8. Фенотипик эгилувчанлик нима?
А. жонзоднинг табиатга қараб ўзгариши
Б. ноодатий мослашолмаслик
В. Адаптив эгилмасликлар
Г. Ноадптив эгилувчанлик
9. Фенотипик мослашувчанлик ... бўлиши мумкин:
А. қайтар ва қайтмас
Б. ботар ва ботмас
В. оксидланиш – қайталаниш
Г. Борса келмас.
10. Мухитларда яшашга мослашганлар
А. увоқлилар, замбуруғлар, ўсимликлар ва хайвонлар
Б. замбуруғлар, ўсимликлар ва хайвонлар
В. увоқлилар, ўсимликлар ва хайвонлар
Г. увоқлилар, замбуруғлар, хайвонлар

2 – вариант

1. Экологик омилларни таснифлашда унинг ўзига хос хусусиятга эга бўлади.
А. табиати, харорат, нурланиш, босим мухитнинг реакцияси
Б. харорат, нурланиш, босим мухитнинг реакцияси
В. табиати, нурланиш, босим мухитнинг реакцияси

- Г. табиати, харорат, босим мухитнинг реакцияси
2. Д.Н. Кашкаров (1933) омилларни қандай гурухларга ажратади:
- А. иқлим, эдафик ва биотик.
 - Б. эдафик биотик.
 - В. иқлим биотик.
 - Г. иқлим, эдафик .
- 3 Д.Н. Кашкаров (1933) омилларни неча гурухга ажратади?
- А. 3
 - Б. 4
 - В. 5
 - Г. 2
4. В.В.Алехин (1950) омилларни қандай гурухларга ажратади?
- А. иқлим, эдафик, орографик, биотик, антропоген ва тарихий
 - Б. орографик, биотик, антропоген ва тарихий
 - В. иқлим, эдафик, антропоген ва тарихий
 - Г. иқлим, эдафик, орографик, биотик.
5. В.В.Алехин (1950) омилларни нечта гурухга ажратади?
- А. 6.
 - Б. 5.
 - В. 4
 - Г. 3.
6. Қандай омиллар тирик организмларга хеч қандай тўғридан-тўғри таъсир этмайди
- А. тарихий, орографик
 - Б. Ижтимоий, иқтисодий.
 - В. сиёсий, илмий
 - Г. Биологик, кимёвий.
7. Яшил ўсимликларнинг хаёти учун зарур бўлган космик омилларга қандай омиллар киради(
- А. ёруғлик, харорат
 - Б. намлик, босим
 - В. хаво харакати тезлиги
 - Г. Сув, озуқа.
8. Абиотик омилларга нималар киради?
- А. Иқлим, тупроқ, рельеф
 - Б. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий.
 - В. физиковий, кимёвий.
 - Г. Сув, озуқа.
9. Абиотик омилларга кирмайди:
- А. Ижтимоий.
 - Б. Эдафик.
 - В. Топографик
 - Г. Иқлим.

10. Биотик омилларга нималар киради?
- А. Фитоген, Зооген, Микробиоген ва микоген
- Б. Иқлим, тупроқ, рельеф
- В. Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий.
- Г. физикавий, кимёвий.

2 АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ПОПУЛЯЦИЯЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ УНДА ОРГАНИЗМЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШИ.

Амалий машғулот технологик картаси

Технологик босқичлар	Фаолият мазмуни.	
1. Ўқув жараёнига кириш (10 мин)	<p>Ассистент</p> <p>Машгулот мавзусини эълон килади, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таништиради.</p> <p>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўқув натижалари ва баҳолаш критериялари билан таништириш.</p>	<p>Талаба</p> <p>Машгулот режаси билан таништирадилар ва зарурый ахборотларни қайд этиб боради.</p>
2. Асосий босқич (60 мин)	<p>2.1.Қуйидаги диққатни жалб қилувчи са волларга жавоб беришни таклиф қилади.</p> <p>1.Популяция таркибини кўрсатувчи асосий омиллар.</p> <p>2.Популяцияда индивидларнинг жинси.</p> <p>3.Ривожланиш ўсиш, экологик фаолиятдаги фарқларни аниқлаш.</p> <p>4.Популяция вакилларининг маконда тарқалиши.</p> <p>5.Популяцияда унинг аъзоларининг нотекис тарқалиши сабаблари.</p> <p>6.Ҳайвонлар хулқ-атвори.</p> <p>6. Популяция белгилари тўғрисида.</p> <p>7. Популяцияни гурухли хоссалари.</p> <p>8. Популяциянинг сони тузилиши?</p> <p>9. Биологик бирлиги?</p> <p>10. Популяциянинг миқдори?</p> <p>11. Популяция ичидаги қонун?</p> <p>Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир</p>	<p>Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва жавобларни тахлил қиласди.</p> <p>5 кишидан иборат 3 гурухга бўлинади</p> <p>Гурух аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p>Машғулотларни системалаштиради, ўзаро фикр алмашади.</p>

	<p>нечта жавобларни тинглайди)</p> <p>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурухларга бўлади. Хар бир гурухда биттадан савол бўйича варақаларини тарқатиб беради.</p> <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ўқитувчи маслаҳатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар киритади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4. Тақдимот нихоясида хулосалар қилиб, хар бир гурух иштирокчилари диққатини мавзунинг асосий саволларини ёритишга қаратади.</p>	<p>Гурух сардорлари ўз гурухи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қиласди ва гурух жавобларни асослаб беради.</p>
3. Якуний босқич (10 мин)	<p>Мавзу бўйича умумий хулосалар қиласди. Натижаларни аниқлайди. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида қўрсатмалар беради.</p>	<p>Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар.</p>

ПОПУЛЯЦИЯНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Популяция (лотинча популатионс; сўзидан олинган бўлиб - гурух, аҳоли, халқ деган маъноларни билдиради. Бу атама 18 асрнинг охиридан бошлаб, то 20 асрнинг 40-50 йилларида қадар биология фанида хар қандай индивидлар йиғиндиси сифатида қўлланиб келинди. Экологик нуқтаи назардан эса популяция деб узоқ муддат давомида муайян бир ҳудудда яшайдиган ёки ўсадиган бир турга мансуб индивидлар йиғиндисидир.

Бир популяцияга мансуб индивидлар шу турнинг бошқа популяция индивидларига нисбатан бир-бири билан еркин ва осон чатишади.

Популяциянинг биологик хусусиятларидан бири – бир популяцияга оид индивидлар бошқа популяция индивидларига қараганда еркин чатиша оладилар. Зарафшон арчаси деганда ўрмонда учрайдиган зарафшон арчаси турига мансуб барча индивидлар йиғиндиси эътиборга олинади ёки ўтлоқларда қоқи ўти популяцияси.

Демак популяциянинг асосий хусусияти унинг генетик бирлигидир. Ўзбекистоннинг шувоқ барра ўтли яйловларидаги шувоқлар популяцияси, қумли чўллардаги оқ саксовуллар, изенлар, қандимлар популяциялари, қўллардаги баликлар популяциялари, далалардаги чигирткалар популяциялари, киши организмидаги тиф ёки сил касалликларини туғдирувчи бактериялар популяцияси ёки шахарда одамлар популяцияси ана шу тушунчага мисол бўла олади. Хонаки хайвонларнинг алохида гурухлари (зотлар, подалар) ва ўсимликларнинг маданий

гурухлари (навлари, линиялари, клонлари ва бошқалар) ҳам популяция атамаси билан ифодаланади.

Эволюцион табиий танланиш назарияси экология назарияси ҳисобланади. Бу назария биринчи бор Чарлз Дарвин томонидан ишлаб чиқилган (1859-йил). У күйидагиларга асосланган:

1. Популяция жараёнидаги индивидлар ўзгармас эмас, сезилмас даражада бўлса ҳам ўзгариб турди. Ривожланиш даражаси ҳарорат ва бошқа омилларга боғлиқ;

2. Кам ҳолатда уларнинг баъзилари учун ўзгаришлар наслдан ўтади. Бошқача айтганда уларнинг табиати қайсиdir маънода уларнинг ген тузилишига бўлиқ. Характери наслдан наслга ўтади;

3. Ҳар қандай популяция бутун дунёни эгаллаш потенциалига эга. Агар ҳар бир индивид яшаб қолса ва максимал даражада насл қолдирсагина амалга ошиши мумкин. Аммо баъзилари насл қолдирмай нобуд бўлади, қолганлари максимал даражада насл қолдирмайди;

4. Ҳар бир индивид турли миқдорда насл қолдиради. Бу уларнинг насл қолдиргунга қадар яшаб қолишига, насл қолдириш шароитига, наслнинг яшаб қолишига ва бошқаларга боғлиқ;

5. Ниҳоят, насл сони тўлақонли бўлмаса ҳам ҳал қиласидаги даражада организм ва унинг муҳити ўртасидаги ўзаро муносабатга боғлиқ.

Ҳар қандай жамиятда индивидлар яшаб қолишига, яхшироқ ривожланишга ва бошқалардан кўра кўпроқ насл қолдиришга мойиллик сезадилар. Шу туфайли агар популяциянинг ўтиб келувчи хусусиятлари авлоддан авлодга ўзгарса, унда табиий селекция юз берган дейилади. Бунинг маъноси табиатни селекция деб тушунишга сабаб бўлади. Аммо табиат ўсимликлар ва ҳайвонлардек селекция қилмайди. Уларнинг муайян ниҳояси бор-кattароқ уруғлар ёки тезроқ насл қолдириш каби. Аммо табиат селекция қилмайди, у шунчаки дифференциал яшаб қолиш ва кўпайишнинг эволюцион ижроси учун муҳит яратади.

Гистология ва медицина ва микробиологияда қўп хужайрали организмлар тўқимасидаги бир хил тузилишга эга бўлган хужайралар популяцияси деб айтилади. Этнографлар популяция деганда ўз ичида қиз олиш бериш қиласидаги одамлар жамоасини тушунадилар.

Шунингдек популяция индивидларига генетик гетрогенлик ҳам хос бўлиб, бу хусусият уларнинг ҳар хил шароитига мосланишларини белгилайди ва эволюция учун жуда муҳим бўлган ирсий ўзгарувчанлик имкониятини юзага келтиради. Популяциядаги генетик ўзгаришлар турларнинг келиб чиқиши, янги ўсимлик навлари, ҳайвон зотларини яратиш ва бошқалар асосини ташкил қиласидаги.

«Популяция» терминини 1903 йилда даниялик генетик В. Иогансен бир турга мансуб, генетик бир хил хусусиятга эга бўлмаган индивидлар йиғиндисини тушунтиришда келтирган эди. Демак популяция деганда бир турга оид бир-бирлари билан доимо боғланган организмлар йиғиндиси эътиборга олинади.

Популяциядаги якка организмлар бир- бирига ўхшаш бўлган тақдирда биз шунчаки якка организмларнинг сонини санаш орқали популяцияга таъриф

беришимиз мумкин. Аммо ҳайвонлар ва ўсимлик популяциялари орасидаги якка организмлар яшаб қолиш ва қўпайишнинг ҳозирги ва келажакдаги истиқболларига таъсир ўтказувчи турли хил муҳим холатларда бир - биридан фарқ қиласи. Масалан, каттароқ якка организмлар одатда яшаб қолиш қўпроқ насл қолдириш ва баъзида каттароқ авлодлар ҳамда секинроқ ўсиш кўрсаткичларига еришиш учун қўпроқ имконоятлар бўлади. Бундай вазиятларда ҳар бир турлича типнинг кўплаб якка организмларини ҳисобга олган ҳолда популяция тузилишини таснифлаш популяциянинг даврлар мобайнида қандай ўзгарганини тушуниш учун танқидий бўлиб қолади. Ушбу бобда биз тузилган популяцияларнинг динамикасини та’рифлаш ва олдиндан айтиб бериш учун қўлланиладиган моделларнинг асосий турларидан бир нечтасини текшириб ўтамиш. Айрим даврларда даврий шаклланган моделлар мавсумий мухитларда популяциялар учун мос бўлган буюк математик Лионард Эулер (1707- 1783) томонидан бир неча асрлар олдин ривожлантирилган. Ҳаёт циклида (масалан, уруғлар гуллаётган ўсимликларга қарши, личинка вояга етган организмга қарши) уларнинг қатламлари томонидан таснифланадиган якка организмлар ўрганилганда бу моделларга кўчишдан аввал даврий шаклланган моделлар дастлаб ишлатилган. Айнан бир даврга асосланган моделлар ўрганилгач биз давомий вақт моделларидан, кейин эса баъзи тадбиқлар ва қутиладиган натижалардан ҳам фойдаланишимиз ҳам керак.

Хар бир популяциядаги организмлар миқдори бир меёрда бўлиб, ташқи мухит шароити кескин ўзгармагунча у шу миқдорда сақланиб қолиши мумкин. Ташқи мухининг ўзгариши популяциядаги организмлар сонининг ўзгаришига бевосита ёки билвосита таъсир этиб туради.

Популяция аъзоларининг ҳаётий белгилари Популяция - бу бир турнинг ёки бир неча тур вакилларининг гуруҳидир. Улар маълум жойда учрайди ва кўп ҳаётий белгиларга эга бўлади ва шу белгилар бутун гуруҳнинг доимий функцияларини акс эттиради. Популяция аъзоларининг ҳаётий белгилари: -тур вакилларининг қалинлиги, -туғилиши, -ўлиши, -ёш бўйича тақсимланиши, -маълум худудда тарқалиши, -организмнинг биотик потенциали Популяция белгиларини аниқлаш экологик тадқиқот орқали амалга оширилади ва умумий экология учун катта аҳамиятга эга.

Турлар орасида ихтисослашув

Табиат организмларнинг бир даражадан бошқасига ўтадиган турларидан иборат эмас. Шунга қарамай, биз билган турлар орасида ҳам одатда сезиларли вариация мавжуд ва уларнинг баъзилари ўтиб келувчидир. Бу ўсимлик ва ҳайвонлар учрайдиган интраспецифик вариацияда кўринади.

Экотип сўзи биринчи марта ўсимлик популяциясига нисбатан ишлатилган. У организмлар ва табиат ўртасидаги маҳаллий мосликларни кўрсатувчи турлар орасидаги популяциядаги муайян генетик фарқларни намоён этади. Аммо эволюция популяция хусусиятларини бир-биридан ажралишини тақозо этади. Икки популяция токи уларнинг аъзолари доимий ўзаро миграция қиласа ва генлар аралашса, бутунлай ажралиб кетмайди.

Маҳаллий, махсус популяциялар ҳаётининг асосий қисмида кўчмайдиган организмлар орасида дифференциалланади. Кўчманчи организмлар ўзлари яшайдиган муҳитда катта назорат мавқеига эга. Улар номақбул муҳитдан қочадилар ва фаол бошқасини қидирадилар. Кўчмас организмларда бундай еркинлик йўқ. Улар ўзлари жойлашган муҳит шароитида яшашлари ва ўлишлари шарт. Бу контраст соҳил бўйида яна ҳам яққол кўринади. Бу организмларнинг кўчишлари ўз муҳитларини ўзларига мослаштиришга имкон яратади. Кўчмайдиган организм эса ўзини муҳитга мослашга мажбурдир.

Генетик полиморфизм

Одатий ҳолатда популяциялар ичида хилма-хиллик даражасини аниқлаш учун имконият бўлиши мумкин. Бундай хилма-хилликлар полиморфизм номи билан юритилади, "генетик полиморфизм такрорий мутация ёки иммиграция билан қўлланиб икки ёки ундан зиёд турлар яшаш муҳитида намоён бўлади" (Форд, 1940). Бундай ўзгаришларни барчаси ҳам организм ва атроф муҳит билан мувофиқ бўла олмайди, аслида уларнинг баъзилари номувофиқ бўлади, масалан яшаш муҳитидаги ўзгаришлар туфайли битта шакл бошқасига алмашади. Бундай полиморфизмларни муваққат полиморфизм диг аташади. Барча жамоалар доимий тарзда алмашгани туфайли, полиморфизм ҳам ўзгарувчан бўлиб қисқа муддатли бўлиши мумкин, бунда ахолини ўзгаришга бўлган генетик реакцияси ўзарган ҳолатларга мувофиқ бўлмаслиги мумкин, бу қуйида келтирилган мисолда кўриниб турибди.

Аксарият полиморфизмлар популяцияда табиий танлов туфайли сақланиб қолади ва бунинг бир қатор услублари мавжуд.

1. Гетерозиготалар олий даражада бўлиши мумкин, аммо улар Менделеев генетикаси меҳанизми туфайли доимий равишда тўпланади ва популяциядаги гомозиготаларга кичикроқ даражада тўғри келади. Бундай "гетерозис" малярия касаллиги тарқалган жойлардаги ўроқсимон хужайраларда анемияда кўринади. Малярия паразитлари қизил қон танаачаларига хужум қиласди. Ўроқсимон хужайралардаги мутасия (ўзгариш) физиологик жиҳатдан мукаммал бўлмаган ва деформасияланган қизил қон танаачаларни вужудга келтиради. Бунга қарамасдан ўроқсимон хужайрали гетерозиготалар кучлидир, чунки улар анемиядан деярли фарқланмайди ва малярия билан касалланмайди, аммо улар доимий тарзда гомозиготаларни тўплайди, улар эса анемия билан (иккита ген ўроқсимон хужайрали) ҳавфли ёки малярияга мойил (ўроқсимон хужайрали генлар йўқ). Шунга қарамасдан гетерозиготларнинг мослашувчанлиги популяциядаги геннинг иккала турини қўллаб-куватламайди, яъни полиморфизм кузатилади.

2. Бу ерда градиентнинг бир учида шаклларнинг бирининг фойдасига селектив кучларнинг градиенти бўлиши мумкин, бошқа шаклда бошқалар бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси полиморф популяцияларни вуждуга келтириши мумкин.

3. Морф турларининг ҳар бири энг мослашган ҳоли ҳам учрайди, у ноёб хисобланади, бу частотали-тобе танлов натижасида вужудга келади (Кларк &

Партридж, 1988). Бунда ўлжанинг ранги ва шакли атроф муҳитга тўғри келади ва шунинг учун уларни йиртқичлар сезмайди.

4. Популяцияда танлов кучлар турли йўналишларда таъсир қилиши ҳам мумкин. Бунинг ёрқин мисоли Буюк Британиянинг Шимолий Уельс ҳудудида оқ беданинг (Трифолиум судралувчи) трансплантидир. Маҳаллий турларни тавсифлари ўз муҳитига мувофиқлигини аниқлаш учун Туркингтон ва Ҳарпер (1979) ўсимликларни ўз муҳитидан маҳрум қилиб иссиқҳона клонларининг умумий муҳитида етиштирадилар. Кейин ҳар бир клонни намуналарини олинган жойи (назорат сифатида) ҳамда қолганлар қабул қилинган жойларга (трансплантат) экадилар. Ўсимликлар бир йил давомида ўстириладилар, кейин уларни қуритиб тортадилар. Ўз жойига қайта экилган беданинг ўртacha вазни 0,89 г, аммо бошқа жойларга экилган бедаларни вазни атиги 0,52 г, статистик жиҳатдан фарқ жуда катта. Бу натижа беданинг барча клонлари яйловда ривожлангани эволюция қилганининг аниқ ва ёрқин далили, улар ўз маҳаллий муҳитида энг яхши бўлиши учун ихтисослашганларидан дарак беради, аммо буларнинг барчаси битта популяция доирасида бўлмоқда, ва бу популяция полиморф эди.

Аслида маҳаллий экотип ва полиморф популяция ўртасидаги фарқ аниқ эмас. Бу ҳақида яна битта тадқиқот дарак беради, бу тадқиқот ҳам Шимолий Уельсда амалга оширилган, бу ерда ўсиш муҳити ўртасида градация бўлган: денгиз қоялари ва яйловларда ўсадиган судралувчи полевиса (полевиса столонифера). Улар турли муҳитда ўсади.

Популяциянинг белгилари умумий генетик хусусиятлари билан ҳам характерланади. Популяция ўзига хос маълум биологик ташкилий тузилишларга эга. Лаборатория ёки тажриба шароитларида популяциянинг гурухлик белгилари ва сонларини аниқлаш мумкин, табиий шароитда анча мураккаб бўлади.

Популяциялар бир-бирлари билан асосан эклогик алоқалар орқали боғланиб туради. Популяция ичидаги асосий қонун бу муҳитдаги жуда оз, чегараланган ресурслардан фойдаланиб, келажақда авлод қолдиришдан иборатdir. Бундай ҳолат популяция аъзоларининг миқдор ўзгариши, тур вакилларининг ўз сонини бошқариб туриши орқали амалга оширилади.

Популяциянинг асосий хусусиятлари:

1. Популяция генетик хусусиятларига–организмларнинг тўғридан тўғри экологик мослашиши, қайта кўпайиши ва турғунлиги бўлиб, популяциянинг турғунлиги узок вақт насл қолдиришидир.
2. Эхтенсионс.
3. Популяция биологик хусусиятларига–популяция аъзоларининг ҳаёт цикли, ўсишга қобилияти, фарқланиши ва ўзининг сон сифатини ушлаб туриш хусусиятлари кириб, улар популяцияни ҳосил қилувчи организмларга таалуқлидир.
4. Популяция гурухлик хусусиятлари Турс вакиллариниг маълум ҳудуддаги умумий сони;

- 5.Маълум майдон учун тур вакилларининг ўртача сони, популяция қалинлиги ва маконда популяция аъзолариниг массаси;
- 6.Туғилиш-маълум вақт ичида тур ваклларидан ҳосил бўлган янги вакиллар сони;
- 7.Ўлиш-маълум вақт ичида популяция ичидаги ўлган аъзолар даражаси;
- 8.Популяцияларнинг ўсиш, туғилиш ва ўлиш ўртасидаги фарқ;
- 9.Ўсиш тезлиги-маълум вақт ичида популяция аъзолари сонининг ўртача ўсиш тезлиги.

ПОПУЛЯЦИЯЛарНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Ҳайвон ва ўсимлик популяциялари бир жойда мавжуд бўлмайди аммо улар одатий комплекс макон ландшафтида юзага келади. Экология соҳасидаги дастлабки изланишлар бундай маконий таркибий қисмни эътиборсиз қолдирган эди. Аммо уларнинг мулоҳазалари ҳозирда кўпроқ назарий ва амалий экология учун асосий мавзу ҳисобланади. Изланишнинг ушбу самарали соҳаси Ҳански (ИИ.4 бобда) томонидан чуқурроқ муҳокама этилган. Табиий муҳит хилмажиллигининг туркумлари истиқомат қилувчи турларни турли хил ҳолатда: баъзилари бўш бўлиши мумкин ва бошқалари янги популяцияни яратиш учун босиб олувчилар томонидан йўқотиб юборилган ёки аллақачон йўқолиб бўлган ва ёки аслини олганда мустақил қўзгатувчи кучлар билан субпопуляциялар томонидан эгаллаб олиниши мумкин бўлган ҳолатда ҳисобга олиб ўрганиши лозим. Бу метопопуляция ҳисобланиб уларнинг динамикасини баъзи бир узоқ муддатли изланишлар билан бириктирган ҳолда назарий ўрганиш, Ҳански фикрига кўра, ушбу фанни жудаям бойитади ва амалий экология, айниқса, мулоқот биологияси учун катта аҳамият касб этади. Ток популяциядан жуфт популяция ва кичик тўпламларгача бўлган оралиқда турлар ўзаро алоқага киришишининг турли хил йўллари бир неча муаллифлар томонидан тадқиқ этилган. Бу ўз маъносида муҳим аммо бинога жамиятлар ва экотизимлардан бошлаб ғишт қўйиш каби жуда ҳам мураккаб ҳисобланади. Популяциялар фақатгина уларнинг ўсиши ва қўпайиши учун етарли манбаларга эга бўлишса ҳам гуллаб яшнаш хусусиятига эгадирлар ҳамда ресурслар учун кураш кўплаб жамиятларни барпо этиш учун асосий восита ҳисобланади. Биз яшаш учун кураш борасида ўсимликлар ва ҳайвонлар ўртасидаги яшаш учун курашни очиб берамиз. Улар ўртасида ўзаро ўхшашликлар бўлса ҳам ўсимликлар аслига мувофиқ равишда ер остида илдиз отади ва ҳайвонлардан фарқли равишда ривожланадиган ўсимликлар кураши экологиясида муҳим ҳисобланган тегишли кам ҳажмдаги ресурслар (макон, ёруғлик, сув, нутриенлар) учун кураш олиб бўлишади.

Популяцияларнинг классификацияси

Популяцияни классификациялашда бир неча принципларга амал қилинади, популяциянинг маконда тарқалишини профессор Н.П.Наумов (1963) қуидагича бўлади: элементар_(бошланғич, содда), экологик ва географик популяциялар.

1.Элементар популяция – бу унча катта бўлмаган, бир хил жойда учрайдиган тур вакилларининг йифиндиси. Агар биогеоценоз ичида яшаш шароити ҳар хил

бўлса, популяцияларнинг сони кўп бўлади, тур кўп сонли популяциялар ҳосил қиласди.

2. Экологик популяция – содда элементар популяциялар йигиндисидан ҳосил бўлади. Улар маълум биогеоценозда тур ичидаги гурухлардан юзага келади.

3. Географик популяция – экологик популяцияларни ўз ичига олади ва бир хил географик шароитда, худудда учрайди. Лекин географик популяциялар етарли даражада бир – биридан чегараланган бўлиб, катта-кичиклиги, кўпайиши, экологик мосланишлари, физиологик ва хулқий хусусиятлари билан фарқ қиласди.

ПОПУЛЯЦИЯНИНГ МИҚДОРИ ВА ЗИЧЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ТАБИЙ ОМИЛЛАР

Популяциянинг миқдори ва зичлигига кўп табиий омиллар таъсир қиласдилар. Улар модификация ва бошқарувчи гурухларга бўлинади.

Модификация (ёки турланувчи) омилларга ҳамма абиотик омиллар кириб, улар популяциянинг сони, сифати, зичлиги, тузилиши, озуқа ресурларига фаол таъсир қиласди, уларнинг ўзгаришига сабаб бўлади, аммо ўzlари ўзгармай қолади. Организм абиотик омиллар таъсирини сезади, улар қулай бўлганда популяция аъзолари ҳаддан зиёд кўпайиб кетади.

Бошқарувчи омиллар - популяция аъзоларининг миқдорини ўзгартиради, ўзгаришни тезлаштиради, оптимал ҳолатдан четлаштиради. Бундай бошқарувчи омилларга организмларнинг бир-бирлари орасидаги биотик муносабатлар киради. Организмлар бир-бирлари билан алоқада яшайди, гурухлар ҳосил қиласди, бир-бирлари сонини бошқариб туради.

Популяция биологик бирликлар - биоценозлар ичидаги ўрганилади. Улар фақат лаборатория шароитида ёки алоҳида ўралган, чегараланган жойлардагина якка-якка ўрганилиши мумкин.

Табиатда популяциянинг турли ҳил типлари учрайди:

1. Ёпиқ популяция (фақат бир-бири билан жуфтлаша оладиган индивидлар гурухи);
2. Панмиктик популяция (индивидлар жуфтлашиши жуфт танламасдан амалга ошади);
3. Менделча популяция (бир географик ареалда тарқалган, кўпайиш ва бошқа хусусиятлари бир хил бўлган индивидлар мажмуи);
4. Изоген популяция генетик жиҳатдан айнан ўхшаш, яъни барча локуслар (хромосоманинг бир ген жойлашган чизиқли участкаси) бўйича кўпчилик ҳолларда гомозигота бўлган индивидлар гурухи;
5. Мувозанатланган популяция — генлар частотаси (такрорланиши) мутацион ва селекцион тазийклар ўртасидаги мувозанатга асосланиб ўзгариб туради ва тасодифий жуфтлашиш принципига қўра жуфтлашишда ҳамда локуслараро еркин рекомбинацияланишда генотипларнинг амалдаги частотаси назарий қутилган ҳолатга мос келади.

Фанда мавжуд бўлган идеал популяция тушунчаси табиатда учрамайди ва у фақат математик моделларда хисобга олинади. Масалан, зофора балиқ йирик кўлларда 2 та популяция ҳосил қиласди, улардан бири қирғок, яқинида яшаб,

майда хайвонлар билан озиқланади ва секин ўсади; иккинчиси сувнинг чукур қисмида яшаб, балиқлар билан озиқланади ва тез ўсади; ғўзанинг ёввойи турлари, шунингдек, экиладиган навлари популяцияси ҳарорат, ёргулар, сув режими, озиқланиш ва бошқаларга нисбатан турлича реакциялар билан характерланадиган жуда кўп гурухлардан ташкил топган.

Ягона тур динамикаси

Ягона тур популяцияси динамикаси ҳақида учта умумий савол қисқача айтганда қуйидагича: популяция унумдорлиги ва вақт ва фазо аро унумдорликдаги ўзгаришлар қандай тавсифланади? Биринчи саволга мисол килиб, биз нега Висколсинда лось (буғулар оиласига мансуб шохли ҳайвон)дан кўра чивинлар кўпроқ деб савол беришимиз мумкин. Жавоб осондек туюлиши мумкин; лосьлар чивинлардан кўра каттароқ, улар осонгина кўпроқ жойни эгаллайди ва кўпроқ озиқ-овқат керак. Аммо Висконсиндаги чивинларнинг 60 дан ортиқ тури нега ҳосилдорликда бир-биридан жуда катта фарқ қиласи деб савол берилганда эса, савол бироз қийинлашади. Бир тур, *Аедес вексан* деб аталувчи тур бошқа турларга қараганда энг кўп учрайди. Бу шунинг учунки, *Аедес вексан* уруғлашда кўпроқ мослашувчан ва бошқа турларга қараганда кўпроқ ўхшамаган ҳолатларда уруғлаш салоҳияти кўпроқми? Бу балки тухумларни ўзгартирувчи ургочилар кўпроқ қон озиғини кўтардиган моддалар мавжудми? Ёки бу чивинларни ҳам озиғига кирувчи кўплаб йиртқичларинг олдини олишга мослашганиданми? Бундай саволларнинг қўйилиши табиатшунослар учун ҳақиқий қийинчилик ҳисобланади ва улар амалий аҳамиятга эга ҳисобланади. *Аедес вексан* ургочилари тўдаларда еркакларни ҳам кўриш мумкин ва агар биз нега бундай эканлигини тушунсак, вазият ўзгариши мумкин.

Иккинчи савол икки намунадаги популяцияни кўрсатувчи Чизма билан тасвиrlenади. Биринчидан, Супериор кўлида жойлашган Инаъмуна учсле Рояледаги чивин популяциясини олсак, у маълумотнинг 45 йили давомида тебраниб турган, бунда 2500 организм билан юқори чўққига чиқсан кўрсаткич 1990-йиллар охирига келиб 500 организмга тушиб кетганини кўришимиз мумкин. Беш карра ўзгариш, бироқ Айсланднинг Майтвандаги чивинлар унумдорлигидаги 500,000 марта ўзгаришга таққослаганда, кичик кўрсаткич ҳисобланади. Ҳар иккала популяциядаги ўзгаришларнинг илдиз сабаблари бир хил: камайган овқат ресурслари (гўшт чивинлари учун балзам қарағай дарахти, майда чивинлар учун сув ўти) ва йиртқичлик (гўшт чивинларида бўрилар томонидан ва майда чивинларда кўпчилик турлар томонидан) нинг бирикишидир. Бир хил асосий сабабларга эга бўлишига қарамай майда чивинлардаги тебраниш нега бунчалар жиддий ахволда?

Ва ниҳоят 3- саволнинг мисоли кўплаб кичик кемиравчилар турлари томонидан кўрсатилган популяция динамикарининг намунаси томонидан келтириб чиқарилади. Юқори кенглиқдаги кўплаб популяциялар шуни кўрсатадики, кучли тебранишлар одатда кўлами икки тартибда кенгаяди, бир хил тудаги популяцияларнинг камроқ аҳамиятли тебранишлари паст кенглиқда содир бўлади. Бу намуна учун ўзига тортадиган изоҳлаш оддийдир яъни юқорироқ

кенглиқдаги популяциялар шавфқатсиз иқлим билан курашишга мажбур, айниқса қаттың қишлоғы билан да бу шавфқатсиз иқлим каттароқ популяция тебранишига олиб келади. Бирок бу жағдайда ягона түшүнтириш бўла олмайди чунки катта кенглиқдаги кемирувчилар популяциясидаги тебранишлар об - хаво шароитлардаги тебранишлар билан мос эмас. Шу нарса фактки кемирувчилар ҳосилдорлигидаги баъзи юқори натижалар ёз ўрнига қишида содир бўлади. Табиатшуносларнинг фикрича юқори кенглиқдаги кемирувчиларнинг юқори популяция тебранишларда йиртқичлар иштирок этган ва бу йиртқичларнинг популяцияларнинг экваторга яқинлаштириш учун қисқартирувчи баъзи сабабларни келтириб чиқариш учун аҳамияти бор деб ҳисоблашади.

Экологияда популяциянинг қандай маъно англашиби мұхокама ёки тадқиқотнинг контекстига боғлиқ бўлади. Юқоридаги мисолларда Исле Рояледаги гўшт чивини популяцияси аниқ таърифланган; у оролдаги бир қатор организмлардир, Супериор кўли гўшт пашшалари осонликча ўтолмайдиган аниқ экологик ўзигз хос чегара ҳисобланади. Бошқа вазиятларда эса чегаралар аниқ бўлиши мумкин, аммо экологик жиҳатдан аҳамиятга эга эмас. Масалан, Висконсиндаги гўшт чивинлари популяцияси сиёсий жиҳатдан ажратилган аммо экологик чегаралар билан эмас. Популяция бошқаруви масалаларида сиёсий чегаралар сезилади, аммо экологик чегаралар каби катта аҳамият касб этмайди. Аниқроқ қилиб айтсак бу чегаралар ғовак бўлиб гўшт пашшалари мичиган бўйлаб Висконсинга ўтиб ва яна ортга қайтиши мумкин. Висконсиннинг гўшт чивинлари популяцияси популяция нима эканлигига аниқлик киритиш учун чегараланиши ва саналиши ҳам мумкин.

Аниқки ягона тур популяциялари оролда яшайдиган турлар бўлмаса ҳам ягона турлардан иборат. Бирор турнинг популяция динамикаси бошқа турлар томонидан таъсир кўрсатилади - у истемол қиласиган, уни истемол қиласиган турлар, мусобақалашадиган турлар ва бази ҳолларда ёрдам берувчи турлар томонидан таъсир ўтказилади. Турлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг аҳамиятини табиатшунослар тушуниб етишса ҳам кўп тадқиқотлар ягона.

Шу нарса фактки, узоқ муддатда популяция жон бошига ўртача ўсиши кўрсаткичи 0 га тенг бўлиши керак. Барча чидамли популяциялар зичликка боғлиқ популяциялар динамикаларига эга бўлсалар ҳам зичликка боғлиқликка етакловчи омиллар жуда кўп, комплекс ва уларни аниқлаш, тушуниш осон эмас. Масалан, Мйватн туридаги майда чивинлар томонидан ғалати динамика кўрсатилган, унда популяцияларнинг жуда юқори зичликка тўқнаш келишига, сабаб бўлган зичликка боғлиқлик билан алоқада бўлган катта ҳажмдаги 5 йилдан ортиқ давом этган тебранишларни кўришимиз мумкин. Аммо, тўқнашувлар вақтни нима аниқлаб беради нега чивинлар қатордаги бир неча авлодлари билан тўқнашдилар ва популяция турларни йўқолиб кетмаслиги учун қуйи зичликда нима сақлаб туради? Майда чивинлар ҳақидаги бу саволларга батафсил жавоблар ва бошқа турлар учун шунга ўхшаш саволларга одатда жавоб бериш жуда ҳам қийин. Популяциялар экологиясини ўрганишни катта қисми зичликка

боғлиқликка сабаб бўлувчи омилларини ва популяция динамикаси учун уларнинг аҳамиятини тушунтириб беришга мўлжалланган.

Популяциянинг тузилиши

Популяция аъзоларининг жинс ёш бўйича, морфологик кўриниши, физиологик жараёни, хулқий холатлари, генетик хусусиятлари ва худудлар бўйича тақсимланиши популяциянинг тузилишини акс эттиради.

Популяциялар қўйидаги тузилишда бўлади;

1. Популяцияларнинг ёшига қараб тузилиши; Популяциянинг ёш бўйича тузилиши унинг муҳим белгиси бўлиб, популяциянинг туғилиши ва ўлишига таъсир қиласи. Тезкор кўпаяётган популяцияларнинг асосий қисмини ёш вакллар ташкил қиласи.
2. Популяциянинг жинс бўйича тузилиши; популяция аъзоларининг ёш бўйича ва жинс бўйича таркиби доим бир-бирлари билан боғлиқ бўлади. Популяция вакллариниг ҳаёти унинг ёш бўйича тузилишига қарамдир.
3. Популяциянинг маконда тузилиши; популяцияни ҳосил қиласиган тур вакллари ҳар хил маконда турлича тарқалиш имкониятига эгадир. Бу билан улар ўзлари яшайдиган жой ва озуқа билан таъминланади ҳамда ўсиш, кўпайиш ва ривожланиш, насл қолдириш учун муҳитнинг абиотик ва биотик омиллари билан алоқада бўлади.
4. Популяциянинг этиологик тузилиши- унинг аъзолари ўртасидаги қонуний алоқалар бўлиб, унинг асосида ҳайвонлар хулқларини ўрганадиган иш ётади.

“Блиц усули”

№	Мавзулар саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билдим
1.	Популяция таркибини кўрсатувчи асосий омиллар..			
2.	Популяцияда индивидларнинг жинси			
3.	Ривожланиш, ўсиш, экологик фаолиятдаги фарқларни аниқлаш.			
4	Популяция вакилларининг маконда тарқалиши.			
5.	Популяцияда унинг аъзоларининг нотекис тарқалиши сабаблари			
6.	Популяция белгилари тўғрисида			

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими хисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари,

китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлади.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Полиморфизм				
Ўткинчи полиморфизм				
Генетик полиморфизм				
Популяция биологик хусусиятлари				
Популяция гурухлик хусусиятлари				
Популяция генетик хусусиятлари				

Мавзуга оид вазиятли масалалар

Вазиятли масала

Популяция -- узок муддат давомида муайян бир худудда яшайдиган ёки ўсадиган бир турга мансуб индивидлар йиғиндисидир. Бир популяцияга мансуб индивидлар шу турнинг бошқа популяция индивидларига нисбатан бир-бiri билан еркин ва осон чатишади. Популяциянинг биологик хусусиятларидан бири – бир популяцияга оид индивидлар бошқа популяция индивидларига караганда еркин чатиша оладилар.

Мисоллар келтиринг.

Вазиятли масала

Гетерозиготалар олий даражада бўлиши мумкин, аммо улар Менделеев генетикаси меҳанизми туфайли доимий равишда тўпланади ва популяциядаги гомозиготаларга кичикроқ даражада тўғри келади. Бундай "гетерозис" малярия касаллиги тарқалган жойлардаги ўроқсимон хужайраларда анемияда кўринади. Малярия паразитлари қизил қон танаchalарига хужум қиласди. Ўроқсимон хужайралардаги мутация (ўзгариш) физиологик жиҳатдан мукаммал бўлмаган ва деформацияланган қизил қон танаchalарни вужудга келтиради. Бунга қарамасдан ўроқсимон хужайралари гетерозиготалар кучлидир, чунки улар анемиядан деярли фарқланмайди ва малярия билан касалланмайди, аммо улар доимий тарзда

гомозиготаларни тўплайди, улар эса анемия билан (иккита ген ўроқсимон хужайрали) ҳавфли ёки малярияга мойил (ўроқсимон хужайрали генлар йўқ).

Шунга қарамасдан гетерозиготларнинг мослашувчанлиги популяциядаги геннинг иккала турини қўллаб-қувватламайди, яъни нима кузатилади?

Вазиятли масала

Морф турларининг ҳар бири энг мослашган ҳоли ҳам учрайди, у ноёб ҳисобланади, бу частотали-тобе танлов натижасида вужудга келади (Кларк & Партридж, 1988). Бунда ўлжанинг ранги ва шакли атроф мухитга...

Жумлани давом эттиринг.

Вазиятли масала

Популяциялар бир-бирлари билан асосан эклогик алоқалар орқали боғланиб туради. Популяция ичидағи асосий қонун бу мухитдаги жуда оз, чегараланган ресурслардан фойдаланиб, келажакда авлод қолдиришдан иборатдир.

Бундай ҳолат нима орқали амалга оширилади?

Вазиятли масала

Табиий мухит хилма-хиллигининг туркүмлари истиқомат қилувчи турларни турли хил ҳолатда: баъзилари бўш бўлиши мумкин ва бошқалари янги популяцияни яратиш учун босиб олувчилар томонидан йўқотиб юборилган ёки аллақачон йўқолиб бўлган ва ёки аслини олганда мустақил қўзғатувчи кучлар билан субпопуляциялар томонидан эгаллаб олиниши мумкин бўлган ҳолатда ҳисобга олиб ўрганиши лозим.

Бу қандай популяция ҳисобланади?

Вазиятли масала

Популяцияни классификациялашда бир неча принципларга амал қилинади, популяциянинг маконда тарқалишини профессор Н.П.Наумов (1963) қуидагича бўлади: мараккаб (охирги, якуний), эдафик ва гемолитик популяциялар.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Популяциянинг миқдори ва зичлигига кўп табиий омиллар таъсир қиласидилар. Улар модификация ва бошқарувчи гурухларга бўлинади.

Модификация (ёки турланувчи) омилларга ҳамма абиотик омиллар кириб, улар популяциянинг қиймати, сийраклиги, зийраклиги, тинчлиги, ресурсларига фаол таъсир қиласиди, уларнинг ўзгаришига сабаб бўлади, аммо ўзлари ўзгармай қолади. Организм абиотик омиллар таъсирини сезади, улар қулай бўлганда популяция аъзолари ҳаддан зиёд кўпайиб кетади.

Вазиятни баҳоланг.


Вазиятли масала

- 1.Очиқ популяция (фақат бир-бiri билан жуфтлаша оладиган индивидлар гурухи);
- 2.Патологик популяция (индивидулар жуфтлашиши жуфт танламасдан амалга ошади);
3. Дарвинча популяция (бир географик ареалда тарқалган, кўпайиш ва бошқа хусусиятлари бир хил бўлган индивидлар мажмуи);

4. Изофаген популяция генетик жиҳатдан айнан ўхшаш, яъни барча локуслар (хромосоманинг бир ген жойлашган чизиқли участкаси) бўйича кўпчилик ҳолларда гомозигота бўлган индивидлар гурӯҳи;


Вазиятни баҳоланг.

**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
“Кластер” усули**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**

ПОПУЛЯЦИЯ



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси**
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули

ПОПУЛЯЦИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲАЁТИЙ БЕЛГИЛАРИ



Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
“Лойиха” усули

ПОПУЛЯЦИЯ

лотинча

популяционс;
сўзидан
олинган бўлиб
- гурух, аҳоли,
халқ деган
маъноларниби
лдиради

биология

фанида хар
қандай индивид
лар йигиндиси
18 асрдан то 20
асрнинг 40-50
йилларигача
қўлланилган

Экологик

нуктаи назардан
эса-узоқ муддат
давомида
муайян бир
худудда
яшайдиган ёки
ўсадиган бир
турга мансуб
индивидлар
йиғиндисидир

**Мавзуни амалий кўникмаларини эгаллашнинг
“ПИРАМИДА” ўқув технологияси**


Популяция аъзоларининг ҳаётий белгилари




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
“Кластер” усули**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси**
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули
ПОПУЛЯЦИЯНИНГ ТУРЛАРИ



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси**
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули
ПОПУЛЯЦИЯГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг
ўқув технологияси
“Қадамма қадам” усули**

ПОПУЛЯЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

-
- ```
graph TD; A[ПОПУЛЯЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ] --> B1((1)); B1 --> B2((2)); B2 --> B3((3)); B3 --> B4((4)); B4 --> B5((5)); B5 --> B6((6)); B6 --> B7((7));
```
- 1 **Бунда Популяция аъзоларининг жинс бўйича**
  - 2 **Популяция аъзоларининг ёш бўйича**
  - 3 **морфологик кўриниши**
  - 4 **физиологик жараёни**
  - 5 **хулқий холатлари**
  - 6 **генетик хусусиятлари**
  - 7 **худудлар бўйича тақсимланиши**

## **1 - вариант**

1. Популяция лотинча “популяционс” сўзидан олинган бўлиб, қандай маъноларни билдиради? А. гурӯҳ, аҳоли Б. Тупроқ, дала. В. сув, океан. Г. Хаво, атмосфера.
2. “популяционс” сўзидан олинган Популяция биология фанида қачонгача кўлланиб келинди?
  - А. 18 асрнинг охири, 20асрнинг 40-50 й. Б. 19 асрнинг охири, 20асрнинг 40-50 й
  - В. 20 асрнинг боши, 20асрнинг 40-50 й. Г. 19 асрнинг охири, 20асрнинг 80-90 й
3. Экологик нуқтаи назардан популяция деб нимага айтилади?
  - А. узоқ муддат давомида муайян бир худудда яшайдиган ёки ўсадиган бир турга мансуб индивидлар йиғиндисидир.
  - Б. Қисқа муддат давомида муайян бир худудда бир турга мансуб индивидлар йиғиндисидир.
  - В. узоқ муддат давомида катта худудда яшайдиган бир турга мансуб индивидлар йиғиндисидир.
  - Г. узлуксиз давомида муайян бир худудда ўсадиган бир турга мансуб индивидлар йиғиндисидир.
4. Популяциянинг биологик хусусиятлари қандай ?
  - А. бир популяцияга оид индивидлар бошқа популяция индивидларига қараганда еркин чатиша оладилар.
  - Б. иккита популяцияга оид индивидлар битта популяция индивидлариغا қараганда еркин чатиша оладилар.
  - В. бир популяцияга оид индивидлар бошқа популяция индивидлариغا қараганда еркин чатиша олмайдилар.
  - Г. Ҳар хил популяцияга оид индивидлар бир хил популяция индивидлариغا қараганда еркин чатиша оладилар.
5. Популяциянинг асосий хусусияти:  
А. Генетик бирлиги  
Б. Доминанта бирлиги  
В. кодоминаната бирлигидир.  
Г. Динамик бирлигидир.
6. Популяциянинг ривожланиш даражаси нималарга боғлиқ  
А. Ҳароратга  
Б. Намликка.  
В. хаво харакати тезлигига.  
Г. Босимга.
7. «Популяция» терминига 1903 йилда даниялик генетик В. Иогансенning берган таърифи:
  - А. бир турга мансуб, генетик бир хил хусусиятга эга бўлмаган индивидлар йиғиндисинидир
  - Б. Ҳар хил турга мансуб, генетик бир хил хусусиятга эга бўлмаган индивидлар йиғиндисини тушунтиришда келтирган эди.
  - В. бир турга мансуб, кимёвий бир хил хусусиятга эга бўлмаган индивидлар йиғиндисини тушунтиришда келтирган эди.
  - Г. бир турга мансуб, генетик бир хил хусусиятга эга бўлган индивидлар йиғиндисини тушунтиришда келтирган эди.
8. Популяция гуруҳлик хусусиятлари нима?
  - А. вакилларнинг маълум ҳудуддаги умумий сони
  - Б. Вакилларнинг кенг ҳудуддаги шахсий сони

В. вакилларининг маълум худуддаги хусусий сони  
Г. вакилларининг хар хил худуддаги индивидуал сони

9. Туғилиш нима ?

А. маълум вақт ичида тур ваклларидан ҳосил бўлган янги вакллар сони;

Б. маълум вақт ичида популяция ичидаги аъзолар даражаси;

В. хар хил вақт ичида популяция ичидаги аъзолар даражаси;

Г. Доимий вақт ичида тур ваклларидан ҳосил бўлган эски вакллар сони;

10. Ўлиш нима?

А. маълум вақт ичида популяция ичидаги ўлган аъзолар даражаси;

Б. маълум вақт ичида тур ваклларидан ҳосил бўлган янги вакллар сони;

В. маълум вақт ичида популяция ичидаги аъзолар даражаси;

Г. хар хил вақт ичида популяция ичидаги аъзолар даражаси;

## 2 – вариант

1. Популяциянинг маконда тарқалишини профессор Н.П.Наумов (1963) қандай бўлади: А. элементар\_(бошланғич, содда), экологик ва географик популяциялар.

Б. Мураккаб, биологик, геологик. В. аралаш, физик, геометрик.

Г. Хусусий, индивидуал, шахсий.

2. Элементар популяция нима?

А. бу унча катта бўлмаган, бир хил жойда учрайдиган тур вакилларининг йиғиндиси. Б. бу катта , бир хил жойда учрайдиган тур вакилларининг йиғиндиси.

В. бу унча катта бўлмаган, хар хил жойда учрайдиган тур вакиллари.

Г. бу унча катта бўлмаган, бир хил жойда учрамайдиган тур вакиллари

3. Экологик популяция нима ?

А. содда элементар популяциялар йиғиндисидан ҳосил бўлади. Улар маълум биогеоценозда тур ичидаги грухлардан юзага келади.

Б. бу унча катта бўлмаган, бир хил жойда учрайдиган тур вакилларининг йиғиндиси.

В. мураккаб популяциялар йиғиндисидан ҳосил бўлади.

Г. элементар популяциялар йиғиндисидан ҳосил бўлмайди

4. Модификация омилларига нималар киради?

А. ҳамма абиотик омиллар Б. Биотик омиллар В. физик омиллар Г. Химик омиллар.

5. Модификация омиллари нималарга таъсир қиласи?

А. популяциянинг сони, сифати, зичлиги, тузилиши, озуқа ресурларига

Б. популяциянинг зичлиги, тузилиши, озуқа ресурларига

В. популяциянинг сони, сифати, озуқа ресурларига

Г. популяциянинг сони, сифати, зичлиги, тузилиши

6 . Популяциянинг грухли хусусиятлари:

А. Генетик бирлиги, кўпайиши Б. Гомеостази, динами каси

В. Сони, зичлиги, туғилиши, нобуд бўлиши Г. Морфологик, биологик хулқий

7. Популяция динамикасининг асосий кўрсаткичлари:

А. Туғилиш, ўсиш, ўсиш даражаси Б. Нобуд бўлиш, қирилиш, эмиграция

- В. Иммиграция, эмиграция, ўсиш Г. Чиқиб кетиш, қўшилиш  
 8. Популяциянинг гомеостазини ўсимликларда намоён бўлиши:  
 А. Уруғларнинг тўлиқ ҳаётчанликка эга эмаслиги  
 Б. Уруғ ва меваларни турли йўллар билан тарқатиши  
 В. Ўз-ўзидан сийраклашиш, вегетатив қувватини ошириш  
 Г. Вегетатив, жинсиз ва жинсий усулларда кўпайиш  
 9. Бошқарувчи омиллар нима ?  
 А. попутсия аъзоларининг миқдорини ўзгартиради, ўзгаришни тезлаштиради, оптимал ҳолатдан четлаштиради.  
 Б. ҳамма абиотик омиллар В. Биотик омиллар Г. физик омиллар  
 10. Ёпиқ популяция нима? А. фақат бир-бири билан жуфтлаша оладиган индивидлар  
 Б. бир-бири билан жуфтлаша олмайдиган индивидлар грухи  
 В. доимо хар хил жуфтлаша оладиган индивидлар грухи  
 Г. Хеч қачон бир-бири билан жуфтлаша олмайдиган индивидлар грухи

**3 - АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ. БИОЦЕНОЗЛАР (ЖАМОАЛАР) ХАҚИДА  
 ТУШУНЧА. ОРГАНИЗМЛАР ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТ ТИПЛАРИ,  
 ТУРЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР. ЭКОТИЗИМЛАРНИНГ ХИЛМА –  
 ХИЛЛИГИ ВА УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ  
 Амалий машғулот технологик картаси**

| Фаолият мазмуни.                 |                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                                      |
|----------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------|
| Технологик босқичлар             | Ассистент                                                                                                                                                                                                                                                    | Талаба                                                                               |
| 1. Ўқув жараёнига кириш (10 мин) | <p>Машгулот мавзусини эълон килади, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таништиради.</p> <p>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўқув натижалари ва баҳолаш критериялари билан таништириш.</p> | <p>Машгулот режаси билан таништирадилар ва зарурӣ ахборотларни қайд этиб боради.</p> |
| 2. Асосий босқич (60мин)         | <p>2.1.Куйидаги диққатни жалб қилувчи са волларга жавоб беришни таклиф қилади.</p> <p>1. Биоценозлар деб нимага айтилади?</p> <p>2. Биоценоз таъминотини фанга ким киритган?</p> <p>3. Фитоценоз деб нимага айтилади?</p> <p>4. Биоценозларнинг тузилиши</p> | <p>Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва жавобларни тахлил қиласди.</p>       |

|                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                              | <p>қандай?</p> <p>5. Биоценозларнинг тур таркибини гапириб беринг?</p> <p>6. Биоценознинг экологик тузилиши қайдай?</p> <p>7. График боғланиш деб нимага айтилади?</p> <p>8. Топик боғланиш деб нимага айтилади?</p> <p>Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир нечта жавобларни тинглайди)</p> <p>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурухларга бўлади. Хар бир гурухда биттадан савол бўйича варақаларини тарқатиб беради.</p> <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласди. Ўқитувчи маслаҳатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар киритади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4. Тақдимот нихоясида хулосалар қилиб, хар бир гурух иштирокчилари дикқатини мавзунинг асосий саволларини ёритишга қаратади.</p> | <p>5 кишидан иборат<br/>3 гурӯхга бўлинади</p> <p>Гурух аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p>Машғулотларни системалаштиради, ўзаро фикр алмашади.<br/>Гурух сардорлари ўз гурухи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қиласди ва гурух жавобларни асослаб беради.</p> |
| 3. Якуний босқич<br>(10 мин) | <p>Мавзу бўйича умумий хулосалар қиласди. Натижаларни аниқлайди. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида кўрсатмалар беради.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            | <p>Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                        |

### БИОЦЕНОЗЛАР (ЖАМОАЛАР) ҲАҚИДА ТУШУНЧА.

Жамоа — экосистемасининг тирик ажралмас қисми бўлиб, маълум бир худудни эгаллаган, бир-бирига ўзаро таъсир қўрсатувчи популяциялар йиғиндиси ҳисобланади. Масалан, эманлар жамоаси ёки шувоқлар жамоаси деганда ана шу худудларда яшовчи барча ўсимликлар ва ҳайвонларни ўз ичига оловчи тирик организмлар жамоасини эътиборга олиб, уларда эманлар ва шувоқлар устунлик қиласди. Шу сабабли бу жамоаларни эманлар ёки шувоқлар жамоаси деб юритилади. Баъзи бир жамоаларни аниқлаш қийинлик туғдиради, чунки бу жамоага кимвчи бир-бирлари билан ўзаро муносабатда бўлган компонентлар ўз чегарасидан ташқарига чиқиб кетган бўлиши мумкин. Жамоа бу динамик

ҳаракатда бўлган бирлик бўлиб, унда ҳар хил тропик даражада бўлган организмлар ҳаёт кечиради, жамоа орқали энергиялар оқими ҳамда озуқа моддаларнинг узлуксиз алмашинуви бўлиб туради. Жамоанинг тизими маълум вақт ичida аста-секинлик билан шаклланади. Бунга мисол қилиб, вулқонлар таъсирида ҳосил бўлган ялонғоч тоғ жинсларида аста-секинлик билан жамоанинг ҳосил бўлиш жараёнини модел қилиб олиш мумкин. Бундай жинсларда тупроқ ҳали ҳосил бўлмаганлиги сабабли уларда дарахтсимон ўсимликлар ўса олмайди. Бироқ, ҳар хил йўллар билан бу ерларга келиб қолган сув ўтлари ва лишайниклар ўсиб жойлашиб оладилар ва жамоанинг дастлабки тизимини шакллантирадиган Секин-аста ҳалок бўлган ва парчаланган сув ўтлари ва лишайникларнинг қолдиқлари бу ерларда тупроқ қатламишининг ҳосил бўлишига олиб келади, натижада, бундай жойларда моҳсимонлар ва папоротникларнинг ўсиши ва ривожланиши учун имконият вужудга келади. Пировардида улардан сўнг юқори тараққий этган уруғли ўсимликланинг ўтсимон, бўтасимон ва ҳаттоқи дарахтсимон вакиллари пайдо бўла бошлайди. Ана шу юқорида айтилган схемалардагидек маълум давр ичida бир турларнинг иккинчи бир турлар билан алмашиниши экологик сукссессия дейилади. Шундай жамоаларнинг ҳайвонлар дунёсида ҳам бир турнинг иккинчи тур билан алмашиниб туриши кузатилади. Бундай алмашиниб туришга турларнинг алмашиниши ёки қўшни жамоалардан турларнинг ми грацияси (кириб келиши) сабаб бўлади.

### **БИОЦЕНОЗ ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ.**

Табиятда ҳар хил турлар популяциялари бирлашиб, юқори тузилиш ва хусусиятларга эга бўлган биологик бирликлар ёки биоценозларни ҳосил қиласди. Биоценозлар-бу ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар популяциялари гуруҳидан иборат бўлиб, маълум жойда бирликда яшашга мослашган биологик бирликдир. «Биоценоз» атамасини 1877-йили немис зоолог олим Миёбиус фанга киритган. Миёбиус биоценозни қуидагича таърифлайди, яъни:

- 1.Биоценозга маълум жойда учрайдиган микро ва макроскопик формалар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳамма массаси киради;
- 2.Биоценозни ҳосил қилувчи турлар бир-бирлари билан боғланган ва бир-бирларига қарамдир;
- 3.Биоценоз ташқи муҳит омиллари таъсири остида бўлади;
- 4.Биоценоз вақт бўйича доим турғун ва бир хил ҳолатда бўладиган гурухлардан иборат бўлади;
- 5.Биоценозни ҳосил қилувчи вакиллар ўз жойларида, биоценоз ичida кўпайиш хусусиятларига эгадир.

Хозирги вақтда Миёбиус кўрсатиб ўтган биоценознинг шу белгилари ўзининг табиий хусусиятларини сақлаб қолган.

Куруқликдаги биоценоз бир хил яшаш жойи, муҳити ҳудудини эгалласа, сув муҳитидаги биоценозлар сув ҳавзаларининг қисмлари бўйича бўлинади, ҳар қандай биоценоз ва биотоп (биологик организмлар яшайдиган жой) билан диалектик бирлик, юқори даражада тузилган биогеоценозни ҳосил қиласди.

Биогеотценоз турли катта-кичик экосистемаларда бўлади ва қўп хил мураккаблиги билан фарқланади. Масалан, ўрмон, тундра, дашт, чўл биогеоценозлари бир-биридан кескин фарқланади.

Биоценоз ўз навбатида қуидаги компонентларга бўлинади: фитоценоз — ўсимликлар, зооценоз — ҳайвонлар, микроценоз — микроорганизмлар гурухлари.

Биоценоз ва унинг компонентларини бир-биридан ажратиб бўлмайди, уларни ҳар хил тур ҳамда даражадаги бир биологик уюшма деб қараш керак. Биоценозда экологик ниша тушунчаси Турнинг умумий биологик система ичидағи биотик муносабатлар ва унинг абиотик омилларга бўлган талаби, турнинг экологик даражаси, яшаш учун озуқа жойи-нишаси деб айтилади. Экологик жой-ниша тушунчаси анча кенг, яъни макондаги ниша ёки макондаги маълум жой ниша; трофик ниша; қўп гомерли ёки гипер ҳажмли ниша кабилар тушунилади. Биоценоз ичида учрайдиган у ёки бу тур ўртасидаги қўп биотик муносабатлар — озуқа ва янги яшаш жойни эгаллаш уларнинг биоценоз ичидағи ҳаётий ўрнини аниклайди. Профессор В.Н.Беклемишев тадқиқотлари бўйича биоценозда турлараро бевосита ва билвосита муносабатлар қуидаги 4 турга бўлинади, яъни: трофик, топик, форик ва фабрик муносабатлар. Улар қуидагича таърифланади:

1) Трофик алоқалар, муносабатлар биоценоздаги бир турнинг иккинчи тур билан, унинг тирик вакиллари ёки ўлик қолдиқлари, маҳсулотлари билан озиқланиши жараёнидан келиб чиқади. Масалан, ниначиларнинг ҳашаротлар билан озиқланиши, кўнғизларнинг молок гўнг арилар чангиги, йўлбарслар турли ўлжалар, уларнинг қолдиқлари билан озиқланиши мисол бўлади. Биоценозда турлараро муносабатлар тарифи.

2) Топик алоқалар, муносабатлар, бир тур ҳаёт-фаолияти натижасида иккинчи турнинг яшаш мұхити, физикавий ва кимёвий шароити ўзгаради, яъни бир тур иккинчи тур учун яшаш мұхитини яратади. Масалан, тирик организмлар ичида учрайдиган ички паразитлар яшаси учун от, сигир, одам танаси мұхит хисобланади.

3) Форик муносабатларда биоценоздаги бир тур иккинчи турнинг тарқалишига ёрдам беради. Бу ҳолатда ташувчи вазифасини кўпчилик ҳайвонлар ўтайди (зоохория); ҳайвонлар жуни, танасига ўсимлик уруғлари илиниб, ёпишиб бир жойдан иккинчи жойга тушади.

4) Фабрик муносабатларда биоценоз ичидағи бир тур ўзининг яшаш жойи учун иккинчи тур қолдиғи, ўлик ёки тирик қисмларидан фойдаланади. Масалан, қушлар уя қуриш учун ўсимлик барги, пояси, буталар шохи, бошқа қушлар патлари, ҳайвонлар жунлари, пахта ва латталардан ҳам фойдаланади. Дарёлардаги тошлар устида учрайдиган қуртлар лойқа, ўсимликлар шохи, пояси, баргидан фойдаланади.

Биоценоз ичидағи ҳар бир аниқ тур ўзи учун қулай физикавий мұхитда яхши ўсади, кўпаяди ва ривожланади. Тур тарқалишида физиологик ва синекологик оптимумлар ғарқланади.

Физиологик оптимум — бу биоценоз ичидаги турнинг ўсиш, кўпайиш ва ривожланиши учун ҳамма абиотик омилларнинг қулай бўлишидир.

Синекологик оптимум — бу биоценоз ичидаги биотик алоқалар бўлиб, шу ердаги тур бошқа турлар таъсири (рақобати, йиртқичлар, паразитлар)дан ҳоли шароит турнинг яхши ривожланишига имкон беради. Жумладан, дон экинларининг кушандаси гессен пашласининг кўпайиб кетишига, унинг ашаддий душмани паразит пардақанотли ҳашаротнинг кам бўлишидир.

4.Биоценоз вақт бўйича доим турғун ва бир хил ҳолатда бўладиган гурухлардан иборат бўлади;

5.Биоценозни ҳосил қилувчи вакиллар ўз жойларида, биоценоз ичидаги кўпайиш хусусиятларига эгадир.

Ҳозирги вақтда Миёбиус қўрсатиб ўтган биоценознинг шу белгилари ўзининг табиий хусусиятларини сақлаб қолган.

**Биотик омиллар хакида умумий характиристика.** Биотик омиллар-барча тирик организмларнинг яшаш жараёнида бир-бирига маълум муносабатда булиши ва таъсир курсатишидир. Биотик омиллар хар ҳил қуринишда ва характерда яшаш жойларида бир-бирига таъсир этади. Масалан, барча фитофаг хайвонлар ўсимликлар билан овқатланиб, уларнинг махсулдорлиги, сони, тарқалиши улар овқатланаётган ўсимликларга боғлиқ. У ўз навбатида фитофаглар ўсимликларни ривожига, ҳосилдорлигига таъсир этади.

Гулловчи ўсимликлар учун чанглатувчи хайвонлар-ҳашаротлар мухим биотик омилдир. Хайвонлар ўсимликларни таркалишдаги роли каттадир. Йиртқич хайвонларни ўз қурбонларини (бир-бирларини) сонини бошқаришдаги ахамияти катта. Текинхур ва уларни хўжайнлари билан яшаш (екто-ендопаразитлар). Баъзи хайвонлар механик таъсир этиб, ўсимликларни янчиб ташлаб, уларни камайишига сабаб булади.

Баъзи тирик организмлар ўзларидан хар хил кимёвий моддалар, фитонцидлар чикириб, бошқасига таъсир этади (баъзи дарахтларни шохига күш кўнмаслиги, пиёз-чеснокдаги фитонцидлари микроорганизмларни ўлдириши, баъзи микроорганизмларни антибиотик чиқариши).

Биотик омилларни бир-бирига таъсири бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Масалан, тупрокдаги микроорганизмлар тупрок структурасига таъсир этиб, ундан ўсимликни ўсишига таъсир кўрсатади.

### **Биотик муносабатларнинг типлари.**

Биоценозда хар хил турлар ўртасида маълум бир боғланиш вужудта келади. Айниқса, уларнинг овқатланиши туфайли боғланиш юзага келади. Овқатланишдан ташкари маконда турларни боғловчи хар хил биотик комплекс турларни бирлаштиради. Турлар ўртасида қуйидаги биотик муносабатлар мавжуд:

**Конкуренция** - бу бир хил шароитда яшовчи организмлар орасидаги яшаш учун кураш. Табиатда одатда экологик жихатдан 2 та бир хил тур,. айниқса бир хил овкат талаб қилувчилар келишиб, яшай олмайди. Г.Ф.Гаузе

тажрибасида, 2 та инфузория тури бир хил овқат мухитида қўйилганда, маълум вакт ўтгач факат битта тури тирик қолади. Бир хил жойда ўсган хар хил тур ўсимликларда хам шундай бўлади (йирткич хайвонларда хам шундай).

**Йирткичлик.** Буларга тирик хайвонлар билан озиқланувчилар-киради. Одатда йирткич ўз ўлжасини олдин ўлдиради, кейин ейди. Йирткичда ва унинг қурбонида маълум бир химоя мосламалар пайдо булган. Масалан, қурбонида тиканаклар, совут-коса (тошбақа), химоя ранглар, захарли безлар, тез чопиб қутулиш, тупроқни ичига кириб кетиш, чуқур ин қазиш (йирткичлар кира олмайдиган), хавф яқинлашганда ўзларидан хар хил сигнал чиқариш ва хоказолар. Сичқон-мушук.

Йирткичларда эса кучли мускуллар, тишлар, тез чопишига, пойлашга мослашишлар пайдо бўлган. Табиатда йирткич ва унинг қурбонининг сони маълум бир микдорда сақланиши керак. Якин вактларга қадар хамма йирткичлар зарар, уларни юқ қилиш керак деган фикр юратади. Маълум бўлишича улар касалманд, нимжон хайвонларни еб, улар ўртасида касаллик тарқалишни олдини олади. Йирткичлик табиий танлашда популяция таркибини яхшилашда мухим рол ўйнайди.

**Паразитизм (текинхурлик).** Бунда организмларнинг бири текинхур бўлиб, иккинчиси (хужайнин)нинг туқималари ёки хазм қилган овқати билан тўйинади. Текинхурлик хужайниннинг ташқариси ва ичкарисида бўлиши мумкин. Текинхурлик кўпинча тубан ўсимликларда ва майда хайвонларда кенг тарқалган: вирус, бактерия, замбуруғ, содда хайвонлар, чувалчанглар, бўғимоёклилар. Текинхурлик туфайли улар хужайнин танасини кучизлантириб қўяди, нобуд бўлишга олиб келиш мумкин.

**Коменсализм** - хар хил турдаги хайвонлар бирга яшаб, уларнинг биттаси (компенсал) доимо ёки вактинча бошқаси хисобига яшайди, лекин унга зарар етказмайди. Токларда черветс шира билан чумоли. Кўп кушлар туёкли хайвонлар ахлатидаги хазм бўлмаган донни еб овкатланади.

**Синойкия** - хар хил тур организмларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқ равища симбиотик, яъни ўзаро келишиб ва мослашиб хаёт кечириш холати. Бир-бирига фойдали, иккинчисига ахамиятсиз. Масалан: крилипала балифи - акулани танасига, баъзи ковак ичаклилар моллюскалар чиғаноғида яшайди. Баъзи турлар бошқа хайвон танасида ўтириб, бошқа жойларга таркалади. Масалан, ун каналари сичқон, каламушлар танасида ўтириб, кенг тарқалади.

**Симбиоз** икки турни бир жойда яшаши, бунда иккаласи хам манфаатдор булади. Масалан, дуккакли ўсимликларнинг туганак бактериялар билан бирга яшаши. Чумоли билан шира. Чумоли уларни душманлардан химоя килади, ўзи чиқарган шира билан овқатланади.

**Зоохория** - баъзи хайвонлар ўсимликларни уруғларини териларига (юнг) ёки еб (хазм қилмайди) уларни уруғини тарқатади.

**Феромонлар** - актив модда чиқариб, урғочиси еркагини жалб қиласи.

**Мутуализм** турли систематик гурухларга мансуб ўсимлик ва хайвонларнинг бир-бириг фойда бериши мумкин бўлган икки индивиднинг ўзаро қўшилиб яшаши. Масалан: симбиознинг бир кўриниши.  
**Коннибализм** - бир организмни иккинчиси томонидан еб қўйилиши.

## ТУРЛАРАРО РАҶОБАТЛИЛИК

Популяциялар ва уларнинг индивидлари орасида озуқа (овқат), ёруғлик, иссиқлик, майдон ёки ётоқ жойлари учун доимо кураш бўлиб туради. У ёки бу жойда яшайдиган иккита тур бир хил трофик (озуқа) даражада бўлса (бир хил овқатланса), улар орасидаги озиқланиш учун кураш (конкуренция) кучли бўлади, натижада, бир тур иккинчи турни аста-секин сиқиб чиқариши мумкин. Масалан, ўзимизда экилган бедазорларда бир неча йил бегона ўтларга қарши курашилмаса, секин-аста бегона ўтлар бедани сиқиб чиқаради, унинг ўсишига тўсқинлик қилади. Ёки экилган ғўза бегона ўтлардан тозаланмаса, улар орасида намлик, озуқа учун кураш бўлиб, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини кескин камайтириб юборади. Гаузенинг 1934-йилда инфузориялар билан олиб боғланган тажрибаларга мурожаат қилсак, яъни иккита инфузория тури бир хил шароитда парвариш қилинганда бир тури (Парамесиум ауретиа) раҷобатбардош бўлиб, иккинчи турдан (Парамесиум Саудадум) аста-секин устун кела бошлаган ва охирги турнинг сони камайиб 20 қундан кейин мутлақо йўқолиб кетган.

Гаузе асослаган бу принцип, яъни конкурент (раҷобатлик) йўқолиш принципи кейинчалик ҳайвонларда ўтказилган бошқа хил тажрибаларда ҳам ўз исботини топди.

## Паразитлар, патогенлар ва бошқа тушунчалар

Паразитлар бир қанча турлардан озиқ моддаларни оладиган, одатда заарга сабаб бўладиган лекин ўлимга сабаб бўлмайдиган организм. Бу паразитларни ўзининг ҳаёти давомида кўп қурбонларни истеъмол қиладиган ва уларни ўлдирадиган йиртқичлардан ва турли хил ўлжаларда кам иштирок этадиган ўтхўрлардан фарқлайди. Аниқ заарли ҳисобланган симптомларни ошишига паразит инфекцияси таъсир кўрсатса, турнинг касалланиши кузатилади.

Патаген касалликни ривожлантирадиган барча паразитлар учун муҳим бўлган термин. Ўсимлик паталогияси ва ҳайвон паталогияси мутахасислари томонидан ишлатиладиган тил одатда турли хил ҳисобланади. Лекин экология мутахасислари учун бу фарқлар ўхашликлардан кўра кам таъсир қиладиган ҳисобланади. Микропаразитлар ва макропаразитлар ўртасидаги фарқни айтиб ўтиш фойдалиdir. Микропаразитлар кичик, ички хужайраларда жойлашадиган ҳисобланади ва улар ўзининг шиддатли даражада кўп тарқалган турлари ичида тўғридан-тўғри кўпаядиган паразитларdir. Шунинг учун тўдаларда микропаразитлар сонини санашнинг одатда имкони йўқ; экология мутахасислар одатда популяциядаги инфекция юқтирилган турларнинг сонини ўрганиш билан шуғулланадилар. Бунга мисол қилиб, бактерия ва вируслар, ҳайвонларга юқтириладиган пратазоа (безгакка сабаб бўладиган турлар) ва бир қанча ўсимликларга таъсир кўрсатадиган оддий замбуруғлар.

Макропаразитлар ўсади, лекин тур ичида қўпаймайди. Улар янги турларга юқтириш учун чиқариладиган инфекция босқичини ишлаб чиқаради. Ҳайвонларнинг макропаразитлари қўпинча тана устида ёки тана ичидаги катақчаларда яшайди. Ўсимликларда улар ички ҳужайра катақчаларида жойлашади. Тур ичида ёки устида макропаразитларни санаш ёки ҳисоблаб чиқишнинг имкони бор. Шунинг учун экология мутахасислари паразитлар сони каби юқтирилган турлар сонини ҳам ўрганишади.

Микро ва макропаразитлар ўртасидаги фарқни диоганал чизиқقا қўйилса, паразитлар ҳам бир турдан иккинчи турган тўғридан-тўғри қўчириладиган турларга бўлинади.

Жамоа (биоценоз) компонентлари ўртасида ўзаро муносабатлар турли хил шаклда бўлади. Ана шундай муносабатларнинг бир неча хиллари бўлиб улар куйидагилардан иборат:

1. Нейтралиим — (0:0) бунда икки популяциядаги ассоциацияларда ўзаро таъсири сезилмайди, икки популяция индивидлари ҳам деярлик бир хилдай яшайди. Масалан, шерлар ўтлар билан озиқланмасалар ҳам, саванналардаги яйловларнинг ҳолати улар учун бефарқ эмас. Чунки, уларнинг овқати бўлмиш антилопалар ҳосилдор яйловларда кўп бўлади.

2. Конкуренция (рақобатлилик) бунда икки популяциялар бир- бирларига тўсқинлик қиласидилар. Яъни бир популяция иккинчи популяция билан дефицит (етишмайдиган) ресурсларни ўзлаштиришда курашадилар. (Бу масала популяциялар мавзусида батафсил ёритилган).

Аменсализм (-.0) — бунда бир популяция ўзига зарар келтирмасдан иккинчи популяциянинг яшашига тўсқинлик қиласиди ёки уни ўсишга қўймайди. Аменсализмга типик мисол қилиб антибиотик замбуруғлар — актиномицетлар ёки ўсимлик фитонцидларининг паразит микроорганизмларга кўрсатган таъсирини олиш мумкин. Аменсализм ҳодисасини сувнинг гуллашида ҳам кўриш мумкин, яъни кўпайиб чириётган кўк-яшил сувўтлардан ажralиб чиқсан токсинлар (захарли моддалар) кўпчилик зоо- планктонларнинг ўлимига сабаб бўлади ёки уларни сиқиб чиқаради.

3. Паразитизм ва йиритқичлик (+,-) — бунда бир популяция иккинчи популяцияга ҳужум қилиб унинг яшашишга зарар келтиради, бироқ ўзининг келгусидаги ҳаёти ҳам ўлжасига бевосита боғлиқдир. Агар жамоадаги бир популяция йиртқич (бирламчи консумент) — одатда, ҳай вонлар ўлжаси ёки «хўжайини» — бирламчи продуцент (ўсимлик) бўлса улар ўсимликхўрлар дейилади. Агар бир популяция иккинчи популяция учун заарли бўлган моддаларни ишлаб чиқса, бунда аллелопатия ёки антибиоз микроорганизмлар дейилади.

Биз ҳаммамиз йиртқич ва паразитларга нисбатан ғаразгўйлигимиз кучли, бироқ одамларнинг ўzlари ҳам типик йиртқичлар ҳисобланади.

Улар табиий эпидемияларга қўпинча ўzlари сабаб бўладилар. Тўғри йиртқичлар ва паразитлар ўсимликлар билан озиқланиб, аллелопатияда эса бир популяция индивидлари иккинчи бир популяция индивидларига салбий таъсири этиб, уларни ҳалок қиласидилар ёки зарар келтирадилар, популяцияларнинг

ўсишини сусайтирадилар, уларнинг миқдорини камайтирадилар ва ҳоказо. Лекин йиртқичларсиз, паразитларсиз ва аллелопотиясиз популяциялар яшай оладими йўкми, буни чукур таҳлил қилиб ўрганилганда шу нарса аниқ равшан бўлдики, бу хилдаги организмлар популяциялар зичлигини нормал таъминлаш имкониятини яратадилар.

### **Экология эпидемиологиясининг зарурияти**

Паразитлар тўғридан-тўғри фикрлаганда, организмларнинг энг муҳим тури ҳисобланади. Ҳар йили инфекциянинг турли ҳилларидан миллионлаб одамлар ўлади ва кўпчиликлари заифлашади ёки мажруҳ бўлиб қолади. Қачонки уй ҳайвонлари ва донларга паразитларни таъсири бунга қўшилса, инсоният камбағаллиги терминидаги баҳо ва иқтисодий талофат ҳисобсиз даражада бўлади. Паразитлар ракамли ҳолда муҳим ҳисобланади. Турлар сонининг бир қанча паразитик яккаликларга бошпана бермайдиган еркин яшовчи организмлар камнамодир. Шундай қилиб, экологик эпидемиология тажриба нуқтаи назаридан келиб чиқсанда ҳисобланади. Экологияда бир қатор жавобсиз қолган ва ҳозирга қадар мурожаат қилинадиган саволлар кўп: масалан, қайси даражагача ҳайвонлар ва ўсимликлар популяцияси ёки жамият умумий олганда, паразитизм ва касаллик томонидан зааррланади? Экология мутахасислари озиқ-овқат ресурслари мусобақачилар, йиртқичларнинг муҳим турлари бўйича анчадан бери жалб қилинганлар; яқиндан бошлаб паразитлар ва патагенлар юқоридагилар қатори эътиборни жалб этиб келяпти.

4. Комменсалистик (+,0) — бунда бир популяция иккинчи популяция билан бирлашганда фойда кўради, бу бирлашиш иккинчи популяция учун эса ахамиятсиз ёки унинг учун бефарқ бўлади. Бу бирлашиш симбиознинг шундай бир шаклини, бундаги партнёрларнинг биттаси иккинчисига (хўжайнинг) ташки муҳитга бўлган муносабатларини бажаришни юклайди, ўзи эса ташки муҳит билан тўғридан-тўғри боғланмайди. Улар орасида антоганизм ҳам бўлмайди. Умумий майдон, субстрат, озуқа, харакатланиш-комменциал муносабатларнинг асосини ташкил этади. Хўжайнинг тузилиши ва ҳаёт кечириш ҳолатларидан комменсал ўзи учун кўпинча бир томонлама фойда кўради. Унинг ўзи «хўжайн» учун кўпинча бефарқ, ахамияти йўқдай туюлади. Паразитлик ёки симбиознинг бошқа шаклларига қараганда комменсализм камрок учраб туради. Масалан, дарахтларда ин куриб яшовчи қушлар, акулаларда ёпишиб яшовчи лотсман балиқлари, ахлатлар билан озиқланадиган синантроп юронқозиқ популяциялари ва қушлар ҳам комменсализмга мисол бўла олади.

Комменсализм кўпинча океанлардаги организмларда кўпроқ учраб туради. Буни океанлардаги ҳар бир курт уясида, ҳар бир икки чанокли молюскалар чаноғида, булутлиларнинг танасида доимо чақирилмаган меҳмонлар, организмлар яшаб ҳаёт кечирадилар. Лекин улар ўзлари хўжайнларига зарар келтирмайдилар.

5. Протокооперация — бунда икки популяция ҳам бирлашган ассоциациадан фақат фойда кўрадилар, бироқ бундай муносабатлар улар учун шарт эмас.

6. Кооперация — икки организм бир-бирлари билан кооперация ҳосил қиласидилар. Бимдай кооперация икки организм учун ҳам устунликларга эга.

Масалан, краблар билан ковакичлилар бунга мисол бўла олади. Ковакичлилар крабларнинг орқасига ёпишиб олиб (баъзан уларни крабларнинг ўзлари ўтқазиб оладилар) уларни душманлардан ҳимоя қиласидилар. Ковакичлилар эса ўз навбатида краблардан транспорт вазифасида фойдаланадилар ҳамда улардан қолган овқат қолдиқлари билан овқатланадилар.

7. Мутуализм (+,+). Бирлашган икки популяция ҳам фақат фойда кўради, бу бирлашиш улар учун фойдалидир, бундай бирлашган организмлар табиий шароитда бири иккинчисиз ҳаёт кечира оимайди. Масалан, термитлар ва уларнинг ичакларида яшовчи хивчинлилар бунга яққол мисолдир. Бунда хивчинлилар термитлар қабул қилган клетчаткани ҳазм қилишга ёрдам берадилар, чунки термитлар клетчаткани мустақил ўзлаштира олмайдилар. Хивчинлилар ҳам термитларсиз яшай олмайдилар. Чунки, улар учун яшаш шароити термитлар ичакларидир. Худди шундай ҳолатни лишайниклар мисолида ҳам кўриш мумкин.

8. Турлар ўртасидаги муносабатларнинг икки ва ундан кўп тур учун қулайлик туғдирадиган хилини ўзаро ёрдам дейилади. Масалан, ҳашаротлар ёрдамида чангланадиган ўсимликлар, чангни бир ўсимликдан иккинчи ўсимликка олиб ўтадиган ва шу билан ўсимликларнинг четдан чангланишини таъминлайдиган ҳашаротларга муҳтождир. Бошқа ҳолларда турлар орасидаги ўзаро муносабатлар бир-бирига қарама-қарши тарзда бўлиши мумкин.

Йиртқичликда бир тур ҳайвонлар бошқа тур ҳайвонларни ейди. Иккала тур ташқи муҳитнинг бир хил шароитидан фойдаланса-ю, ўша шарт-шароит миқдори чегараланган бўлса, бунда бу шароитда яшайдиган турлар ўзаро рақобат тарзида муносабатда бўлади. Масалан, ўсимликлар ёруғлик, тупроқдаги сув ва менирал моддалар учун рақобатда бўлади. Шох-шаббаси яхши ривожланган ўсимликлар ёруғлик нурини кўпроқ олади, сув ва минерал моддалардан яхши фойдаланади ҳамда тез ўсади ва ривожланади, натижада, ёруғлик ва бошқа минерал моддалардан камроқ фойдаланган турларни ўзининг шох-шаббаси остида қолдириб, уларнинг ўсиши ва ривожланишига тўскинлик қиласиди.

Бир хил ўлжа билан овқатланадиган йиртқич ҳайвонларнинг хар хил турлари ўртасида ҳам ана шундай рақобат қиласидиган ўзаро муносабатлар мавжуд. Микроорганизмлардаги антибиоз қарама-қарши муносабатларнинг ўзига хос шаклидир, чунончи, пеницилл замбуруғи органик озиқ моддалар учун ўзи билан рақобат қиласидиган талайгина бактерияларнинг ўсиши ва кўпайишини тўхтатиб қўяди.

### **Сериал ва Климакс жамоалар. Моно ва поликлимакс назариялар**

Шаклланган нисбатан доминант тизимили, ўз-ўзини оқлай оладиган ва ташқи муҳит билан тенгликда бўлувчи жамоани климакс жамоа дейилади.

Климакс жамоаларда кўпинча битта доминант ёки бир нечта кодоминант турлар бўлади. Доминантлик кўпинча субъектив тушунча бўлиб, одатда, кўп биомасса ва ҳосил бўлувчи турларни доминантлар дейилади. Климакс жамоаларга Ўзбекистоннинг гил тупроқли чўл минтақасидаги шувоқ барра ўтли яйловларни мисол қилиб олиш мумкин. Бу жамоада шувоқ индивидлар сони лиамда биомасса

ҳосил қилиши бўйича бошқа (яントоқ, читир, қўнғирбош, қорабош ва ҳоказолар) ўсимликларга нисбатан устун туради. Дсмак, у доминант тур ҳисобланади.

Сукессия назариясини биринчи бўлиб асослаб бсрган киши Клементсдир (1916). У Шимолий Америка ҳудудидаги жамоларни ўрганиб климакс жамоалар таркибининг ўзгаришига асосий сабаб иқлим эканлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг тасавурича маълум бир иқлим шароитида фақатгина битта климакс жамоа шаклланиши мумкин. Буни моноклиматик концепция дейилади.

Ҳозирги кунда эса поликлиматик концепцияси қўпроқ ишлатилмоқда. Бу назарияга кўра климакс жамоалари биргина иқлим омиллари асосида эмас, балки бир қанча физик омиллар (дренажлар, тупроқ, топография, ёнғинлар) таъсирида ҳам шаклланиши мумкин.

Поликлиматик концепциясининг ҳақиқатга нақадар яқин эканлиги Марказий Осиёнинг чўл зонасида шаклланган климакс жамоаларидан кўриниб турибди. Маълумки, бу минтақанинг иқлими деярли бир хил кескин континентал ҳисобланади. Қиши совуқ, ёзи эса иссиқ келади. Ёнғарчиллик миқдори ҳам чегараланган бўлиб, унинг ўртacha йиллик миқдори 80—120 мм ни ташкил этади.

Ёнғинлар ҳам асосан кеч кузда ва қишида ҳамда баҳор ойларида ёғади. Июндан октабр ойигача олти ой мобайнида ёнғарчиллик кузатилмайди. Бироқ бу минтақанинг тупроқ шароити турли хилда бўлиб, гил тупроқли, қум тупроқли, гипс тупроқли ва шўр тупроқли ҳудудларга бўлинади. Ана шундай тупроқ шароитлари чўл минтақада бир- биридан ўсимлик ва ҳайвон турлари жиҳатидан фарқ қиласидиган климакс жамоаларнинг шаклланишига олиб келган. Чуноучи, гил тупроқли чўлларда асосан чала бута ва кўп йиллик ўт ўсимликлар ҳамда эфемер ва эфеме- роидлардан ташкил топган юқорида баён этилган шувоқ барра ўтли климакс жамоалари шаклланган бўлса, қумли чўлларда бута, чала бута кўп йиллик ўт, эфемер ва эфемероидлардан ташкил топган саксовул, шувоқ барра ўтли климакс жамоалар ҳосил қиласидиган. Бу жамоаларда доминант оқ саксовул бўлиб, субдоминантларга шувоқ ёки сингренлар киради. Худди шундай тур ва биомассаси жиҳатидан бир-биридан фарқ қиласидиган климакс жамоалари гипсли тупроқли ва шўр тупроқли ҳудудларда ҳам шаклланган.

Узоқ муддат давомида яшаб турадиган жамоаларга чин климакс жамоа дейилади, чунки уларда вақтли климакс жамоаларга қараганда ўзгаришлар нисбатан секинлик билан бўлиб туради.

Куруқлиқдаги типик климакс жамоаларга мисол қилиб, барглари тўқилувчи ўрмонларни, дашт, чўл ва тоғ зонаси ўсимликларни мисол қилиб олиш мумкин. Бу ўрмонлар турларга жуда бой бўлишади. Масалан, Оксфорд (Англия) ўрмонларида 4 мингга яқин ҳайвон турлари учрайди. Шундай кўп ҳайвон турларининг учрашишига асосий сабаб кўп миқдорда микроиқлим шароитининг мавжудлигидир. Ўрмон зонасининг муҳим хусусиятларидан бири бу ўсимликларнинг яруслар бўйлаб кўп учрашидир. Дастребки маҳсулотнинг кўп қисми биринчи ярудаги ўсимликлар тамонидан яратилади. Ерга яқин жойлашган ярудаги эса энг интенсив равишда органик моддаларнинг парчаланиши бўлиб туради. Ҳайвонлар эса ҳамма ярудаги бурчакларда учрайди.

Суксессиялар натижасида жамоалар маҳсулдорлигининг ошиб бориши тўғрисидаги дастлабки тушунчасини 1942-йилда Линдеман айтган эди. Кейинги кузатишлар шуни кўрсатадики, суксессиянинг охирги даврларида жамоалар маҳсулдорлиги чиндан ҳам орта боради. Бироқ климакс жамоага ўтгандан сўнг унинг умумий маҳсулдорлиги пасая боради. Шундай қилиб, кексайган ўрмонларда маҳсулдорлик ёш ўрмонларга қараганда анча паст бўлади, шунга ўхаш маҳсулдорликнинг пасайишини баъзи бир сув экосистемаларида ҳам кузатиш мумкин. Ўрмонлардаги маҳсулдорликнинг камайишини дараҳтларнинг эскирганлиги, қариганлиги билан тушунтириш мумкин. Шаклланган климакс жамоаларда биомассанинг тўпланиши суксессия даврларида қараганда қўпроқ бўлади. Оиганизмларанинг фаолияти натижасида ташки муҳит вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Бунга мисол қилиб қумликларда суксессияларнинг ҳосил бўлиш жараёнини олиш мумкин. Масалан, Шимолий Америкадаги Мичиган кўли атрофидаги суксессияларнинг шаклланиши яхши ўрганилган. Бу ерларда қумликтарнинг стабилланиши натижасида озиқ моддаларга талаби кўп бўлмаган дараҳт ўсимликларининг (терак, қарағай) ўсишига имкон туғилган. Ксийинчалик уларнинг фаолияти натижасида узоқ вақт давомида органик моддани ўзида тўпловчи тупроқ қатлами ҳосил бўла бошлаган ва азот тўпловчи бактериялар қўпайиб улар тупроқни азот бириқмалари билан бойитганлар ва натижада бу ерларда доминант турга айланган дуб доимий ўса бошлаган. Бу ерда суксессиянинг шаклланишида тупроқ омили асосий роль эгаллаган. Бироқ суксессиянинг тўла шаклланиб тамом бўлиши учун яна минг йиллар талаб этиладики, ана шу даврда тупроқ тўла шаклланади ҳамда шу шароитга мослашган ўсимликлар ксийинчалик доимий ўса бошлайди ва климакс жамоа ҳосил бўлади. Суксессиянинг кейинги даврларда жамоанинг шаклланишида биотик омилларнинг ўзаро таъсири кучайиб, муҳим аҳамият касб этади. Оиганизмларнинг турли-туманлиги ортади ва сўзсиз уларнинг бир- бирiga таъсири мураккаблашиб боради.

Тўлиқ суксессия баъзан серия деб аталади. Сериялар серия жамоа қаторларини ҳосил қиласидилар. Ўхаш яшаш шароитларида бир-бириарига яқин (ўхаш) суксессиялар бўлади. Ана шунга қараб суксессияларни яшаш шароитларига кўра классификациялаш мумкин. Чунончи, сув шароитида ривожланган суксессияларни гидросерия, шўрланган жойларда ривожланган суксессияларни галосерия дейилади.

### “Блиц усули”

| №  | Мавзулар саволи                          | Биламан | Билишни хоҳлайман | Билдим |
|----|------------------------------------------|---------|-------------------|--------|
| 1. | Биоценозлар деб нимага айтилади?         |         |                   |        |
| 2. | Биоценоз таъминотини фанга ким киритган? |         |                   |        |
| 3. | Фитоценоз деб нимага айтилади?           |         |                   |        |

|    |                                               |  |  |  |
|----|-----------------------------------------------|--|--|--|
| 4  | Биоценозларнинг тузилиши қандай?              |  |  |  |
| 5. | Биоценозларнинг тур таркибини гапириб беринг? |  |  |  |
| 6. | Биоценознинг экологик тузилиши қайдай?        |  |  |  |

### “Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлади.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

### Инсерт жадвали

| Тушунчалар | V | + | - | ? |
|------------|---|---|---|---|
| фанерофит  |   |   |   |   |
| хамефит    |   |   |   |   |
| террофит   |   |   |   |   |
| гидрофит   |   |   |   |   |

### Мавзуга оид вазиятли масалалар

#### Вазиятли масала

Эманлар жамоаси ёки шувоқлар жамоаси деганда ана шу худудларда яшовчи барча ўсимликлар ва ҳайвонларни ўз ичига олувчи тирик организмлар жамоасини эътиборга олиб, уларда эманлар ва шувоқлар устунлик қиласи. Шу сабабли бу жамоаларни эманлар ёки шувоқлар жамоаси деб юритилади.

Бу нимага мисол бўла олади?

#### Вазиятли масала

Биотик омиллар-барча тирик организмларнинг яшаш жараёнида бир-бирига маълум муносабатда бўлиши ва таъсир курсатишидир. Биотик омиллар хар хил кўринишда ва характерда яшаш жойларида бир-бирига таъсир этади.

Биотик омилларга мисол келтиринг.

#### Вазиятли масала

Конкуренция бу бир хил шароитда яшовчи организмлар орасидаги яшаш учун кураш. Табиатда одатда экологик жихатдан 2 та бир хил тур, айникса бир хил овқат талаб қилувчилар келишиб, яшай олмайди. Г.Ф.Гаузе тажрибасида, 2 та инфузория тури бир хил овқат мухитида куйилганда, маълум вакт ўтгач факат битта тури тирик қолади. Бир хил жойда ўсган хар хил тур ўсимликларда хам шундай булади.

**Йиртқич хайвонларда қандай бўлади?**

**Вазиятли масала**

..... буларга тирик хайвонлар билан озиқланувчилар киради. Одатда йиртқич ўз ўлжасини олдин ўлдиради, кейин ейди. .....да ва унинг қурбонида маълум бир химоя мосламалар пайдо бўлган. Масалан, қурбонида тиканаклар, совут-коса (тошбақа), химоя ранглар, захарли безлар, тез чопиб қутулиш, тупрокни ичига кириб кетиш, чуқур ин қазиш (.....лар кира олмайдиган), хавф яқинлашганда ўзларидан ҳар хил сигнал чикириш.

**Қандай хайвонларда шундай бўлади?**

**Вазиятли масала**

Редуцентлар – ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қилувчилар. Булар, асосан фотосинтезловчи мураккаб ва тубан яшил ўсимликлардир.

Вазиятни баҳоланг.

**Вазиятли масала**

Продуцентлар ёки истеъмол қилувчилар. Продуцентлар ҳосил қилган органик моддаларни истеъмол қиласи. Уларга ҳайвонлар, паразит ўсимлар ва микроорганизмлар киради.

Вазиятни баҳоланг.

**Вазиятли масала**

Консуметлар – органик моддаларни минераллаштирувчилар, аввалги ҳолатига қайтарувчилар. Уларга бактериялар, замбуруғлар, сапрофит ўсимликлар киради. Ифодали килиб айтганда хаёт эстафетасини яшил ўсимликлар бошлаб ҳайвонларга узатади, уни бактериялар маррага олиб боради, яна қайтадан яшил ўсимликларга узатади. Янги ҳалқа бошланиб бу эстафета тинмасдан давом этаверади.

Вазиятни баҳоланг.

**Вазиятли масала**

Патогенлар бир қанча турлардан озиқ моддаларни оладиган, одатда заарга сабаб бўладиган лекин ўлимга сабаб бўлмайдиган организм. Бу паразитларни ўзининг ҳаёти давомида кўп қурбонларни истеъмол қиласидиган ва уларни ўлдирадиган йиртқичлардан ва турли хил ўлжаларда кам иштирок этадиган ўтхўрлардан фарқлайди. Аниқ заарли ҳисобланган симптомларни ошишига паразит инфекцияси таъсир кўрсатса, турнинг касалланиши кузатилади.

Вазиятни баҳоланг.

**Вазиятли масала**

Паразит касалликни ривожлантирадиган барча паразитлар учун муҳим бўлган термин. Ўсимлик патологияси ва ҳайвон патологияси мутахасислари томонидан ишлатиладиган тил одатда турли хил ҳисобланади. Лекин экология мутахасислари учун бу фарқлар ўхашликлардан кўра кам таъсир қиласидиган ҳисобланади. Микропаразитлар ва макропаразитлар ўртасидаги фарқни айтиб ўтиш фойдалидир.

Вазиятни баҳоланг.

**Вазиятли масала**

Макропаразитлар кичик, ички ҳужайраларда жойлашадиган ҳисобланади ва улар ўзининг шиддатли даражада кўп тарқалган турлари ичида тўғридан-тўғри кўпаядиган паразитлардир. Шунинг учун тўдаларда микропаразитлар сонини санашнинг одатда имкони йўқ; экология мутахасислар одатда популяциядаги инфекция юқтирилган турларнинг сонини ўрганиш билан шуғулланадилар. Бунга мисол қилиб, бактерия ва вируслар, ҳайвонларга юқтириладиган пратазоа (безгакка сабаб бўладиган турлар) ва бир қанча ўсимликларга таъсир кўрсатадиган оддий замбуруғлар.

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Микропаразитлар ўсади, лекин тур ичида кўпаймайди. Улар янги турларга юқтириш учун чиқариладиган инфекция босқичини ишлаб чиқаради. Ҳайвонларнинг макропаразитлари кўпинча тана устида ёки тана ичидаги катакчаларда яшайди. Ўсимликларда улар ички ҳужайра катакчаларида жойлашади. Тур ичида ёки устида макропаразитларни санаш ёки ҳисоблаб чиқишининг имкони бор. Шунинг учун экология мутахасислари паразитлар сони каби юқтирилган турлар сонини ҳам ўрганишади.

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Конкуренция — (0:0) бунда икки популяциядаги асатсиатсияларда ўзаро таъсир сезилмайди, икки популяция индивидлари ҳам деярлик бир хилдай яшайди. Масалан, шерлар ўтлар билан озиқланмасалар ҳам, саванналардаги яйловларнинг ҳолати улар учун бефарқ эмас. Чунки, уларнинг овқати бўлмиш антилоплар ҳосилдор яйловларда кўп бўлади.

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Нейтрализм бунда икки популяциялар бир- бирларида тўсқинлик қиласидилар. Яъни бир популяция иккинчи популяция билан дефицит (етишмайдиган) ресурсларни ўзлаштиришда курашадилар. (Бу масала популяциялар мавзусида батафсил ёритилган).

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Паразитизм (-.0) — бунда бир популяция ўзига зарар келтирмасдан иккинчи популяциянинг яшашига тўсқинлик қиласи ёки уни ўсишга қўймайди. Паразитизм типик мисол қилиб антибиотик замбуруғлар — актиномицетлар ёки ўсимлик фитонцидларининг паразит микроорганизмларга кўрсатган таъсирини олиш мумкин. Паразитизм ҳодисасини сувнинг гулашида ҳам кўриш мумкин, яъни кўпайиб чириётган кўк-яшил сувўтлардан ажralиб чиқсан токсинлар (захарли моддалар) кўпчилик зоо- планктонларнинг ўлимига сабаб бўлади ёки уларни сиқиб чиқаради.

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Аменсализм ва йиртқичлик (+,-) — бунда бир популяция иккинчи популяцияга ҳужум қилиб унинг яшашишга заар қелтиради, бироқ ўзининг келгусидаги ҳаёти ҳам ўлжасига бевосита боғлиқдир. Агар жамоадаги бир популяция йиртқич (бирламчи консумент) — одатда, ҳайвонлар ўлжаси ёки «хўжайини» — бирламчи продуцент (ўсимлик) бўлса улар ўсимликхўрлар дейилади. Агар бир популяция иккинчи популяция учун заарли бўлган моддаларни ишлаб чиқса, бунда аллелопатия ёки антибиоз микроорганизмлар дейилади.

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Мутуализм (+,+). Бирлашган икки популяция ҳам фақат фойда кўради, бу бирлашиш улар учун фойдалидир, бундай бирлашган организмлар табиий шароитда бири иккинчисиз ҳаёт кечира оимайди.

Мисоллар келтиринг.

#### Вазиятли масала

Шаклланган нисбатан доминант тизимли, ўз-ўзини оқлай оладиган ва ташқи муҳит билан тенгликда бўлувчи жамоани климакс жамоа дейилади.

Климакс жамоаларда кўпинча битта доминант ёки бир исчта кодоминант турлар бўлади.

Климакс жамоаларга мисоллар келтиринг.

#### Вазиятли масала

Климакс жамоаларга Ўзбекистоннинг гил тупроқли чўл минтақасидаги шувоқ барра ўтли яйловларни мисол қилиб олиш мумкин. Бу жамоада шувоқ индивидлар сони лиамда биомасса ҳосил қилиши бўйича бошқа (яントқ, читир, қўнғирбош, қорабош ва ҳоказолар) ўсимликларга нисбатан устун туради. Дсмак, у кодоминант тур ҳисобланади.


Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Суксессия назариясини биринчи бўлиб асослаб бсрған киши Кенжаевдир (1916). У Жанубий Осиёда ҳудудидаги жамоларни ўрганиб климакс жамоалар таркибининг ўзгаришига асосий сабаб иқлим эканлигига ишонч ҳосил қилди. Унинг тасаввурича маълум бир иқлим шароитида фақатгина битта климакс жамоа шаклланиши мумкин. Буни моноклимакс концепсия дейилади.


Вазиятни баҳоланг.

**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули  
БИОЦЕНОЗ КОМПОНЕНТЛАРИ**




**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**

**ПОПУЛЯЦИЯЛАР ОРАСИДАГИ КУРАШ**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**

**ТУРЛАР ЎРТАСИДА БИОТИК МУНОСАБАТЛАР:**




# **Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг**

## **ўқув технологияси**

**“ЕЧИМ ДАРАХТИ» усули**


**“фитофаг хайвонлар усимликлар билан овкатланиб**

**нималарга таъсир қилиши”**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**

**СУКСЕССИЯЛАР**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**

**БИОЦЕНОЗ КОМПОНЕНТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**

**ПАРАЗИТЛАР ТУРЛАРИ**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
«Ечим дарахти» усули**

**“Боиген миграцияда қатнашувчи организмлар”**



**1 - вариант**

1. Жамоа нима ? А. экосистемасининг тирик ажралмас қисми бўлиб, маълум бир худудни эгаллаган, бир-бирига ўзаро таъсир қўрсатувчи популатсиялар йифиндиси ҳисобланади.  
Б. Хар бир худудни эгаллаган, ўзаро таъсир қўрсатувчи энергиялар йифиндиси ҳисобланади.  
В. кенг худудни эгаллаган, бир-бирига ўзаро таъсир қўрсатмайдиган майдонлар йифиндиси ҳисобланади. тор худудни эгаллаган, бир-бирига ўзаро қўпаядиган турлар йифиндиси ҳисобланади.
2. Гулловчи усимликлар учун биотик омилд қайси?  
А. чанглатувчи хайвонлар-хашаротлар. Б. Гўнг ташувчи қўнғизлар  
В. уя қуувчи қушлар Г. Ин ковловчилар
3. Турлар уртасида биотик муносабатлар қандай?

- А. Конкуренция, Йирткичлик, Паразитизм, Коменсализм, Синойкия, Симбиоз, Зоохория, Феромонлар, Мутуализм.
- Б. Конкуренция, Коменсализм, Синойкия, Симбиоз, Зоохория, Феромонлар, Мутуализм.
- В. Конкуренция, Йирткичлик, Паразитизм, Симбиоз, Зоохория, Феромонлар, Мутуализм.
- Г. Конкуренция, Йирткичлик, Паразитизм, Коменсализм, Синойкия, Феромонлар, Мутуализм.
4. Мутуализм нима ?
- А. турли систематик гурухларга мансуб усимлик ва хайвонларнинг бир-бирига. фойда бериши мумкин булган икки индивиднинг узаро кушилиб яшashi
- Б. актив модда чикариб, ургочиси еркагини жалб килади
- В. баъзи хайвонлар усимликларни уругларини териларига (юнг) ёки еб (хазм килмайди) уларни ургуини таркатади.
- Г. икки турни бир жойда яшashi, бунда иккаласи хам манфаатдор булади
5. Феромонлар нима ?
- А. актив модда чикариб, ургочиси еркагини жалб килади
- Б. баъзи хайвонлар усимликларни уругларини териларига (юнг) ёки еб (хазм килмайди) уларни ургуини таркатади.
- В. икки турни бир жойда яшashi, бунда иккаласи хам манфаатдор булади
- Г. турли систематик гурухларга мансуб усимлик ва хайвонларнинг бир-бирига. фойда бериши мумкин булган икки индивиднинг узаро кушилиб яшashi
6. Зоохория нима ?
- А. баъзи хайвонлар усимликларни уругларини териларига (юнг) ёки еб (хазм килмайди) уларни ургуини таркатади.
- Б. икки турни бир жойда яшashi, бунда иккаласи хам манфаатдор булади
- В. турли систематик гурухларга мансуб усимлик ва хайвонларнинг бир-бирига. фойда бериши мумкин булган икки индивиднинг узаро кушилиб яшashi
- Г. актив модда чикариб, ургочиси еркагини жалб килади
7. Симбиоз нима ?
- А. икки турни бир жойда яшashi, бунда иккаласи хам манфаатдор булади
- Б. турли систематик гурухларга мансуб усимликларнинг кушилиб яшashi
- В. актив модда чикариб, ургочиси еркагини жалб килади
- Г. баъзи хайвонлар усимликларни уругларини териларига ёки еб (хазм килмайди) уларни ургуини таркатади.
8. Синойкия нима ?
- А. хар хил тур организмларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқ равища симбиотик, яъни узаро келишиб ва мослашиб хаёт кечириш холати.
- Б. икки турни бир жойда яшashi, бунда иккаласи хам манфаатдор булади
- В. турли систематик гурухларга мансуб усимликларнинг кушилиб яшashi
- Г. актив модда чикариб, ургочиси еркагини жалб килади
9. Коменсализм нима ?

- А. хар хил турдаги хайвонлар бирга яшаб, уларнинг биттаси (компенсал) доимо ёки вактинча бошкаси хисобига яшайди
- Б. Бунда организмларнинг бири текинхур бўлиб, иккинчиси (хужайин)нинг тукималари ёки хазм килган овкати билан туйинади
- В. Буларга тирик хайвонлар билан озикланувчилар-киради
- Г. бу бир хил шароитда яшовчи организмлар орасидаги яшаш учун кураш
10. Паразитизм нима?
- А. Бунда организмларнинг бири текинхур бўлиб, иккинчиси (хужайин)нинг тукималари ёки хазм килган овкати билан туйинади
- Б. Буларга тирик хайвонлар билан озикланувчилар-киради
- В. бу бир хил шароитда яшовчи организмлар орасидаги яшаш учун кураш
- Г. хар хил турдаги хайвонлар бирга яшаб, уларнинг биттаси (компенсал) доимо ёки вактинча бошкаси хисобига яшайди

## 2 – вариант

1. Продутсентлар нима ?

- А. ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қилувчилар. Б. истеъмол қилувчилар. В. органик моддаларни минераллаштирувчилар Г. тирик моддаларни минераллаштирувчилар

2. Продутсентларга нималар киради ?

- А. асосан фотосинтезловчи мураккаб ва тубан яшил ўсимликлардир.
- Б. ҳайвонлар, паразит ўсимлмк ва микроорганизмлар киради.
- В. замбуруғлар, сапрофит ўсимликлар киради. Г. Ҳайвонлар, замбуруғлар .

2. Консуметлар нима?

- А. истеъмол қилувчилар. Б. органик моддаларни минераллаштирувчилар
- В. тирик моддаларни минераллаштирувчилар

Г. ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қилувчилар.

3. Консуметларга нималар киради?

- А. ҳайвонлар, паразит ўсимлмк ва микроорганизмлар киради.
- Б. замбуруғлар, сапрофит ўсимликлар киради. В. Ҳайвонлар, замбуруғлар .
- Г. асосан фотосинтезловчи мураккаб ва тубан яшил ўсимликлардир.

4. Редутсентлар нима ?

- А. органик моддаларни минераллаштирувчилар, аввалги ҳолатига қайтарувчилар
- Б. ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қилувчилар. В. истеъмол қилувчилар.

Г. тирик моддаларни минераллаштирувчилар

5. Редутсентлар нималар киради ?

- А. замбуруғлар, сапрофит ўсимликлар киради.
- Б. Ҳайвонлар, замбуруғлар. В. асосан фотосинтезловчи мураккаб ва тубан яшил ўсимликлардир. Г. ҳайвонлар, паразит ўсимлмк ва микроорганизмлар киради.
6. Ҳаёт эстафетаси қандай?

А. яшил ўсимликлар бошлаб ҳайвонларга узатади, уни бактериялар маррага олиб боради, яна қайтадан яшил ўсимликларга узатади.

Б. Ҳайвонлар бошлаб яшил ўсимликларга узатади, уни бактериялар мэррага олиб боради, яна қайтадан ҳайвонларга узатади.

В. бактериялар бошлаб ҳайвонларга узатади, уни яшил ўсимликлар мэррага олиб боради, яна қайтадан яшил ўсимликларга узатади.

Г. бактериялар бошлаб ҳайвонларга узатади, унияшил ўсимликлар мэррага олиб боради, яна қайтадан бактерияларга узатади.

7. Протокооперация нима ?

А. бунда икки популяция ҳам бирлашган ассо- циациядан факат фойда кўрадилар.

Б. икки организм бир-бирлари билан кооператсия ҳосил қиласидилар

В. органик моддаларни минераллаштирувчилар, аввалги ҳолатига қайтарувчилар

Г. ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қиласидилар.

8. Кооперация нима ?

А. икки организм бир-бирлари билан кооператсия ҳосил қиласидилар

Б. бунда икки популяция ҳам бирлашган ассо- циациядан факат фойда кўрадилар.

В. ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қиласидилар.

Г. органик моддаларни минераллаштирувчилар, аввалги ҳолатига қайтарувчилар

9. 1916 йилада Клементс фанга қандай назария киритган ?

А. Суксессия. Б. Синергизм. В. Симбиоз. Г. Синойкия.

10. Климат жамоа деб нимага айтилади? А. шаклланган нисбатан доминант тизимили, ўз-ўзини оқлай оладиган ва ташқи муҳит билан тенглиқда бўлувчи жамоага Б. ўз-ўзини оқлай олмайдиган хамма билан тенглиқда бўлувчи жамоага В. ташқи муҳит билан тенглиқда бўлувчи хохлаган жамоага Г. шаклланмаган кодоминант тизим.

#### **4- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ: БИОСФЕРА ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА. БИОСФЕРАДА МОДДАЛАРНИНГ АЙЛАНИШИ**

##### **Амалий машғулот технологик картаси**

| Технологик босқичлар             | Фаолият мазмуни.                                                                                                                                                                                                                                  |                                                                               |
|----------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Ўқув жараёнига кириш (10 мин) | Ассистент                                                                                                                                                                                                                                         | Талаба                                                                        |
|                                  | Машгулот мавзусини эълон киласи, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таништиради.<br>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўқув натижалари ва баҳолаш критериялари билан таништириш. | Машгулот режаси билан таништирадилар ва зарурӣ ахборотларни қайд этиб боради. |
| 2. Асосий босқич (60мин)         | 2.1. Қуйидаги дикқатни жалб қиласидилар са волларга жавоб беришни таклиф қиласиди.<br>1. Биосфера деб нимага айтилади?                                                                                                                            | Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва жавобларни тахлил қиласиди.      |

|                           |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
|---------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                           | <p>2. Биосфера ҳақида түшүнчә беринг?</p> <p>3. Инсоннинг биосферага таъсири нимадан иборат?</p> <p>4. Биосферанинг тирик моддаси ва унинг функциялари нимадан иборат?</p> <p>5. Табиатда азот қандай айланади?</p> <p>6. Табиатда углерод қандай айланади?</p> <p>7. Биосфера тузилмаси деб нимага айтилади?</p> <p>8. Атмосферада еркин азотнинг миқдори қанча?</p> <p>9. Тирик организмлар таркибидә қанча сув бор?</p> <p>10. Биосфера түшүнчәсі фанга қачон ва ким томонидан кирилганды?</p> <p>Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир нечта жавобларни тинглайди)</p> <p>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурұхларға бүләди. Хар бир гурұхда биттадан савол бүйіча варақаларини тарқатып беради.</p> <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласы. Ўқитувчи маслахатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар кирилади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4. Тақдимот нихоясида хулосалар қилиб, хар бир гурұх иштирокчилари диққатини мавзунинг асосий саволларини ёритишга қаратади.</p> | <p>5 кишидан иборат<br/>3 гурұхга бўлинади</p> <p>Гурұх аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p>Машғулотларни системалаштиради, ўзаро фикр алмашади.</p> <p>Гурұх сардорлари ўз гурұхи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қиласы да гурұх жавобларни асослаб беради.</p> |
| 3. Якуний босқич (10 мин) | <p>Мавзу бүйіча умумий хулосалар қиласы. Натижаларни аниқлайди. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида кўрсатмалар беради.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         | <p>Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                          |

## **Биосфера тушунчаси, унинг чегаралари тақибий қисмлари ва функциялари**

Биосфера (юонча биос – хаёт, сфера – шар сўзларидан олинган) тушунчаси фанга биринчи марта австриялик геолог олим Э.Зюсс томонидан тирик организмлар яшайдиган ер қобиғини белгилаш мақсадида киритилган. Биосфера хақидаги таолимотни рус академиги В.И. Вернадский яратган ва ривожлантирган.

ХХ- асрнинг 20-30 йилларида буюк рус олими В.И. Вернадский томонидан биосфера тўғрисидаги таълимот яратилди.

В.И. Вернадский таъбири билан айтганда- биосфера планетамизнинг тирик организмлар яшаётган ёки қачонлардир яшаган ва хар доим тирик организмлар таъсир қилиб турадиган қисмидир.

Биосфера- тирик организмлар яшайдиган ва уларнинг таосирида тинмай ўзгарадиган Ер шари қобиғининг бир қисмидир. Ердаги хамма биогеоценозларнинг йифиндиси умумий экологик система – биосферани хосил қилади. Шундай қилиб, биосферанинг элементар (енг кичик) бирлиги биогеоценозлар хисобланади.

Биосфера тирик ва ўлик таркибий қисмлардан иборат. Сайёрамизда яшайдиган хамма тирик организмларнинг йифиндиси биосферанинг тирик моддасини ташкил этади. Тирик организмлар, асосан ернинг газсимон (атмосфера) суюқ (гидросфера) қаттиқ (литосфера) геологик қобиқларида жойлашган. Кейинги маълумотларга қараганда биосферанинг юқори чегараси денгиз сатхидан 22 км баландликда, атмосферанинг қуи қатлами тропосфера да жойлашган.

Хаёт гидросферанинг хамма қисмida ҳатто энг чуқур – 11 км гача бўлган жойларда хам учрайди. Хаёт ернинг қаттиқ қобиғи литосферанинг юқори қатламларида 3-4 км чуқурликкача бўлган масофада тарқалган. Биосферанинг қуи чегараси океанларнинг энг чуқур жойларига ва литосферада нефтп бор бўлган, анаероб бактериялар яшайдиган қисмларига тарқалади. Биосферанинг ўлик таркибига атмосферанинг, гидросферанинг ва литосферанинг моддалар ва энергия алмашинуви жараёнида қатнашувчи қисмлари киради.

Сайёрада хаёт чегаралари биосферанинг чегараларини аниқлади. Биосфера – ернинг тирик организмлар яшайдиган геологик қобиқларининг бир қисмидир.

Биосферанинг ўзига хослиги организмлар фаолияти томонидан ирода қилинувчи моддаларнинг даврий айланишидир. Биосфера энергияни ташқаридан – қуёшдан олгани учун очиқ система хисобланади. Тирик организмлар моддалар даврий айланишини ирода қилиб, сайёранинг юзасини ўзgartирувчи кучли геологик омил хисобланади.

Тирик модданинг функциялари. Тирик модданинг қуидаги асосий биокимёвий функциялари мавжуд:

- 1)газ алмашиниши;
- 2) оксидланиш қайтарилиш;
- 3) концентрациялаш, жамғариш;
- 4) биокимёвий.

### **Газ алмашиниш функцияси**

Фотосинтез ва нафас олиш жараёnlарига боғлиқ. Автотроф организмларнинг органик моддаларни синтезлаш жараёнида қадимги атмосфера таркибидаги

корбонат ангидрид кўп миқдорда сарфланади. Яшил ўсимликлар тоборо кўпайиб бориши билан атмосферанинг газ таркиби хам ўзгара бошлайди. Корбонат ангидрид миқдори камайиб, кислород орта бошлайди. Атмосфера таркибидаги кислороднинг хаммаси тирик организмлар фаолияти натижасида хосил бўлади. Нафас олиш жараёнида кислород сарфланиб, карбонат ангидрид хосил бўлади ва яна атмосферага чиқарилади. Шундай қилиб тирик организмларнинг фаолияти натижасида хосил бўлган атмосфера хозирги даврда хам уларнинг фаолияти туфайли сақланиб туради.

**Концентрациялаш функцияси** – тирик организмлар томонидан атрофмухитда тарқалган кимёвий элементларнинг тўпланишидир. Ўсимликлар фотосинтез жараёнида кимёвий элементларни тупроқда, калий, фосфор, азот, водород ва бошқаларни, ҳаводан углерод олиб хўжайранинг органик моддалари таркибига киритади. Жамғариш функциялари туфайли тирик организмлар кўп миқдорда чўкма жинсларни, масалан, бўр, оҳак жинсларини хосил қиласди.

**Оксидланиш–қайтарилиш функцияси** – ўзгарувчан валентликка эга бўлган кимёвий элементларнинг темир, олtingургут, марганец, азот ва бошқаларни айланишини таъминлайди. Масалан: тупроқдаги хемосинтезловчи бактериялар ана шу жараёнларини амалга оширади. Шунинг натижасида  $H_2C$ , темир рудасининг баъзи турлари, ҳар хил азот оксидлари хосил булади.

**Биокимёвий функциялар** тирик организмларнинг хаёт фаолияти давомида ва уларнинг ўлимидан кейин биокимёвий жараёнларни таъминлайди. Биокимёвий функция организмларнинг озиқланиши, нафас олиши, кўпайиши, ўлган организмларнинг парчаланиши, чириши билан боғлиқдир.

Биосферанинг энг асосий функцияларидан бири кимёвий элементларнинг даврий айланишини таъминлашдир. Биосферадаги биотик айланиш ерда ҳаёт кечирадиган ҳамма тирик организмлар иштирокида кечади. Кимёвий элементларнинг бир бирикмадан иккинчисига, ер қобиғи таркибидан тирик организмларга, кейин эса уларнинг анорганик бирикмаларга ва кимёвий элементларга парчаланиб, яна ер қобиғи таркибига ўтиши моддалар ва энергиянинг даврий айланиши дейилади. Бу айланиш тинмай давом этадиган жараёндир. Биотик айланиш натижасида кимёвий элементларнинг миқдори чекланган бўлишига қарамай, ҳаётнинг мавжудлиги ва узоқ йиллар давомида ривожланиши таъминланади. Ҳақиқитан ҳам ердаги организмлар учун зарур бўлган кимёвий элементлар миқдори чексиз эмас. Агар бу элеменглар факат истеъмол қилинганда ертами-кечми улар тугаб, ҳаёт тўхтаб қолиши мумкин эди. Академик В. Р. Вильямснинг таъбири билан айтганда, кам миқдорнинг чексизлигини таъминловчи бирдан-бир усул уни ёпиқ ҳалқа бўйлаб айланишга мажбур этишдир. Ҳаёт худди уша усулни танлаб олгандир. Яшил ўсимликлар қуёш энергиясидан фойдаланиб, анорганик моддалардан органик моддаларни барпо этади. Бошқа тирик организмлар истеъмол қилувчи гетеротрофлар, парчаловчилар эса бу моддаларни парчалайди. Органик моддалар парчаланиши натижасида хосил бўлган минерал моддалардан эса янги ўсимликлар янги

органик моддаларни синтезлайди. Ердаги моддаларнинг даврий айланишини таъминловчи бирдан-бир манба қуёш энергиясидир. Бир йил давомида ерга тушадиган қуёш энергияси  $10,5 \times 10^{20}$  кж ни ташкил этади. Бу энергиянинг 42 фоизи ердан коинотга қайтади, 58 фоизи эса атмосферага ва тупроқка ютилади, бунинг 20 фоизини ер ўзидан қайтариб туради. Ерга ютилган, қуёш энергиясининг 10 фоизи сув ва тупроқдан сувни буғлантириш учун сарфланади. Ҳар бир минутда 1 миллиард тоннага яқин сув ер юзасидан буғланиб туради. Сув ҳавзалари билан қуруқлик ўртасида сувнинг тинмасдан айланиб туриши ердаги ҳаётни таҳминловчи ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларнинг жонсиз табиат ва муносабатини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Ерга этиб келадиган қуёш энергиясининг 0,1—0,2 фоизидан яшил ўсимликлар фотосинтез жараёнини амалга оширишда фойдаланади. Бу энергия сувни буғлантириш ва ер юзасини иситишга сарф бўладиган энергияга нисбатан жуда кам бўлса ҳам кимёвий элементларнинг айланишини таъминлашда жуда катта рол уйнайди.

Атомларнинг биоген миграцияси. Моддаларнинг доимий даврий айланиши, яъни атомлар биоген миграцияси ва энергия оқими тирик организмларнинг озиқланиши, нафас олиши, кўпайиши, органик моддаларни синтезлаши, тўплаши ва парчаланиши ҳисобига амалга ошади. Моддалар даврий алмашинишида тирик организмлар таркибида кирувчи кимёвий элементлар углерод, водород, азот, кислород, фосфор ва бошқалар қатнашади. Кимёвий элементларнинг изотоплари жуда кўп булишига, тирик организмлар таркибида фақат маҳлум изотопларгина ўтиши мумкин. Масалан, водороднинг  $1\text{H}$ ,  $2\text{H}$ ,  $3\text{H}$  изотопларидан энг фаоли  $1\text{H}$  бўлиб, фақат шу изотопгина организмларга хосдир. Органик моддалар таркибида  $12\text{C}$  изотопи, анорганик кимёвий бирикмалар таркибида эса  $13\text{C}$  изотопи киради. Кислороднинг  $16\text{O}$ ,  $17\text{O}$ ,  $18\text{O}$  изотопларининг ичida  $16\text{O}$  изотопигина сув ва карбонат ангидрид гази таркибида кириб, юксак биологик фаолликка эгадир.

Кимёвий элементлар доимий равишда бир организмдан иккинчисига тупроқдан, атмосферадан, гидросферадан тирик организмларга, улардан эса яна атроф-мухитга ўтиб, биосферанинг жонсиз моддалари таркибини тўлдиради. Бу жараёнлар тинимсиз, чексиз давом этиб туради. Масалан, атмосфера кислородининг ҳаммаси 2000 йил давомида, карбонат ангидрид гази 200-300 йил, биосферадаги борлик сув эса 2 миллион йил давомида тирик модда орқали ўтади. Тирик организмлар фақат табиатда кенг тарқалган кимёвий элементларниги тўпламай, жуда ҳам кам микдорда учрайдиган элементларни ҳам тўплай олиш хусусиятига эга. Кўп кимёвий элемевтларнинг концентрацияси ўсимлик ва ҳайвонларда ташки муҳитдагига нисбатан анча юқори бўлади. Ўсимликларда углероднинг концентрацияси ер пўстлоғидагига нисбатан 200 марта, азотники эса 30 марта юқоридир. Биоген миграция натижасида тирик организмлар таъсирида айrim кимёвий элементларнинг валентлиги ўзгаради. Натижада янги кимёвий бирикмалар ҳосил бўлади. Бизга маълум бўлган кимёвий элементларнинг 40 тага яқини биоген миграцияда фаол иштирок этади.

Автотроф организмлар қуёш энергиясини ютиб анорганик моддалардан органик моддаларнинг бирламчи ўсимлик моддаларини ҳосил қиласи. Гетеротрофлар эса ўсимликлар билан озиқданиб ўсимлик маҳсулотларини иккиламчи ҳайвон маҳсулотларига айлантиради. Бактериялар ва замбуруғлар эса ўсимлик ва ҳайвонлар органик маҳсулотларини минерал тузларгача, автотроф ўсимликлар истеъмол қила оладиган даражагача парчалайди. Биоген миграциясининг икки тури мавжуд: биринчи турини микроорганизмлар, иккинчисини эса кўп ҳужайрали организмлар амалга оширади. Биринчи турдаги миграция иккинчи турдагисига қараганда устунроқ келади. Ҳозирги вақтда атомлар биоген миграциясида инсониятнинг роли ҳам тобора ортиб бормоқда. Қуйида бальзи биоген элементларнинг даврий айланиши билан тўликроқ танишиб чиқамиз. Карбонат ангидрид ўсимликлар томонидан ютилиб фотосинтез жараёнида углеводларга, липидларга, оқсилларга ва бошқа органик моддаларга айланади. Бу моддалар. бошқа ҳайвонлар томонидан истеъмол қилинади. Ҳамма тирик организмлар нафас олиш жараёнида, атмосферада карбонат ангидрид газини ажратиб чиқаради. Ўлик ўсимлик ва ҳайвонлар, уларнинг чиқиндилари микроорганизмлар томонидан парчаланади, минераллашади. Минераллашишнинг охирги маҳсулоти карбонат ангидрид бўлиб, у тупроқдан ва сув ҳавзаларидан атмосферага ажратиб чиқарилади. Углероднинг бир қисми эса тупроқда органик бирикмалар сифатида сақланиб қолади. Денгиз сувидаги углерод кўмир кислота ва унинг сувда эрийдиган тузлари сифатида ёки  $\text{CaCO}_3$  бўр, оҳактошлар, кораллар шаклида тўпланади. Углероднинг бир қисми денгиз тубида чўкинди, оҳактошлар сифатида тўпланиб, узоқ вақт давомида биоген миграцияда қатнашмайди. Вақт ўтиши билан тоғ ҳосил бўлиши жараёнлари натижасида, чўкма жинслар яна юқорига кўтарилади, кимёвий ўзгаришлар натижасида яна даврий айланишга қўшилади. Углерод атмосферага автомашиналардан, завод ва фабрикалардан ажраладиган тутунлардан ҳам ўтади. Биосферадаги углерод айланиши натижасида энергия ресурслари — нефть, тошкўмир, ёқилги газлари, торф, ёғоч ҳосил бўлиб, улар инсоннинг амалий фаолиятида кенг фойдаланилади. Юқорида келтирилган ҳамма моддалар фотосинтезловчи ўсимликларнинг маҳсулотлари ҳисобланади. Ёғоч ва торф ўрнини тўлдирса бўладиган, нефть, газ ва тошкўмир эса ўрнини тўлдириб бўлмайдиган табиий бойликлар ҳисобланади. Органик ёқилгиларнинг чекланганлиги ва ўрнини тўлдириб бўлмаслиги инсоният олдида энергиянинг янги манбаларидан — ер қаъридаги иссиқлик энергияси, океан ва денгиз тўлқинлари, қуёш энергиясидан фойдаланиш каби мураккаб муаммоларни кўяди.

Азот энг муҳим элементлардан биридир. У оқсиллар ва нуклеин кислоталарнинг таркибида киради. Азот атмосферадан яшин пайтида азот ва кислороднинг бирикиб азот оксид ҳосил қилиши натижасида ўзлаштирилади. Аммо азотнинг асосий массаси сувга ва тупроқга тирик организмларнинг ҳаво таркибидаги азотни фиксациялаши натижасида ўтади .

Сувда ва тупроқда азот фиксацияловчи бактериялар ва сув ўтлари яшайди. Бу бактерия ва сув ўтлари ўлиб минераллашиши натижасида улар тупроқни азот

билан бойитади. Шунинг натижасида ҳар бир гектар тупроқда бир йилда 25 кг га яқин азот ўтади. Азотни энг самарали фиксацияловчиларга дуккакли ўсимликлар илдизларида ҳаёт кечиравчи тугунак бактериялари ҳисобланади. Азот ўсимликлар илдизига ҳар хил манбалардан, поя ва баргларга ўтади ва шу жойларда оқсил биосинтезланади. Ўсимлик оқсиллари ҳайвонлар учун асосий азот манбаи ҳисобланади. Организмлар ўлгандан кейин бактерия ва замбуруғлар таъсирида оқсиллар парчаланиб, аммиак ажралиб чиқади. Ажралган аммиак қисман ўсимликлар, қисман эса бактериялар томонидан ўзлаштирилади. Айрим бактериялар фаолияти натижасида аммиак нитратларга айланади.

Нитратлар аммонийли тузлар каби ўсимлик ва микроорганизмлар томонидан истеъмол қилинади. Нитратларнинг бир қисми эса айрим бактериялар томонидан элементар азотгача қайтарилиб атмосферага чиқарилади. Бу жараёни денитрификация дейилади. Шу тарзда азотнинг табиатда даврий алмашиниши давом этаверади. Шундай қилиб, жонли (биотик) ва жонсиз (абиотик) табиатнинг ўзаро муносабати натижасида анорганик материя тирик организмларга ўтиб, ўзгариб яна қайтадан абиотик ҳолатга қайтади.

### **Боиген миграцияда қатнашувчи организмларни учта катта гурухга ажратиш мумкин.**

1. Продуцентлар – ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қилувчилар. Булар, асосан фотосинтезловчи мураккаб ва тубан яшил ўсимликлардир.
2. Консументлар ёки истеъмол қилувчилар. Продутсентлар ҳосил қилган органик моддаларни истеъмол қиласди. Уларга ҳайвонлар, паразит ўсимлик ва микроорганизмлар киради.
3. Редуцентлар – органик моддаларни минераллаштирувчилар, аввалги ҳолатига қайтарувчилар. Уларга бактериялар, замбуруғлар, сапрофит ўсимликлар киради. Ифодали қилиб айтганда ҳаёт эстафетасини яшил ўсимликлар бошлаб ҳайвонларга узатади, уни бактериялар маррага олиб боради, яна қайтадан яшил ўсимликларга узатади. Янги ҳалқа бошланиб бу эстафета тинмасдан давом этаверади.

Биосферанинг эволюциясини 3 та асосий босқичга ажратиш мумкин.

1. Биотик босқич айланишга эга бўлган бирламчи биосферанинг ҳосил бўлиши. Бу босқич тахминан 3 миллиард йиллар олдин бошланиб, палеозой ерасининг кембрий даврида тугалланади.
2. 2-босқичда кўп ҳужайрали организмлар пайдо бўлиб ривожланади ва биосферанинг эволюцияси янада давом этади. Бу давр 0,5 миллиард йиллар олдин кембрий давридан бошланиб, ҳозирги замон одамлари пайдо бўлиши билан тугалланади.
3. 3-босқичда биосфера ҳозирги замон одамлари таъсирида ривожланади, бундан 40-50 минг йиллар олдин бошланиб, ҳозирги давргача давом этмоқда. Биосферанинг тарихининг асосий қисмида у икки хил омилнинг таъсирида ривожланади: 1. Сайёрада табиий геологик, иқлим ўзгаришлари. 2. Биологик эволюция натижасида тирик организмлар турларининг сони ва миқдорининг ўзгариши ўша асосий омиллар ҳисобланади. Ҳозирги босқичда эса биосферанинг

эволюциясига учинчи омил, инсон фаолияти катта таъсир кўрсатмоқда. Биосферанинг биринчи ва иккинчи босқичлари эволюцияси фақат биологик қонуниятлар асосида кечади, шунинг учун ҳам бу иккала давр биогенез даври деб аталади. Бу даврда ҳаёт пайдо бўлди ва ривожланди. Учинчи давр кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Биогенез даври билан танишиб чиқамиз.

Биогенез босқичи. Ерда биосфера биринчи тирик организмлар билан бир вақтда пайдо бўлди. Шу вақдан бошлаб тирик организмлар эволюцияси билан бирга биосфера ҳам ўзгара боради. Биринчи пайдо бўлган тирик организмлар бир хужайрали гетеротроф, анаероблар эди. Улар тахминан 3 миллиард йил аввал пайдо бўлган, энергияни бижғиши жараёнларидан олган. Улар абиоген усулада ҳосил бўлган тайёр органик моддалар билан озиқланиб биомассани тўплаб борган. Эндиғина пайдо бўлган биосферада органик моддалар етишмас, бирламчи организмлар тез купая олмас эди. Табиий танлаш натижасида анорганик моддалардан органик моддаларни мустақил синтезлай оладиган автотроф организмлар келиб чиқкан. Биринчи хемосинтезловчи бактериялар, фотосинтезловчи ва кўк яшил сув ўтлари пайдо бўлган. Биринчи фотосинтезловчи организмлар карбонат ангидридни ютиб, кислород ажратиб чиқариб атмосферанинг таркибини ўзгартирган. Натижада атмосферада карбонат ангидрид миқдори камайиб кислороднинг миқдори тобора кўпая борган. Атмосферанинг юқори қатламида кислород озон экранини ўосил қилган. Озон экрани эса ер юзидағи тирик организмларни қуёшнинг ултурабинафша нурлари ва космик нурларнинг халокатли таъсиридан ҳимоя қилган. Бундай шароитда денгиз юзасида тирик организмлар янада кўпая борган. Атмосферада эркин кислороднинг мавжудлиги ер юзасида аероб типида кислород билан нафас олувчи организмларнинг ва кўп хужайралиларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Озон экрани тирик организмларнинг сувдан қуруқликка чиқиб тарқалишига имкон яратган. Биринчи кўп хужайралилар атмосферада кислороднинг концентрацияси тахминан 3 фоизга этганда, кембрий даврининг бошида 500 миллион йиллар аввал келиб чиқкан, деб тахмин қилинади. Денгизда яшовчи фотосинтезловчи организмлар керагидан ортиқча кислород ҳосил қилган. Бу эса аероб йўл билан нафас олувчи организмлар сонининг қўпайишига олиб келган. Аероб нафас олиш жараёнида моддалар парчаланиши туфайли кўп энергия ажралган. Куп энергияяга эга организмларда морфологик ва функционал тузилиш тобора мураккаблашиб борган.

Улар қисқа вақтнинг ичида ҳар хил яшаш муҳитларига ўтиб кенг тарқалган. Палеозой эрасида ҳаёт фақат сувдагина кенг таркалиб қолмай, балки қуруқликка ҳам чиқкан. Яшил ўсимликларнинг кенг ривожланиши атмосферанинг кислород билан янада бойитди, бу эса организмлар тузилишини янада такомиллашишига имкон яратди. Палеозойнинг ўрталарида кислороднинг ҳосил бўлиши ва сарфланиши ўртасида мувозанат пайдо булди, атмосферада кислород миқдори тахминан 20 фоизгача етди ва бу мувозанат ҳозиргача сақданиб келмоқда.

Ноогенез босқичи. Инсоният жамиятининг пайдо бўлиши билан биосферанинг ноогенез даври бошланади. Бу даврда биосферанинг эволюсияси инсоннинг онгли меҳнат фаолияти таъсирида давом этади. Ноосфера тушунчаси 1927 йилда француз олимни Э. Леруа томонидан киритилган (юончча «ноос» — ақл, «сфера» — шар сўзларидан олинган). В. И. Вернадскийнинг таъбирига кўра ноосфера — инсон меҳнати ва илмий фаолияти таъсирида ўзгарган биосферадир.

Одамнинг пайдо бўлиши биосферанинг кучли ўзгаришларига сабаб бўлди. Фаннинг, техниканинг ва саноатнинг жуда тез ривожланиши элементларнинг биоген миграциясини тезлаштириб юборди. Бутун тарих давомида инсоният ўз меҳнат фаолияти билан атроф-мухитдан иложи борича кўпроқ ва тез фойда олишга ҳаракат қилиб келган. У табиат ҳодисаларига инсоннинг аралашини кейинчалик қандай натижаларга олиб келиши ҳакида ўйлаб ҳам кўрмаган. Инсон ўз мавжудлигининг энг дастлабки босқичларидан бошлабоқ ҳайвонлар айrim турларининг йўқолиб кетишига (озикланиш учун керагидан ҳам ортиқча миқдорда) сабаб бўлган. Тош асрида яшаган одамлар мамонтлар каби йирик сут эмизувчиларнинг йўқолиб кетишига сабабчи бўлган. Инсон ҳам биосферанинг таркибий қисмидир. Ўзи учун керак бўлган нарсаларнинг ҳаммасини инсон биосферадан олади, биосферага эса фақат саноат чиқиндиларини ажратиб чиқаради. Узоқ вақтлар давомида одам фаолияти биосфера мувозанатининг бузилишига олиб келмаган, чунки инсон томонидан олинган табиий маҳсулотлар яна биосферага қайтарилади. Аммо кейинги асрда инсоннинг биосферага курсатадиган таъсири жуда кучайиб кетди ва ўткир муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Табиий ресурслар тобора камайиб кетмоқда. Кўплаб ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари йўқолиб кетди. Мухит, саноат, турмуш чиқиндилари, заҳарли кимёвий моддалар томонидан ифлосланмоқда ва заҳарланмоқда. Табиий экосистемалар, кўллар, ўрмонлар бузилмокса. Биосферадаги бундай ноқулай ўзгаришлар ўсимликлар ва ҳайвонот оламига, инсоннинг ўзига ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда.

Биосферанинг ўзгариши қонуниятларини инсоннинг яхши тушуниб этмаслиги ташқи муҳитнинг жуда аянчи ўзгаришларига олиб келиши мумкин.

Инсоннинг гидросферага ва атмосферага таъсирининг тобора кучайиб бориши биосфера доирасида иқлимининг ўзгаришига олиб келмоқда. Айниқса, кейинги йилларда атмосферада карбонат ангидриднинг миқдори тобора ортиб бормоқда. Органик ёқилғилардан фойдаланиш кислороднинг ёниб камайишига, карбонат ангидриднинг эса кўпайишига сабаб бўлмоқда. Атмосферада карбонат ангидриднинг кўпайиши эса «парник эффектига» олиб келмоқда, бу эса ер юзаси ҳароратининг қўтарилишига сабаб бўлмоқда. Кейинги 100 йил давомида ер юзасининг ҳарорати ўртача  $0,6^{\circ}\text{C}$  гача қўтарилганлиги аниқланган. Иқлим ўзгариши эса чўл-дашtlар майдонининг тобора ортиб боришига, тоғлардаги музликларнинг эришига, океан ва денгиз сувлари сатҳининг камая боришига олиб келади. Юқорида айтиб ўтганимиздек атмосферада озон катлами бўлиб, унинг максимал концентрацияси ер юзасидан 20-25 км баландликдадир. Атмосферага азот оксид ва фреоннинг ўтиши натижасида бир неча йиллар давомида озон

қатлами юпқалашиб бормоқда. Фреон лак ва буёкларни пурковчи сифатида, совитгичлар ва кондиционерда совутгич модда сифатида кенг қўлланиб келинмоқда. Сўнгги йилларда Антрактида атмосферасида озоннинг жуда камайиб кетиши натижасида «озон тешиклари» ҳосил бўлиши каби аянчли, хавфли ҳодисалар кузатилмоқда. Бу ҳодисанинг ва озон қатлами бузилишининг олдини олиш мақсадида 1987 йилда Канаданинг Монреал шахрида 50 мамлакат вакиллари фреонлар ишлаб чиқаришни ўртacha 50 фоизга камайтириш тўғрисидаги халқаро битимга қўл қўйдилар. Атмосферанинг ифлосланиши тинмасдан давом этиб, йилдан-йилга ортиб бормоқда. Атмосферанинг ифлосланиши саноат корхоналарининг чиқиндилари, транспорт воситалари ажратиб чиқарадиган бирикмалар, айниқса  $H_2C$  углерод ва оғир металлардан курғошин, мис, кадмий, никел ва бошқа металлар заррачалари ҳисобига тобора ортиб бормоқда. Атмосферага ҳар йили юз миллионлаб тонна ифлосланувчи моддалар ажратилади. Ҳавода  $H_2C$  нинг ортиб бориши кислотали ёмғирларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда мевали дараҳтлар ҳосилдорлигининг камайиши, узумзорларнинг касалланиб йилдан-йилгача кам ҳосил булишининг асосий сабабларидан бири ҳам кислотали ёмғирларнинг кўпайиб боришидир.

Тожикистоннинг М. Турсунзода шахри атрофида курилган алюминий заводи чиқиндилари ҳам Сурхондарё вилоятидаги машхур анорзорлар ҳосилининг кескин камайишига, меваларининг майдалашиб кетишига, ҳайвонлар ва одамлар орасида касалликларнинг кўпайишига олиб келди. Навоий шахридаги кимё заводдари чиқиндилари ҳам атроф-муҳитни заарлашда катта роль ўйнамоқда. Суғориш ва саноат корхоналари учун сувдан исрофгарчилик билан фойдаланиш кичик дарёларнинг қуриб қолишига, йирик дарёлар сувининг кескин камайиб кетишига олиб келмоқда. Бундай аянчли ҳодисаларнинг типик мисоли Орол денгизи муаммосидир. Суғориладиган пахта майдонларини ҳаддан ташқари кўпайтириш бу денгизнинг қуриб қолиши хавфини туғдирмоқда. Сувни назоратсиз, керагилан ортиқча ишлатиш натижасида Амударё ва Сирдарё каби буюк дарёлар Орол денгизига етиб боролмаяпти. Бу эса Орол атрофидаги табиий экологик системаларининг бузилишига, шу регионда яшовчи одамлар соғлигининг тобора ёмонлашиб боришига сабаб бўлмоқда. Минерал ўғитларнинг, чорвачилик чиқиндилари ва канализациянинг сув ҳавзаларига қўшилиши, сувда азот ва фосфорнинг ортиб кетишига, сув ўтларининг кўпайиб кетишига, кислород захираси камайиши натижасида сувдаги ҳайвонлар, айниқса балиқлар қирилиб кетишига олиб бормоқда. Кейинги пайтларда ўрмонларнинг кесилиб, камайиб кетиши жуда аянчли натижаларга олиб келмоқда. Литосфсранинг, сув ҳавзаларининг, тупроқнинг тобора ифлосниши натижасида ўрмонлардаги дараҳтлар касалланиб қуриб қолмоқда. Ўрмонларнинг йўқолиши иқлимнинг кескин ўзгаришига, сув бойликларининг камайишига, тупрок, ҳолатининг ёмонлашишига олиб келмоқда. Ҳозирги вақтда хўжаликни энергия билан таъминлаш учун кўплаб кассиқлиқ, сув ва атом электр станциялари қурилмоқда. Иссиқлиқ электр станциялари табиий ёқилғилардан фойдаланганлиги учун атмосферани ифлослантироқда, сув эяектр станциялари катта-катга сув

омборларинининг қурилишини талаб этади, бунинг натижасида серхосил ерлар, тупроқлар сув остида қолиб кетмоқда. Илгари экологик жиҳатдан энг тоза ва хавфсиз деб хисобланган атом электр станциялари ҳам катта хавф туғдириши маълум бўлиб қолди. Украинадаги Чернобиль АЕСнинг фалокати жуда катта худудда экологик инқироз ҳолатига олиб келди, ўсимликлар ва ҳайвонот оламига катта зарар этказди. Аҳолининг ўртасида ҳар хил касалликларнинг кўлайнб кетишига сабаб бўлди. Шундай қилиб, одамнинг экологик системаларга кучли таъсири кутилмаган аянчли ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Натижада экологик ўзгарншлар занжири вужудта келади. Ҳозирги вақтда инсоният экологик инқироз хавфи остида турибли. Агар зарур чоралар кўрилмаса, биосферанинг кўп жойлари ҳаёг учун яроқсиз бўлиб қолиши мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш, ҳозирги вақтда энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда

Инсониятнинг табиатни бошқаришга бўлган урунишлари худди қишлоқ хўжалиги каби балки ундан ҳам қадимийdir. Экология фан сифатида шаклланган вақтдан буён асос экология кун тартибида бўлиб келади. Стефен Алфред Форбс (1844-1930) таниқли Америкалик табиатшунос бўлиб, у ўз фаолияти давомида экологиянинг келиб чиқиши ва мустаҳкамланиб ривожланишини тадқиқ этади. Форбс ўз фаолиятини табиатшунос-ентомолог сифатида бошлаб, бу хусусдаги Мурдоч томонидан илгари сурилган биологик назоратдаги аломатларни кўрсатувчи чангис ва уяларга доир муаммолар билан шуғулланди(ВИИ.1-боб). Форбс кейинчалик Винконсиядаги Мендота қўлидаги балиқлардаги оммавий ўлимнинг сабабларини ўрганди. Унинг энг машҳур мақоласи “Кўл микротизим сифатида”(1887), асарида хусусиятли экология ва озиқ тўри динамикаси каби замонавий ғояларни илгари сурди. Жанубий Америка экологик жамияти президенти ва Миллий фанлар академиясининг аъзоси сифатида Форбс инсониятнинг фаровонлиги учун фундаментал экологик фанларнинг амалий фойдаланишига раҳбарлик қилди. Бошқа кўплаб ҳаваскор табиатшунослар фундаментал фан саволлари билан алоқадор бўлган жамиятнинг амалий муаммолари устида тадқиқотлар олиб боришли. Экологик бошқарув муаммолари одатда яқона зааркунанда турлар ёки балиқларнинг ягона ёввойи турларининг унуми энг муҳим турлар сақланиб қолган экотизимларни эътиборга олуви ўйин ва жараёнларни ўрганиш билан бошланади. Мурчод (ВИИ.1-бобда) ҳашарот зааркундаларнинг биологик назорати ўзаро алоқага киришувчи ресурс ва истеъмолчи популяцияларнинг динамикасини ҳисобга олишда нақадар кенг тарқалганини кўрсатиб беради. Ҳилборн (ВИИ.2 –бобда) ягона тур мавжуд бўлган энг юқори даражадаги мавжуд бўлган ҳудудни балиқ овловчилар қандай қилиб бошқаришини тушунириб беради. Бойс, Меррил ва Синклер (ВИИ.3-бобда) ёввойи дунёни бошқаришда муҳитнинг ўхшаш кенгайишини муҳокама қиласи. Патз ва Олсон (ВИИ.6-бобда) биохилма-хиллик ва заминдаги ўзгаришлар ва экотизимлараро каскаднинг ишлатилиши экотизим ва одамларга таъсир кўрсатувчи касалликларнинг содир бўлиши, узатиш, тикланишга қандай таъсир кўрсатишини тавсифлаб беради.

Тоза сув одатда экотизим ва одамлар учун чекланган ва етишмайдиган ресурс ҳисобланади, шунинг учун экотизим бошқаруви одатда сувда марказлашган маҳаллий, минтақавий ёки глобал миқёсда содир бўлади. Алкамо (ВИИ.4-бобда) тоза сув таъминотини бошқариб туришдаги муаммо ва қийинчиликлар хақида мулоҳаза юритади. Сув миқдоридаги муаммолар одатда, сув миқдори қўлида бўлганларга бориб тақалади. Эуртопикация, токсик заҳарли моддалар, турли ҳидлар, оксидсизлантириш, ўлган балиқ таналаридан сувни тозалаш, яъни юқори даражадаги фильтрлаш жараёнидир. Эуртопикация жараёнини бошқариш Скиндлер (ВИИ.5-бобда) тоомнидан изоҳлаб берилади. Инсоният популяциясининг ва истеъмол ҳажмининг ортиши ички биосферага таъсири қўрсатади ҳамда кенгайиб бораётган инсоният изларини бошқаришнинг мукаммалиги Ер юзининг қуруқлиқдаги экотизимлари учун айниқса, аниқдир. Ер майдонларининг фойдаланилишини бошқаришнинг муаммолари Фолей ва бошқалар (ВИИ.7-бобда) кўриб чиқилади. Чишолм томонидан ВИИ.8-бобда кўриб чиқилган тажовузкор турлар ландшафтлардан тортиб то экотизим, жамоа ҳамда популяцияларгача бўлган экологик фаннинг анъанавий бўлимлари билан туташиб кетган ёйилган атроф-муҳит муаммолари ҳисобланади.

Социал-экологик тизимларни тушуниш учун энг муҳим бўлган институтлардан бири- Бейжер экологик иқтисод институти ([хттп://бейжер.ква.се](http://бейжер.ква.се)) бўлиб, у Шведция Қироллик фанлар академиясининг тармоғи ҳисобланади. Иқтисод ва экология этимологик жиҳатдан ўхшаш илдизга эга (юнинча илдиз “оикос” ёки “уй” дан келиб чиқади). Улар шунингдек, ресурслар динамикасини тадқиқ қилувчи фанлар ҳамdir. Хепападес (ВИИ.9-бобда) мавжуд хусусиятга олиб келувчи қонун қоидалар ва зааркунандаликни лойиҳалаштириш учун ҳозирда калит фан сифатида экологик иқтисодни таҳлил қиласди. Остром (ВИИ.10-бобда) умумни бошқариш учун фойдаланиладиган институтлар хақида сўз юритади. Бу соҳа ҳам муҳим, чунки у бошқарув содир бўладиган экотизимдаги контекстни яратишда институтлар марказий роль ўйнайди. Миллер (ВИИ.11-бобда) глобал атроф-муҳит манзарасининг мақоми ва услубларини кўриб чиқади.

1990-йиллардан бўён мослашувчан биргаликда бошқариш атамаси турли хил йўналишлардаги ҳаваскор гурухлар ва эксперталар орасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятини ўзида акс эттириб, тезда урфга кирди. Бу каби ғоялар бошқарув бобида Остром (ВИИ.10-бобда) томонидан тадқиқ этилади.

Фолк, Ҳан, Олссон ва Норберг ўз мақолаларида мослашувчан бошқарув мослашувчан экотизим бошқарувининг кўмаклашуви назарияларининг нуқтаи назари билан таъминлайди. Валкер ва Салт *эластик фикрлаш* назариясида бир қанча кейс тадқиқотларни қўллаган ҳолда прагматик экотизим бошқарувида панархик назариялар эластиック ва мослашувчан сикларнинг фойдаланилишининг миқдорини таклиф этади. *эҳтимолга бориб етиши* мақоласида Вестлей, Зиммерман ва Паттон мослашувчан цикл бўйлаб лойиҳани бошқаришда амалий жиҳатдан тушунчалар беради.

Биомасса, қуруқлик юзаси ва океан биомассаси.

Биосферадаги тирик моддаларнинг умумий массаси биомасса дейилади. Хозирги даврда ерда яшайдиган ўсимликларнинг 500 мингга яқин тури, хайёвонларнинг эса 1,5 миллионга яқин тури аниқланган. Шуларнинг 93%и қуриқликда, 7%и эса сувда яшайди.

## **БИОСФЕРАДА БИОСМАССАНИНГ ТАРҚАЛИШИ, МОДДАЛАРНИНГ, ЭНЕРГИЯНИНГ ДАВРИЙ АЙЛАНИШИННИНГ МОХИЯТИ ВА АХАМИЯТИ**

**Океанлар ер юзининг 70 фоизини эгаллашига қарамай, ер биосмассасининг 0,13 фоизини хосил қиласди.** Ўсимликлар маълум бўлган организмлар турларининг 21 фоизини, ер биомассасининг 99 фоизидан ташкил этади. Хайвонлар турлари барча организмларнинг 79 фоизини қамраб олганига қарамай, уларнинг биомассасидаги хиссаси 1 фоиздан камроқдир. Хайвонларнинг ичида 96 фоизи умиртқасизлардан, 4 фоизи эса умиртқалилардан иборат. Умиртқаликларнинг эса фақат 10 фоизи сут эмизувчиларга тўғри келади. Келтирилган маълумотлар ерда яшайдиган организмларнинг асосий кўпчилиги хали эвалюцияда юқори поғонага кўтарилимаганлигидан далолат беради. Тирик моддалдар ўзининг массасига кўра ўлиқ моддаларнинг фақат 0,001 – 0,02 фоизинигина хосил этса хам, лекин биосферанинг асосий функцияларини амалга оширишда энг мухим рол ўйнайди. Тирик моддалар биосферанинг энг мухим таркибий қисми бўлиб, геокимёвий жараёнлар натижасида ернинг бошқа қобиқларига жуда катта таъсир кўрсатади.

Куриқлик биомассаси. Куриқлик юзасининг турли қисмларида биомассанинг микдори бир хил эмас. Кутблардан экваторгача биомасса микдори ва организмлар турларининг сони тобора ортиб боради. Айникса, тропик ўрмонларда ўсимликлар турлари жуда кўп бўлади, зич ва бир неча ярусларда ўсади. Ҳайвонлар хам хил ярусларда жойлашади. Экватор биогеоценозларида хаёт зичлиги жуда юқори бўлади.

Организмлар ўртасида яшаш жойи, озиқ-овқат, ёруғлик, кислород учун кучли рақобат кузатилади. Кутбларда бунинг аксини курамиз. Одамнинг таъсирида биомасса хосил бўладиган майдонлар кескин ўзгариши мумкин. Шунинг учун хам саноат ва қишлоқ хўжалик максадларида тибиий ресурсдан оқилона фойдаланиш зарур. Қуруқлик юзасининг асосий қисмини тупроқ биогеоценозлари эгаллайди. Тупроқнинг хосил бўлиши жуда мураккаб жараён бўлиб, унинг таркиб топишида тоғ жинслари бирламчи ахамиятга эга. Тоғ жинсларига микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг таъсирида ернинг тупроқ қатлами аста-секин шаклланади. Организмлар ўзининг таркибида биоген элементларини тўплайди. Ўсимлик ва ҳайвонлар ўлганидан, парчаланганидан кейин улардаги элементлар тупроқ таркибига ўтиб, биоген элементлар тўпланиб боради. Шунингдек охиригача парчаланиб улгурмаган органик моддалар хам тупроқда тўпланади. Тупроқда тирик организмлар хам зич жойлашган. Масалан, 1т қора тупроқда микроорганизмларнинг сони  $25 \times 10^8$  га этиши мумкин, 1 га тупроқда 2,5 миллионга яқин ёмғир чувалчанги яшаши мумкинлиги аниқланган.

Тупроқда газлар алмашиниши хам тинмасдан давом этиб туради. Ҳаво таркибидаги кислород ўсимликларга ютилади ва кимёвий бирикмалар таркибиға киради. Азот эса айрим бактериялар томонидан ўзлаштирилади. Кундузи тупроқ қизиганда ундан карбонат ангидрид, водород сульфид, аммиак ажралади. Шундай қилиб, тупроқ биоген усулида хосил булади. У анерганик ва органик моддалардан хамда тирик организмлардан ташкил топади. Биосферадан ташқарида тупроқнинг хосил бўлиши мумкин эмас. Тупроқ тирик организмларнинг яшаш мухити бўлиб, ундан ўсимликлар ўзига озиқ моддалар билан сувни олади. Тупроқда кечадиган жараёнлар моддаларнинг биосферада айланишининг таркибий қисмини ташкил этади. Одамнинг хўжалик фаолияти кўпинча тупроқ таркибининг тобора ўзгаришига, ундаги микроорганизмларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун хам тупрқдан оқилона фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилиши зарурдир.

Океан биомассаси. Сув биосферанинг мухим таркибий қисмларидан бўлиб, тирик организмларнинг яшashi учун энг зарур омиллардан бири ҳисобланади. Сувнинг асосий қисми океан, денгизларда. Океан ва денгиз суви таркибиға 60 га яқин кимёвий элементдан иборат бўлган минерал тузлар киради. Организмлар хаёти учун жуда зарур бўлган кислород ва карбонат ангидрид газлари сувда яхши эрийди. Сувдаги хайвонлар нафас олиш жараёнида карбонат ангидрид ажратади. Ўсимликлар фотосинтези натижасида эса сув кислород билан боййиди. Океан сувларининг 200 м гача бўлган юқори қатламида бир хўжайраги сув ўтлари жуда кўп бўлиб, улар микропланктонни (юонча «планктос» - сайёр, кўчиб юрувчи деган сўздан олинган) хосил қиласи. Сайёрамиздаги фотосинтез жараёнининг 30 фоизга яқин сувда кечади. Сув ўтлари қуёш энергиясини қабул қилиб, уни кимёвий реакциялар энергиясига айлантиради. Сувда яшайдиган хайвонларни озиқланишида планктон асосий ахамиятга эгадир. Сувнинг тупига ёпишиб хаёт кечирадиган организмлар бентос деб аталади (юонча «бентос» - чукурдаги деган сўздан олинган). Океаннинг тубида жуда кўп бактериялар мавжуд бўлиб, улар органик моддаларни онорганик моддаларга айлантиради. Гидросфера хам биосферага кучли таосир кўрсатади. Гидросфера сайёрада иссиқлик ва намликтининг тақсимланишида, моддалар айланишида мухим рол ўйнайди.

#### **Денгизда яшовчи жониворлар:**

Планктон-сувнинг юза қатламида пассив ҳаёт кечиравчи, сув оқимга актив қаршилик кўрсата олмайдиган организмларнинг бирлиги фитопланктонлар ва зоопланктонлар

Нектон-сув ҳавзалариниг ўрта қатламида яшовчи, актив сузуви организмлар, бўлиб, сув оқимига эркин қаршилик корсата оладиган организмларнинг бирлиги

Бентос -- бутун ҳаёти давомида ёки ҳаётиниг кўп қисмини океанларнинг тубида (қуий қисмида) ва унунг тупроғида ёки тупроқ ичидаги яшовчи организмлар бирлиги.

#### **“Блиц усули”**

| <b>№</b> | <b>Мавзулар саволи</b> | <b>Биламан</b> | <b>Билишни<br/>холтайман</b> | <b>Билдим</b> |
|----------|------------------------|----------------|------------------------------|---------------|
|----------|------------------------|----------------|------------------------------|---------------|

|    |                                                                 |  |  |  |
|----|-----------------------------------------------------------------|--|--|--|
| 1. | Биосфера деб нимага айтилади?                                   |  |  |  |
| 2. | Биосфера ҳақида тушунча беринг?                                 |  |  |  |
| 3. | Инсоннинг биосферага таъсири нимадан иборат?                    |  |  |  |
| 4  | Биосферанинг тирик моддаси ва унинг функциялари нимадан иборат? |  |  |  |
| 5. | Табиатда азот қандай айланади?                                  |  |  |  |
| 6. | Табиатда углерод қандай айланади?                               |  |  |  |

### “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими хисобланиб, мустакил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

#### Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

### Инсерт жадвали

| Тушунчалар    | V | + | - | ? |
|---------------|---|---|---|---|
| Биосфера      |   |   |   |   |
| Необиосфера   |   |   |   |   |
| палеобиосфера |   |   |   |   |
| Эубиосфера    |   |   |   |   |

### Мавзуга оид вазиятли масалалар

#### Вазиятли масала

Биосфера (юонича биос – хаёт, сфера – шар сўзларидан олинган) тушунчаси фанга биринчи марта австриялик геолог олим В.И. Вернадский томонидан тирик организмлар яшайдиган ер қобигини белгилаш мақсадида киритилган. Биосфера хақидаги таълимотни рус академиги Э.Зюсс яратган ва ривожлантирган.

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Биосфера тирик ва ўлик таркибий қисмлардан иборат. Сайёрамизда яшайдиган хамма тирик организмларнинг йиғиндиси биосферанинг тирик моддасини ташкил этади. Тирик организмлар, асосан ернинг газсимон (литосфера) суюқ (атмосфера) қаттиқ (гидросфера) геологик қобиқларида

жойлашган. Кейинги маълумотларга қараганда биосферанинг қуи чегараси денгиз сатхидан 22 км баландликда, атмосферанинг юқори қатлами тропосфера да жойлашган.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Тирик модданинг функциялари. Тирик модданинг қуидаги асосий биокимёвий функциялари мавжуд:

- 1) газ кўпайиши;
- 2) оксидланиш қамайтиш;
- 3) конденсациялаш, сочиб юбориш жамғариш;
- 4) биофизикавий.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Биокимёвий функциялар – тирик организмлар томонидан атроф-мухитда тарқалган кимёвий элементларнинг тўпланишидир. Ўсимликлар фотосинтез жараёнида кимёвий элементларни тупроқда, калий, фосфор, азот, водород ва бошқаларни, ҳаводан углерод олиб хўжайранинг органик моддалари таркибига киритади. Жамғариш функциялари туфайли тирик организмлар кўп микдорда чўкма жинсларни, масалан, бўр, оҳак жинсларини ҳосил қиласди.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Оксидланиш–қайтарилиш функцияси – ўзгарувчан валентликка эга бўлган кимёвий элементларнинг темир, олtingургут, марганец, азот ва бошқаларни айланишини таъминлайди. Масалан: тупроқдаги хемосинтезловчи бактериялар ана шу жараёнларини амалга оширади. Шунинг натижасида  $H_2C$ , темир рудасининг баъзи турлари, хар хил азот оксидлари ҳосил бўлади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Концентрациялаш функциялар тирик организмларнинг хаёт фаолияти давомида ва уларнинг ўлимидан кейин биокимёвий жараёнларни таъминлайди. Биокимёвий функция организмларнинг озиқланиши, нафас олиши, кўпайиши, ўлган организмларнинг парчаланиши, чириши билан боғлиқдир

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Океанлар ер юзининг 10 фоизини эгаллашига қарамай, океанлар биосмассасининг 0,13 фоизини ҳосил қиласди. Биомасса маълум бўлган организмлар турларининг 21 фоизини, ер ўсимликларнинг 99 фоизидан ташкил этади. Хайвонлар турлари барча организмларнинг 79 фоизини қамраб олганига қарамай, уларнинг биомассасидаги хиссаси 1 фоиздан камроқдир. Хайвонларнинг ичидаги 96 фоизи умуртқалилардан, 4 фоизи эса умуртқасизлардан иборат.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Куриқлик юзасининг турли қисмларида биомассанинг микдори бир хил эмас. Қутблардан экваторгача биомасса микдори ва организмлар турларининг сони тобора ортиб боради. Айниқса, тропик ўрмонларда ўсимликлар турлари

жуда кўп бўлади, зич ва бир неча ярусларда ўсади. Ҳайвонлар хам хил ярусларда жойлашади.

Экватор биогеоценозларида хаёт зичлиги қандай бўлади?

Вазиятли масала

Бентос -сувнинг юза қатламида пассив ҳаёт кечиравчи, сув оқимга актив қаршилик кўрсата олмайдиган организмларнинг бирлиги.

Планктон -сув ҳавзалариниг ўрта қатламида яшовчи, актив сузувчи организмлар, бўлиб, сув оқимига эркин қаршилик кўрсата оладиган организмларнинг бирлиги

Нектон — бутун ҳаёти давомида ёки ҳаётиниг кўп қисмини океанларнинг тубида (қуий қисмида) ва унунг тупроғда ёки тупроқ ичидаги яшовчи организмлар бирлиги.

Вазиятни баҳоланг.

### **Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг**

**ўқув технологияси**


**“ШАЖАРА ДАРАХТИ” УСУЛИ**

**“Тирик модданинг функциялари”**




**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**

**ЭУРТОПИКАЦИЯ СУВНИ ТОЗАЛАШ**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси**  
**“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**

**БИОСФЕРАГА ТАЪРИФ БЕРГАН ОЛИМЛАР**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси**  
**«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**  
**ТИРИК ОРГАНИЗМЛАР ЖОЙЛАШГАН**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг**


**ўқув технологияси**

**«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**


**ЕРНИНГ ТУПРОҚ ҚАТЛАМИ АСТА-СЕКИН ШАКЛЛАНИШИ**



**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг**  
**ўқув технологияси**  
**“ШАЖАРА ДАРАХТИ” УСУЛИ**  
**«Океан биомассаси»**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг**  
**ўқув технологияси**  
**“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**  
**МОДДАЛАРНИНГ Доимий даврий айланниши**




## **Мавзуни амалий қўникмаларини эгалашнинг**

**ўқув технологияси**

**“Кластер” усули**

**БИОСФЕРАДАГИ БИОТИК АЙЛАНИШ**



## **1 – вариант**

1. Биосфера юононча биос – хаёт, сфера – шар сўзларидан олинган тушунчасини фанга биринчи марта ким киритган?
  - А. австриялик геолог олим Э.Зюсс
  - Б. рус олими В.И. Вернадский
  - В. немис олими Роберт Кох
  - Г. Ўзбек олими Улуғбек
2. Рус олими В.И. Вернадский томонидан биосфера тўғрисидаги таълимот қачон яратилди.
  - А. XX- асрнинг 20-30 йилларида
  - Б. XX- асрнинг 10-15 йилларида
  - В. XX- асрнинг 40-50 йилларида
  - Г. XX- асрнинг 50-60 йилларида
3. Биосфера планетамизнинг тирик организмлар яшаётган ёки қачонлардир яшаган ва хар доим тирик организмлар таъсир қилиб турадиган қисмидир. Бу таърифни ким берган?
  - А. рус олими В.И. Вернадский
  - Б. немис олими Роберт Кох
  - В. Ўзбек олими Улуғбек
  - Г. австриялик геолог олим Э.Зюсс
3. Биосфера қандай таркибий қисмлардан ибора?т
  - А. тирик ва ўлик      Б. Очик ва ёпик.
  - В. катта ва кичик.    Г. Ер ва осмон.
4. Биосфер қандай қисмлардан ташкил топган?
  - А. Атмосфера, гидросфера, литосфера, тропосферада
  - Б., гидросфера, литосфера, тропосферада
  - В. Атмосфера, , литосфера, тропосферада
  - Г. Атмосфера, гидросфера, , тропосферада
5. гидросферанинг хамма қисмида ҳатто энг чуқур гача бўлган жой
  - А. 11 км      Б. 21 км.    В. 8 км    Г. 18 км
6. Тирик модданинг функциялари.
  - А.газ алмашиниши; оксидланиш қайтарилиш; концентратсиялаш, жамғариш; биокимёвий.
  - Б.; оксидланиш қайтарилиш; концентратсиялаш, жамғариш; биокимёвий.
  - В. газ алмашиниши; қайтарилиш; концентратсиялаш, жамғариш; биокимёвий.
  - Г. газ алмашиниши; оксидланиш қайтарилиш; жамғариш; биокимёвий.
7. Биосферадаги тирик моддаларнинг умумий массаси нима дейилади?
  - А. Биомасса    Б. Фитомасса    В. геомасса.    Г. Гидромасса.
8. Хозирги даврда ерда яшайдиган ўсимликларнинг нечага яқин тури аниqlанган?
  - А. 500 мингга яқин тури,
  - Б. 300 мингга яқин тури
  - В. 400 мингга яқин тури
  - Г. 200 мингга яқин тури.

9. Хозирги даврда ерда яшайдиган хайёвонларнинг нечага яқин тури аниқланган?
- А. 1,5 миллионга яқин тури.
  - Б. 0,5 миллионга яқин тури
  - В. 2,5 миллионга яқин тури
  - Г. 2,0 миллионга яқин тури
10. Хозирги даврда ерда яшайдиган ўсимликларнинг ва хайёвонларнинг неча % қуриқликда ва неча % сувда яшайди?
- А. 93%и қуриқликда, 7%и сувда яшайди.
  - Б. 94%и қуриқликда, 6%и сувда яшайди.
  - В. 95%и қуриқликда, 5%и сувда яшайди.
  - Г. 96%и қуриқликда, 4%и сувда яшайди.

### **2 - вариант**

1. Океанлар ер юзининг неча фоизини эгаллайди?
- А. 70 %      Б. 60 %      В. 50 %      Г. 40 %
2. Ер биосмассасинингнеча фоизини хосил қиласи ?
- А. 0,13 %    Б. 0,14 %    В. 0,15 %    Г. 0,16 %
3. Хайвонларнинг ичида неча фоизи умиртқасизлар?
- А. 96 %
  - Б. 80 %
  - В. 70 %
  - Г. 56 %
4. Хайвонларнинг ичида неча фоизи умиртқалилар?
- А. 4 %      Б. 5 %      В. 6 %      Г. 7 %
5. Умиртқаликларнинг эса фақат неча фоизи сут эмизувчиларга тўғри келади?
- А. 10 %
  - Б. 20 %
  - В. 30 %
  - Г. 40 %
6. Тирик моддалдар ўзининг массасига кўра ўлик моддаларнинг фақат неча фоизинигина хосил этади?
- А. 0,001 – 0,02 %
  - Б. 0,003 – 0,04 %
  - В. 0,005 – 0,06 %
  - Г. 0,01 – 0,2 %
7. Сувнинг юза қатламида пассив ҳаёт кечирувчи, сув оқимга актив қаршилик кўрсата олмайдиган организмларнинг бирлиги нима ?
- А. Планктон
  - Б. Нектон
  - В. Бентос
  - Г. Плутон
8. Сув ҳавзалариниг ўрта қатламида яшовчи, актив сузуви организмлар, бўлиб, сув оқимига еркин қаршилик корсата оладиган организмларнинг бирлиги нима деб аталади?

А. Нектон  
Б. Бентос  
В. Плутон  
Г. Планктон

9. бутун ҳаёти давомида ёки ҳаётиниг кўп қисмини океанларнинг тубида (қуи қисмида) ва унунг тупроғда ёки тупроқ ичида яшовчи организмлар бирлиги нима ?

А. Бентос  
Б. Плутон  
В. Планктон  
Г. Нектон

10. Нектон нима ?

А. актив сузувчи организмлар  
Б, сув ўтлари  
В. ивилдириқ  
Г. моллюск

## **5- АМАЛИЙ МАШГУЛОТ. ЗАМОНАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР. ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯ ВА ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ**

### **Амалий машғулот технологик картаси**

| Технологик босқичлар              | Фаолият мазмуни.                                                                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                    |
|-----------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Ўкув жараёнинга кириш (10 мин) | <b>Ассистент</b><br><br>Машгулот мавзусини эълон килади, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таништиради.<br>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўкув натижалари ва баҳолаш критериялари билан таништириш. | <b>Талаба</b><br><br>Машгулот режаси билан таништирадилар ва зарурӣ ахборотларни қайд этиб боради. |
| 2. Асосий босқич (60мин)          | 2.1.Қуйидаги диққатни жалб қилувчи са волларга жавоб беришни таклиф қилади.<br>1.Умумбашарий (глобал муаммолар ).<br>2.“Атмосферанинг димиқиши” ҳодисасининг сабаби ва окибатлари.<br>3.Озон қатламиининг сийракланиши сабаблари ва олдини олиш чоралари.                 | Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва жавобларни тахлил қиласди.<br><br>5 кишидан иборат    |

|                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |
|------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                              | <p>4.Марказий Осиё мінтақасидаги әңг асосий муаммолар.</p> <p>5.Чучук сув муаммоси келиб чиқишининг асосий сабблари.</p> <p>6.Пеститсидлардан фойдаланиш қандай экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда?</p> <p>7. Махаллий экологик муаммолар.</p> <p>8.Мінтақавий экологик муаммолар</p> <p>9.Пестицидларнинг заҳарли таъсирини олдини олишда қандай чора-тадбирлар кўрилади?</p> <p>Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир нечта жавобларни тинглайди)</p> <p>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурухларга бўлади. Хар бир гурухда биттадан савол бўйича варақаларини тарқатиб беради.</p> <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ўқитувчи маслаҳатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар киритади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4. Тақдимот нихоясида хulosалар қилиб, хар бир гурух иштирокчилари диққатини мавзунинг асосий саволларини ёритишга қаратади.</p> | <p>З гурухга бўлинади</p> <p>Гурух аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p><b>Машғулотларни системалаштиради, ўзаро фикр алмашади.</b></p> <p>Гурух сардорлари ўз гурухи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қиласди ва гурух жавобларни асослаб беради.</p> |
| 3. Якуний босқич<br>(10 мин) | <p>Мавзу бўйича умумий хulosалар қиласди. Натижаларни аниқлайди. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида кўрсатмалар беради.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           | <p>Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар.</p>                                                                                                                                                                                                                                                             |

### **ЗАМОНАВИЙ ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР**

Инсон фаолияти таъсирида биосферанинг ўзгариши жуда тезлик билан боряпти. Ер куррасининг қиёфасини ўзгартиришда катта геологик куч сифатида вужудга келганини В. И. Вернадский томонидан таъкидлаб ўтилган эди. Инсоннинг геологик ва геокимёвий фаолиятини сархисоб қиласиган бўлсак нихоятда катта.

Инсоннинг табиий жараёнларга ана шундай муносабатда бўлиши натижасида XX асрнинг ўрталарида экологик муаммолар жуда авж олиб кетди.

**Экологик муаммо** деганда инсоннинг табиатга қўрсатаётган таъсири билан боғлик холда табиатнинг инсонга акс таъсири яъни унинг иқтисодиётида, хаётида хўжалик ахамиятига молик бўлган жараёнлар, табиий ходисалар билан боғлиқ (стихияли талофтотлар, иқлиминг ўзгариши, хайвонларнинг ялпи кўчиб кетиши ва б.) хар қандай ходиса тушинилади.

Дунё бўйича кузатиладиган табиий, табиий антропоген ёки соф антропоген ходисалар -умумбашарий муаммолар” деб қаралади. Ана шундай муаммоларга баъзи бир мисоллар келтирамиз.

**1. “Атмосферанинг димиқиши”** ходисаси. Кейинги йилларда атмосфера таркибидаги CO<sub>2</sub> миқдори ортиб бораётганлиги маълум бўлиб қолди. Натижада Ер юзасининг харорати 100 йил ичида 0,5 - 1,0°C ортди. Иқлиминг кенг қўламда ўзгариши атмосферанинг саноат чиқиндилари ва автотранспортлардан чиқаётган газлар билан боғлик. Ер юзасининг глобал исиши, яъни “атмосферанинг димиқиши” CO<sub>2</sub> нинг хаво таркибида ортиб кетиши, ўрмонларни кесилиши, тошкўмир ва бензин каби ёқилгиларни ёнишидан атмосферада тўпланадиган CO<sub>2</sub> гази туфайлидир. Ана шундай зайлда ахвол ўзгармаса XXI асрга келиб ер юзасининг харорати 1,5 - 4,5°C га ортиши мумкин. Натижада: 1. Иқлиминг ўзгариши айниқса, чўлланиш жараёнининг кучайиши. 2. Ёғингарчиликнинг ўзгариши. 3. Географик зоналарнинг силжиши. 4. Денгиз ва океанлар сатхининг ортиши. 5. Музликларнинг эриши ва камайиши, хамда, бошқа ходисалар кузатилади.

**Озон қатламиининг сийракланиши.** Озоносфера атмосферанинг мухим таркибий қисми хисобланиб, у иқлимга ва Ер юзасидаги барча тирик организмларни нурланишдан саклаб туради. Атмосферадаги озоннинг энг мухим хусусияти унинг доимо хосил бўлиб ва парчаланиб туришидир. Озон қуёш нурлари таъсирида кислород, азот оксиди ва бошқа газлар иштирокида хосил бўлади. Озон кучли ультрабинафша нурларини ютиб қолиб ер юзидаги тирик организмларни химоя қиласи. Ультрабинафша нурлар таъсирида нурланиш одамларда терини куйишига сабаб бўлади. Бугунги кунда тери раки билан касалланиш ушбу нурлар таъсирида келиб чиқаётганлиги аниқланди. Хозирги даврда хлорфторметанлар (фреонлар) дан кенг фойдаланиш туфайли хамда азотли ўғитлар, авиация газлари, атом бомбаларини портлатишлар атмасфера етарли миқдорда аzon тўпланишига имкон беради. Шунинг учун майиший турмушда совутгичларда ишлатиладиган фреондан фойдаланишна қисқартириш ва 2000 йилга бориб бутунлай ишлаб чиқаришни тўхтатиш кўзда тутилган.

**4. Чучук сув муаммоси.** Куруқликда чучук сув ва унинг биосферадаги роли нихоятда катта. Гидросферада чучук сув миқдори жуда оз (2-2,5 %). Чучук сув захираси асосан қутублардаги музликлардир. Жамиятнинг ривожланиши билан ахолининг чучук сувга бўлган талаби ортиб бормоқда. Бизнинг асримизда чучук сувдан фойдаланиш 7 марта ортган. Йилига 3-3,5 минг км<sup>2</sup> сув сафланади. Асримизнинг охирида ушбу қўрсаткич 1,5-2 марта ортса керак. Дарёларнинг умумий йиллик оқими ер юзи бўйича 50000 км<sup>2</sup>. Аммо бундай фойдаланишда чучук сув етишмаслиги аниқ.

Қурғоқчил зоналарда дарёлардан түлиқ фойдаланилғанда хатто уларнинг суви етмай қолади. 1980 йиллар бошларида бундай холат, Африка, Австралия, Италия, Испания, Мексика, Нил, Сирдарё, Амударё ва баъзи бир бошқа дарёларда кузатила бошланди. Дарёларнинг саноат ва майший захарли моддалар билан захарланиши (ифлосланиши) ўсиб бормоқда. Саноат йилига  $160 \text{ км}^3$  саноат оқова сувларини дарёга ташлайди. Бу курсаткич дарёларнинг умумий сув миқдорининг 10% ни, баъзи ривожланган давлатларда 30% ни ташкил этади. Дарёлардаги тоза сувларда йилдан-йилга ҳар хил эриган моддалар ва бактерияларнинг миқдори ортиб бормоқда.

**5. Пестицидлардан фойдаланиш муаммоси.** Ушбу захарли кимёвий моддалар гурухи бегона ўтлар, заарқунанда хашоротлар ва бошқа хайвонлар, ўсимликларда касалликларни келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши курашда фойдаланилади. Пестицидлардни қишлоқ хўжалигида, ўрмончиликда авиация ёрдамида сепиш кенг кўламда атроф-мухитни ифлосланишига олиб келади. Пестицидлар атмосферада, узоқ масофаларга тарқалиши шунингдек сув орқали дала, дарё, кўллардан ўтиб дунё океанларида тўпланади. Энг хавфли жойи шундаки улар экологик озиқ занжирига қўшилиб, тупрокдан ва сувдан ўсимликларга, ундан хайвонларга ва қушларга, нихоят озиқ ва сув билан одам организмига ўтади. Ҳар бир буғинда пестицидлар заарли ва зиён келтиради. Пестицидларнинг тирик табиатга ва одамга кўрсатадиган заарли ва жиддий, шу билан бирга улар ташқи муҳит омилларига нисбатан барқарор моддалар хисобланади. Пестицидларнинг захарли таъсирини олдини олиш учун қўйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

1. Кукун холда тайёрлашдан кўра донадор холатда тайёрлаш;
2. Хайвонлар ва одамларга таъсирини сусайтириш;
3. Тупроқ ва сувларда тўпланишнинг олдини олиш;
4. Пестицидлардан фойдаланишни иложи борича чеклаш;
5. Тез парчаланувчи ва бекарор пестицидлардан синтез қилиш;
6. Агротехник, селекцион хўжалик ва ташкилий ишларни қўллаш;
7. Ўсимликларни биологик химоя қилиш.

Тирик табиаидаги ўсимлик ва хайвон турлари сонининг қисқариши муаммоси. Ўсимликлар дунёси, айниқса ер юзидаги хаётни таъминлашда ўрмонларнинг ахамияти жуда катта. Хозирги вақтда қуруқликнинг 30%, яъни 3,8 млрд. Гектар ер ўрмонлар билан қопланган. Улар шимолий ярим шарда ва тропик зоналарда тарқалган. Ўрмонларнинг табиатда ва инсоннинг хўжалик фаолиятидаги ахамияти кўпчилик учун маълум.

Йирик шахарларнинг вужудга келиши, ахоли сонининг ва саноат марказларининг ортиши билан кишиларнинг табиат қучоғида дам олишга эҳтиёжлари хам ортиб бормоқда. Айниқса ўрмонлар ана шундай дам олиш масканларига айланиб бормоқда. Дунё бўйича ўрмонларнинг холати яхши эмас. Ҳар йили 3 млрд.  $\text{m}^2$  хажмда ўрмонлар қирқилмоқда. ФАО маълумотларига кўра бу кўрсаткич 2000 - йилга бориб 1,5 мартаға ортди. Инсониятни, айниқса тропик ва субтропик ўрмонлар муаммоси ташвишга солмоқда. У ерларда йилига дунё

миқёсидаги қирқилиши керак бўлган ўрмонларнинг ярмидан қўпи кесиб ташланмоқда. 160 млн. гектар майдаон тикланмоқда. Флоранинг камайиб кетиши “Кизил китоб” яратилишига сабаб булади. Ахоли сонининг ортиши, хўжалик фаолиятининг кенгайиши туфайли табиатнинг инсон қўли тегмаган жойи қоляпти. Хайвонларнинг асосий қўпайиш худудлари, миграция қилувчи йўллари, дам олиш жойлари, туёкли хайвонларнинг озиқланувчи майдонлари сунъий қопламларга айланган, сувлар босиб мол боқиб ёки хайдаб юборилган. Айниқса нам тропикларда қўпчилик хайвон турларининг қирилиб кетиши қўзатилмовда.

Ўсимлик ва хайвон турларини давлат муҳрафасига олиш қонунлар орқали овчиликни туғри йўлга қуиши шунингдек қўриқхоналар заказниклар, миллий боғлар, ботаника боғлари ва “Кизил китоб” лар ўсимлик ва хайвон турларини сақлашда катта рол уйнайди.

Минтақавий экологик муаммолар. Ер юзасининг муайян минтақаси ўзига хос табиий - иқлим, ижтимоий экологик, этнографик хусусиятлари уни табиат билан инсон ўртасидаги ўзаро алоқа муносабатлари характерни белгилаб беради. Минтақавий экологик муаммоларга барҳам беришнинг меъзони хаво ва сувнинг ифлосланиши, белгиланган микдордан ошиб кетиши, ўрмонларда дараҳтларни кесиш ва бошқалар хисобланади.

Марказий Осиёдаги минтақавий экологик муаммолардан энг мухими Орол ва Орол бўйи экологик муаммосидир. Орол денгизи яқин вақтларгача дунёдаги энг йирик денгизлардан бири хисобланган. У мухим балиқчилик, овчилик, транспорт ва реакцион ахамиятга эга эди. Суғориладиган дехқончиликнинг ривожланиши натижасида, шунингдек қурғокчилик натижасида, шунингдек қурғокчилик йиллари Амударё ва Сирдарёлар сув қуиши 1970 йилга келиб 37,8 км<sup>3</sup>, 1980 йилда эса 11,1 км<sup>3</sup> га кемайиб кетди. 80 йилларнинг бошларида ушбу дарёларнинг денгизга қуиши бутунлай тухтади.

Сувнинг шўрланиш даражаси 9-10 г/л дан 34-37 г/л гача ортди. Хозирги кунда дengiz сатхининг йиллик ўртача пасайиши 80-110-см Оролнинг куриган туби йирик чанг-тузон маконига айланди. Ахоли ичадиган сув пестицидлар билан ифлосланган, кейинги 10 йил ичидан ўлиш икки марта ортган. Болалар ўлими 1000 киши хисобига 45-90 тага тўғри келади. Аёлларнинг 80% дан ортиғи камқонлик хасталигига мубтало бўлган. Болаларнинг 90% зида сийдигида тузлар микдори ортиб кетган. Юқумли касалликлар тез-тез такрорланиб туради.

Орол ва Орол бўйида мураккаб экологик муаммолар мажмуи шаклланиб бўлиб, келиб чиқиши ва оқибати даражаси жихатидан давлатлараро характерга эга.

Келажакда ушбу минтақавий муаммони хал этилиши Марказий Осиёни ижтимоий экологик ва иқтисодий ахволи, шунингдек демографик холат, сугориладиган ерларни мелиоратив холати ва маҳсулдорлигини ошириш, ахолини ичимлик сув билан таъминлиш қабилар билан боғлик.

Ўзбекистондаги экологик муаммолар. Бугунги кунда Мустақил Ўзбекистан йирик саноат ва аграр минтақа бўлиб, келажакда дунёга юз тутган машинасозлик, энергетик, кимё, озиқ-овкат саноати, транспорт мажмуини янада

ривожлантириш кўзда тутилмовда. Холбуки, ишлаб чиқарувчи қучларнинг ривожланиши Республикада ижтимоий экотизимларнинг холатига муайян даражада салбий таъсир кўрсатади. Республикада кескин бўлиб турган экологик ва табиатни муҳофаза қилишга оид муаммолар қуидагилар:

1. Йирик худудий-саноат мажмуилари жойлашган раёнларда (Ангрен - Олмаликк - Чирчик, Фаргона - Марғилон, Навоий ва хоказо) табиатни муҳофаза қилиш муаммолари.

2. Орол ва Орол бўйи муаммолари, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан мақбул тарзда фойдаланиш.

3. Агросаноат мажмуидаги экологик муаммолар.

4. Табиатдаги сувларнинг саноат яиқиндилари, пестицидлар ва минерал ўғитлар билан ифлосланиши.

5. Ўсимлик ва хайвонот дунёсини муҳофаза ва қайта тиклаш муаммолари, қўриқхоналар ва миллий боғлар тармоғини кенгайтириш.

Юқорида келтирилган муаммоларни эътиборга олиб, Республикада нокулай экологик вазият юзага келган туман ва худудларни аниқлаб ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Экологик муаммоларни олдини олиш борасида олиб борилаётган ишлар.** Маълумки, ҳар қандай давлатнинг ривожи, аҳоли турмуш фаровонлигининг ошириб боришида уч тамойилга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади: иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳимоя ва ниҳоят, экологик хавфсизликдир.

Бу борада мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ қучли, узоқни кўзловчи сиёsat амалга оширилаётганлигини бугун нафақат ўзбекистонликлар, балки жаҳондаги ривожланган давлатлар, халқаро ташкилотлар ҳам очиқ эътироф этмоқда. Юқоридаги уч тамойил Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожига асос қилиб олинган десак, хато қилмаймиз. Ўзбекистонда экологик хавфсизликка, бу хавфсизликка таҳдид солаётган ва эндилиқда глобал муаммога айланиб қолган Орол ва Оролбўйи экологик фожиаси оқибатларини бартараф этиш, трансчегаравий дарёлар сувидан оқилона фойдаланиш масалаларига фақат бугун эътибор қаратилаётгани йўқ. Бу масалалар ўтган асрнинг 80- йиллари охирида ҳам кўтарилиган ва мустақилликка еришилгандан кейин янада ривожлантирилган эди.

Ўзбекистон мустақилликка еришгач, Орол экологик фожиасини тўхтатиш ва юмшатиш йўлида кенг кўламдаги мислсиз ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташабbusлари билан Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш ҳайрия жамоат фонди ташкил этилди.

Халқаро донорларни Орол ва Оролбўйи муаммоларини юмшатиш борасидаги ҳаракатларга жалб қилиш мақсадида 2008 йилнинг 11-12 марта Тошкент шаҳрида Халқаро конференсия ўтказилди. Унда “Оролбўйи миңтақасида иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш мақсадида амалга ошириш учун халқаро донорларга таклиф этилаётган мажмуавий ҳаракат дастури” қабул қилинди.

Орол ва Оролбўйи муаммосини ҳал қилишда Ўрта Осиё давлатлари ҳамкорлиги 1993 йили Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг (ОҚҲЖ) ташкил этилишида намоён бўлди. Унинг доирасида “Орол денгизи ҳавзаси Дастури” ҳаётга татбиқ этилди.

2009 йил апрелида Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо давлатлар раҳбарлари учрашуvida Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов жаҳон ҳамжамиятини Орол денгизи ҳавзаси муаммоларини ҳал этишга янада кенгроқ жалб қилишга қаратилган Оролни қутқариш халқаро жамғармасига аъзо мамлакатларнинг 2011-2015 йиллардаги фаолияти Дастури концепциясини таклиф этди.

Минтақада экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатларини юмшатиш мақсадида Амударё дельтасида кичик сув ҳавзаларини яратиш, тўқайзорларни сақлаб қолиш, Оролбўйининг олис аҳоли яшаш жойларида қуёш энергиясидан фойдаланишга қаратилган бир қатор халқаро ва давлатлараво лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тўқайзорлар, қамишзор ўсимликлари, табиий яйловлар майдонининг ҳамда ноёб турдаги жониворлар ва қушлар сонининг қисқариши ёки уларнинг бутунлай йўқолиши натижасида етказиладиган умумий зиён энг камида юзлаб миллион АҚШ долларига баҳоланмоқда. Аммо флора ва фаунадаги ҳақиқий қайта тиклаб бўлмайдиган йўқотишларни молиявий жиҳатдан ўлчаб бўлмайди.

Бу соҳада мавжуд вазифалар кўламишинг кенглиги, мураккаблиги ҳамда миқёси минтақадаги экологик вазиятни яхшилаш муаммоларини комплекс равишида ҳал этишда нафақат давлат органларининг, балки жамоат бирлашмалари, фуқаролик жамияти институтларининг саъй-харакатларини бирластиришни талаб этади. Шу боис Ўзбекистонда бу ишга кенг жамоатчиликни жалб қилиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат, жамият ва ҳар бир фуқаронинг ишига айланиши йўлида жиддий қадамлар ташланиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, мустақиллик йилларида Республикаизда атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам, яхлит қонунчилик базаси яратилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992 й.), “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги (1993 й.), “Ветеринария тўғрисида”ги (1993 й.), “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги (1994 й.), “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги (1995 й.), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1996 й.), “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (1997 й.), “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (1997 й.), “Ўрмон тўғрисида”ги (1999 й.), “Экологик экспертиза тўғрисида”ги (2000 й.), “Чиқиндилар тўғрисида”ги (2002 й.), “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги (2004 й.) қонунлари атроф-мухитни, табиий ресурсларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конститутсиясининг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, 54-моддасида, “Мулкдор мулкига ўз хохишича эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт”, 55-моддасида эса “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, дея алоҳида таъкидланган. Қонунчиликдаги янгиликлар, айниқса, атроф табиий мухит муҳофазаси масалаларига доир қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ёшларнинг экологик билим ва қўникмаларининг ошишида, экологик тафаккур ва онгининг янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

### **ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ.**

Минтақамида жойлашган Орол денгизининг қуриши инсоният тарихидаги энг йирик экологик фожеалардан биридир.

Орол денгизи – сайёрамиздаги энг қадими ёпиқ сув ҳавзаларидан бири ва у йириклиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда бўлган, бой табиий захиралари билан машхур эди. Оролбўйи минтақаси эса биологик жиҳатдан бой табиий мухит ҳисобланарди. 1960 йилга қадар Орол денгизи майдони 68,9 минг кв. км га тенг эди, сув ҳажми 1083 куб. км ни ташкил этарди. Орол ва Оролбўйи сув ҳавзаларида 38 турдаги балиқ бўлиб, йилига 30 минг тоннагача балиқ овланган. Оролбўйининг кенг ҳудудларида бир катор ҳайвон турлари – Бухоро кийиги, жайрон, Устюрт тоғ эчкиси ва сайфоқларнинг кўп сонли популяцияси мавжуд эди.

Бир пайтлар Амударё дельтаси флораси таркибида 638 турдаги турли ўсимликлар мавжудлиги ҳам ушбу минтақанинг нақадар бой биохилма-хилликка эга бўлганидан ёрқин далолатdir.

Бугун Орол денгизининг ҳажми 13 баробарга, майдони 7 баробарга қисқарди. Сув сатҳи 26м га пасайди, сув чегараси юзлаб километрга чекинди. Сувнинг шўрланиши, яъни минераллашуви ғарбий қисмида 120 г/л га, шарқий қисмида 280 г/л гача этди.

Экологик ҳалокат оқибатлари Орол денгизи ҳавзасида яшовчи миллионлаб одамларнинг турмуш тарзига салбий таъсир ўтказди. Бугун халқаро миқёсдаги экологик муаммоларнинг мураккаб мажмуи Орол фожиасида ўз аксини топди. Очифи, минтақадаги барча жараён ва ҳолатлар глобал иқлим ўзгариши шароитида янада кескин, шиддатли ва мураккабликда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда мавсумий қурғочиликнинг қучайиш тенденсияси сезиларли қўлам касб этган. Бу эса Оролнинг қуриш жараёни минтақа иқлим шароити ўзгаришига салбий таъсир ўтказаётганидан далолат беради. Орол фожиаси иқлим континенталлигини кескинлаштириди, натижада, ёз кунлари қурғочилик қучайиб, қишининг совуқ кунлари эса аксинча узайди. Оролбўйида ҳарорат 40°C дан юқори бўладиган кунлар сони 2 марта га кўпайди.

Маълумки, Марказий Осиё давлатлари аҳолисининг сувга бўлган талаби трансчегаравий дарёлар - Амударё ва Сирдарё ҳисобига қондирилади. Мутахассисларнинг башорат қилишича, иқлим ўзгариши, глобал ҳароратнинг ошиши туфайли Амударё ва Сирдарёнинг сув захираси манбаи бўлган музликлар 2015 йилга бориб 15-20% га камайиши кутилмоқда. Бу эса худудимизда сув таъминотининг 20% гача қисқаришига олиб келиши мумкин. Тоғ музликларининг ҳажми ҳозир йилига 0,2 дан – 1 фоизгача камайиб бораётгани фикримиз исботидир.

Орол денгизининг қуриган қисмида майдони тахминан 5,5 млн. га бўлган янги чўл – Оролқум, оппоқ туз билан қопланган кенг худудлар пайдо бўлди. Ундан юзлаб километрга миллионлаб тонна туз, чанг ва қумларни тарқатувчи довуллар кўтарилади.

Туз шлейфлари 400 км дан ошади, қумли ва тузли бухронларнинг таъсир доираси - 300 км гача етмоқда. Ҳар йили бу ердан атмосферага 100 млн. тоннагача қум аралаш тузли чанглар кўтарилади. Ўтган асрнинг 80-йиллари бошидан бошлаб бундай довуллар йилига 90 кундан ортиқ вақт давомида тез-тез содир бўлмоқда.

Оролбўйи чўлланиши ер ресурсларининг деградациясига, табиий яловлар ва пичанзорлар сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда, тупроқнинг шўрланиши фаоллашиб, у йил сайин янгидан-янги майдонларни қамраб олмоқда. Антропоген чўлланиш натижасида Оролбўйининг биологик унумдорлиги 10 баробарга қисқарди. Кўпгина жойларда ер ва еости сувларида шу қадар кўп туз тўпланганки, бу қишлоқ хўжалиги экинлари етиширишни қарийб имконсиз қилиб қўймоқда.

Бугун шуни афсус билан таъкидлаш керакки, Оролбўйи ўсимлик ва ҳайвонот дунёси генофондининг ярмидан кўп йўқ бўлиб кетди.

Айни пайтда, Жанубий Оролбўйида кўплаб кичик кўллар саёзлашди ёки куриб қолди. Бу эса, ўз навбатида, 800 минг гектар майдондаги мавжуд бутазор ва тўқайзорларнинг 90%и, улар билан бирга, бу ерда қўним топган жоноворларнинг йўқолишига олиб келди. Сув танқислиги туфайли дарё бўйидаги ўрмонлар, дельтадаги юзлаб кўллар куриб қолди.

### “Блиц усули”

| <u>№</u> | <u>Мавзулар саволи</u>                                             | <u>Биламан</u> | <u>Билишни<br/>хоҳлайман</u> | <u>Билдим</u> |
|----------|--------------------------------------------------------------------|----------------|------------------------------|---------------|
| 1.       | Умумбашарий (глобал муаммолар ).                                   |                |                              |               |
| 2.       | “Атмосферанинг димиқиши” ҳодисасининг сабаби ва окибатлари.        |                |                              |               |
| 3.       | Озон қатламишининг сийракланиши сабаблари ва олдини олиш чоралари. |                |                              |               |
| 4        | Марказий Осиё                                                      |                |                              |               |

|    |                                                                            |  |  |  |
|----|----------------------------------------------------------------------------|--|--|--|
|    | минтақасидаги әнг асосий муаммолар.                                        |  |  |  |
| 5. | Чучук сув муаммоси келиб чиқишининг асосий сабаблари.                      |  |  |  |
| 6. | Пестицидлардан фойдаланиш қандай экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда? |  |  |  |

### “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

#### **Матнни белгилаш тизими**

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

### Инсерт жадвали

| Тушунчалар                     | V | + | - | ? |
|--------------------------------|---|---|---|---|
| “Атмосферанинг димиқиши”       |   |   |   |   |
| Озон қатламиининг сийракланиши |   |   |   |   |
| Чучук сув муаммоси             |   |   |   |   |
| Пеститсидлардан фойдаланиш     |   |   |   |   |
| Қўриқхоналар                   |   |   |   |   |
| Заказниклар                    |   |   |   |   |

### Мавзуга оид вазиятли масалалар

#### Вазиятли масала

Экологик муаммо деганда инсоннинг табиатга қўрсатаётган таъсири, яъни унинг иқтисодиётгда, хўжалик аҳамиятига молик бўлган жараёнлар, табиий ҳодисалар билан боғлиқ (дабдабали тўйлар, илиқлиш, кометаларнинг ялпи кўчиб кетиши ва ҳар қандай ҳодиса тушунилади.

#### Вазиятли масала

Экологик муаммоларни уч гурухга ажратиш мумкин:

1. Минтақавий (глобал).
2. Махаллий (регионал).
3. Умумбашарий (локал).

Вазиятни баҳоланг.

## Вазиятли масала

Умумбашарий муаммолар:

- 1.“Тропосферанинг димиқиши”
- 2.Литосфера қатламиининг сийракланиши.
- 3.Ёмғир суви муаммоси.
- 4.Пептонлардан фойдаланиш муаммоси.

Вазиятни баҳоланг.

## Вазиятли масала

Озон қатламиининг сийракланиши натижасида қуидаги ҳолатлар юзага келиши мүмкін:

1. Иқлимининг ўзгариши, айниқса чўлланиш жараёнинг кучайиши.
2. Ёғингарчилик миқдори ва муддатларининг ўзгариши.
3. Географик зоналарнинг силжиши.
4. Денгиз ва океанлар сатҳининг ортиши.
5. Музликларнинг ериши ва камайиши ҳамда бошқа ҳодисадлар кузатилади.

Вазиятни баҳоланг.

## Вазиятли масала

Ер курраси минтақаларида иқтисодиётни, ишлаб чиқаришни, хўжаликни ривожлантириш ва уни ўзлаштириш жараёни заминидаги қонунятларни очиб бериш, инсоннинг морроғизиологик, ўзига хос томонларини ҳисобга олиб литосферани техноген жараёнлар таъсирида гидросферага, хроносферага ўтиш даврида, унинг сиҳат-саломатлигини сақлаш инсон экологиясининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади

Вазиятни баҳоланг.

## Вазиятли масала

Ижтимоий фанлар соҳасидаги олим В.И.Вернадскийнинг таъкидлашича, бугун инсоният ўзи яратган жуда кучли техник қуроллар ёрдамида табиий ресурслардан бекиёс фойдаланиши натижасида биологик тур сифатида ўз цивилизациясига эришди.

Вазиятни баҳоланг.

## Вазиятли масала

И.Т.Фроловнинг фикрича, инсониятнинг табиатни ўзгартирувчи омил сифатида намоён бўлаётган хўжалик фаолияти оқибатларининг табиатга нисбатан таъсири тобора кучайиб бораётган бир вақтда, табиатнинг имкониятларини ҳисобга олишни тақозо этади. Акс ҳолда, табиатда намоён бўлаётган экологик салбий ўзгаришлар инсон саломатлигини ёмон томонга ўзгартириб юборади, бошқача қилиб айтганда, инсон ҳозир ва қелажакда биосферада бўладиган салбий ўзгаришларга жавоб беради

Вазиятни баҳоланг.


## Вазиятли масала

Экотизимга кўрсатиладиган билвосита таъсирга озуқа занжирини мисол қилиб кўрсатиш мүмкін: ўтхўрлар ўтхўрлар билан озиқланишади ва ўз навбатида


гүштхўрлар ўсимлик билан. Гўштхўрларнинг ўтхўрлар популяциясини овлаши ўтхўрлар томонидан ўсимлик биомассасини назорат қилишини издан чиқаради. Бу таъсирлар занжири озуқа занжирини ишдан чиқаради ва бу трофик каскад деб аталиб, турли трофик даража ва экотизим функциясини бошқарувчи биомассага таъсир кўрсатади.

Вазиятни баҳоланг.

## **Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси «НИЛУФАР ГУЛИ» усули “ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР ”**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси**  
**“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**  
**УМУМБАШАРИЙ (ГЛОБАЛ) МУАММОЛАР**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**

**АТМОСФЕРАНИНГ ДИМИҚИШИ  
НАТИЖАСИДА ҚУЙИДАГИ ҲОЛАТЛАР  
ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН**




# **Мавзуни амалий кўникмаларини**

**эгалашнинг ўқув технологияси**

**«ЕЧИМ ДАРАХТИ» УСУЛИ**


**“ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ”**

**“ЭКОЛОГИЯ ФАНИНИНГ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ”**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**


**ЖАМИЯТНИНГ ТАБИАТГА НИСБАТАН  
ШАКЛЛАРИ**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси**


## **“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**

**ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАДИГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР**



**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг ўқув технологияси**

**«НИЛУФАР ГУЛИ» усули ОРОЛ ДЕНГИЗИ ФОЖИАСИ**



**1 – вариант**

1. Ер курраси қиёфасининг ўзгаришида инсоният катта геологик куч сифатида вужудга келгани ким томонидан таъкидлаб ўтилган?

А. В.И. Вернадский

Б. Э Зюсс

В. Роберт Кох

Г. Улуғбек

2. Экологик муаммо деганда нима тушунилади?

А. инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсири, табиий ҳодисалар билан боғлик ҳар қандай ҳодиса

Б. иқтисодиётгда,

В. хўжалик аҳамиятига молик бўлган жараёнлар,

- Г. стихияли талофотлар, иқлимининг ўзгариши, ҳайвонларнинг ялпи кўчиб кетиши  
3. Экологик муаммоларни неча гурухга ажратиш мумкин?  
А. 3    Б. 2    В. 4    Г. 5
4. Экологик муаммоларни вандай гурухларга ажратиш мумкин?  
А.. Умумбашарий, Минтақавий, Маҳаллий (локал).  
Б. Глобал, Минтақавий, регионал  
В. регионал, Умумбашарий, Маҳаллий  
Г. Локал, Маҳаллий, Глобал.
4. “Атмосферанинг димиқиши” ҳодисаси нима ?  
А. Ер юзасининг глобал исиши  
Б. CO<sub>2</sub> нинг ҳаво таркибида камайиб кетиши  
В. ўрмонларнинг кесилиши  
Г. автотранспортлардан чиқаётган газлар
5. Ер юзасининг ҳарорати 100 йил ичидаги нечв градусга ортди.  
А. 0,5 -1,0°C              Б. 1,5 -1,0°C  
В. 0,5 -1,5°C              Г. 1,5 -2,0°C
6. Озон қатламининг сийракланишига сабаб бўлувчи, совутгичларда ишлатиладиган модда нима ?  
А. Фрион                  Б. Фараон  
В. фибрион                  Г. Фрима.
7. Гидросферада чучук сув миқдори неча фоиз ?  
А. 2-2,5%  
Б. 3 - 4 %  
В. 5 – 6 %  
Г. 7 – 8 %.
8. Йилига сув сарфланади  
А. 3-3.5 минг км<sup>3</sup>  
Б. 4-4.5 минг км<sup>3</sup>  
В. 5-5.5 минг км<sup>3</sup>  
Г. 6-6.5 минг км<sup>3</sup>
9. Орол денгизига Амударё ва Сирдарёнинг сув қўйиши нечвнчи йили бутунлай тўхтади ?  
А. 80–йилларнинг бошларида  
Б. 80–йилларнинг охирида  
В. 90–йилларнинг бошларида  
Г. 70–йилларнинг охирида
10. “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун қачон қабул қилинган ?  
А. 1992 й.              Б. 1994 й.  
В. 1996 й.              Г. 1998 й.

## 2 - вариант

1. Инсон экологияси қандай фан ?  
А. бу комплекс фанлараро илмий йўналиш бўлиб, у инсон популациясининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсир этиш қонуниятларини ўрганадиган фандир.

Б. бу комплекс йўналиш бўлиб, у инсон популяциясининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсир этиш қонуниятларини ўрганадиган фандир.

В. бу фанлараро илмий йўналиш бўлиб, хайаон популяциясининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсир этиш қонуниятларини ўрганадиган фандир.

Г. бу ўсимлик популяциясининг атроф-муҳит билан ўзаро таъсир этиш қонуниятларини ўрганадиган фандир.

2. “Инсониятнинг табиатни ўзгартирувчи омил сифатида намоён бўлаётган хўжалик фаолияти оқибатларининг табиатга нисбатан таъсири тобора кучайиб бораётган бир вақтда, табиатнинг имкониятларини ҳи собга олишни тақозо этади”. Бу кимнинг фикри ?

А. В.И.Вернадский Б. В.И.Ленин В. В.И.Ворошилов Г. В.И.Шеварнедзе

3. Инсон экологияси ҳақида дастлаб ижтимоий фанлар билан шуғулланувчи АҚШ олимларидан ким ўз фикрларини билдириди?

А. Р.Паркер Б. Джон.Паркер В. Питер Паркер Г. Питер Пен.

4. Питер Витосек ва Памела Метсон қандай маълумотларни маълумотларни тақдим этишди?

А. экотизимдаги озуқа моддалари алмашинуви, уни назорат қилувчи омиллар ва глобал биокимёвий алмашинувга таъсири тўғрисида.

Б. илмий тадқиқот углероднинг глобал айланиши,

В. карбонат ангидриднинг айланиши

Г. элементларнинг ҳаракати.

5. Жулиен Лартигу ва Жаст Себриан экотизимда углерод алмашинуви фандай муҳитларда ўрганиб чиқишган ?

А. ер ва сув муҳитида

Б. Хаво ва тупроқ муҳитида

В. ер ва осмон муҳитида.

Г. Ўлик ва тирик муҳитда.

6. Экотизим қандай хосил бўлади ?

А. биотик ва абиотик тизимларнинг бир жойда яшасидан.

Б. Хаво ва тупроқ тизимларнинг бир жойда яшасидан

В. ер ва осмон тизимларнинг бир жойда яшасидан.

Г. Ўлик ва тирик тизимларнинг бир жойда яшасидан

7. “Бугун инсоният ўзи яратган жуда кучли техник қуроллар ёрдамида табиий ресурслардан бекиёс фойдаланиши натижасида биологик тур сифатида ўз цивилизатсиясига еришди”. Бу гапларни ким айтган ?

А. И.Т.Фролов Б. И.Т.Фомин В. В.С.Фёдоров. Г. И.В.Сталин.

8. Урбанизатсия ва индустрлаштириш жараёнлари нимани ўзгартириб юборди?

А. Экотизимни Б. Цивилизацияни В. чўлларни Г. Шахарларни.

9. инсон экологиясининг тарихий ривожи ва шаклланиши нималарга боғлиқ ?

А. табиий ва ижтимоий фанларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлашига боғлиқ.

Б. Сунъий ва генетик фанларнинг

В. фазика ва кимё фанларининг

Г. Математика ва фалсафа фанларининг

10. Экология фани қандай асосий йўналишга бўлинади?

А. жамият экологияси ва экотизим экологияси.

Б. Хайвонлар экологияси ва ўсимликлар экологияси

В. тапроқ экологияси ва сув экологияси

Г. Атмосфера экологияси ва тропосфера экологияси

**6- Амалий машғулот. АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИНГ АҲАМИЯТИ, УНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР. СУВ МАНБАЛАРИНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ ВА МУХОФАЗАСИ, СУВ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ.**

**Амалий машғулот технологик картаси**

| Технологик босқичлар                   | Фаолият мазмуни.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                             |                                                                                                                                                                                                                                            |
|----------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Ўқув жараёнига кириш (10 мин)       | Ассистент                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | Талаба                                                                                                                                                                                                                                     |
|                                        | <p>Машгулот мавзусини эълон килади, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таништиради.</p> <p>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўқув натижалари ва баҳолаш критериялари билан таништириш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                 | <p>Машгулот режаси билан таништирадилар ва зарурӣ ахборотларни қайд этиб боради.</p>                                                                                                                                                       |
| 2. Асосий босқич (6 чччччччччччч 0мин) | <p>2.1.Кўйидаги диққатни жалб қилувчи са волларга жавоб беришни таклиф қилади.</p> <p>1 Атмосфера ҳавосини кимёвий таркиби?</p> <p>2. Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манъбалар?</p> <p>3. Антропоген ифлосланишлар?</p> <p>4. Атмосфера ва автотранспорт ҳавоси?</p> <p>5. Ифлосланмаган, қуруқ атмосфера ҳавосининг таркиби.</p> <p>6. Ҳозирги даврда инсон саломатлиги учун энг ҳавфли манба.</p> <p>7. Нефтни қайта ишлаш корхоналарининг чиқиндилар.</p> <p>8. Катта металлургия комбинатидан чиқадиган чангларнинг зарари.</p> <p>9. Атмосфера ҳавосининг инсон</p> | <p>Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва жавобларни тахлил қилади.</p> <p>5 кишидан иборат<br/>3 гурӯхга бўлинади</p> <p>Гурӯх аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p>Машғулотларни</p> |

|                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                     |
|------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                              | <p>саломатлигига таъсири?</p> <p>Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир нечта жавобларни тинглайди)</p> <p>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурухларга бўлади. Хар бир гурухда биттадан савол бўйича варақаларини тарқатиб беради.</p> <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласди. Ўқитувчи маслаҳатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар киритади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4. Тақдимот нихоясида хулосалар қилиб, хар бир гурух иштирокчилари дикқатини мавзунинг асосий саволларини ёритишга қаратади.</p> | <p>системалаштиради, ўзаро фикр алмашади.</p> <p>Гурух сардорлари ўз гурухи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қиласди ва гурух жавобларни асослаб беради.</p> |
| 3. Якуний босқич<br>(10 мин) | <p>Мавзу бўйича умумий хулосалар қиласди. Натижаларни аниқлайди. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида кўрсатмалар беради.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | <p>Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар.</p>                                                                                                                     |

## АТМОСФЕРАНИ ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР

**Атмосфера** – Ернинг газсимон қатлами бўлиб, ердаги тирик организмлар хаётида катта рол ўйнайди. Атмосфера ер пўстига физикавий, кимёвий ва биологик таъсир кўрсатиб, ер юзасида иссиқлик ва намликни тартибга солиб туради. Атмосфера Ернинг ҳимоя қобиғи ҳисобланиб, ердаги тирик организмларни турли ультрабинафша ва инфрақизил нурлар ва космосдан тушадиган метеоритларнинг зарралари таъсиридан ҳимоя қиласди. Атмосфера қатлами ер юзасини кундузи  $+100^{\circ}\text{C}$  қизиб кетишдан, кечаси эса  $-100^{\circ}\text{C}$  совуб кетишдан сақлайди.

Ер юзасининг ўртача ҳарорати  $+14^{\circ}\text{C}$  га teng бўлиб, атмосфера қуёш иссиқлигини ерга ўтказиб, ундаги иссиқликни сақлайди. Атмосфера қатлами биосферада моддалар ва иссиқлик алмашнувида асосий рол ўйнайди.

Ўзбекистон Республикаси Конститутсияси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ҳамда **1996- йил 27 декабрда** қабул қилинган **“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”**ги Конунлари асосида атроф муҳитнинг табиий ҳолати ва худудлар экологик мувозанатининг бузилиши кўп жиҳатдан атмосфера ҳавосининг таркиби бузилишига ҳамда унинг турли ишлаб чиқариш таъсиридаги салбий ўзгаришларга бевосита боғлиқ.

Республикада ҳавони булғаётган **3500 доимий манба бўлиб**, уларнинг ярмига яқини чанг ва турли хил заарли газларни тутиб қолувчи ва тозаловчи мослама эга. Бу мосламаларнинг 4,1 қисми самарадорлиги жуда паст. Атроф-мухитнинг меъёридан ортиқча ифлосланиши, айниқса, йирик шаҳарларга хос. Ўзбекистон Республикасида Олмалиқ, Фарғона, Бекобод, Андижон, Оҳангарон, Ангрен, Тошкент, Самарқанд, Навоий шаҳарлари атмосфераси энг кўп ифлосланган шаҳарлар жумласига киради.

Кейинги йилларда атмосфера ҳавосининг тозалиги устидан назоратининг кучайтирилиши, ҳаво тозалагич мосламалардан кўплаб фойдаланиши, экологик онгнинг ошиши, мутахассислар масъулятининг ошиши, “Экосан” Халқаро экологик ва саломатлик жамғармасининг фаол сайди-харакати натижасида Ўзбекистон Республикасида бир қанча ижобий силжишлар рўй бермоқда.

Атмосфера ҳавосини ифлослантиришга асосий сабабчи бўлган саноат обектлари Тошкент (42,7%), Қашқадарё (14,6%), Бухоро (10.9%), Навоий (8,1%), Фарғона (6,8%) вилоятларида жамланган. Саноат салоҳияти энергетика, (жолра ва рангли металлургия, кимё ва нефткимё саноати (асосан, ўғитлар ишлаб чиқариш), газ саноати, нефтни қайта ишлаш заводлари, цемент ва -бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар обектларидан иборат.

1999—2010-йиллар ифлослантирувчи модда ташламаларининг ўртача 5,5% га камайиши билан тавсифланади. Республика стационар (турғун) манбалардан ташланадиган ифлослантирувчи моддалар тенденцияси.

Давлат статистик ҳисботи маълумотларига кўра, йирик корхоналардан (ИЕС ва ИЕМ) 200 минг тоннадан ортиқ ифлослантирувчи моддалар атмосферага чиқарилади. Асосий ифлослантирувчи моддалар — қаттиқ чанг зарралари, олтин-гугурт диоксиди, азот оксидлари, углерод оксиди, ваннадий беш оксиди ва бензапирен ҳисобланади. Шу қаторда, ИЕС ва ИЕМ лар томо-нидан, энг кўп миқдорда яъни, тармоқ бўйича — 57,6%ни, республика бўйича эса — 44,16%ни ташкил этувчи, 121,38 минг тонна олtingугурт диоксиди атмосферага чиқарилади.

ИЕС қозонларида ёқилғининг ёниши натижасида, ифлослантирувчи модда ташламалари қаторида, республика бўйича 50% атрофида, буғи эффектни юзага келтирувчи углерод икки оксиди ҳам атмосферага ташланади. Углерод диоксид ташламасининг ҳосил бўлиш миқдори, ёндириладиган ёқилғи массасида қанча бўлиш миқдори, ёндириладиган ёқилғи массасида қанча углерод сақлаши ва ишлатилишига боғлиқ. 2003-йилдаги 240 минг тоннага нисбатан 2004-йилда углерод диоксиди ошиб, 2964 минг тоннани ташкил этди.

**Нефть ва газ саноати:** Ўзбекистоннинг нефть-газ саноати оғир саноатнинг улкан тармоқларидан бири ҳисобланиб, республика энергетикасини бирламчи ёнилғи ресурслари билан 93% га таъминлайди.

Мустақиллик даврида суюқ углеводородларни қазиб олиш деярли 3 баробарга ортди, бу нефтьни импорт қилишдан тўла воз кечишни ва республикада ёқилғи мустақиллигини таъминлади.

Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида нефть ва газ қазиб олиш амалга ошириляпти, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Устюртда газ конларини ўзлаштириш олиб борилмоқда.

Нефть таркибида олтингугурт бирикмаларининг микдори кўплиги (2,7% гача) ва табиий газ ва нефтда токсик хамда занглаш-агрессив олтингугурт водородининг аралашмалари мавжудлиги республикамиз конларини ажратиб турувчи табиий хусусият ҳисобланади, Бу дастлабки хомашёни қайта ишлаш технологиясини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

**Металлургия:** Металлургия саноати ташламаларига барча турғун манбалардан атмосферага ташланадиган ташламалар умумий микдорининг тахминан 15%и тўғри келади.

Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ўтказилаётган чора-тадбирларга қарамай, «ОТМК» ОАЖ республикада атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи йирик манба бўлиб қолмоқда. Республика бўйича барча турғун манбалар томонидан чиқарилаётган чиқиндиларнинг 12% ва олтингугурт диоксидининг 26%и ушбу ташкилот ҳисобига тўғри келади. 2004-йилда атмосферага ифлослантирувчи моддаларни чиқариш ҳажми 106,2 тоннани ташкил этди.

Баъзи йилларда, Олмалиқ шаҳрида атмосфера ҳавосини олтингугурт диоксиди билан ифлослантириш даражаси санитария-гигиеник меъёрлардан 5 баробар ошган.

### Кимёвий ифлослантирувчилар

Кимёвий ишлаб чиқариш ва техника тараққиёти даврида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши Республиkanинг Олмалиқ, Чирчиқ, Фарғона ва Навоий вилоятларида айникса сезиларли даражада ортганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биргина Навоий вилоятида атмосфера ҳавосининг юқори даражада ифлосланганлигини кузатиш мумкин. Икки юз мингга яқин аҳолиси бўлган Навоий шаҳрида ҳавони ифлослантирувчи кўплаб саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида ҳар йили **637,6 минг тонна** заарли моддалар ҳосил бўлиб, шундан 97,2% и ушлаб қолинади

Жамият тузилмаси. Кўпчилик жамиятлар ҳар бир трофик босқичда кўплаб ўзаро алоқада бўлган турлардан таркиб топган ва биз бирор трофик гурухнинг умумий биомассасидагидек турлар мавжудлигига қизиқамиз. Истеъмолчилар ва озукаларни манипуляция қилувчи кўплаб тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳар бир трофик даражадаги биомассалар ўзгармаганда жамият тузилмаси кескин ўзгариши мумкин экан. Бирор бир турнинг трофик даражада камайганда, бошқасиники ўсиши мумкин. Мисол учун, Фарбий Европанинг торфли ҳудудларида, азот микдорининг ортиши маҳаллий каллуна арчагули, қамиш брофит ўсимликларининг камайишига сабаб сифатида кўрсатилди.

Атмосферага ташланадиган заарли моддалар микдори 51,7 минг тоннани ташкил қилиб, тозалаш ускуналарининг ишлаш самарадорлиги 92,9% га tengdir. Ташланадиган заарли моддаларнинг асосий микдори (94%) йирик саноат корхоналарига тўғри келиб, бу кўрсаткич ўтган йиллардагига нисбатан 1,9% га ошган.

Навоий иссиқлик электр станцияси корхоналарида газ ёқишида ҳосил бўладиган азот оксидларини тозалаш иншоотларини лойиҳалаш кўзда тутилган, аммо ушбу моддаларнинг меъёридан юқорилиги сақланиб қолмоқда. Вилоятда саноат ва майший чиқиндиларнинг йиллик ҳажми **2,5 миллион тоннадан** ошиқ бўлиб, жами 43,5 миллион тонна чиқиндилар тўпланиб қолган. Шундан йилига 62 минг саноат чиқиндиси, 46 минг тонна майший чиқиндилар қайта ишланмоқда. Шунингдек, вилоятда 24,7 минг гектар ернинг устки қатлам структураси бузилган бўлиб, шундан 5,7 минг гектар ер рекультивацияни талаб қиласди. Ҳозиргача 2,1 минг гектар (37%) ер рекультивация қилинган.

**Қурилиш саноати:** Оҳангарон, Навоий, Бекобод, Бухородаги қурилиш ва цемент ишлаб чиқариш, саноати — асосий чанг чиқарувчи манбалар ҳисобланади. Атмосфера ҳавосини чанг билан ифлосланиш даражаси санитария - гигиеник меъёрлардан ошади.

**Кимё саноати:** Олмалиқ, Андижон, Кўқон, Навоий, Фарғона, Чирчик ва Самарқандда кимё саноати обьектларининг ташламалари, турғун манбалардан ташланаётган ташламалар умумий ҳажмининг бор-йўғи 3% ни ташкил этади.

Асосий ифлослантирувчи моддалар — аммиак, фторли водород, азот диоксида ва фенол бўлиб, қуйида Андижон, Фарғона, Навоий шаҳарларида атмосфера ҳавосини аммиак ва фреои билан ифлосланиш даражаси динамикаси келтирилган. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари эса ҳавони юқори бўлмаган даражада ифлослантиради.

Саноат обьектларида атмосфера ҳавосини юқори даражада ифлослантиришга асосий сабаб, ифлослантиришни камайтирувчи технологияларининг эскириб қолганлигини ва самарасизлиги ёки умуман қўлланилмаслигидир. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш технологиялари замонавий талабларга жавоб бермайди ва модернизациялаштириш ёки алмаштиришга муҳтож.

**Кўчма манбаларнинг атмосфера ҳавосини ифлослантириши:** Республиkanинг атмосфера ҳавосини ифлослантиришда кўчма манбаларнинг ташламалари асосий манба бўлиб қолмоқда. 2010-йилда кўчма манбалар ташламалар миқдори умумий ҳажмидаги ифлослантирувчи моддаларда ташламаларнинг 67% ини ёки 1310,9 минг тоннани ташкил этди. Кўчма манба ташламалари билан кўпроқ, яъни 80%дан ортиқроқ ифлосланган шаҳарларга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона киради. 1996-йилдан 2001-йилгacha бўлган давр ичидаги ифлослантирувчи модда ташламаларининг 1316 минг тоннадан 1593 минг тоннага ортиши кузатилди, бу шахсий автомобиль транспорти сонининг ўсиши билан боғииқ бўлган. 2001-йилдан бошлаб, автотранспортдан ифлослантирувчи модда ташламаларнинг ҳар йили ўртача 3—5% га пасайиши кузатилмоқда.

**Автомобилларнинг атмосфера ҳавосини ифлослантиришини кузатиш:** Ҳозирги кунда автотранспортлар ҳаво атмосферасини энг ифлослантирувчи манбалардан бири ҳисобланади. Атмосферага ташланадиган заҳарли моддалар миқдори авториобиилар сони, кўча ҳаракатининг тузилишига, автомобил

магистрал йўлларининг жойлашига, улар фойдаланадиган ёқилғи турлари ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Бензин билан юрадиган автомобиллар ҳаво иссиқ пайтларда углеводород буғларини ташлайди. Мана шу заҳарли буғларнинг олдини олиш учун узлуксиз машина двигателларининг заҳарли газ ташланмаси текширилиб туради. Текширишлар натижаси ҳавога ташланаётган токсик газлар микдори юқори эканлигини кўрсатса ўша машинани ишлатишга рухсат берилмайди.

Кузатишлар бир ҳафтада соат 6 дан 13 гача ва 14 дан 21 гача олиб борилади, асосий кузатишлар автомобиллар кўп юрадиган вақтларда олиб борилади, кечалари 1—2 марта ўтказилади.

Кузатиш нуқтаси қилиб шаҳар кўчаларининг ҳар жойидан энг: серқатнов участкалари олинади. Кўчалар кесишган жойда ва қўприклар тагида заарли моддалар жуда кўп бўлади.

Ўлчов асбоблари одам юрадиган йўлакларга жойлаштирилади, йўлнинг бир томонидаги ҳаракат ўлчанади.

Идораларга тегишли автотранспортиар, газоаналитик ва диагностик ускуналар билан етарлича жиҳозланмаганлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи ходимланинг билим даражаси пастлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоирига ягона ёндашув йўқлиги сабабли, экологик жиҳатдан нокулай вазият юзага келмоқда. Бундай экологик вазият, кечиктирмай ҳал этишни талаб этувчи кўплаб муаммолар билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

## **СУВ МАНБАЛАРНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ. СУВ МАНБАЛЬАРИ. САНИТАРИЯ ҲОЛАТИ.**

Гидросфера биосферани муҳим элементи ҳисобланиб, табиатда кечадиган жараёнлар ва киши ҳаётини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Гидросферани ҳажми 1389 млн. куб. километрни ташкил этади. Океан ва дengizлар ер шари юзасининг 70 % кўпроғини эгаллаган. Ботқоқликлар ернинг 6 млн. км<sup>2</sup> қисмини эгаллаган. Буларнинг ҳаммаси планетамизда сув заҳираларни кўплигини исботласа ҳам, чучук сув бор йўғи 2 % ни ташкил этади. Унинг ҳам катта қисми Греландия ва Антарктида музликларига тўғри келади.

Сув ердаги тирик организмларни яшashi ва уларни ҳаёт фаолиятиниг ривожланишини таъминлайди.

Демак, сув планетамизга жон ато этувчи «ҳаёт эликсири», планетамизга шакл берувчи «буюк скульптор», иқлим ва об-ҳавони «ҳаракатлантирувчи ғилдирақдир».

Сув табиатда доимий ҳаракатда бўлади. Күёшдан келаётган иссиқлик натижасида у океан, дengiz, дарё ва кўллар юзасидан буғланади, сўнгра яна ёмғир бўлиб ерга қайтади.

Ҳар қандай хом-ашёни бошқа турдаги маҳсулот билан алмаштиrsa бўлади, лекин сувни ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Сув таъминоти инсон ҳаёти ва тараққиётида ўта муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Мутахассисларни фикрича планетамизда дарё ва ер ости сувлари тобора камайиб бормоқда.

Америкалик мутахассисларни фикрича АҚШда табиат инъом этган чучук сув 2020 йилгача етар экан холос. Америкада энг қимматбаҳо маҳсулот бу сувдир, баъзи бир шаҳарларда сув етишмаганлиги учун ҳафтада бир кун «сувсиз кун» деб эълон қилинар экан. Шу куни майший эҳтиёжлар учун сувдан фойдаланилмас экан, ҳамма соҳаларда сувни истеъмол қилиш устидан назорат ўрнатилар экан.

Индустрялаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожланиши, янги шаҳар ва қишлоқларни қурилиши билан турли ифлосликдаги оқова сувлар юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қарагандан энг долзарб муаммо сув ресурсларининг (ер усти ва ер ости) танқислиги ва ифлосланганигидир. Республиканиң дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари турли антропоген таъсирлар остига тушиб қолган.

Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб янги ерларни кенг кўламда ўзлаштириш, саноатнинг, чорвачиликнинг экстенсив ривожланиши, урбанизация, коллектор-дренаж системаларининг қурилиши ва дарё сувларининг суғориш учун олиниши муносабати билан дарё ҳавзаларидағи сувнинг сифати интенсив равища ёмонлаша борди. Бу ҳолат экологик-гигиеник ва санитария-епидемиологик вазиятни, айниқса дарё ўзанларидағи ахволни ёмонлаштиради. Дарё экосистемаларига антропоген босимнинг ўсиб бориши сувларнинг таркиби ва тузилишидаги чуқур ўзгаришларга олиб келмоқда.

### Ер усти сув сифати

Ер усти сувининг ифлосланиши кенг тарқалган бўлиб ер ости, жумладан қудук сувининг сезиларли даражада ифлосланишига олиб келади. Сувнинг ифлосланиши касаллик (буйрак касалликлари, онкология ва ўткир инфексияли касалликлар) кўрсаткичи ўсиб боришида муҳим рол ўйнайти.

Ички сув ҳавзаларини саноат ва майший оқова сувлари билан ифлосланиши охирги пайтда ортиб бормоқда.

### Ер ости ичимлик суви

Ичимлик суви таъминотининг катта қисмини ер ости суви беради. Ер ости чучук суви захиралари нотекис жойлашгани туфайли Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг ғарбий ҳудудларида ичимлик суви тақчил. Давлатнинг мақсади марказлашган сув таъминоти тизими орқали бутун аҳолига сифати яхши ичимлик суви этказиб бериш ва шаҳар ва посёлкаларда сувга бўлган коммунал талабни қондиришдан иборат.

Майдони 330 км<sup>2</sup>, аҳолиси 2,3 миллион бўлган ва 99 фоиз қамраб олинган Тошкентда ичимлик суви таъминоти уч асосий манбадан иборат, улардан иккитаси ер ости суви захираси ва бир ер усти манба бўлиб 3.500 км тармоқ орқали кунига 2,3 миллион м<sup>3</sup> сув этказиб берилади. Гарчи хом сув тиник келадиган даврлар бўлса-да, миллий ва халқаро стандартларга жавоб бериш учун сувни фильтрлаш ва хлорлаш орқали тозалаш зарур. Ичимлик сувини саноатда ишлатишга йўл қўйилмайди, кичик корхоналар учун баъзи истиснолар бор.

Ер ости суви захиралари аҳолига етказиладиган ичимлик сувининг 80 фоизини таъминлаб беради. Умуман, мавжуд ер ости чучук сув захиралари аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондиради.

Ер ости суви қўрсатилгандек асосан уйларга сув бериш ва ичимлик суви ( $173,5 \text{ м}^3/\text{с}$ ), суғориш ва сув захирасини ривожлантириш ( $70,5 \text{ м}^3/\text{с}$ ) ва саноат ва техник сув таъминоти учун ( $29,6 \text{ м}^3/\text{с}$ ), фойдаланилади.

Бироқ, шуни айтиш лозимки, охирги бир неча йил давомида ер ости сувининг сифати ёмонлашиб бормоқда, оқибатда ичимлик суви манбаи сифатида фойдаланиб бўладиган ер ости суви захираси камайиб бормоқда.

Чучук ер ости суви асосан Фарғона водийсида ( $34,5$  фоиз) ва Тошкент ( $25,7$  фоиз), Самарқанд ( $18$  фоиз), Сурхондарё ( $9$  фоиз) ва Қашқадарё ( $5,5$  фоиз) вилоятларида жамланган, қолгани эса шўртанг ёки шўр бўлиб уларни ишлатиш имконияти кам. Қолган ҳудудлардаги чучук сув жами  $7$  фоизни ташкил қиласиди.

### **Ер ости суви сифати**

Мамлакатнинг ғарбий қисмида (Зарафшоннинг қуи оқими ва Қашқадарё, Сирдарё, Амударё ва Марказий Қизилқум бассейни)да ер ости суви юқори даражада минераллашган ва қаттиқдир. Йирик дарёлар (Амударё ва суғориш каналлари) оқими бўлаб ҳосил бўлган, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида ичимлик суви этказиб бериш учун ишлатилаётган ер ости чучук сув линияларининг суви охирги  $10-15$  йил мобайнида минераллашув ва қаттиқлиги ортиб борганлиги (суғориш таъсири) туфайли миллий стандартлар талабига жавоб бермайди.

**Сув омборлари** Ўзбекистон сув ресурслари тизимини бошқаришни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқ мақсадга мувофиқ. Мамлакатда сувнинг камайиши ва кўпайиши (гидрологик экстремум) ҳамда сув ресурсларининг ҳажми доимий назорат остига олинган. Айни пайтда мамлакатда кўп сув омборлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси учун жами ажратилган сувнинг  $92,5\%$ и қишлоқ хўжалигига,  $5,2\%$ и маиший хизмат соҳасига,  $1,4\%$ и саноат соҳасига,  $0,7\%$ и балиқчиликка ва қолган  $0,2\%$ и энергетика соҳаларига ишлатилади. Демак, республикамизнинг дехқончилик қилинадиган ернинг  $98$  фоизи ёки  $4,3$  млн. гектари суғориладиган майдонлар бўлиб, жами ажратилган сувнинг  $92,5$  фоизи суғоришга ишлатилади ва суғориш натижасида пахта, дон, макка, мева ва сабзавот, картошка, узум ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштирилади.

### **АТМОСФЕРАГА ВА СУВГА ЧИҚАДИГАН ЧИҚИНДИЛАРНИ ТОЗАЛАШ МУАММОЛАРИ**

Ҳаво таркибида ифлос техноген қўшилмаларининг кўпайиши ёки камайиши инсонга боғлиқ бўлиб қолди.

Ҳозирги кунда ҳавони заарли газ ва зарралардан тозлашда турли хил усуллардан фойдаланилмоқда. Булар асосан иккита катта гуруҳга бўлинади.

**Физик-кимёвий усуллар** ҳавони заарли газлардан тозалашда

ишлиллади. Бу усуллар кўпинча газларни кимёвий йўл билан тозлаш деб юритилади.

Турли саноат обьектларидан чиқадиган карбонат ангидрид, олтингугурт (1В) оксид, азот (ИИ) оксид фенол ва бошқаларнинг ҳавони ифлосланишидан сақлашда кимёвий усуллардан фойдаланиш мумкин. Кимёвий бирикмалардан таркиб топган фильтрловчи ускуналар ёрдамида завод, фабрика ва комбинатлардан чиқадиган заҳарли газлар тутиб қолинади. Ёки турли катализатор ёрдамида сақлаб туриллади. Саноатнинг газ ҳолидаги чиқиндилирини суюқликлар ёрдамида абсорбциялаш зарарли бирикмаларнинг турли эритувчиларда танлаб эриш хоссасига асосланган бўлиб, энг ишончли усул ҳисобланади. Абсорбцион тозлаш усули узлуксиз- ёпиқ жараён бўлиб, атмосферага чиқариладиган углерод оксидлари, азот оксидлари, хлор, олтингугурт бирикмалари, цианли бирикмалар, фенол каби бирикмаларни ушлаб қолиш учун қўлланилади.

Абсорбент сифатида сув, аммиакли сув, ўювчи ишқорлар, этаноламинлар, калий перманганат, кальций сулфатнинг суспензияси, марганец оксидлари ишиллади. Абсорбсион реакторлар сифатида эса, тўлдирувчилар билан тўлдирилган миноралар ёки тарелкали реакторлардан фойдаланилади. Саноатнинг чиқинди газларини катализаторлар ёрдамида тозалашнинг можияти шундаки, бунда барча зарарли газлар бошқа зарарсиз бирикмага айлантирилади ва ҳавога чиқариб юборилади.

**Физик усуллар** гурухи ҳаводаги заҳарли газ, қаттиқ ва суюқ қўшилмаларни чанг, тутун ва бошқаларни тозалайди.

Ҳозирги вақтда саноат тармоқларидан атмосферада ифлос газларни тозалаб чиқаришда турли чанг ва майда зарраларни тутиб қоладиган оддий фильтрли ускуналардан фойдаланилади. Бу усуллар группаси арzon энергия ҳисобига ҳаводаги жуда майда чанг зарраларини қуруқ ҳолда тутиб туради. Кейинги вақтларда ифлос газ ва чанг қўшилмаларини электр фильтрлар орқали ушланиб қолинмоқда. Кам электр энергияси сарфлаш оқибатида соатига миллионлаб куб метр ҳаво ифлос қўшилмалардан тоза бўлмоқда.

Ҳозирги кунда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш учун учта тадбирни амалгам ошириш кўзда тутилган. Булар технологик, лойиҳалаш, санитария-техника тадбирларидир. Мазкур тадбирлар амалга оширилса, атмосфера ҳавосининг ифлосланишини рухсат этиладиган даражада таъминлаш мумкин бўлади

### **Технологик тадбирлар:**

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишда технологик тадбирларнинг аҳамияти катта. Текшириш натижаларига қараб, обьектларга ва атмосфера ҳавосига ташланадиган чиқиндилар миқдорини камайтириш ёки мутлақо тўхтатиш мумкин бўлади. Бунинг учун саноат корхоналаридаги технологик жараёнлар такомиллаштирилиши зарур. Шунда ҳатто чиқиндисиз ёки кам чиқиндили маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлади. Бундай жараён берк жараён бўлиб, бунда чиқиндилярдан умуман бўлмайди ёки чиқиндилярдан бошқа маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Лойиҳалашга асосланган тадбирлар ўз ичига бир қанча **комплекс ҳолдаги масалаларни** олади:

1. Шаҳар худудини зоналарга бўлиш;
2. Табиий чангларга қарши курашиш;
3. Санитария- химоя чегараларини ташкил қилиш;
4. Тураг- жойлар лойиҳаларини такомиллаштииш;
5. Тураг- жойларни кўкаламзорлаштириш;

Лойиҳалашга асосланган чора- тадбирлар асосан чиқиндиларни атмосфера ҳавосига тушишининг олдини олишга қаратилган. Саноат корхоналари шаҳар худудида тўғри жойлаштирилиши, шаҳар бош лойиҳасига ҳамда санитария нормаларига асосланган ҳолда қурилиши керак. Саноат корхоналари қуриш учун ер майдони ажратилаётгандан жойнинг рельефи, унинг иқлим шароити, туманларнинг пайдо бўлиб туриш ҳолатларига аҳамият берилади.

Санитария-гиена тадбирлари саноат корхоналари ва автотранспорт воситаларидан ажралиб чиқадиган заарли чиқиндиларни тозалаш ва бу усулларни такомиллаштиришни ўз ичига олади. Мазкур усулда қурилган тозалаш иншоотлари мазкур саноат корхоналаридан ажралиб чиқаётган заарли омилларни камайтириш ёки бутунлай йўқотиш билан шуғулланади. Тозалаш иншоотлари чангларни механик усулда фильтрли аппаратлар ёрдамида, электростатик филтрлар ва намлайдиган аппаратлар воситасида ушлаб қолади.

Атмосфера ҳавосининг тозалигини таъминлаш учун кундалик санитария назорати жорий қилинган. Саноат корхоналарида кундалик санитария назоратини амалга ошириш ва атмосфера ҳавосининг ифлосланишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

1. Гигиеник жиҳатдан талабга жавоб берадиган ускуналар ишлатилиши;
2. Технологик жараёнлар вақтида кувурларни маҳкам беркитиш, улар орқали заҳарли газлар чиқишига йўл қўймаслик;
3. Хом ашё ва реактив сифатида фойдаланиладиган кимёвий моддалардан меъёрида фойдаланиш;
4. Корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни қадоқлаш ва бошқа жараёнларни автоматлаштирилиши зарур;
5. Технологик жараёнларни берк системага ўтказиш, иложи борича исрофгарчиликка йўл қўймаслик зарур.
6. Энг зарури тозалаш иншоотларининг самарали ишлашини таъминлаш ҳисобланади;

### **Сув ресурсларидан фойдаланишда янгича ёндашувлар.**

Хозирги глобаллашув даврида сув истъемоли бўйича шаклланган азалий бой тажрибаларни ўрганиш ва ривожлантириш, сувдан барқарор фойдаланиш ва уни тежаш билан боғлиқ такомиллашган илмий ечимларни яратиш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиздаги олий таълим масканлари ва илмий-тадқиқот институтларида бу вазифаларни хал этишга катта эътибор берилмоқда.

Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида, саноатда, турмушда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва обиҳаётни тежашга

хизмат қиласидиган қўплаб янги технологиялар яратилди. Тошкент ирригация ва мелиорация институти олимлари ихтиро қилган паст босимли томчилатиб сугориш тизими, Урганч давлат университети тадқиқотчилари томонидан яратилган каналлар сувидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш усули, Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасига қарашли Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти олимларининг гидрогеологияда жўғрофий ахборот тизимларидан фойдаланишга оид янги ишланмалари шулар жумласидандир.

Сув инсон хаётини таъминлайдиган муҳим неъматлардан биридир, - дейди ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Хорхе Иван эспинал. - Дунёда қўплаб инсонлар тоза ичимлик сувига муҳтож бўлган бугунги кунда обиҳаётнинг хар қатрасидан оқилона фойдаланиш нихоятда долзарб вазифага айланмоқда. Ўзбекистонда бу ишларга давлат даражасида эътибор берилаётгани эътирофга лойик. Юрtingизда сувни қадрлаш билан боғлиқ бой кадриятлар юксак эъзозланади. Сувдан тежаб фойдаланиш, бу борада илм-фан ютуқларини кенгайтириш ва амалга татбиқ этишга устувор ахамият берилади. Ушбу тадбирларга биз ҳам ўз хиссамизни қўшаётганимиздан мамнунмиз. Ишончим комилки, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

Орол денгизининг барча ҳавзалари том маънода трансчегаравий дарёлар ҳисобланади. Амударё дарёси ҳавзаси таркибига Сурхондарё, Шеробод, Қашқадарё ва Зарафшон дарёлари ҳавзалари киради. Улар ичидаги Қашқадарё ва Шеробод дарёлари ҳавзаларигина тўлалигича Ўзбекистон худудида шаклланади. Асосий дарё ҳисобланмиш Амударё дарёси ҳавзаси суви кимёвий таркибини тахлилланишида Ўзбекистон ва Туркманистон худудида жойлашган қишлоқ хўжалиги майдонларидан хосил бўлган оқова сувлар ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Амударё сувининг Термиздан оқиб ўтадиган қисмида сувнинг ифлосланиш индекси (СИИ) сифати катталиги бўйича 1996 йилдаги турғун ҳолатда сақланган, яъни II синф – тоза сув бўлса, дарёнинг қолган қисмларида сув ифлосланиши ўртacha даражада бўлиб, III синфга тааллуқли, 2001 йилда Амударёда сув ҳолати эса II синфга мансуб. Туямўйин гидропостида сувнинг таркибида нефть, азот, аммоний, мис маҳсулотлари эритмалари ҳамда сувнинг минераллашиши кузатилмоқда.

Сирдарё дарёси сувлари Қирғизистон Республикасининг тоғли худудларида Норин ва Қорадарёning қўшилиши билан шаклланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудига Андижон вилоятининг Учтепа қўрғони жойлашган минтақага, Норин дарёси эса Наманган вилоятининг Учқўрғон шаҳри худудига оқиб келади.

Ўзбекистон худудига киришда Қорадарё ва Норин дарёлари сувларида вақтвақти билан азот нитритининг (1,2-2,6 ПДК), фенолнинг (2-4 ПДК) ва нефть маҳсулотларининг (1,6-5,2 ПДК) юқори таркиблари қайд этилган. Сувларни ифлосланиш индекси (СИИ) бўйича дарё суви сифати унинг бутун узунлиги бўйича III-синф – ўрта меъёр ифлосланган сувлар даражасида сақланиб турган.

Зарафшон дарёси денгиз сатҳидан 2775 м баландликда, Тожикистон Республикасининг Туркистон ва Хисор тоғ тизмаларининг бирлашган жойида, Зарафшон музлигидан бошланади ва Ўзбекистон ҳудудига Равот-Хўжа тўғони атрофидан кириб келади. Дарё Зарафшон водийсининг асосий сув манбаи бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги “Зарафшон дарёси ҳавзасида экологик ва санитар-эпидемиологик вазиятни яхшилаш тўғрисида”ги 401-сонли қарорини бажариш борасида, Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Жizzах вилоятларида Зарафшон дарёси ва унга келиб қўшиладиган ирмоқлардаги сув сифатининг мониторинги олиб борилмоқда, дарёга ноқонуний ташламаларни тутатиш борасида ўз вақтида чоралар кўрилмоқда, дарёга ташламаси бўлган обьектлардан оқизилаётган сувлар тизимли назорат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳити ифлосланиши мониторинги маълумотларига кўра, Зарафшон дарёси сувлари Ўзбекистон Республикасига киришида (Равот-Хўжа) мунтазам равишда фенол билан 2-4 ПДК ва мис билан 1,1-3,5 ПДК атрофида ифлосланган бўлсада, унинг сифати II –тоза сувлар синфига, кейинчалик дарё оқими бўйлаб пастга қараб охиригача III-синф – ўрта меъёр ифлосланган сувларга ўтган.

Сирдарё ҳавзаси таркибига кўпгина дарёлар киради. Норин, Қорадарё, Чирчик, Оҳангарон дарёлари асосий дарёлардир. Улар орасида фақат Чирчик ва Оҳангарон дарёлари трансчегаравий дарёлар сирасига кирмайди. Қолган дарёлар (шу жумладан, Фаргона водийсидаги кичик дарёлар, Чирчик дарёсининг ирмоқлари) кўшни давлатлар ҳудудидан оқиб ўтади. Сирдарё дарёси Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб иккита участкада оқиб ўтади: юқори – Норин дарёсининг кўшилиш жойи ва Қорадарё ҳамда қуйи – Оҳангарон ва Чирчик дарёлари этаклари.

Ўзбекистонда 500 га яқин кўл бор бўлиб, ушбу кичик сув ҳавзаларининг майдони 1 км<sup>2</sup> атрофида. Фақат 32 та кўлнинг юза қисми 10 км<sup>2</sup> дан ошади. Айдар-Арнасой кўллар тизими Ўзбекистондаги энг катта кўл ҳисобланади. Мазкур кўл Тўхтагул сув омборидан қиши пайтида сув ташлаш натижаси орқали вужудга келган. Айдар-Арнасай кўллар тизимининг умумий майдони 3600 км<sup>2</sup> ва кўлами 42 км<sup>2</sup>. Ушбу кўл бошқа барча сув омборлари суви захирасини оширади. 2008 йилда “Асосан сувда яшовчи қушлар учун қўним ҳисобланган халқаро аҳамиятга эга сув-ботқоқ ҳудудлари тўғрисида”ги Халқаро Конвенсияси (Рамсар Конвенцияси) рўйхатига киритилди.

Сув омборлари Ўзбекистон сув ресурслари тизимини бошқаришни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидламоқ мақсадга мувофиқ. Мамлакатда сувнинг камайиши ва кўпайиши (гидрологик экстремум) ҳамда сув ресурсларининг ҳажми доимий назорат остига олинган. Айни пайтда мамлакатда қўп сув омборлари мавжуд, улардан ирригация ишларида самарали фойдаланилмоқда.

**“Блиц усули”**

| <u>№</u> | <u>Мавзулар саволи</u>                             | <u>Биламан</u> | <u>Билишни хохлайман</u> | <u>Билдим</u> |
|----------|----------------------------------------------------|----------------|--------------------------|---------------|
| 1.       | Атмосфера ҳавосини кимёвий таркиби?                |                |                          |               |
| 2.       | Атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи маньбалар?      |                |                          |               |
| 3.       | Антропоген ифлосланишлар?                          |                |                          |               |
| 4        | Атмосфера ва автотранспорт ҳавоси?                 |                |                          |               |
| 5.       | Ифлосланмаган, қуруқ атмосфера ҳавосининг таркиби. |                |                          |               |

### “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

#### **Матнни белгилаш тизими**

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

### Инсерт жадвали

| <b>Тушунчалар</b>        | <b>V</b> | <b>+</b> | <b>-</b> | <b>?</b> |
|--------------------------|----------|----------|----------|----------|
| ДДТ                      |          |          |          |          |
| хлорорганик бирикмалар   |          |          |          |          |
| фосфорорганик бирикмалар |          |          |          |          |
| гербитсидлар             |          |          |          |          |
| нитрит ва нитратлар      |          |          |          |          |

### Мавзуга оид вазиятли масалалар

#### Вазиятли масала

Гидросфера ер пўстига физикавий, кимёвий ва биологик таъсири кўрсатиб, ер юзасида иссиқлик ва намликни тартибга солиб туради. Тропосфера Ернинг ҳимоя қобиги ҳисобланиб, ердаги тирик организмларни турли ультрабинафша ва инфракизил нурлар ва космосдан тушадиган метероитларнинг зарралари таъсиридан ҳимоя қиласи. Литосфера қатлами ер юзасини кундузи  $+100^{\circ}\text{C}$  қизиб кетишдан, кечаси эса  $-100^{\circ}\text{C}$  совуб кетишдан саклайди.

Вазиятни баҳоланг.

### **Вазиятли масала**

Тропосфера ҳавосини ифлослантиришга асосий сабабчи бўлган саноат обектлари Тошкент (42,7%), Қашқадарё (14,6%), Бухоро (10.9%), Навоий (8,1%), Фарғона (6,8%) вилоятларида жамланган.

**Вазиятни баҳоланг.**

### **Вазиятли масала**

Қишлоқ хўжалиги салоҳияти энергетика, (рангли металлургия, кимё ва нефткимё саноати (асосан, ўғитлар ишлаб чиқариш), газ саноати, нефтни қайта ишлаш заводлари, цемент ва бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар обектларидан иборат.

**Вазиятни баҳоланг.**

### **Вазиятли масала**

Давлат статистик ҳисоботи маълумотларига кўра, йилига йирик корхоналардан (ИЕС ва ИЕМ) 200 минг тоннадан ортиқ ифлослантирувчи моддалар атмосферага чиқарилади. Асосий ифлослантирувчи моддалар — қаттиқ чанг зарралари, олтин-гугурт диоксиди, азот оксидлари, углерод оксиди, ваннадий беш оксиди ва бензапирен ҳисобланади.

**Вазиятни баҳоланг.**

### **Вазиятли масала**

Гидросфера биосферани муҳим элементи ҳисобланиб, табиатда кечадиган жараёнлар ва киши ҳаётини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Гидросферани ҳажми 3198 млн. куб. километрни ташкил этади.

**Вазиятни баҳоланг.**

### **Вазиятли масала**

Океан ва денгизлар ер шари юзасининг 50 % кўпроғини эгаллаган. Ботқоқликлар ернинг 6 млн.  $\text{km}^2$  қисмини эгаллаган. Буларнинг ҳаммаси планетамизда сув заҳираларни кўплигини исботласа ҳам, чучук сув бор йўғи 50 % ни ташкил этади. Унинг ҳам катта қисми Зеландия ва Арктика музликларига тўғри келади.

**Вазиятни баҳоланг.**

### **Вазиятли масала**

Ўзбекистон Республикасининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қарагандан энг долзарб муаммо қум ресурсларининг (ер усти ва ер ости) танқислиги ва ифлосланганлигидир. Республиkanинг дарёлари, каналлари, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари турли антропоген таъсирлар остига тушиб қолган.

**Вазиятни баҳоланг.**

### **Вазиятли масала**

Ичимлик суви таъминотининг катта қисмини ёмғирлар суви беради. Ер ости чучук суви заҳиралари нотекис жойлашгани туфайли Коракалпогистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларининг гарбий ҳудудларида ичимлик суви тақчили.

Давлатнинг мақсади марказлашган сув таъминоти тизими орқали бутун аҳолига сифати яхши ичимлик суви этказиб бериш ва шаҳар ва посёлкаларда сувга бўлган коммунал талабни қондиришдан иборат.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала

Майдони 630 км<sup>2</sup>, аҳолиси 1,3 миллион бўлган ва 99 фоиз қамраб олинган Тошкентда ичимлик суви таъминоти уч асосий манбадан иборат, улардан иккитаси ер ости суви захираси ва бир ер усти манба бўлиб 3.500 км тармоқ орқали кунига 2,3 миллион м<sup>3</sup> сув этказиб берилади.

Вазиятни баҳоланг.

Вазиятли масала


Ер ости суви захиралари аҳолига этказиладиган ичимлик сувининг 50 фоизини таъминлаб беради. Умуман, мавжуд ер ости чучук сув захиралари аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини қондира олмайди.

Вазиятни баҳоланг.

**Мавзуни амалий қўнималарини эгалашнинг ўқув технологияси  
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули СУВНИНГ ИФЛОСЛАНИШИДАН  
КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН КАСАЛЛИКЛАР**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгаллашнинг  
“ПИРАМИДА” ўқув технологияси**  
**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭНГ КЎП ИФЛОСЛАНГАН  
ШАҲАРЛАР”**



**Мавзуни амалий қўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**


**АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНТИ  
РИШГА АСОСИЙ САБАБЧИ БЎЛГАН САНОАТ ОБЕКТЛАРИ**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси**

**“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**


**АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА  
ТЕХНОЛОГИК ТАДБИРЛАР**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули АТМОСФЕРА ЕР ПЎСТИГА  
ҚУЙИДАГТЧА ТАЪСИР КЎРСАТАДИ**




**Мавзуни амалий қўникмаларини эгалашнинг  
ўкув технологияси**  
**“ШАЖАРА ДАРАХТИ” УСУЛИ**  
**“Ўзбекистон ҳудудига киришда Қорадарё ва Норин  
дарёлари сувларидаги моддалар ПДКси”**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**

**АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНТИ  
РИШГА АСОСИЙ САБАБЧИ БЎЛГАН САНОАТ ОБЕКТЛАРИ**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули ГИДРОСФЕРА**



**1 – вариант**

1. Атмосфера – Ернингқандай қатлами ?  
A. газсимон  
B. Суюқ  
В. қаттиқ  
Г. Арадаш
2. Атмосфера ер пўстига таъсир кўрсатади?  
A. физиковий, кимёвий ва биологик  
B. Иссиқ, совуқ  
В. шамол, торнадо  
Г. Генетик.
3. Атмосфера қатлами ер юзасини неча грудусга кундузи қизиб кетишдан ва кечаси совуб кетишдан сақлайди?  
A. +100 °C, -100° C  
Б. +10 °C, -10° C

- В. +10 °C, -100° C  
Г. +100 °C, -10° C
4. Атмосфера Ернинг ҳимоя қобиғи ҳисобланиб, ердаги тирик организмларни нималар таъсиридан ҳимоя қиласиди?
- А. турли ултрабинафша ва инфрақизил нурлар ва космосдан тушадиган метеоритларнинг зарраларидан  
Б. турли ултрабинафша нурлардан  
В. инфрақизил нурлардан  
Г. космосдан тушадиган метеоритларнинг зарраларидан
5. Ер юзасининг ўртача ҳарорати нечв градусга тенг?
- А. +14°C                            Б. +16°C  
В. +18°C                            Г. +20°C
6. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун вачон қабул қилинган ?
- А. 1996- йил 27 декабрда  
Б. 1994- йил 27 декабрда  
В. 1998- йил 27 декабрда  
Г. 1996- йил 29 декабрда
7. Республикада ҳавони булғаётган нечта доимий манба бор ?
- А. 3500                            Б. 4600  
В. 3600                            Г. 3800
8. Навоий вилоятда қанча саноат ва маиший чиқиндилар тўпланиб қолган?
- А. 43,5 миллион тонна  
Б. 53,5 миллион тонна  
В. 33,5 миллион тонна  
Г. 45 миллион тонна
9. Кўчма манбалар ташламалар миқдори қанча ?
- А. 1310,9 минг тонна  
Б. 1130,9 минг тонна  
В. 1910,3 минг тонна  
Г. 1390,3 минг тонна
10. Автомобилларнинг атмосферани ифлослантиришини кузатишлар қанча вақт олиб борилади?
- А. бир ҳафтада соат 6 дан 13 гача ва 14 дан 21 гача  
Б. бир ҳафтада соат 8 дан 12 гача ва 14 дан 21 гача  
В. бир ҳафтада соат 6 дан 13 гача ва 13 дан 22 гача  
Г. бир ҳафтада соат 5 дан 12 гача ва 12 дан 21 гача

## 2 – вариант

1. Гидросферани ҳажми қанча ?
- А. 1389 млн. қуб.км.  
Б. 1289 млн. қуб.км.  
В. 1339 млн. қуб.км.  
Г. 1383 млн. қуб.км.

2. Океан ва денгизлар ер шари юзасининг неча % эгаллаган?

- А. 70 % кўпроғини
- Б. 60 % кўпрогини
- В. 50 % кўпроғини
- Г. 40 % кўпрогини

3. Ботқоқликлар ернинг қанчасини эгаллаган?

- А.. 6 млн.  $\text{km}^2$
- Б. 5 млн.  $\text{km}^2$
- В. 7 млн.  $\text{km}^2$
- Г. 4 млн.  $\text{km}^2$

4. Тошкентда ичимлик суви таъминоти нечта манбадан иборат?

- А. 3 та
- Б. 4 та
- В. 5 та.
- Г. 2 та

5. Ер ости суви захиралари аҳолига этказиладиган ичимлик сувининг неча фоизини таъминлаб беради?

- А. 80 %
- Б. 70 %
- В. 90 %
- Г. 60 %

6. Чучук ер ости суви Фарғона водийсида неча фоиз)

- А. 34,5 %
- Б. 35,5 %
- В. 33,5 %
- Г. 44,5 %

7. Сирдарё дарёси қандай хосил бўлади?

- А. Норин ва Қорадарёning қўшилиши билан
- Б. Амударё ва Қорадарёning қўшилиши билан
- В. Норин ва Амударёning қўшилиши билан
- Г. Қорадарё ва оқ дарёning қўшилиши билан

8. Дарёлари сувларида азот нитритининг ПДКси нечага тенг?

- А. 1,2-2,6
- Б. 1,2-2,6
- В. 1,2-2,6
- Г. 1,2-2,6

9. Дарёлари сувларида фенолнинг ПДКси нечага тенг?

- |          |              |
|----------|--------------|
| А. 2 - 4 | Б. 5 - 7     |
| В. 8 – 9 | Г. 0.1 – 0.5 |

10. Дарёлари сувларида нефт маҳсулотларининг

- А. 1,6-5,2
- Б. 6.2 – 7.3
- В. 7.5 – 8.2

Γ. 8.5 – 9.0

**7-амалий машғулот: Тупроқни ифлослантирувчи манбалар, заҳарли кимёвий моддалар. Тупроқ ўз-ўзини тозалаш жараёнининг аҳамияти, тупроқ мухофазаси**

| Технологик босқичлар                   | Фаолият мазмуни.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
|----------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                        | Ассистент                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       | Талаба                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 1. Ўқув жараёнига кириш (10 мин)       | <p>Машгулот мавзусини эълон қилади, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таништиради.</p> <p>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўқув натижалари ва баҳолаш критериялари билан таништириш.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    | <p>Машгулот режаси билан таништирадилар ва зарурий ахборотларни қайд этиб боради.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 2. Асосий босқич (6 чччччччччччч 0мин) | <p>2.1.Қўйидаги диққатни жалб қилувчи са волларга жавоб беришни таклиф қилади.</p> <p>1. Тупроқнинг асосий хоссалари.</p> <p>2.Тупроқни ифлослантирувчи манбалар</p> <p>3. Тупроқнинг кислотали муҳитига ўсимликларнинг муносабатлари.</p> <p>4. Тупроқнинг физик хоссалари.</p> <p>Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир нечта жавобларни тинглайди)</p> <p>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурухларга бўлади. Хар бир гурухда биттадан савол бўйича варақаларини тарқатиб беради.</p> <p>2.3.Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ўқитувчи маслаҳатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар киритади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4.тақдимот нихоясида хулосалар қилиб, хар бир гурух иштирокчилари диққатини мавзунинг асосий саволларини</p> | <p>Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва жавобларни тахлил қилади.</p> <p>5 кишидан иборат<br/>3 гурухга бўлинади</p> <p>Гурух аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p>Машгулотларни системалаштиради, ўзаро фикр алмашади.<br/>Гурух сардорлари ўз гурухи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қилади ва гурух жавобларни асослаб беради.</p> |

|                              |                                                                                                                                                        |                                                          |
|------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------|
|                              | ёритишга қаратади.                                                                                                                                     |                                                          |
| 3. Якуний босқич<br>(10 мин) | Мавзу бўйича умумий хуносалар қиласди. Натижаларни аниклади. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида кўрсатмалар беради. | Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар. |

### **ТУПРОҚНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МАНБАЛАР**

Тупроқ турли хил омиллар: тоғ- жинслари, иқлим, тирик организмлар (ўсимлик ва ҳайвонлар), рельеф, худуд ёши ва инсонларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган муҳим табиат жисми инъомидир. У асосан емирилган тоғ жинслари —гилдан ва чириндишлар — гумусдан иборат. Гумус органик олам қолдигидан, хусусан, ўсимликларнинг микроорганизмлар фаолияти натижасида чиришдан ҳосил бўлади. Тупроқда бундан ташқари, сув ҳаво ва кўплаб тирик организмлар (микроорганизмлар) ҳам бўлади. Тупроқ доимо ўзгариб ва ривожланиб турганлиги туфайли турли хил иқлим шароитида ҳар хил тупроқ турлари учрайди. Масалан, Ҳамдўстлик давлатлари худудида юздан ортиқ тупроқ хили бордир. Тупроқнинг экологик омил сифатида энг муҳим қисми бу тоғ жинсларидан тупроқнинг юзасигача бўлган қаватидир. Ўсимлик илдизларнинг асосий қисми ана шу зона бўйлаб жойлашган. Тупроқнинг ана шу қисми ва гумус бўлган зона қанча кучли ривожланган бўлса ўсимликларнинг илдиз системаси шунчалик чукур ва энига яхши тарқалади, чунки бу горизонтларда сув ва озуқа моддалар миқдори кўп бўлади. Тупроқ аэрацияси ва ҳарорати ўсимликлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, паст ҳароратли тупроқларга нисбатан юқори ҳароратли тупроқларда ўсимлик илдизлари сув ва минерал тузларни қўпроқ ва тез шимиб олади. Чунки паст ҳароратли тупроқларда сувни шимиб оловчи илдиз ва илдиз тукчаларининг ўсиши сусаяди, бу органлар ҳужайраси цитоплазмасининг сув ўтказувчанлик хусусияти пасаяди ва натижада, ўсимликларнинг юқорига кўтарилиувчи оқими, яъни сувнинг ўсимлик бўйлаб юқорига кўтарилиши камаяди. Тупроқ таркибида гумус моддаси миқдори кўп бўлса, бу тупроқлар унумдор ҳисобланади. Тупроқнинг биотик омффлари тупроқда ўсимликлар ва ҳайвонларнинг парчаланишидан қолган қолдиқларидан ташқари яна юқори ўсимликлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳар хил микро ва макроорганизмлар кўплаб учрайди. Ана шу хилдаги организмларни Ю.Одум (1975) қўйидаги гуруҳларга ажратади:

*Микробиота* — бактериялар, замбуруғлар, тупроқ сувоқлари ва содда ҳайвонлар; *Мезобиота* — нематодлар, каналар, кичик ҳашарот ва бошқа организмларнинг личинкалари; *Макробиота* — ўсимликларнинг илдизлари, йирик ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари. Шулар орасида энг муҳим экологик аҳамиятга эга бўлганлари тупроқдаги хлорофилсиз организмлар (бактериялар, замбуруғлар, актиномицетлар, инфузориялар, амёбалар, қориноёқлилар ва бошк.) ҳисобланади. Микроорганизмлар кул моддаси ва азот кўп бўлган бօғ-роғлар ва шунга ўхшаш маданий тупроқларда жуда кўп миқдорда бўлади. Илдиз ва унинг атрофидаги

тупроқлар микроорганизмларга, айниңса бойдир (ризосфера). Микроорганизмлар міңдори фақатгина тупроқ структурасындағы әмас балки ўсимлик турига ҳам боғлиқ. Люпин, беда, себарга, нұхат ва шу каби дүккәкли ўсимликлар ризосферасы, айниңса микроорганизмлаига бой қисобланади. Масалан, беда етишириладиган 1 г тупроқда 50—100 млрд гача бактериялар бўлади (М.А.Красилников, 1958). Ўша муаллифнинг айтишича фўза илдизида азотобактериялар беда илдизидагига қараганда анча кам бўлади. Лекин унинг илдизида вилт касаллигини қўзғатувчи замбуруғлар (Вертисилиум даҳлиае, Фусариум фасинфестум) кўп учрайди. Тимофеевка жавдар каби ўсимликлар илдизларида эса диатом сувўтлари, люпин, себарга ризосфераларида яшил сувўтлари, картошка ризосферасида эса кўк яшил сувўтлари яшайди. Ризосфералардаги микроорганизмлар міңдори ўсимликларнинг яшашига ва ривожланиш фазаларига ҳам боғлиқ бўлади. Ёш ўимликларнинг гуллаш давридан олдин микроорганизмлар, айниңса, кўп бўлади. Чунки, айнан шу даврда микроиганизмларнинг ўсишини ва ривожланишини тезлатувчи органик моддалар илдизлар томонидан кўп ҳосил бўлиб туради. Шуни таъкидлаш лозимки, тупроқнинг гумусли қаватида микроорганизмлар кўп бўлади. А.Н.Красилниковнинг ёзишича (1958) тупроқнинг ҳайдаладиган қаватида гектарига 10 т. га тўғри келадиган бактериялар, замбуруғлар, сув ўтлари, актиномицетлардан ташкил топган тирик масса учарар экан. Бундан ташқари, ҳайдаладиган тупроқларда гектарига тахминан 600—664 минг дона ёмғир чувалчангি тўғри келади (Олимжонов, 1946). Юксак агротехник қоидаларга амал қилинган ерларда эса уларнинг міңдори бир тоннагача боради. Уларнинг бир йил давомида овқат ҳазм қилиш тизимидан ўтказган тупроғи гектарига 12 тоннадан 100 тоннагача ёки 7 мм қилинликтаги тупроқни ташкил этади.

Шундай қилиб, юқори ўсимликлар ризосфераси тупроқнинг органик ва минерал бирикмаларини парчалаб турадиган микроорганизмларнинг яшаши учун энг қулай зона қисобланар экан. Гумус қаватида кўпинча бактериялар кўп учрайди лекин сувўтлари, замбумғлар ва актиномицетлар ҳам тупроқ ҳосил қилишда мухим рол ўйнаб, юқори ўсимликлар яшаши учун зарурдир. Уларнинг ҳаммаси тупроқдаги ўсимлик қолдиқларини парчалаб тупроқ унумдорлигини, унинг таркибидаги минерал моддалар міңдорини оширади. Тупроқдаги микрорганизмлар сонига тупроқ унумдорлигидан ташқари иқлим шароити ва айниңса, ҳарорат ва намлиқ катта таъсир кўрсатади. Е.М.Мишиустинмвг ёзишича (1972) Жанубий ва айниңса, Шимолий раёнларда ўсимликлар учун оптималь ҳарорат тупроқ ҳароратига қараганда юқори. Ҳароратнинг етишмаслиги (баландликларда) тупроқнинг ҳосил бўлиши жараёнини сусайтиради.

Мироорганизмларнинг тупроқдаги ҳолатига намликтининг таъсири айниңса, кучлидир. Чунки тупроқдаги аминокислоталар органик моддаларнинг парчаланган қолдиқлари ҳар хил тузлар микроорганизмлар томонидан фақатгина сувда эриган ҳолда қабул қилинади.

Сув етишмаганда ҳаттоки, қурғоқчиликка чидамли микроорганизлар ҳам яхши кўпаймайди, уларнинг биокимёвий активлиги сусаяди. Тупроқ дала нам

сигими 60 % бўлганда микроорганизмлар ҳаёт фаолияти учун энг қулай шароитидир. Ана шундай қулай шароитда тупроқ ҳаво ва сув билан яшаш таъминланган ва натижада, аммонификация ва нитрификация жараёнлари интенсив бўлиб туради. Тупроқнинг кислотали ҳолати ҳам микроорганизмлар ривожланиши учун муҳимдир. Нейтрал ва ишқорли тупроқларда бактериялар ва актиномицетлар, кислотали тупроқларда эса замбуруғлар кўп бўлади. Тупроқ таркибида учрайдиган микроорганизмлар тупроқ хилигагина эмас балки юқорида кўрсатилгандек, турли хил экологик омилларга бевосита боғлиқ. 1 г тупроқда 300 дан 3 млрд гача мироорганизмлар учраши мумкин.

Тупроқ заррачаларининг донадорлиги ҳам ҳайвонлар учун экологик аҳамиятга эга. Баъзи ҳайвонлар тупроқни кавлаб ҳаёт кечиради. Ҳашаротларнинг личинкалари тошлоқли тупроқларда яшай олмайди. Кавлаш хусусиятига эга бўлган пардақанотлилар тухумларини ер ости бўшлиқларга, кўпчилик чигирткалар ҳам тухумини ғовак тупроққа қўйишга мослашган. Тупроқ остида яшовчи ҳайвонлар учун ёруғлик унча катта аҳамиятга эга эмас. Тупроқнинг чуқур қатламларида ҳарорат ҳам ўзгармайди. Кислороднинг миқдори эса камайиб углерод икки оксиди ортиб боради. Тупроқ намлиги биигина ўсимликлар учун эмас, балки ҳайвонлар учун ҳам аҳамияти катта. Ҳайвонлар орасида ҳам тупроқ қурғоқчилигига чидамсиз турлари учрайди. Уларга ёмғир чувалчанглари ва термитларни кўрсатиш мумкин. Қумли тупроқларда яшовчи ҳайвонлар қумнинг остига тезда кириб кетиш хусусиятга эга. Псаммафил ҳайвонларнинг панжаларида ҳар хил ўсимталар, туклар ёки мугуз пардалар бўлиб, уларнинг юзасини оғирлаштиради ҳамда тупроқ қатламида ҳаракат қилишга, уя қуришга ҳам ёрдам беради. Илонлар, калтакесаклар, баъзи ҳашаротлар қум остида анчагина масофаларга кўчиб юриши мумкин.

### **Тупроқнинг туз режимига ўсимликларнинг реакцияси. Макро ва микро элементларнинг ўсимликлар учун аҳамияти**

Тупроқ эритмасидаги макро ва микро элементларни ўсимликларнинг ҳаммаси ҳам бир хилдай қабул қилолмайди. Тупроқда микроэлементлар жуда кам миқдорда бўлади. Шу сабабли баъзан уларни кимёвий анализ билан ҳам аниқлаш кийин. Шунга қарамасдан ўсимликлар бу хил микродементларни тупроқдан олиб ўз танасида саклаш хусусиятга эга. Масалан, қокиётдошлар, айиқтовондошлар оиласи киравчи ўсимликлар таркибида лития кўпроқ, астрагал, селен, ел, ғўза баргларида марганес кўп учрайди. Сувдаги сувётларда йод ва бром кўп учрайди. Масалан, Ламинария ўсимлиги таркибида йоднинг миқдори 0,1—0,5 % учраган ҳолда денгиз сувида эса бу кўрсатгич 0,000005 %-га тенг. Карамгуллилар ва соябонгуллилар оиласи киравчи ўсимликларда олитингугуртнинг миқдори бошқа оила вакилларида қараганда 5—10 баробар кўпдир. Рух (Виола) бинафша таркибида учраса лавлаги, картошка, пахта таркибида калий, магний, тилоғоч ва шўрадошлар оиласи вакилларида кўпинча сода кўпроқ учрайди. Т.Ф.Морозовнинг (1943) ёзишича дарахтсизон ўсимликлар ўт ўсимликларига қараганда минерал моддаларни 10—15 баробар камроқ қабул қилишади. Дарахт ўсимликлар фосфор ва калийни жуда ҳам талаб этганларни сабабли улар қишлоқ хўжалиги

екинлари ўсмайдиган унумсиз тупроқларда ҳам бемалол яшайверадилар. Бундай ҳолатга, айниңа, қарағай ўта чидамлиди.

У ўсимликларнинг ёши ўтиши билан уларнинг минерал моддаларга бўлган талаби ўзгариб боради. Дарахтсимон ўсимликларда азот ва минерал моддаларга бўлган талаби уларнинг ўсиши даврида кучли бўлса ғалласимон ўсимликларда эса найчалаш ва бошоқ ҳосил бўлиши даврида бўлади. Ем-хашак ўсимликларида бу кўрсаткичга талаб гуллаш ва гуллашдан олдин кузатилади. Тупроқ унумдорлигига нисбатан ўсимликлар қуидаги гуруҳларга бўлинади. 1. Эвтроф ўсимликлар — унумли тупроқларда ўсуви ўсимликлар (ясень, заранг, дуб ва бошқа дарахт ўсимликлар). 2. Олиготрофлар — тупроқ унумдорлигига кам талабчан ўсимликлар. Бу гурухга дарахтлардан оддий қарағай киради.

3. Мезотроф — кам унумли тупроқларда ўсуви ўсимликлар бу гурухга ўтлоқ ва ўрмон зонасиниг ўсимликлари киради.

Ўсимлик учун энг муҳим кимёвий элементлар булат азот, фосфор ва калийдир. Шунинг учун ўсимликларга ўғит берганда комплекс, яъни НПК (азот, фосфор, калий) берилади. Азот ўсимликларда оксил, нуклеин кислоталари ва хлорофил таркибида кирганилиги сабабли у ҳамма ўсимликлар учун энг керакли муҳим элемент ҳисобланади. Азот етишмаса ўсимликлар барги оч яшил рангда бўлади. Бундан ташқари, ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини тезлаштирувчи ва моддалар алмашувида актив иштирок этувчи гармонлар таркибида ҳам бўлади. Ўсимликлар учун азотнинг манбаи нитратлар, аммоний тузлари ва азот тўпловчи бактериялар ҳосил қиласидиган биологик азотлардир. Азот етишмаганда ғалласимон ўсимликларда қуидаги ўзгаришлар бўлади: поялари ингичка, барглар кичик ва дағал, уларнинг ҳужайралари майда ва ҳужайра пўсти қалин бўлади. Ёш барглар оч яшил рангда, бироқ қариган барглар сариқ, қизил рангларга кира бошлайди. Ўсимликнинг ўсиши ва тўпланиши жуда суст бўлади. Бу ҳолларда азот бериш тавсия этилади. Азотнинг кўплиги ҳам ўсимликларга зарар келтиради. Яъни азот кўп бўлиб, калий ва фосфор етишмаса ўсимликларда юпқа пўстли катта ва кўп сувли барглари ҳосил бўлади. Бу ўсимликлар баргига азот концентрацияси кучли бўлиб, бу хил ўсимликлар совуққа чидамсиз ва ҳашаротлар томонидан кўпроқ заарланади. Экиладиган буғдой, арпа, жавдар, сули ва шу каби бошқа дон экинлари азот ўғитларига нисбатан ўртача талабчан бўлади. Азот кўп бериlsa ўсимликларда гуллаш ва дон етилиши кечикади, ҳосил камаяди. Бироқ маккажўхори, жўхори ва шу каби бошқа хил дон экинларининг гуллаши дон етилиши ва ҳосилдорлиги азот кўп берилганда тўлишади ва ортади. Азот қандлавлаги баргининг ўсишини тезлаштиrsa ҳам унинг илдиз мевасидаги қанд миқдорини пасайтиради. *Фосфор* — худди азотдек ўсимликлар учун энг муҳим кимёвий элемент бўлиб, у ҳам нуклеин кислоталар таркибида киради. Ёш меристиматик ҳужайраларда кекса ҳужайраларга қараганда фосфор кўп бўлади. Бундан ташқари, фосфор модда алмашиниш ва фотосинтез жараёнларида ҳам муҳим рол ўйнайди. Юқори энергияга эга фосфорлар кўпинча АТФда бўлади. Фосфор етишмаса ўсимликларнинг ривожланиши сусайди. Яъни илдиз, поя ва барглари ривожланмайди. Пояси ингичка, барглари дағал бўлиб, ранги кўк яшил

бўлади, антацион пегментларининг кўплигидан барглари баъзан бронза рангда бўлади. Тўпланиш интенсивлиги ва мева берадиган поялари кескин қисқаради. *Фосфор* кўпинча ўсимликларга экишдан ёки кўчатни ўтказишдан олдин берилади. *Калий*. Аммоний ионларидан аминокислоталар ва протеинларни синтез қилишда калийнинг ўрни катта. Фотосинтез жараёни ҳам калий иштирокида бўлиб туради. Калийнинг етишмаслиги натижасида баргларнинг  $\text{CO}_2$  ни қабул қилиш жараёни сусаяди. Кўп азот меъёри қанд лавлаги илдизидаги қанд моддасини камайтирса, калий эса кўпайтиради. Калий етишмаслигидан кўпинча ўсимликларнинг остки барглари қурий бошлайди, илдиз ва илдиз мевалари яхши ривожланмайди. Масалан, калийнинг кўпайиши билан картошка тугунаги ва ундаги қрахмалнинг микдори доимо ошиб боради. Картошкадан ташқари калийга нисбатан талабчан ўсимликлардан қандлавлаги, мевасабзавот (олма, смородина) экинларини ҳам кўрсатиш мумкин. Калий етишмаса кўпчилик ўсимликлар паст ҳароратга нисбатан чидамсиз бўлиб қолишади. Демак, ғалласимон ўсимликларга ва мевали дарахтларга калий етарли берилса, уларнинг таркибида қанд моддасининг кўп тўпланиши натижасида совукқа чидамлилик хусусияти ортади. Калий етишмаса ўсимликларда поялари қисқа, барглари кичик буршайган, кўк яшил ва жигаррангларда бўлади. Калий ўсимликларга азот ва фосфор билан биргаликда эрта баҳорда берилади.

Меристиматик хужайраларнинг ўсиши ривожланиши учун кальций зарурдир. Кальций етишмаса илдиз яхши ривожланмайди. Тўқималар таркибида кальций кўпайиб кетса, ўсимликларнинг магний ва калий элементларини пасайтиради. Кальцийга бўлган талабга кўра ўсимликлар қўйидаги гурухларга бўлинади: Кальциевиллар — кальций кўп бўлган тупроқларда ўсадиган ўсимликлар (бўтакуз, астра, дарахтлардан бук, тилоғоч, оддий арчалар).2. Кальциевоблар — кислотали тупроқда ўсуви ўсимликлар (торф мохлари, чой, каштан). Кальцийга нисбатан индефферент ўсимликлар (бефарқ ўсимликлар). Булар кислотали тупроқда ҳам, оҳакли тупроқларда ҳам ўsavеради (ландиш). *Магний*. Хлорофил ва рибосомаларнинг таркибида киради. У ўсимликларда фосфатларнинг актив ҳаракатида иштирок этади. Натрий. Натрийнинг кўп бўлиши кўпчилик ўсимликларга зарар келтириши мумкин. Чунки у тўқималарда тўпланиб, кальций, магний ва шу каби бошқа катионларнинг ўзлаштирилишини қийинлаштиради. Бироқ шўрхок жойларда ўсуви ўсимликларнинг ўсишини натрий тезлаштиради (корашўра, сарсазан).

### **ТУПРОҚНИНГ АСОСИЙ ХОССАЛАРИ.**

Рус олими Василий Васильевич Докучаев (1846-1903) бутун умрини, тупроқ, ерни ўрганишга бағишилади ва ўта қимматбаҳо маслаҳатларини қолдирди. Бу тупроқшунос олим, тупроқ пайдо бўлишида уни ҳосил қилувчи она жинс ва комплекс факторларнинг қатнашишини исбот қилиб берди, яни тупроқ ҳосил бўлишини ва ўсимлик ҳамда ҳайвонат дунёсининг бу жараёнда актив қатнашишини, иқлимининг ролини, жойнинг рельефини ва ёшини, намликтининг аҳамиятли эканини, бу факторлар ўзаро бир бирларига таъсир қўрсатиб, тупроқнинг пайдо бўлганини исботлаб берди. Барча тупроқ пайдо қилувчи ёки

она жинслар келиб чиқишига кўра қуийдаги группаларга: элювиал, делювиал, элювиал-делювиал, коллювиал, делювиал-коллювиал, солифлюкцион, делювиал-солифлюкцион, аллювиал, кўл-аллювиал, пролювиал, аллювиал-пролювиал, муз ётқизиклари, флювиоглясиал, денгиз ва лёсс жинсларига бўлинади.

Бу жинслар ўзининг ташқи кўриниши, белгилари, тузилиши ва шунингдек кимёвий минералогик ва механик таркиби билан фарқланади.

Тупроқнинг физик-механик хоссалари: тупроқнинг асосий хоссаларига унинг физик, механик ва кимёвий таркиби киради. Физик механик хоссалар, биринчидан тупроқнинг хусусиятларини ўзида акс эттирса, иккинчидан тупроққа ишлов бериш нуқтаи назаридан уни баҳолашда муҳим роль тутади. Бу хоссаларни ўрганиш тупроққа ишлов беришда қўлланиладиган хилма-хил қуролларни жорий қилишда катта аҳамиятга эга. Тупроқ структуралигини сақлаш учун керакли намлик чегараси унга ишлов бериш ва бошқа муҳим технологик жараёнлар тупроқнинг физик-механик хоссаларига боғлиқдир.

**Тупроқнинг физик хоссаларидан асосийлари**, бу тупроқнинг солиштирма оғирлигидир. Тупроқнинг солиштирма ва ҳажм оғирлиги ҳамда ғоваклиги унинг умумий физик хоссалари деб юритилади. Тупроқнинг унумдорлигини ошириш, албатта, мана шу умумий физик хоссаларига боғлиқ былади.

Тупроққа сифатли ишлов бериш ҳамда ўсимлик илдизларининг тупроқнинг турли қатламларига кириб бориши, унинг пластиклиги, ёпишқоқлиги, қўпчиши, чўкиши, илашимлиги, қаттиқлиги, солиштирма қаршилиги ва физиковий этилиши каби физик-механик хоссаларига боғлиқ бўлади.

Тупроқдаги рўй берадиган кимёвий ва биокимёвий жараёнлар айниқса сув, ҳаво ва иссиқлик режими тупроқнинг физик хоссаларига боғлиқдир. Тупроқнинг физик хоссалари ҳам турли жараёнлар ва агротехника шароити таъсирида ўзгариб туради.

**Механик таркибининг аҳамияти** Механик таркиби тупроқнинг энг муҳим фундаментал хоссалари ва унумдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, биринчи навбатда унинг агрономик аҳамияти каттадир. Тупроқнинг сув ўtkазувчанлиги, нам сифими каби хоссалари ҳамда ҳаво-сув, иссиқлик каби режимлари механик таркиби билан бевосита боғлиқ бўлиб, суғориш ва заҳ қочириш мелиорациясида бу кўрсаткичлар муҳим рол ўйнайди.

Турли механик таркибли тупроқлар ҳар хил унумдорликка эга бўлганлигидан ерни ишлаш, ўсимликларни озиқлантириш бўйича турли агротехник тадбирлар олиб борилади. Соз тупроқлар одатда кумоқ ва қумли тупроқларга нисбатан ўсимликлар учун зарур озуқа кул моддаларни кўпроқ сақлайди. Механик таркиби тупроқнинг сингдириш қобилияти, оксидланиш-қайтарилиш шароитларига, ерда чириндининг ва озиқ моддаларнинг тўпланишида ҳам муҳим рол ўйнайди.

Механик таркибига кўра ерга ишлов бериш системаси, дала ишларининг муддатлари, ўғитлаш нормаси, қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш схемалари кабилар белгиланади.

Тупроқнинг унумдорлиги ҳам унинг асосий хоссаларига киради. Тупроқнинг турли тоғ жинсларидан фарқ қиласидиган энг муҳим сифат белгиларидан бири унумдорликдир. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий воситаси ҳисобланган тупроқнинг халқхўжалигидаги аҳамияти ҳам, ана шу унумдорлиги билан белгиланади.

Унумдорлик тупроқнинг жуда мураккаб хоссаси сифатида, тупроқда кечадиган кўплаб кимёвий, физикавий ва биологик жараёнларга боғлиқ. Унумдор тупроқ ўсимликларни зарур озиқ моддалар, сув, ҳаво, иссиқлик билан таъмин эта олиш, мўътадил реакцияга эга бўлиши, ҳар хил заарли моддалар сақлаши зарур. Бунинг учун тупроқнинг физик хоссалари ва сув-режимлари, озиқ ва туз режимлари, тупроқда кечадиган биокимёвий, оксидланиш қайтарилиш жараёнлари қулай бўлиши керак.

Тупроқларни маданийлаштириш ва тупроқ унумдорлигининг қайта такрор яратилиши. Инсонлар ердан узоқ муддат фойдаланганда тупроқда кечадиган табиий жараёнлар, жумладан, тупроқнинг қатор хоссалари ва режимлари ўзгариб, янги маданий тупроқлар пайдо бўлади.

Тупроқ унумдорлигини доим яхши ва юқори ҳолатда сақлаб туриш мақсадида, инсонлар томонидан тупроқ табиий хоссаларининг ўзгартириш жараёнларига тупроқни маданийлаштириш дейилади.

Тупроқларни маданийлаштиришга қаратилган комплекс тадбирлари системаси, экинлардан барқарор ва муттасил юқори ҳосил олишни таъминловчи тупроқ хоссаларини яхшилаш имконини беради. Тупроқларни маданийлаштиришнинг биологик, кимёвий ва физикавий усусларидан фойдаланилади.

Биологик усул тупроқда гумус ва азотнинг кўпроқ тўпланишига имкон берадиган тадбирларни ўз ичига олади. Шу мақсадда кўп йиллик ўтлар экилади ва маҳаллий органик ўғитлардан фойдаланилади.

Кимёвий усул ерга минерал ўғитлар солиш йўли билан тупроқда ўсимликлар учун зарур ва тез ўтадиган озиқ элементлари миқдорини қўпайтириш ҳамда тупроқнинг кимёвий хоссаларини яхшилашга қаратилган.

Физикавий усусларга физик-механикавий ва мелиоратив тадбирлар қўлланиш яъни ерни ишлаш, ҳайдалма қатламда агрономик жиҳатдан қимматли структура яратиш, тупроқнинг сув-физик, иссиқлик хоссалари ва режимларини яхшилаш сингари тадбирлар киради.

## **ТУПРОҚНИНГ КИСЛОТАЛИ МУҲИТИГА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ МУНОСАБАТЛАРИ**

Тупроқ (кислотали, нейтрал, ишқорий) эритмаси тупроқдаги микроорганизмлар ҳолатига ва миқдорига ва улар орқали яшил ўсимликларнинг озиқланиш режимига катта таъсир кўрсатади. Тупроқнинг кислотали муҳити (эркин водород ионларининг қўплиги) актив бўлиши мумкин, унинг активлиги Ph иииг катталигига боғлиқ. Ph — 7 бўлса бу нейтрак реакцияли муҳит бўлиб бунда водород, карбонат ангидрид ионлари бир хил бўлади. Кислотали муҳитли тупроқларда Ph — 7 дан паст ва ишқорли муҳитли тупроқларда Ph — 7 дан ортиқ

бўлади. Тупроқ еритмасининг реакция чегараси катта бўлиб, у Ph — 3—3,5 дан (торфли тупроқларда) Ph— 10—11 гача бориши мумкин (шўрхок ерларда) тупроқ эритмасининг реакцияси иқлим, ўсимликлар, жинслар, сизот сувлари, рельеф, ўғитлар ва шу каби бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Шунинг учун тундра ва ўрмон зонасининг тупроқлари кўпинча кислотали эритмага эга, чунки бу ерларда иссиқлик етишмаслиги ва намликтинг ортиқчалиги ўсимлик қолдиқлари парчаланаётганда кўпинча кислоталарнинг кўп ажралиб чиқишини таъминлайди. Шимолдан жанубга борган сари тупроқ еритмасининг кислотали муҳити камайиб боради ва иссиқ дашт ва айниқса, Марказий Осиёning чўл зоналарида кислота камроқ ҳосил бўлади, ҳосил бўлган кислоталар ҳам оҳак ёрдамида нейтраллашади, чунки бу тупроқларда оҳак ҳосил қилувчи жинслар кўп. Шунинг учун ҳам дашт зонасининг тупроғи нейтрал, чўл зонасининг тупроғи эса ишқорли муҳитга эга бўлади. Шундай қилиб юқори концентрацияли водород, алюминий, марганец ионлари ва тупроқ эритмасидаги кальций миқдорининг камлиги тупроқнинг кислотали муҳитини таъминлайди. Ана шу кислотали муҳитга нисбатан ўсимликларнинг муносабатлари турлича бўлади.

Масалан, торф моҳи кислота (Ph—3,5) муҳитда яхши ўсиб ривожланса, арпа Ph—6—7 да яхши ўсади ва ривожланади. Ph нинг 4 дан 6 гача-кўтарилишини М.С. Авдонина (1965) маълумотига қараганда унинг ҳосилини 26,4 %га оширади. Вегетацион идишларда олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики Phни 4 дан 6,5 кўтарганда баҳорги буғдойнинг умумий массаси 70,6 %га, дони эса 138,6 %га ошган. Лавлаги ва картошқа кальцийли тупроқни талаб қилса, жавдар ўсимлиги кислотали тупроқларда яхши ўсади. Тупроқ эритмаси муҳитига бўлган муносабатига кўра ўсимликлар қуидаги гуруҳларга бўлинади:

**1. Ацидофил ўсимликлар** — кислотали тупроқда ўсуви индикатор ўсимликлар. Бу гуруҳ ўсимликларга ботқоқликда ўсуви торф моҳи, ботқоқ багулниги (Седум), ботқоқ клюкваси (Охекокус ауадрипетохис), ўтлоқларда ўсуви белаус, русинка, черникалар ҳам киради.

**2. Нейтрал муҳитли тупроқ ўсимликлари.** Бу гуруҳга энг муҳим емхашак ўсимликларидан ўтлоқ овсяниткаси, ўтлоқ тимофиевкаси, себарга, тоғ себаргаси, сарик беда (М. фалсафа), Сибир боршевики, зира ва шу кабилар киради.

**3. Базифил ўсимликлар** — ишқорли муҳитли тупроқ ўсимликлари — индикаторлари. Буларга дашт ва чўл зонасида ўсуви ўсимликлар киради. Чўл минтақасининг қумли тупроқларида **псаммофитлар** деб аталган ўсимликларнинг экологик гурухи тарқалган бўлиб, уларга сингренлар, оқ саксовул, қандим, қуёнсуяқ, шувоқлар, қизилчалар, селинлар, илаклар мисол бўла олади.

Псаммофит ўсимликларнинг барглари энсиз, қаттиқ ёки одатда, редукциялашган (саксовиилда), мева ва уруғлари қумда ўрмалаб ёки шамол ёрдамида тарқалади ва шарсимон кўринишда бўлади. Тупроқнинг маълум кимёвий элементларга бойлигини кўрсатувчи ўсимликлар — индикатор турлар дейилади. Масалан, плаун алюминийга бой тупроқларда, астрагал селенли, итқумоқ рухли, шувоқ, оддий қарағай ва маккажӯхорилар олтинга бой тупроқларда ўсади. Индифферен ўсимликлар. Буларнинг типик вакили ландиш

ўсимлиги ҳисобланади. Бундай ўсимликлар тупроқнинг кислотали ва ишқорли мұхитларида ҳам ўса олади.

### “Блиц усули”

| <u>№</u> | <u>Мавзулар саволи</u>             | <u>Биламан</u> | <u>Билишни хохлайман</u> | <u>Билдім</u> |
|----------|------------------------------------|----------------|--------------------------|---------------|
| 1.       | Экинларга солинадиган азот меъёри  |                |                          |               |
| 2.       | Тупроқни ифлослантирувчи манбалар? |                |                          |               |
| 3.       | Антропоген ифлосланишлар?          |                |                          |               |
| 4        | Атмосфера ва тупроқ ҳавоси?        |                |                          |               |
| 5.       | Ифлосланмаган, тупроқнинг таркиби. |                |                          |               |

### “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

#### **Матнни белгилаш тизими**

(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

### **Инсерт жадвали**

| <b>Тушунчалар</b>   | <b>V</b> | <b>+</b> | <b>-</b> | <b>?</b> |
|---------------------|----------|----------|----------|----------|
| Микробиота          |          |          |          |          |
| Мезобиота           |          |          |          |          |
| Ацидофил ўсимликлар |          |          |          |          |
| Тупроқ еритмаси     |          |          |          |          |
| нитрит ва нитратлар |          |          |          |          |

### **Мавзуга оид вазиятли масалалар**

#### Вазиятли масала

Тупроқ турли таъсирлар натижасида тез бузиладиган ва амалда деярли тикланмайдиган табиий ресурслардир. Ҳисобларга кўра 20 см қалинликдаги тупроқ қатламиининг ҳосил бўлиши учун 400-700 йил керак. Чунки тахминан 100

йилда атиги 0,1-0,2 см тупроқ қатлами ҳосил бўлади. Бундай қатlamни сув эрозияси 5-10 йилдаёқ ювиб кетиши мумкин.

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Мутахассисларнинг баҳолашларича, мамлакатимиздаги ҳайдаладиган ерларнинг 100 фоизига яқини азот билан ўғитланиши лозим. Чунки ортиқча азот бериш фойдали. Азот ўғит билан нитрит, аммиак ва амин формасида ерга тушади.

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Фосфорли ўғитларнинг ўзига хос хусусиятидан бири, уларнинг таркибида фтор аралашмалари, радиоактив элементлардан уран, радий ва стронсийнинг борлигидир. Тупроққа 3 суперфосфат билан бирга 1,5-10 кг гача стронций ҳам келиб тушиши мумкин. (Ж.Сатторов, 1980).

Вазиятни баҳоланг.

#### Вазиятли масала

Тупроқда фторнинг ниҳоятда қўпайиб кетиши унинг ўз-ўзидан тозаланиш хусусиятини пасайтиради. Ўсимликларда модда алмашинуви яхшиланади, баргларнинг нафас олиши, фотосинтез жараёнининг тезлиги ортади. Ҳайвонларда флюороз ва кариес касаллиги юзага келади. Фторнинг қўпайиши одамлар саломатлигига ҳам катта таъсир этади.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнинг тавсиянгиз.

#### Вазиятли масала

Тупроқ нормал ҳолатда йирик узунчок доначалардан иборат, катта кичиклиги 20-30 ммк бўлиб, ораларида зич мавжуд, улар тупроқ доначаларини ёпишиб, ҳавосиз бўлиши керак, тупроқни шамоллашига йўл қўймаслик керак, бу эса ўз навбатида, тупроқда кечадиган жараёнларни жадаллаштиришга имкон туғдиради.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнинг тавсиянгиз.

#### Вазиятли масала

Тупроқда органик моддаларнинг парчаланиши икки босқичда ўтади: олдин моддаларнинг нитрификатсияси юз беради, кейин эса минераллашуви босқичларини ўтади.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнинг тавсиянгиз.

#### Вазиятли масала


Оксидланиш жараёни ёрдамида:

- а) карбон кислотаси сулфат кислотасига ва сулфат кислота тузларига (сулфатларга) айланади;
- б) фосфор карбонат кислотаси тузларига (карбонатларга) айланади;
- в) водород сулфит эса фосфор кислотасига ва фосфор кислота тузларига (фосфатларга) айланади.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнинг тавсиянгиз.

**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси**  
**“ШАЖАРА ДАРАХТИ” УСУЛИ**  
**“ЭКИНЛАРГА СОЛИНАДИГАН АЗОТ МЕЪЁРИ”**


**ЭКИНЛАРГА СОЛИНАДИГАН  
АЗОТ МЕЪЁРИ**




**ДОНЛИ  
ЭКИНЛАРНИНГ  
ҲАР ГЕКТАРИГА  
180 КГ**

**ЧОПИҚ  
ҚИЛИНАДИГАН  
ЭКИНЛАРНИНГ ҲАР  
ГЕКТАРИГА 150 КГ**

**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси  
“Кластер” усули МЕЗОБИОТА**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси  
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули Ю.ОДУМ БЎЙИЧА МИКРО ВА  
МАКРООРГАНИЗМЛАР ГУРУХЛАРИ**




**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг**

**ўқув технологияси**

**«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**

**ТУПРОҚ ЕРОЗИЯСИ СОДИР БҮЛМАСЛИГИ УЧУН**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг**

**ўқув технологияси**

**“Лойиха” усули**


## **ТУПРОҚДА ОРГАНИК МОДДАЛАРНИНГ ПАРЧАЛАНИШ**

### **БОСҚИЧЛАРИ**




**Мавзууни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўкув технологияси  
“Кластер” усули**

**АЦИДОФИЛ ЎСИМЛИКЛАР**




**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**

**ТУПРОҚ ЭРИТМАСИ**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**

**ТУПРОҚ ЕРИТМАСИ МУХИТИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИГА КЎРА ЎСИМЛИКЛАР**




## **Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг**

**ўқув технологияси**

**“Лойиха” усули**

### **ТУПРОҚДА ОРГАНИК МОДДАЛАРНИНГ ПАРЧАЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ**



#### **1 - вариант**

1. «Тупроқ-бизнинг энг қимматли капиталимиз” деб ким айтган?  
A. Ж.Дорст  
B. И.Т.Фролов  
B. И.Т.Фомин  
Г. В.С.Фёдоров
2. 10 см қалинликдаги тупроқ қатлами ning ҳосил бўлиши учун неча йил керак бўлади ?  
A. 1400-1700 йил  
B. 1800-1900 йил  
B. 1200-1300 йил  
Г. 1000-1100 йил
3. Хайдаладиган ерларни ning неча фоизи **азот** билан ўғитланиши лозим.?  
A. 90 %  
B. 80 %

В. 98 %

Г. 70 %

4. Азот ўғит билан қандай ерга тушади?

А. нитрат, аммоний ва амид формасида

Б. нитрат,

В. аммоний

Г. амид формасида.

5. Тупроқ ерозияси неча хил бўлади ?

А. шамол ва сув еrozияси

Б. Хаво ва буғ еrozияси

В. намлик ва иссиқлик еrozияси

Г. Музлик ва гейзер еrozияси

6. Ю.Одум (1975) тапроқдаги микро- ва макроорганизмларни қандай гурухларга ажратган?

А. Микробиота, мезобиота, макробиота.

Б. Монобиота, макробиота, мезобиота

В. фитобиота, мезобиота, микробиота

Г. Дермосиота, макробиота, микробиота

7. Микробиота нима ?

А. бактериялар, замбуруғлар, тупроқ сувўтлари ва содда ҳайвонлар;

Б. нематодлар, каналар, кичик ҳашарот ва бошқа организмларнинг личинкалари;

В. ўсимликларнинг илдизлари, йирик ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари.

Г. Замбуруғлар, нематодлар, ёмғир чувалчанглари.

8. Мезобиота нима ?

А. нематодлар, каналар, кичик ҳашарот ва бошқа организмларнинг личинкалари

Б. ўсимликларнинг илдизлари, йирик ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари.

В. замбуруғлар, нематодлар, ёмғир чувалчанглари.

Г. бактериялар, замбуруғлар, тупроқ сувўтлари ва содда ҳайвонлар

9. Макробиота нима ?

А. ўсимликларнинг илдизлари, йирик ҳашаротлар, ёмғир чувалчанглари.

Б. бактериялар, замбуруғлар, тупроқ сувўтлари ва содда ҳайвонлар;

В. нематодлар, каналар, кичик ҳашарот ва бошқа организмларнинг личинкалари;

Г. Замбуруғлар, нематодлар, ёмғир чувалчанглари.

10. Ризосфера нима ?

А. Илдиз ва унинг атрофидаги микроорганизмларга бой бўлган тупроқ мухити.

Б. микроорганизмларга бой бўлган хаво мухити

В. микроорганизмларга бой бўлган сув мухити

Г. микроорганизмларга бой бўлган тош мухити

## **2 - вариант**

1. Ўз-ўзини тозалаш жараёнида қайси жараён содир бўлмайди ?

А. органик моддалар минераллашади ва охир пировардида минерал тузларга айланади;

- Б. патогенли бактериялар, айниқса ичак бактериялари гурхи ва энтеровируслар ўлади;
- В. гижжа тухумлари яшаш қобилиятини йўқотади, сўнгра ўлади.
- Г. Энтеровируслар, гижжа тухумлари купаяди.
2. Тупроқ нормал ҳолатда майда юмалоқ доначаларининг ўлчами қандай?
- А. 2-10 мкм
- Б. 12-15 мкм
- В. 1-2 мкм
- Г. 10-20 мкм.
3. Тупроқда органик моддаларнинг парчаланиши қандай босқичларда ўтади?
- А. моддаларнинг минераллашуви, нитрификация
- Б. моддаларнинг мослашуви, шимилиши
- В. моддаларнинг ғоваклашуви, сочилиши
- Г. Моддаларнинг жипслашуви, бирикиши.
4. Органик моддаларни парчаланиши натихасида нима содир бўлмайди?
- А. сероводород таркибидаги олтингугурт оқсилга айланади.
- Б. карбон сувлар-сувга ва карбонат ангидридга парчаланади.
- В. ёғлар-олдин ёғ кислоталарига, глициринга, сўнгра улар сувга ва карбонат ангидридга парчаланади.
- Г. оқсил моддалари аминокислоталарга ва аммиакка айланадилар.
4. Анаероб жараёнда парчаланаётган органик моддалар ўзларидан қандай газлар чиқаради?
- А. аммиак, сероводород, меркаптан
- Б. Метан, бутан, зарин
- В. этан, заман, бутан
- Г. Пропан, метан, этан
5. Тупроқнинг ўз-ўзини тозалаш жараённинг иккинчи босқичида нима содир бўлмайди ?
- А. Фосфатлар фосфорга, карбонатлар карбон кислотасига айланади
- Б. водород сулфит сулфат кислотасига ва сулфат кислота тузларига (сулфатларга) айланади;
- В. карбон кислотаси карбонат кислотаси тузларига (карбонатларга ) айланади;
- Г. фосфор эса фосфор кислотасига ва фосфор кислота тузларига (фосфатларга) айланади.
6. Гумус таркибига нималар киради ?
- А. гумин-, фульвокислотаси, лигнинлар, протеинлар, карбон сувлар, ёғлар, органик кислоталар ва бошқа карбонат моддалар
- Б. Метан, карбон сувлар, ёғлар, бутан, зарин
- В. этан, гумин-, фульвокислотаси, заман, бутан
- Г. Пропан, лигнинлар, протеинлар, метан, этан,
7. Н.И.Хлебников бўйича тоза тупроқнинг санитария сони нечага тенг ?
- А. 1 Б. 0.07 В. 1.5 Г. 2
8. Санитария сони нима ?

- А. бу тупроқдаги оқсил азот миқдорининг органик азотнинг миқдорига нисбати.  
 Б. бу тупроқдаги органик азотнинг миқдорининг оқсил азот миқдорига нисбати  
 В. бу тупроқдаги азот миқдорининг оқсил миқдорига нисбати  
 Г. бу тупроқдаги органик моддаларнинг оқсил моддаларга нисбати  
 9. Тупроқнинг неча см чуқурлигіда гижжа тухумлари қуёш нуридан, тупроқнинг куришидан сақланиб ўз ҳаётини 1 йилгача ва ундан ортиқ сақлаб қолади?  
 А. 2.5 - 10 см  
 Б. 10 - 15 см  
 В. 15 - 20 см  
 Г. 1 - 2 см  
 10. Тупроқ унумдорлигига нисбатан ўсимликлар қандай гурухлаига бўлинади ?  
 А. Автороф, Олиготрофлар, Мезотроф  
 Б. Меготроф, Автороф, Олиготрофлар  
 В. Геготроф, Олиготрофлар, Автороф  
 Г. Олиготрофлар, Гетеротроф, Олиготрофлар

**8-амалий машғулот: БИОЛОГИК ЗАХИРАЛАР, УЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА МУХОФАЗАСИ. МАХСУС ҚЎРИҚЛАНАДИГАН ХУДУДЛАР.**  
**Амалий машғулот технологик картаси**

| Технологик босқичлар              | Фаолият мазмуни.                                                                                                                                                                                                                                                                          |                                                                                             |
|-----------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1. Ўқув жараёнинга кириш (10 мин) | Ассистент                                                                                                                                                                                                                                                                                 | Талаба                                                                                      |
|                                   | Машгулот мавзусини эълон килади, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таништиради.<br>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўқув натижалари ва баҳолаш критериялари билан таништириш.                                         | Машгулот режаси билан таништирадилар ва зарурӣ ахборотларни қайд этиб боради.               |
| 2. Асосий босқич (60мин)          | 2.1.Қўйидаги диққатни жалб қилувчи са волларга жавоб беришни таклиф қилади.<br>1. Ҳозирги кунда дунё бўйича мавжуд бўлган ўсимлик турлари.<br>2.Қизил китобга киритилган ўсимликлар;<br>3. “Қизил китоб” нима?<br>4“Қизил китоб” қачон ташкил топган ?<br>5.Табиатни муҳофа қилиш Xалқаро | Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва жавобларни тахлил қиласди.<br>5 кишидан иборат |

|                           |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                      |
|---------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                           | <p>уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган классификатсия.</p> <p>6.“Қизил китоб”нинг янги нашрларидағи ўсимлик турларининг сони.</p> <p>7.Қизил китобга киритилган хайвонлар</p> <p>8.Ҳайвонларнинг табиатда камайиб кетишининг асосий сабаблари.</p> <p>9. Ўзбекистоннинг биринчи “Қизил китоби”</p> <p>Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир нечта жавобларни тинглайди)</p> <p>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурухларга бўлади. Хар бир гурухда биттадан савол бўйича варақаларини тарқатиб беради.</p> <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласди. Ўқитувчи маслаҳатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар киритади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4. тақдимот нихоясида хулосалар қилиб, хар бир гурух иштирокчилари диққатини мавзунинг асосий саволларини ёритишга қаратади.</p> | <p>З гурухга бўлинади</p> <p>Гурух аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p>Машғулотларни системалаштиради, ўзаро фикр алмашади.</p> <p>Гурух сардорлари ўз гурухи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қиласди ва гурух жавобларни асослаб беради.</p> |
| 3. Якуний босқич (10 мин) | <p>Мавзу бўйича умумий хулосалар қиласди. Натижаларни аниқлайди. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида кўрсатмалар беради.</p>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       | <p>Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар.</p>                                                                                                                                                                                                                                                      |

### Ўсимлик ресурслари, уларни муҳофаза қилиш.

Инсоният яшаб турган замин маълум бир даражада турли-туман ўсимлик дунёси билан қопланган. Уларнинг барча тирик организмлар учун тутган ўрни ҳам жуда катта. Ҳозирги кунда дунё бўйича 500 мингга яқин ўсимлик тури мавжуд бўлиб, шулардан 8% сув ўсимликлари, 50% дан ортиғи гулли ўсимликлар, 27% и замбуруғлар, қолганлари моҳ ва лишайниклар ҳисобланади (Тилавов, 2003). Улар ўзларининг тузилиши ва рангига қараб хилма-хилдир.

Инсон пайдо бўлибдики, унинг ҳаёти асосан юксак ўсимликлар билан чамбарчас боғлиқдир. У ўсимликлардан турли-туман озиқ-овқат маҳсулотларинигина эмас, балки бошқа хар хил маҳсулотларни (тола, эфир мойи, смола, каучук, ёгоч, целлюлоза ва х.) ҳам олади. Тошкўмир, нефть, торф каби моддалар ҳам қадимги замонларда ер юзида яшаган ўсимликлардан пайдо бўлган. Ўсимлик-тирик организмдир, у ўз атрофини ўраб турган муҳит билан ўзаро бир-бирига тўхтовсиз равишда таъсир қилишиб туради.

Ўсимлик бизнинг атрофимиизда, кўз ўнгимизда – уйимизда, дераза токчаларида, стол устида, уйимиз олдида, кўчаларда, ўтлоқларда, далаларда, ўрмонлардан иборат яшил манзара бўлиб кўринади. Ёввойи ҳолда ўсувиҳи хилманинг кўпчилиги халқ хўжалиги учун фойдалидир. Улар орасида жуда чиройлиси, заҳарлиси, манзарали, техника ўсимликлари, бегона ўтлар ва ҳоказолар бор. Яшил ўсимликнинг энг аҳамиятли томони шундаки, у ҳаёт учун зарур бўлган кислород манбаидир.

Республикамизнинг табиий бойликлари ичида унинг ўсимлик бойликлари алоҳида ўринда туради. Булар орасида озиқ-овқат, ем-хашак, каучук, ошловчи, бўёқ моддалари берадиган, витаминли, эфир мойли, доривор бўладиган жуда кўп қимматли ўсимликлар бор. Одам ҳаётини бутунлай деярли ўсимликка боғлиқ дейиш мумкин. Чунки инсонлар учун зарур озиқ-овқат, қандолат, ёқилғи, кийимбош, қурилиш материаллари, табиий бўёқ, доривор хом ашёси, ниҳоят саноатнинг кўп соҳалари учун зарур бўладиган хом-ашёларни фақат ўсимликлар беради.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг тарихий табиий факторлари ва хусусан, физик-географик шароитига муюғиқ хўжалик жиҳатдан энг қимматли бўлган ўсимликларнинг ўсиши учун бебаҳо жой бўлиб ҳисобланади. Яшил ўсимликлар ҳавони тозалайди, теварак-атрофимиизга гўзаллик, чирой, эстетик завқ беради. Далаларни шамоллардан ҳимоя қиласи. Масалан, ўрмонлар, хиёбонлар, боғлар, гулзорлар муҳит ҳавосини турли ҳил газлардан, тутун ва чанглардан тозалайди, техника, транспорт шовқин-суронларини пасайтиради, иқлимини юмшатади, тупроқни шамол ва сув эрозияларидан сақлайди, сув босиш, қор кўчиш ва сел келиш ҳавфини камайтиради. Ундан ташқари, яшил майдонлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Инсон табиат билан доимо ўзаро мулоқотда бўлиб, унга нисбатан эҳтиёж сезади, шунга кўра у мумкин қадар майсазорлар ва гуллар орасида бўлишга интилади. Яшил олам кишилар руҳиятига ёқимли таъсир қўрсатади, унинг ҳаёт тарзини кўтаради ва эстетик тарбиясининг энг муҳим воситаси бўлиб хизмат қиласи. Республикализ ўсимликлар дунёси ниҳоятда бой ва ранг-барангдир. Айниқса, жанубий вилоятларимиз – Қашқадарё ва Сурхондарёда ўсадиган доривор ўсимликлар борки, улар бошқа минтақаларда умуман ўスマйди ёки ўсанда ҳам ўзининг шифобахш хусусияти – кимёвий таркиблари, доривор моддалари бўйича сифат жиҳатидан бир хил ўринда тура олмайди.

Ўзбекистон табиати ўзининг бетакор гўзалликлари, қуёши, ҳавоси, тупроғи ва суви билан алоҳида ажralиб туради. Шунинг учун ҳам унинг ўсимликлар дунёси ғоят бой бўлиб, 4560 дан ортиқ ёввойи ўсимлик турлари ўсади. Шундан 577 таси доривор ўсимликлар, 103 тури бўёқдор ўсимликлар, 560

тури эфир мойли ўсимликлар ҳисобланади. Бу ўсимликларнинг ҳаммаси табиат ва инсон учун жуда зарурдир. Биз ҳалигача кўп ўсимликлар моҳиятини, аҳамиятли томонларини етарли даражада ўрганмаганмиз.

Агарда табиатда бирорта ўсимлик ёки ҳайвон тури йўқолса, албатта улар орасидаги мувозанат бузилади.

Кўп ўсимлик турлари тоғдаги ўрмонларда бўлиб, бундай ўсимликлар республикамиздаги жами ернинг 11% ни ташкил этади ва у 311 минг гектардан иборат (Тилавов, 2003). Кўп ўрмонзорлардаги дараҳтларнинг асосий қисмини арчалар ташкил этади. Бундай жойларда халқимиз дам олиши учун оромгоҳлар ташкил қилинган. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани шаҳар аҳолисининг ёз ойларида дам олиш маскани ҳисобланади. Бу жойлар ўсимлик дунёсига бой ва ранг-барангдир. Афсуски, шундай ўсимлик дунёсига бой гўзал табиатимиз инсонлар таъсирида оёқ-ости қилинмоқда.

Яна чўл зонасига қайтадиган бўлсак, Бухоро вилоятининг қумли чўлларида ўсадиган партек, чогон, шувоқ, юлғун, саксовул, кейреук каби ўсимликлар маҳаллий халқ томонидан кетмон билан чопиб олиниб, пилла қуртига даста ва ўтин сифатида фойдаланилмоқда.

Тоғ зонасига назар ташлайдиган бўлсак, биргина Бўстонлиқ тумани мисолида ёнғоқ ва бодом тўғрисида уларнинг ҳар томонлама фойдали бу ўсимликни муҳофаза қилиш учун “Қизил китоб”га киритилди. Шунга қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам унинг заҳиралари антропоген омиллар тасъсирида камайиб, айrim жойларда эса бутунлай йўқолиб кетмоқда. Айниқса, Фарғона водийсида адирлар ўзлаштирилиб, этмак заҳиралари камайиб кетган. Этмақдан саноат учун зарур сапонин хом ашёси олинади. Ўсимлик таркибида 25% гача сапонин моддаси бўлиб, ундан кўпикли ичимликлар тайёрлашда, парфюмерияда, қандолат маҳсулотлари (холва, парварда, нишолда) тайёрлашда қўлланилади. Бундан ташқари, ранги metallurgiya, тиббиётда, тўқимачилик ва курилиш саноатида ҳам ишлатилади. 1962 йилгача этмак Наманган вилоятининг бир қанча туманларидан йиғиб олинган бўлса, ҳозирги кунда бу туманларда этмак умуман учрамайди Сабаби, адирларнинг ўзлаштирилганлиги, ўсимликнинг биологик хусусиятини билмаслик, режасиз қазиб олиниши каби антропоген омиллар унинг камайиб, йўқолиб кетишига олиб келган. Бу эса табиатда тарихан ташкил топган мувозанатнинг бузилишига, яъни кўплаб фойдали ўсимликлар, ўсимлик жамоалари ҳамда экотизимларнинг ўзгаришига олиб келмоқда.

Яна ёввойи ҳолда ўсадиган қатронги, хурмо, нок, олма, жилонжийда (унаби), ток (узум), арчалар, камёб доривор ўсимликлар(омонқора), камёб зийнатли ўсимликлар (лолалар), тўғрисида ҳам гапиришимиз мумкин. Бундай ўсимликлар инсон томонидан йўқ қилинишига эмас, балки инсоннинг ёрдамига муҳтож ва уларни муҳофаза қилишга эътиборни кучайтириш лозим.

Инсоннинг салбий таъсири оқибатида республикамиздаги ўрмонзорлар майдони кейинги йилларда 4-5 марта камайиб кетди. Кўплаб қимматли ўсимлик турлари йўқолиб кетган. Ҳозирги вақтда ўрмонлар майдонининг кескин қисқариш жараёнлари давом этмоқда. Янги ерларни ўзлаштириш, турли саноат тармоқлари,

қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кабилар оқибатида ўсимлик турлари камайиб бормоқда. Бу эса ўсимликлар генофондининг камайишига олиб келади.

Биосферадаги мувозанатни сақлаб қолишида ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу мақсадга эришиш учун турли тадбирлар ўтказилади.

Х1Х асрдан бошлаб қўриқхоналар, миллий боғлар, давлат буюртмаларини ташкил қилиш фаолияти тезлашган. Бундай алоҳида муҳофаза қилинадиган худудларда йўқолиб бораётган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турлари муҳофаза қилинади. Ноёб ва йўқолиб бораётган турларнинг муҳофазасига эътиборни кучайтириш учун 1966 йили табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи томонидан халқаро “Қизил китоб” ташкил қилинган. Алоҳида йирик давлатлар ўз “Қизил китоби”га эга бўлиб, “Қизил китоб” фақатгина хатар даракчиси бўлиб қолмай, балки муҳофаза ҳаракатларининг дастури ҳам ҳисобланади.

“Қизил китоб” айрим вилоятлар, мамлакатлар ёки бутун дунё бўйича келажакда хавф остида турган ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида маълумотларга эга бўлган расмий хужжатdir.

Табиатдаги мавжуд ўсимликларнинг 400 дан ортиқ турлари (10-12%) кам учрайдиган эндемик ва реликт турлардан ҳисобланади. Бундай ўсимликлардан 163 тури 1984 йили нашр этилган Ўзбекистоннинг “Қизил китоби”га киритилган бўлиб, улар йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимлик турларидир (Белолипов ва бошқалар, 1997). Бу китобга киритилган ўсимлик турлари Табиатни муҳофаза қилиш Халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган классификатсияга биноан, 4 категорияга ажратилади. Улар қўйидагилардан иборат:

- Йўқолган ёки йўқолиш арафасидаги турлар.** Бир неча йиллар давомида табиатда учратилмаган, лекин айрим йиғиб олиш қийин бўлган жойлардагина ёки маданий шароитда сақланиб қолиши эҳтимолига эга бўлган ўсимлик турлари.
- Йўқолиб бораётган турлар.** Йўқолиб кетиш хавфи остида турган, сақланиб қолиши учун маҳсус муҳофаза талаб этадиган турлар.
- Камёб турлар.** Маълум кичик майдонларда ўзига хос шароитларда сақланиб қолган ва тез йўқолиб кетиши мумкин бўлган ва жиддий назоратни талаб этувчи турлар.
- Камайиб бораётган турлар.** Маълум вақт ичida сони ва тарқалган майдонлари табиий сабабларга кўра ёки инсонлар таъсири остида қисқариб кетаётган турлар. Айни вақтда бундай ўсимликлар ҳар томонлама назорат қилиб туришни талаб этади.

“Қизил китоб”нинг 1998 йилги нашрида муҳофазага олинган ўсимлик турларининг сони 301 га этди. ”Қизил китоб“нинг янги 2006 йилдаги нашрида муҳофазага олинган ўсимлик турларининг сони 305 тадир.

Умумий қилиб айтганда, “Қизил китоб”нинг моҳияти шундаки, улар ўсимлик ва ҳайвонот оламининг камёб, йўқолиб, камайиб кетиш хавфи остидаги турлари ҳақида тўлиқ маълумот берувчи хужжатdir.

Жамоатчилик ва давлат ижроия муассасаларини табиат муҳофазаси муаммосига жалб қилиш ва турлар генофондини сақлаб қолишга ёрдамлашиш – “Қизил китоб”нинг вазифасидир.

### **Хайвонот олами, уни муҳофаза қилиш.**

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, ўлкамиз ўсимлик оламига бой бўлибгина қолмай, балки хайвонот оламига ҳам бойдир. Биздаги мавжуд чўлу-адирларимизда, тоғу-яйловларимизда, тўқайзору-сув ҳавзаларида турли-туман ўзига хос ҳайвон турлари мавжуд бўлиб, буларнинг ҳаммаси биргаликда маълум бир экотизимларни ҳосил қиласди. Инсонларнинг кундалик ҳаётида ҳайвонларнинг тутган ўрни, аҳамияти ўсимликларнидан кам эмас. Улар бизни озиқ-овқат (гўшт, сут, ёғ, мой, тухум, балиқ маҳсулотлари ва х.), кийим-кечак, доривор моддалар билан таъминлайди, қишлоқ хўжалиги, транспорт, илмий-тадқиқот ишларида, тиббиётда тажрибалар ўtkазиш кабиларда фойдаланилади. Хайвонлар ўсимликлар билан доимо биотик алоқада бўлиб, уларни чанглатишда, мева уруғларини бошқа жойларга тарқалишида, яъни ўсимликларнинг территориал тарқалишида қатнашади.

Сўнгги бир қанча ўн йиллар давомида она табиатимизнинг ранг- баранглигига каттагина зарар этказилди. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”да (11-том, 2003 й.) кўрсатилганидек, сўнгги ўн йиллар давомида, табиатдан фойдаланишнинг кучайиши натижасида кўплаб ҳайвон турлари инсон таъсири остида қолиб, уларнинг яшаш жойлари, сони қисқарди. Айримлари эса бутунлай йўқ бўлиб кетди. Жумладан, Турон йўлбарси, гепард, Туркман қулони, Орол сулаймон балиғи каби ҳайвонлар умуман йўқ бўлиб кетди. Сиртлон, қоплон, тўхта тувалоқ, Сирдарё ва Амударёнинг кичик ва катта курак бурунлари кабилар йўқ бўлиб кетиши арафасида турибди. Устюрт ва Бухоро қўйлари, морхўр, қорақулоқ, Марказий Осиё қундузи, оқбош ўрдак, вишилдоқ оққуш, мармар чуррак, йўрға тувалоқ, Фарғона қум калтакесакчаси, айрим моллюска ва ҳашаротлар йўқ бўлиб кетиши хавфи остида. Кўплаб ҳайвон турларининг сони узлуксиз камайиб бормоқда, сабаби, ҳудудларнинг хўжалик мақсадларида ўзлаштирилиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, биологик ресурслардан меъёrsиз фойдаланишдир.

Охирги ўн йиллар мобайнида суғориладиган майдонларни кенгайтириш мақсадида Мирзачўл ва Жиззах, Қарши ва Сурхон-Шеробод чўллари, Фарғона водийсининг марказий қисми, Тян-Шан ва Помир-Олой тизмаларининг ғарбий этакларидағи адирлар ўзлаштирилди. Суғориш туфайли ўзлаштирилган ҳудудларда экологик вазият ўзгарди. Кўплаб чўл ҳайвонларининг сони, масалан, жайрон, йўрға, тувалоқ каби ҳайвонлар ареалининг қисқариши бунинг далилидир. Тўқайзорларнинг кесиб ташланиши натижасида бу жойларда яшовчи Бухоро буғуси, тустовуқ ва бошқа эндемик кенжак турлар яшаш жойларининг кескин қисқаришига олиб келди. Жанубий Оролбўйида экологик вазиятнинг ўзгариши натижасида Амударё дельтасида вишилдоқ оққуш, пушти ва жингалак сақоқуш, қорабузов ва бошқа камёб қушларнинг жойи, орнитология нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга бўлган ботқоқликлар бугунда ўз моҳиятини йўқотди. Тоғ-

кон саноатининг тезкорлик билан ривожланиши дарахт ва буталарнинг кесилиши, чорвачилиқда яйловлардан хаддан ташқари кенг фойдаланиш натижасида барча тог экотизимларининг ўзгариши ҳамда умуртқасиз хаёвонларнинг яшаш жойлари йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Республикамиздаги мавжуд қўриқхоналарда “Қизил китоб”га киритилган Бухоро буғуси, морхўр, Қизилқум архари каби ҳайвонлар, йиртқич қушлар ва хашаротлар муҳофаза остига олинган.

Камёб ҳайвонлар турларини кўпайтириш республика маркази (Бухоро вилояти) олиб бораётган изланишлари камёб ва йўқ бўлиб кетаётган ҳайвонларни ярим тутқунлик шароитида кўпайтириш, уларни сақлаб колиш, сонини тиклашга бағищланган. Бундан ташқари, бу ерда республика “Қизил китоби”га ҳамда ҳалқаро қизил китобларга киритилган жайрон, йўрға тувалоқ, қулон, Пржевалский оти каби турларни кўпайтириш ва қўриқлаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Давлат бионазорати бош бошқармаси, ЎзР ФА Зоолгия институти олимлари томонидан йўқ бўлиб кетиши ҳавфи остидаги қушларни сунъий шароитда кўпайтириш ва табиатга қўйиб юбориш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг биринчи “Қизил китоби” 1983 йилда нашр этилган бўлиб, унга умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури киритилган эди. “Қизил китоб”нинг янги нашрига (II том, ҳайвонот олами, 2003 й.) сут эмизувларнинг 23 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 16 тури, балиқларнинг 17 тури, ҳалқасимончувалчангларнинг 3 тури, моллюскаларнинг 14 тури, бўғимоёқлиларнинг 61 тури киритилган.

Турларнинг табиатда йўқ бўлиб кетиши ҳавфи тоифалари қуйидагича:

**0-йўқ бўлиб кетган турлар.** Мамлакатда йўқ бўлиб кетган ёки мамлакат ёввойи табиатида йўқ бўлиб кетган деб белгиланиши мумкин.

**1-ҳавфли холатдаги турлар.** Бутунлай йўқ бўлиб кетиши арафасидаги ёки йўқ бўлиб кетаётган деб белгиланади.

**2-заиф турлар.** Заиф тоифасига мансуб турнинг хаётий кўрсаткичлари торайиб бораётган ёки жуда ўзгарувчан холатда бўлса, у “қисқариб бораётган”, турнинг хаётий кўрсаткичлари чекланган бўлса, у “табиатан камёб” деб белгиланади.

**3-йўқ бўлиб кетиши эҳтимолига яқин.** Турнинг хаётий кўрсаткичлари яшаб қолиши учун таҳдид поёнидан нисбатан узоқ бўлиб, аммо ноаниқ давр мобайнида унинг шу даражага этиш эҳтимоли мавжуд бўлган холдаги тур белгиланади.

**4-маълумотлар танқис-тоифаси** мақоми бўйича ноаниқ ва йўқ бўлиб кетиши холати тоифаларига мансуб бўлмаган турларни ўз ичига олади.

## **БИОХИЛМА-ХИЛЛИК ВА ЭКОТИЗИМ ФАОЛИЯТИНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ**

Хозирги вақтда содир бўлаётган биохилма-хилликнинг йўқолиб кетишига алоқадор тахминлар экологларни 1990 йилларнинг бошларида харакатга

келтирган эди. Уларни турларнинг йўқолиб кетиши экотизимга қанчалик салбий таъсир кўрсатиши хақидаги савол ташвишга солди. Экотизим фаолияти атамаси бу экотизим фаолияти жараёнлари учун умумий атама ҳисобланади, яъни биогеокимёвий энергия оқими ва экотизимлараро ва ички масалалар (жумладан, бирламчи ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат моддалари айланмаси). Ушбу мавзунинг дастлабки умумий босқичида экотизим жараёнларига таъсирларни ўлчаш учун турли даражадаги хилма-хил модел гурухларни йиғиш орқали шу саволга мурожаат қилинган. Изланишни дастлабки босқичларидаги мета-анализ натижалари шуни кўрсатадики, яъни биохилма-хил трофик гурухлар ва экотизим турлари билан изчил боғланадиган экотизим жараёнларига умуман олганда ижобий, аммо тўлдирувчи таъсир кўрсатади. Бу муносабатлар асосий таъсирга қараганда деярли икки баробар кучли тўлдирувчи таъсир ва асосий таъсир бирикмалари орақали кузатилади. Шу билан бирга, турли экотизимлар камдан-кам холларда энг яхши ягона турга қараганда сезиларли даражада яхши фаолият кўрсатади, камида қисқа муддатга. Узоқ муддат давомида эса биохилма-хиллик молиявий инвестицияларнинг турли хужжатларидаги келтирилган хавф тарқалиши афзалликлари каби суғурта қийматини таъминлаб бериши мумкин.

### **ХИЛМА-ХИЛЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК**

Биохилма-хиллик ва экотизим фаолиятининг ўртасидаги боғлиқликни ўрганишдаги асосий ёндашувлардан бири бу лаборатория ва ёки дала шароитида синтезлашган модел организмларни йиғиш орқали биохилма-хилликни бевосита бошқаришdir.

Муқобил ёндашув эса табиий организмлар гурухларидан турларни ажратиб олишdir. Учинчи, бу бошқарувсиз ёндашув бўлиб, бунда биохилма-хиллик ва экотизим фаолияти ўртасидаги боғлиқлик хақида қандай қилиб бу иккала боғлиқлик ўсимлик ва хайвонот оламида ўзаро муносабатда бўлиши мумкинлигини кузатган холда хулоса қилишdir. Бу уччала ёндашув ўзига яраша афзалликларга ва ноқулайликларга эга. Ушбу бўлимда биз диққатимизни турли хилма-хилликдан намуна организмларни йиғишга қаратамиз. Тадқиқотнинг биринчи декадасидаги мета-анализ биохилма-хиллик ва экотизим фаолияти ўртасидаги ижобий боғлиқлик, бу қуруқликда хам сувда мавжуд бўлган трофик гурухлар (автотрофик организмлар, ўтхўрлар, ўликхўрлар ва йиртқичлар) ўртасида сезиларли даражада изчил боғланган намунадир. Шунингдек, биохилма-хиллик ва экотизим фаолияти ўртасидаги боғлиқлик умуман олганда тўлдирувчи бўлиб ҳисобланади, шунингдек, тасодифий биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиши экотизим фаолияти бўлган таъсири дастлаб суст бўлади, аммо кейинчалик тезлашади.

Экологик барқарорлик одатда экотизимнинг учта асосий ҳусусиятидан биттасига тегишли бўлади: экотизимлар ҳусусиятидаги вақтинчалик ўзгариш

(масалан, бирламчи маҳсулот) ёки жавоб (қаршилик) ёки қайта тикланиш (чиdamлилик).

### Ўзбекистондаги муҳофаза қилинадиган худудлар

Ўзбекистонимиз ўзига хос ўсимлик ва хайвонот дунёсига эга бўлиб, сўнгги йилларда инсоннинг хўжалик фаолияти сабабли флора ва фаунага нисбатан салбий таъсир кучаймоқда. Ўзбекистонда мавжуд 4500 дан ортиқ ўсимлик турларнинг 10 - 12% и муҳрфазага муҳтож. Ўрмон ресурслари чекланган. Энг қимматли тоғ ўрмонларининг майдони ўнлаб марта қисқариб кетди. Табиий яйловларнинг ҳолати ёмонлашди.

Ўзбекистон биохилма - хиллигини сақлашда муҳофаза этиладиган табиий худудлар катта ахамиятга эга. Ўзбекистоннинг бундай табиий худудлари, тизимиға умумий майдони 6061- км<sup>2</sup> булган 2 та миллий бот, майдони 12186,5 км<sup>2</sup> бўлган давлат буюртмахонаси ва битта ноёб хайвон турларини қўпайтириш бўйича Республика маркази . ("Жайрон" экомаркази) киради. Муҳофаза қилинадиган табиий худудлар умумий майдони 20520 км<sup>2</sup> ни ёки Республика умумий худудининг 5,2% ини ташкил қиласди.

Қўриқхоналарда табиат, унинг ёввойи вакиллари табиий қонунлар асосида яшайди. Қўриқхоналар Ўзбекистоннинг ўта хилма - хил, гўзал ва сахий табиатини муҳофаза қиласди ва келажак авлод учун сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ давлат табиат қўриқхоналари қатъий муҳофаза қилинадиган худудлар бўлиб, уларда ёввойи табиатнинг хаёти йил бўйи кузатиб борилади.

Қўриқхона деганда - инсоннинг хўжалик фаолияти бутунлай таъкиланган, табиий комплекс асл холида сақланадиган худудлар тушунилади.

Қўриқхоналарнинг асосий вазифаси - табиатнинг диққатга сазовор, қимматли ландшафтларини жамият манбаатлари учун сақлашдан иборат. Қўриқхона худудларидан хўжалиқда фойдаланиш, хаттоки пичан ўриш, ов қилиш, балиқ тутиш, қўриқхоналарни бузиш умуман таъкиланади. Унинг худудларидаги мажмуалар табиий холда сақланади. Бу ерда табиат бир бутун холда ўрганилади. Инсон томонидан ўзлаштирилган ландшафтларда мослаша олмаган хайвонларни фақат қўриқхоналарда сақлаш мумкин бўлмоқда. Булар зубр, қулон, бегемот, йўлбарс, арслон, қоплон, илвирс, сув қаламуши, қизил ғоз, гагра ва бошқалардир. Шунингдек, бир қанча ўсимлик турлари фақат қўриқхоналарда сақланмоқда. Қўриқхоналар овланадиган хайвонларни сақлаш ва уларни қўпайтиришда хам катта рол ўйнайди. Демак, қўриқхона худудлари турли хил ҳайвон ва ўсимлик турларини, овланадиган ҳайвонларнинг миқдори ва генетик фондини сақлаш учун хизмат қиласди. Мамлакатимиздаги хамма қўриқхоналар илмий муассасалар хисобланади. Бу ерда доимо илмий текшириш ишлари олиб борилади.

Ўзбекистонда биринчи қўриқхона 1926 йилда Зомин раённинг Жиззах ўрмон хўжалигига қарашли "Ғуралаш" тоғ арча қўриқхонаси номи билан ташкил қилинган. У кейинчалик Зомин тоғ ўрмон қўриқхонаси номий билан қайта тикланган.

Ёввойи хайвонларнинг ноёб турларини кўпайтириш бўйича муассасалар табиатни мухофаза қилиш ва биохилма-хилликни сақлаб қолишнинг энг самарали шаклларидан биридир. Ўзбекистонда бугунги кунда ноёб хайвон турларини кўпайтириш бўйича миллий миқёсда битта Республика маркази -. “Жайрон” экомаркази расман фаолият юритмоқда. У 1976 йилда Бухоро вилоятида 5145 га майдонда жайрон, Пржевалский оти, қулон каби ноёб хайвон турларини сунъий кўпайтириш мақсадида ташкил қилинган. Б. Б.Алиханов, В.П.Лим, Н.А.Ахмедов, А.Тўхтаев ва бошқалрнинг маълумотига кўра (1994-2005 й.) Республикамизда 9 та қўриқхона ва буортмахоналар мавжуд ва уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз

### Зомин халқ боғи

Республикадаги Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларида жойлашган 1977 йилда ташкил этилган. Унинг майдони 47,7 минг гектар бўлиб, дengiz satxidan 1000-4030 m balandlikda joylashgan. Ushbu xalq bofigida mehnatkaşlarning dam olish, sport yйinlari va turizm bilan shugullaniш билан birga tog lanđshafti u erdagi arczazorlar, ўtloқlar xayvonlar va tabiatning aжойиб namunalari muhofazaga oлинган.

### Угом-Чотқол миллий боғи

Республикадаги иккинчи миллий боғ хисобланиб у Тиян Шан тоғининг қисми тизимидағи Угом ва Чотқол тоғлари ёнбағирларини эгаллаб ётади. Унинг майдони 35,3 мингга атрофида, дengiz satxidan 1000-3200 m balandlikda joylashgan. Угом-Чотқол миллий боғи республикада ва xalqaro sport musobaқalarini ўtkaziшda, aйniқsa, Toшkent шахар axolisining dam olish maskani xisoblanadi. Bундан tashkari, Milliy bog xududiда ёnfoқzorlar, arczazorlar, алп ўtloқlari kabi lanđshaft mintaқalari mavjud. Milliy bog faunaasi tarkiбida қora bars, ok tирnoқli aйик, жайра, ёввойи чўчка, Menzbir суғuri va boшқalap учрайди.

“Бадай - Тўқай” давлат қўриқхонаси. 1971 йилда ташкил этилган. Қоррақалпоғистон Республикасида жойлашган, майдони - 6642 га. қўриқхона xududiда қуидагилар учрайди.

### Ўзбекистондаги маҳсус ҳимоя қилинадиан худудлар

- 1.Хайвонларнинг 135 тури, шундан 1.1 тури Ўзбекистон Республикаси ва ТМХИ “Қизил китоб” ларига киритилган;
- 2.Ўсимликларнинг 160 тури, шундай 2 тури Ўзбекистон Республикаси ва ТМХИ “Қизил китоб” ларига киритилган;

Қўриқхонада ўсимлик ва хайвон турлари кўп. Бу ерда таранғи, юлғун ва қиёқзорлар мавжуд. Хайвонларда ёввойи чўчка, бўрсик, қуён, Хива қирғовули, олачипор қизилиштон ва бошқалар яшайди.

Куриқхона Амударё сувининг ўзгариб туришини хисобга олган холда тўқай ўсимликларни ва ҳайвонот дунёсини мухофаза қилади.

Зарафшон давлат қўриқхонаси. 1975 йилда ташкил этилган. Самарқанд вилоятида жойлашган, майдони - 2352 га. қўриқхона худудида қуидагилар учрайди:

- Хайвонларнинг кариб 170 тури, шундай 2 тури Ўзбекистан Республикаси ва ТМХИ “Қизил китоб” ларига киритилган;
- Ўсимликларнинг 300 тури;

Бу ерда кенг тарқалған қуш Зарафшон қирғовулидир. Қўриқхонада чиябўри, тулки, бўрсиқ, тўқай мушуги ва бошқа хайвонлар учрайди.

Қўриқхонадаги барча ўсимликлар турларини, айниқса, чакандани муҳофаза қилиш, хайвонлардан Зарафшон қирғовулини кўпайтириш ва сақлаш - қўриқхонанинг мақсадидир.

Юқорида қайд қилиб ўтилган қўриқхона ва буюртмахоналарда Ўзбекистоннинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси муҳофаза қилинади ва тикланади. Келажақда Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қиласидиган қўриқхона ва буюртмахоналар сони янада кўпайиб бораверади.

#### Давлат қўриқхоналари

| №   | Қўриқхона номи                       | Ихтисосланиши         | Майдони (га) |
|-----|--------------------------------------|-----------------------|--------------|
| 1.  | Бадай – Тўқай                        | Тўқай қўриқхонаси     | 6481         |
| 2.  | Қизилқум                             | Тўқай қўриқхонаси     | 3895         |
| 3.  | Нурота                               | Тоғ ўрмон қўриқхонаси | 22537        |
| 4.  | Зарафшон                             | Тўқай қўриқхонаси     | 2066         |
| 5.  | Орол - Пайғамбар                     | Тўқай қўриқхонаси     | 3094         |
| 6.  | Зомин                                | Тоғ ўрмон қўриқхонаси | 15600        |
| 7.  | Угом – Чотқол<br>табиий миллий бояги | Тоғ ўрмон қўриқхонаси | 35256        |
| 8.  | Китоб                                | Геологик қўриқхонаси  | 5378         |
| 9.  | Хисор                                | Тўқай қўриқхонаси     | 76889        |
| 10. | Қўхитангтоғ                          | Тўқай қўриқхонаси     | 43500        |

#### Давлат буюртмахоналари

| №  | Буюртмахонанинг номи | Ихтисосланиши       | Майдони (га) |
|----|----------------------|---------------------|--------------|
| 1. | Нурун – тепа         | Тўқай буюртмахонаси | 29000        |
| 2. | Оқбулоқ              | Тоғ буюртмахонаси   | 111000       |
| 3. | Хоразм               | Кўл буюртмахонаси   | 7800         |
| 4. | Тўдакўл              | Кўл буюртмахонаси   | 30000        |
| 5. | Денгизкўл            | Кўл буюртмахонаси   | 86000        |
| 6. | Чадик                | Кўл буюртмахонаси   | 18600        |

#### “Блиц усули”

| №  | <u>Мавзулар саволи</u>                                   | <u>Биламан</u> | <u>Билишни<br/>хоҳлайман</u> | <u>Билдим</u> |
|----|----------------------------------------------------------|----------------|------------------------------|---------------|
| 1. | Ҳозирги кунда дунё бўйича мавжуд бўлган ўсимлик турлари. |                |                              |               |
| 2. | Қизил китобга киритилган                                 |                |                              |               |

|    |                                                                                |  |  |  |
|----|--------------------------------------------------------------------------------|--|--|--|
|    | ўсимликлар;                                                                    |  |  |  |
| 3. | “Қизил китоб” нима?                                                            |  |  |  |
| 4  | “Қизил китоб” қачон ташкил топган ?                                            |  |  |  |
| 5. | Табиатни муҳофа қилиш Халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилған классификатсия. |  |  |  |
| 6. | “Қизил китоб”нинг янги нашрларидағи ўсимлик турларининг сони.                  |  |  |  |

### “Инсерт усули”

**Инсерт** - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

#### Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлади.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

### Инсерт жадвали

| Тушунчалар                            | V | + | - | ? |
|---------------------------------------|---|---|---|---|
| Ўсимликнинг инсон ҳаётида тутган ўрни |   |   |   |   |
| Ўбекистон ўсимлик оламини тутган ўрни |   |   |   |   |
| Қизил китобга кирган ўсимликлар       |   |   |   |   |
| Инсоннинг ўсимлик оламига таъсири     |   |   |   |   |
| Йўқолиб кетаётган ўсимлик турлари     |   |   |   |   |
| Табиатда ўсимликлар роли              |   |   |   |   |

### Мавзуга оид вазиятли масалалар

#### Вазиятли масала

Ёввойи ҳолда ўсувчи хилма-хил ўсимликларнинг кўпчилиги халқ хўжалиги учун фойдалидир. Улар орасида жуда чиройлиси, заҳарлиси, манзарали, техника ўсимликлари, бегона ўтлар ва ҳоказолар бор. Яшил ўсимликнинг энг аҳамиятли томони шундаки, у ҳаёт учун зарур бўлган кислород манбаидир.

Қачон у CO<sub>2</sub> манбаига айланади ?

#### Вазиятли масала

Одам ҳаётини бутунлай деярли ўсимликка боғлиқ дейиш мумкин.  
Нима учун?

#### Вазиятли масала

Ўзбекистон Республикаси ўзининг тарихий табиий факторлари ва хусусан, физик-географик шароитига муофиқ хўжалик жиҳатдан энг қимматли бўлган ўсимликларнинг ўсиши учун бебаҳо жой бўлиб ҳисобланади. Яшил ўсимликлар ҳавони тозалайди, теварак-атрофимизга гўзаллик, чирой, эстетик завқ беради. Далаларни шамоллардан ҳимоя қиласди.

Мисол келтиринг.

#### Вазиятли масала

Республикамиз ўсимликлар дунёси ниҳоятда бой ва ранг–барангдир. Айниқса, қайси вилоятларимизда ўсадиган доривор ўсимликлар, бошқа минтақаларда умуман ўсмайди ёки ўғсанда ҳам ўзининг шифобахш хусусияти – кимёвий таркиблари, доривор моддалари бўйича сифат жиҳатидан бир хил ўринда турла олмайди.

#### Вазиятли масала

Ўзбекистонимиз ўзига хос ўсимлик ва хайвонот дунёсига эга бўлиб, суўгги йилларда инсоннинг хўжалик фаолияти сабабли флора ва фаунага нисбатан салбий таъсир кучаймоқда. Ўзбекистонда мавжуд 6500 дан ортиқ ўсимлик турларнинг 20 - 30% и муҳрфазага муҳтож. Ўрмон ресурслари чекланган. Энг қимматли ўрмонларининг майдони ўнлаб марта кўпайиб кетди.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнинг тавсиянгиз.

#### Вазиятли масала

Ўзбекистоннинг бундай табиий худудлари , тизимиға умумий майдони 16061-  $\text{км}^2$  булган 1 та миллий боғ, майдони 2186,5  $\text{км}^2$  бўлган давлат буюртмахонаси ва 2 та ноёб хайвон турларини кўпайтириш бўйича Республика маркази киради.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

#### Вазиятли масала

"Жайрон" экомаркази муҳофаза қилинадиган табиий худудлар умумий майдони 20520  $\text{км}^2$  ни ёки Республика умумий худудининг 15,2% ини ташкил қиласди.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

#### Вазиятли масала

Республикадаги Туркистон тоғ тизмасининг шимолий ёнбағирларида жойлашган 1977 йилда ташкил этилган. Унинг майдони 47,7 минг гектар бўлиб, денгиз сатхидан 1000-4030 м баландликда жойлашган. Ушбу халқ боғида меҳнаткашларнинг дам олиш, спорт ўйинлари ва туризм билан шуғулланиш билан бирга тоғ ландшафти у ердаги арчазорлар, ўтлоқлар хайвонлар ва табиатнинг ажойиб намуналари муҳофазага олинган.

Гап қайси боғ хақида кетяпти?

### Вазиятли масала

Республикадаги иккинчи миллий боғ хисобланиб у Тиян Шан тоғининг қисми тизимидағи Угом ва Чотқол тоғлари ёнбағирларини эаллаб ётади. Унинг майдони 35,3 мингга атрофика, дengiz сатхидан 1000-3200 м баландликда жойлашган. Угом-Чотқол миллий боғи республикада ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказишда, айниқса, Тошкент шахар ахолисининг дам олиш маскани хисобланади. Бундан ташқари, Миллий боғ худудида ёнғоқзорлар, арчазорлар, алп ўтлоклари каби ландшафт минтақалари мавжуд. Миллий боғ фаунаси таркибида қора барс, оқ тирноқли айик, жайра, ёввойи чўчка, Мензбир суғури ва бошқалар учранди.

Гап қайси боғ хақида кетяпти?

### Вазиятли масала

1971 йилда ташкил этилган. Қоррақалпоғистон Республикасида жойлашган, майдони - 6642 га. қўриқхона худудида қўйидагилар учрайди.

Гап қайси боғ хақида кетяпти?

### Вазиятли масала

- 1.Хайвонларнинг 160 тури, шундан 2 тури Ўзбекистан Республикаси ва ТМХИ “Қизил китоб” ларига киритилган;
- 2.Ўсимликларнинг 135 тури, шундай 1.1 тури Ўзбекистан Республикаси ва ТМХИ “Қизил китоб” ларига киритилган;

1. Вазиятни баҳоланг.

2. Сизнингфикрингиз.

### Вазиятли масала


1975 йилда ташкил этилган. Самарқанд вилоятида жойлашган, майдони - 2352 га. қўриқхона худудида қўйидагилар учрайди:

- 1.Хайвонларнинг кариб 170 тури, шундай 2 тури Ўзбекистан Республикаси ва ТМХИ “Қизил китоб” ларига киритилган;
2. Ўсимликларнинг 300 тури;

Гап қайси боғ хақида кетяпти?


**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси**

**“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули  
ЎСИМЛИК ТУРЛАРИ КЛАССИФИКАЦИЯСИ**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси  
“ШАЖАРА ДАРАХТИ” усули**

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎСИМЛИКЛАР**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**

**ТУРЛАРНИНГ ТАБИАТДА ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТИШ  
ҲАВФИ ТОИФАЛАРИ**




**Мавзуни амалий күнікмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**

**500 МИНГГА ЯҚИН ЎСИМЛИК ТУРИ  
БОР**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“КЛАСТЕР” УСУЛИ**  
**“ЗАРАФШОН ДАВЛАТ ҚЎРИКХОНАСИ”**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**

**ЎЗБЕКИСТОН  
ТАБИЙ ХУДУДЛАРИ**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули  
ЖАЙРОН” ЭКОМАРКАЗИ**



**1 - вариант**

1. Қизил китоб қандай ҳужжат?
  - а) Фақат йўқолиб кетаётган ҳайвонларни асраш ҳақидаги ҳужжат
  - б) Айрим вилоятлар, мамлакатлар ёки бутун дунё бўйича келажакда ҳавф остида турган ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақида маълумотларга эга бўлган
  - в) Бу китоб ҳайвонларни ва ўсимликларни қўпайтириш ҳақидаги фан
  - г) Қимматбаҳо тошларни ҳимоя қилиш ҳақидаги китоб
2. Ҳозирги қунда дунё бўйича қанча ўсимлик тури мавжуд?
  - А. 500 мингга яқин
  - Б. 200 мингга яқин
  - В. 300 мингга яқин

Г. 400 мингга яқин

3. дунё бўйича 500 мингга яқин ўсимлик турларни фоизларда тақсимланиши қандай?

А. 8% сув ўсимликлари, 50% дан ортиғи гулли ўсимликлар, 27% и замбуруғлар, қолганлари моҳ ва лишайниклар

Б. 20% сув ўсимликлари, 10% дан ортиғи гулли ўсимликлар, 40% и замбуруғлар, 30 % моҳ ва лишайниклар

В. 50% сув ўсимликлари, 35% дан ортиғи гулли ўсимликлар, 5% и замбуруғлар, 10 % моҳ ва лишайниклар

Г. 60% сув ўсимликлари, 20% дан ортиғи гулли ўсимликлар, 15% и замбуруғлар, 15 % қолганлари моҳ ва лишайниклар

4. Ўзбекистонда қанча ёввойи ўсимлик турлари ўсади.

А. 4560 дан ортиқ

Б. 2560 дан ортиқ

В. 3560 дан ортиқ

Г. 1560 дан ортиқ

5. Ўзбекистондаги ўсимликларнинг нечтаси доривор ?

А. 577 таси

Б. 650 таси

В. 430 таси

Г. 500 таси.

6. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи томонидан халқаро “Қизил китоб” қачон ташкил қилинган?

А. 1966 йилда

Б. 1977 йилда

В. 1955 йида

Г. 1956 йилда

7. Табиатни муҳофа қилиш Халқаро уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган классификатсияга биноан, нечта категорияга ажратилади?

А. 4 та

Б. 3 та

В. 5 та

Г. 6 та

8. Ўзбекистонда бутунлай йўқ бўлиб кетган хайвонлар?

А. Турон йўлбарси, гепард, Туркман кулони, Орол сулаймон балиғи

Б. Сиртлон, қоплон, тўхта тувалоқ,

В. Сирдарё ва Амударёнинг кичик ва катта курак бурунлари

Г. морхўр, қорақулоқ, оқбош ўрдак, вишилдоқ оққуш, мармар чуррак

9. Ўзбекистоннинг биринчи “Қизил китоби” қачон нашр этилган?

А. 1983 йилда

Б. 1973 йилда

В. 19983 йилда

Г. 1963 йилда

10. “Қизил китоб”нинг 2- нашрига (2003 й.) қайси хайвонлар киритилмаган?
- А. Паррандаларнинг 5 тури, лаққа балиқнинг 15 тури  
Б. сут эмизувчиларнинг 23 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юрувчиларнинг 16 тури,  
В. балиқларнинг 17 тури, ҳалқасимон чувалчангларнинг 3 тури,  
Г. моллюскаларнинг 14 тури, бўғимоёқлиларнинг 61 тури киритилган.

## 2 - вариант

1. Ўзбекистонда мухофаза қилинадиган табиий худудлар умумий майдони қанча?
- А. 20520 км<sup>2</sup>  
Б. 30520 км<sup>2</sup>  
В. 10520 км<sup>2</sup>  
Г. 40520 км<sup>2</sup>
2. Ўзбекистонда мухофаза қилинадиган табиий худудлар Республика умумий худудининг неча % ни ташкил қиласди.
- А. 5,2% ини  
Б. 6,2 % ни  
В. 4,2 % ини  
Г. 3,2 % ини
3. Ўзбекистонда биринчи қўриқхона қачон ташкил қилингина ?
- А. 1926 йилда  
Б. 1936 йилда  
В. 1916 йилда  
Г. 1936 йилда
4. Ўзбекистонда биринчи қўриқхона қаерда ташкил қилинган 7
- А. Жizzахда Зомин тоғ ўрмон қўриқхонаси  
Б. Қашқадарё вилоятида  
В. Бухоро вилоятида  
Г. Сурхондарё вилоятида
5. “Жайрон” экомаркази қачон ва қаерда ташкил қилинган?
- А. 1976 йилда Бухоро вилоятида  
Б. 1966 йилда Қашқадарё вилоятида  
В. 1986 йилда Жizzахда вилоятида  
Г. 1996 йилда Сурхондарё вилоятида
6. “Жайрон” экомарказининг умумий майдони қанча ?
- А. 5145 га  
Б. 4145 га  
В. 3145 га  
Г. 6145 га
7. Зомин ҳалқ боғи қачон ташкил этилган?
- А. 1977 йилда  
Б. 1967 йилда  
В. 1987 йилда  
Г. 1957 йилда

8. “Бадай - Тўқай” давлат қўрикхонаси қачон ташкил топган?

- А. 1971 йилда
- Б. 1961 йилда
- В. 1981 йилда
- Г. 1991 йилда

9. Зарафшон давлат қўрикхонаси да қайси хайвонлар бор ?

- А. чиябўри, тулки, бўрсиқ, тўқай мушуги
- Б. ёввойи чўчка, бўрсиқ, қуён, Хива қирғовули, олачипор қизилиштон
- В. қора барс, оқ тирноқли айик, жайра, ёввойи чўчка, Мензбир суғури
- Г. олачипор қизилиштон, ёввойи чўчка, Мензбир суғури

10. Ўзбекистонда нечта давлат қўриқхоналари бор ?

- А. 10 та
- Б. 20 та
- В. 15 та
- Г. 7 та.

**9-амалий машғулот: МУХИТ ХОЛАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ  
МОНИТОРИНГИ. ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА. ЭКОЛОГИК  
ХАВФСИЗЛИК. ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ТАРБИЯ  
Амалий машғулот технологик картаси**

| Технологик босқичлар             | Фаолият мазмуни.                                                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                                                 |
|----------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                  | Ассистент                                                                                                                                                                                                                                                                                                     | Талаба                                                                                          |
| 1. Ўқув жараёнига кириш (10 мин) | Машгулот мавзусини эълон килади, Талабаларни режадаги асосий саволлар ва тушунчалар, атамалар, фойдаланадиган адабиётлар билан таниширади.<br><br>Шу жумладан талабаларни режалаштирадиган ўқув натижалари ва баҳолаш критериялари билан танишириш.                                                           | Машгулот режаси билан таниширадилар ва зарурӣ ахборотларни қайд этиб боради.                    |
| 2. Асосий босқич (60мин)         | 2.1.Қўйидаги диққатни жалб қилувчи са волларга жавоб беришни таклиф қилади.<br><br>1.<br>Юқоридаги саволлар асосида савол-жавоб ўтказади. (Бунда бир нечта жавобларни тинглайди)<br>2.2. Бакалаврларни бир нечта кичик гурухларга бўлади. Хар бир гурухда биттадан савол бўйича варақаларини тарқатиб беради. | Саволларни тинглайди, уларга жавоб беради ва жавобларни тахлил қиласди.<br><br>5 кишидан иборат |

|                           |                                                                                                                                                                                                                                                                                      |                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|---------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                           | <p>2.3. Тақдимот бошланишини эълон қиласди. Ўқитувчи маслахатчи сифатида жавобларни шархлаб боради, Аниқликлар киритади, хатолар тузатади.</p> <p>2.4. тақдимот нихоясида хулосалар қилиб, хар бир гурух иштирокчилари диққатини мавзунинг асосий саволларини ёритишга қаратади.</p> | <p>З гурухга бўлинади Гурух аъзолари биргаликда изланибя. Машгулотда берилган саволга жавоб излайдилар.</p> <p>Машғулотларни системалаштиради, ўзаро фикр алмашади. Гурух сардорлари ўз гурухи иш натижаларини тайёрлаган материаллари асосида намойиш қиласди ва гурух жавобларни асослаб беради.</p> |
| 3. Якуний босқич (10 мин) | <p>Мавзу бўйича умумий хулосалар қиласди. Натижаларни аниқлайди. Талабалар билимини баҳолайди. Мустақил амалий машқ бажарилиши юзасида кўрсатмалар беради.</p>                                                                                                                       | <p>Мустақил амалий машқ юзасидан вазифаларни ёзиб оладилар.</p>                                                                                                                                                                                                                                        |

### Ташқи муҳит ҳолатини назорат қилиш мониторинги

Мониторинг тизимини шакллантирмасдан туриб, инсоннинг муҳит шароити ва умуман биосферани асраш мураккаб ишдир.

Экологик мониторингда атроф-муҳитни яхшилаш ва биосферани мусаффо сақлаш бўйича қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилади, чунки биосферада вужудга келадиган ўзгаришлар асосан инсон фаолияти билан боғлиқдир. Мониторингда кўзда тутилган тадбирлар ўзгаришларнинг ривожланишини олдиндан билиш ва унинг олдини олиш имкониятини яратади. “Мониторинг” атамаси лотинча “монитор” сўзидан олинган бўлиб, илгарига қаровчи ёки “кузатувчи“ деган маънони англаатади.

БМТнинг атроф-муҳит билан шуғулланадиган котибияти экологик мониторингни атроф-муҳит элементларини маконда ва вақтда маълум мақсад ҳамда дастур асосида қайта кузатиш, деб таърифлайди. Мониторингнинг обьекти табиат, антропоген, ёки табиат антропоген экотизимлари бўлиши мумкин. Мониторингнинг мақсади факат фактларни қайд этиш билан чекланмасдан, балки экспериментлар ўтказиш, жараёнларни моделлаштириш, илмий башоратларнинг сифатини текшириш билан ҳам шуғулланади.

Мониторингни ташкил этишдан мақсад аён, у маҳаллий вазифаларни ечиши зарур, яъни айрим экотизимнинг ҳолатини кузатиши ёки уларнинг бўлакларини

(масалан, биотлар жонли организмлар мажмуаси) ва планетар характердаги, глобал тизимдаги мониторингларни ўз ичига олади. Глобал тизимдаги мониторинглар базасини космик ва ҳисоблаш техникаси ташкил этади. Шу нарса маълумки, сунъий ер йўлдошлари, учувчисиз ва учувчили бошқарилаётган йўлдошлар ер биосферасида содир бўлаётган жараёнлар ҳолатини жуда муваффақиятли кузатмоқда, айни вақтда бу жараёнларни ерда туриб кузатиш жуда ҳам қийиндир.

Мисол тариқасида, мониторингнинг маҳаллий вазифаси зааркунандалар популяциясининг динамикасини кузатиш ва уларни таъқиб қилиб туриш, жумладан катта майдондаги ҳашаротларни (у ёки бу турнинг бутун ареалида), муҳофаза қилинадиган ҳайвонлар популяцияси ҳаракатини ҳисобга олиш. Мониторинг ўрмон ва дала ўсимликларига ҳашаротлар томонидан кўрсатиладиган заарларни, уларнинг вақтларини назорат ва тахлил қилиш имкониятини беради. Кузатиш нуктларидан олинган ялпи маълумотлар ҳисоблаш техникалари ёрдамида яхши таҳлил қилиниши керак.

Шундай қилиб, экологик мониторинг ҳар хил даражадаги занжирларни ўз ичига олиши зарур, жумладан:

глобал (биосфера) мониторинг, бу халқаро ҳамкорликда амалга оширилади;  
миллий мониторинг, бу ҳар бир давлатнинг ўзида маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар томонидан олиб борилади;

худудий мониторинг - бу йирик худудда халқ хўжалигини ўзлаштириш бўйича фаол фаолият кўрсатилаётган раён экотизимидағи худудда йирик ишлаб чиқариш комплекси барпо этилаётган бўлса;

маҳаллий (биоэкологик) мониторинг, ахоли яшайдиган мавзелар, саноат марказларида, корхоналарда муҳит сифатининг ўзгаришларини ҳисобга олади.

Академик И.П Герасимов мониторинг тизимларининг ҳар бирини ўз вазифасига эга блокларга бўлиб, уларни таъминловчи базалар мавжуд деб кўрсатади.

Атмосферанинг ифлосланиш даражасини асбоблардан фойдаланиб баҳолаш усуллари билан бир қаторда, биологик индикациялардан, яъни жонли организмлардан ҳам фойдаланилади (тест-объектлар), айниқса маълум кимёвий қўшилмаларга сезгир организмлар ишлатилади. Ҳозир кўп қўлланиладиган усуллардан бири - бу лихеноиндикация усулидир, лотинча “лихенес” сўзидан олинган бўлиб, лишайник маъносини англатади, бу усул асосан шаҳардаги йирик корхоналар жойлашган жойлардаги кўчатларда учрайдиган лишайникларни ҳисобга олишга асосланган. Шу нарса аниқланганки, лишайникларнинг дараҳтлар поясида учраши билан атмосферанинг ифлосланиши ўртасида боғланиш бўлиб, агар атмосфера заҳарли моддалар билан ифлосланган бўлса, лишайниклар у ердаги дараҳтлар поясида кам учрайди.

Маҳаллий мониторингнинг вазифасига саноат корхоналаридаги санитария – саноат лабораториясининг фаолияти ҳам киради. Бу лаборатория вазифасига саноат корхоналари сехлари, саноат майдонларидағи ҳавонинг ифлосланганлигини, шунингдек сув тармоқларидағи сувнинг ифлосланишини аниқлаш даражалари киради.

Глобал ва миллий мониторингни ташкил этиш, яъни биосферадаги муҳитнинг сифати ҳақида маълумот йиғиш учун маҳсус хизмат қиладиган корхоналарни ташкил этиш зарурдир. Бундай мониторинглар учун база бўлиб антропоген омилларнинг таъсирига учрамаган узоқ фаолият кўрсатадиган худудлар комплекси бўлиши керак. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, муҳитнинг фон даражаси маълум миқдорда сақланган жой бўлиши шарт, буни таққослаш туфайли инсоннинг биосферага кўрсатган таъсирини аниқлаш имконияти яратилиши лозимdir.

### Экологик экспертиза

Жамият манфаатларини кўзлаб атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ хўжалик ва бошқа объектларнинг фаолиятини бошқаришнинг муҳим томони ҳамда ягона экологик сиёsatни юргизиш йўли Давлат экологик экспертизаси хисобланади. Экологик экспертиза жамият ташкилотлари ва давлат муассасалари янги қурилма объектлари, ишлаб турган хўжалик ва бошқа объектларни қайта қуриш назардан баҳолаш учун фаолият кўрсатади. Давлат экологик экспертизаси республикадаги маълум бўлган эксперт органлари тизимида алоҳида ўрин эгаллади. У объектларни комплекс тарзда баҳолайди, яъни экологик, ижтимоий-иқтисодий томонларидан баҳолаш билан бирга унинг фаолиятини ўзгариш оқибатлари нималарга олиб келиши, шунингдек давлат экологик экспертизаси “табиат - жамият” тизимидағи барча ўзаро боғланишлар ва зиддиятларни ҳар томонлама таҳлил қиласи.

Ижтимоий тараккиёт шароитида жамиятнинг табиатга таъсир курсатиши мукаррардир. Табиат инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қаноатлантирадиган ягона манба хисобланади. Инсон табиатга таъсир курсатмасдан яшай олмайди. Шунинг учун ишлаб чиқаришни ва бошқа фаолиятларни шундай ташкил этиш керакки, нафакат одамларнинг мослашуви чегарасидан чиқмаслиги, балки шу билан бирга биосфера энг яхши холатда сақланиши керак.

Инсон фаолиятининг табиатни ўзгартирувчи миқёсларини кўрсатувчи қуидаги маълумотларни келтириб утамиз. Энг сўнгти тахминий хисоб-китобларга кўра, инсоният Ер бағридан йилига 100 миллиард тонна тог жинслари қазиб олади. XX асрнинг охириларида эса бу миқдор олти баробар ортган. Дастребаки башоратларга қараганда, бутун дунё миқёсидаги саноат ишлаб чиқариши уч марта кўпаяди. Унинг бундай даражада ортиши эса инсониятнинг бутун цивилизацияси ўн минг йил давомида ишлатганга қараганда тўрт марта кўп янги хом ашё ресурларини талаб этади. Олимларнинг берган маълумотларига кўра, олинган қазилмаларни қайта ишлашда улар массасининг деярли тўқсон саккиз фоизи чикиндига ажralади ва қазилманинг атиги икки фоизидан ижтимоий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун фойдаланилади.

Хозирги вактда ишлаб чиқариш суръати тобора ортиб бормокда. Қайта тикланмайдиган минерал хом ашёлар истеъмоли хар ўттиз йилда икки баробар ортса, қазиб олинадиган ёнилғи миқдори эса хар ўн беш йилда икки баробар кўпаяди.

Бугунги кунда сайёрамиз ўрмонлари хар дақикада 20 гектарга камаяди. Тропик ўрмонлар майдони хар йили бир фоизга қискаради. Атмосферадаги кислород хажми йилига 10 миллиард тоннага камаяди. ХХI асрнинг ўрталарида бу борада қатор муаммолар келиб чиқиши мумкин. Хозирги вақтда сув, электр қуввати, нефть, мой, минерал ва органик хом ашёлар, металл, кўмир ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланишда кўплаб исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани хеч кимга сир эмас. Ташиб вактида хом ашёлар қанчалик кам йўкотилса, табиат шунчалик кам ифлосланади. Масалан, кўмир, қум-цемент ва бошқаларни очиқ вагонларда ташиб оқибатида катта исрофгарчиликларга йўл қўйилади, уларнинг маълум қисми шамолда учиб кетади. Афсуски, хозирги вақтга қадар дунёнинг турли бурчакларида кўмир ва бошқа хом ашё маҳсулотлари очиқ вагонларда ташилиб, инсон меҳнати ва маҳсулотларнинг бехуда сарфланиши холлари кузатилмоқда.

Шунинг учун фан-техника тараккиёти табиат бойликлари, материаллар, хом ашёлар, ёнилғи ва энергиядан фойдаланишни тубдан яшхилашга йўналтирилиши керак. Барча босқичларда, яъни қазиб олиш ва хом ашёни комплекс қайта ишлашдан тортиб, охирги маҳсулотни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишгача булган жараёнларда фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларидан фойдаланиб қуриш самарали натижалар беради. Табиий бойликларни тежаш, халқ хўжалигининг ёнилғи, энергия, хом ашё ва материалларга бўлган ортиб борувчи эҳтиёжини қаноатлантиришда хал этувчи омил хисобланади.

Бизнинг назаримизда, атроф-мухитни химоя этиш ва табиий ресурсларни тиклаш масаласида куйидагилар эътиборга олиниши керак:

Махалий ва глобал экологик маниторинг, яъни атроф-мухитнинг мухим характеристкалари холатини, сув, тупрок, атмосферадаги заарли моддаларнинг концентрациясини назорат қилиш ва ўлчаш;

Ўрмонларни тиклаш ва ёнгин, зааркундалар, касалликлардан муҳофаза қилиш;

Қўрикхоналар, этalon экотизимлар, бебаҳо табиий мажмууларни кенгайтириш ва улар сонини купайтириш;

Ўсимлик ва хайвонларнинг ноёб турларини сақлаш хамда кўпайтириш;

Ахолининг экологик маърифати ва маданиятини юксалтириш;

Табиатга янгича муносабатни шакллантириш бўйича инсон фаолиятининг барча соҳаларида фаол ишлар олиб бориш, табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни асраш технологиясини ишлаб чиқишина бугунги кундаги экологик муаммоларни хал этишга қолаверса, табиат билан уйғун муносабатда бўлишга кўмаклашади.

Экологик экспертиза – бу географик мухитнинг биологик қисмига таъсирини баҳолашдир.

Экспертиза илмий текшириш ёки лойихалаш институтлари томонидан таклиф қилинаётган лойихаларни ўрганиш ва уларни амалга ошириш мақсадга қанчалик мувофиқ эканлигини аниқлаб, чуқур асосланган хулоса беришдан иборатдир. Экспертиза жарёнида корхонанинг атроф мухитга, одамларнинг соглигига таъсир қилиши жиддий эътиборга олинади.

Экспертиза турли даражаларда амалга оширилади: давлат экспертизаси, илмий ва жамоатчилик экспертизаси, вазирликлар экспертизаси ва бошқалар. Экспертиза Ўзбекистон Республикаси Табиатни мухофаза килиш Давлат Кўмитаси томонидан белгиланади. Мазкур қўмитада экологик-географик экспертиза бошкармаси фаолият кўрсатади. Таклиф килинаётган лойиханинг мазмуни, қандай тадбирлар амалга оширилишига қараб, шу соханинг етакчи мутахассислари у билан танишиб чиқиб, ўз мулохазаларини билдирадилар. Масалан, тог дарёларида йирик сув омбори қурилиши лойихаси экспертизага топширилган бўлса, у холда мухандис-гидротехниклар, гидрологлар, гидробиологлар, экологлар, географлар, ўрмончилар, иқтисодчилар, хукуқшунослардан иборат груп ташкил қилинади ва улар лойиха бўйича ўзларининг таклифларини тайёрлайдилар.

80-йилларга қадар Ўзбекистонда қурилган саноат корхоналари экологик-географик экспертизадан расмий равишда деярли ўтказилмаган. Албатта, корхона бирор жойга қурилиши лозим топилганда уша жойнинг мухандис-геологик, гидрогеологик ва гидрологик шароитлари бирмунча хисобга олинган, лекин корхона келтирадиган заарли оқибатлар деярли хисобга олинмаган. Шунинг учун ахоли зич яшайдиган Чирчик, Охангарон, Фаргона водийларида саноат корхоналарининг салбий таъсири туфайли атмосфера хавоси ва сув хавзалари бошқа раёнларга нисбатан кўпроқ ифлосланган.

Эндилиқда, айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, янги саноат корхоналари экологик меъёрларга мос холда жойлаштириш, мавжуд корхоналар ишлаб чиқараётган махсулотлар, атроф мухитга чиқарилаётган чикиндилар масаласи атрофлича тахлил қилиниб, технологик жараёнларни мукаммалаштириш, газ ва чангни тутиб қолувчи, уларни тозаловчи замонавий мосламаларни ўрнатишга катта ахамият берилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфеизлигини таъминлаш стратегияси миллий хавфсизлик Концепцияси ва Ўзбекистон Республикаси Конститутсиясида белгиланган экологик соҳадаги шахс, жамият ва давлатнинг мухим хаётий манфаатларидан келиб чиқади.

Шахснинг мухим хаётий манфаатларига қўйидагилар киради: инсон фаолияти, кишилар соғлигини химоя қилиш учун қулай экологик шарт-шароитларни таъминлаш.

Жамиятнинг мухим хаётий манфатларига қўйидагилар киради: барқарор экологик вазиятни яратиш, ахоли саломатлигини таъминлаш, жисмонан ривожланган авлодни шакллантириш.

Давлатнинг мухим хаётий манфаатларига қўйидагилар киради:

1. Барқарор ривожланиш, минтақада экологик вазиятнинг барқарорлиги, соғлом хаёт тарзини шакллантириш;
2. Иқтисодиётнинг устувор соҳаларида илмий-техник ривожланишнинг юксак даражасини таъминлаш;

3. Миллий хавфсизликнинг самарали тизимини яратиш, Ўзбекистоннинг хавфсизлик ва хамкорлик бўйича миңтақавий ва глобал тизимларига ва уларнинг тузилмаларига узвий равишда уйғунлашувини таъминлаш.

Ўзбекистон республикаси экологик-иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари Ўзбекистон Республикаси инсон хуқуки ва эркинлигига амал қилиш, ижтимоий ва экологик йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш орқали дунё хамжамиятига тўла хуқуқли интеграциялашишни таъминловчи хуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этмоқда. Республикада амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва харакатлантирувчи кучи инсоннинг баркамол ривожланиши ва фаровон хаёти, шахс манфаатларини амалга ошириш шароитлари хамда амалий механизмларини яратишдан иборатdir.

“Халқаро хамжамият инсоннинг нафақат яшаш хуқуқи, балки тўлақонли ва соғлом турмуш кечириши учун зарур мўътадил атроф-мухит шароитларига хам эга бўлган хуқуқларининг муқаддас ва дахлсизлигини аллақачонлар эътироф этган. Экологик хавфсизлик кишилик жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради”.  
Халқаро хуқуқий тажрибалар, замонавий фан, техника ва технологиялар асосида экологик хавфсизликнинг мукаммал тизимини шакллантириш Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири хисобланади.  
Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлик сиёсати конститутсия, қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси, атроф-мухит ва барқарор ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро ва Ёханнесбург декларацияларининг тамойиллари асосида халқаро конференциялар ва шартномалардан хамда етакчи давлатларнинг қонунчилик соҳасидаги тажрибаларидан келиб чиқадиган республиканинг мажбуриятлари хисобга олинган холда олиб борилади.

Ўзбекистон, барча собиқ иттифоқ давлатлари каби ишлаб чиқариш учун катта миқдорда энергия ва материаллар сарф этишни талаб қиладиган, маънавий эскириб кетган ва атроф-мухитни ифлослантирадиган жихозлар ва технологияларга эга иқтисодиётни мерос қилиб олган. Маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитларида макроиқтисодий режалаштиришнинг табиатни муҳофаза қилиш сиёсати билан оптимал уйғунлашуви ва унинг ижтимоий хамда бошқа соҳаларда юритилаётган сиёсат билан хамоҳанг бўлиши энг муҳим вазифа бўлиб қолди. Республикаиз экологик сиёсати табиатнинг алоҳида унсурларини химоя қилишдан экотизимни умумий химоялашга ўтишга, инсон яшайдиган хаёт кечириш муҳитининг қулай жихатларини кафолатлашга йўналтирилган. Бундай экологик сиёсатнинг амалга оширилиши халқ хўжалиги мажмуи ва умуман жамиятнинг барқарор ривожланиши шартларидан бири бўлиб қолиши керак. Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати натижаларидан бири инсон саломатлиги учун юқори даражадаги хавфга эга худудларда атроф-мухит сифатини яхшилаш ва экотизимни барқарорлаштиришдан иборат бўлди. Орол бўйида экологик

вазиятнинг оқибатларини бартараф қилиш бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда - кичик махаллий сув хавзалари, ичимлик суви билан таъминловчи сув ўтказгичларининг қурилиши олиб борилмоқда. Республикаизда 1991 йилдан бошлаб ифлослантирувчи моддаларнинг атмосферага ташланиш миқдори 1.95 баробар пасайди, ифлосланган оқава сувлари 2.0 баробарга камайди.

Пестицидлардан фойдаланиш кейинги 5 йил давомида 4 баробар қисқарди. Экин майдонларида пахта экишнинг камайтирилиши хисобига ғалла ва дуккакли, сабзавот ва полиз, картошка экин майдонлари кенгайиб бормоқда. Пахта экиладиган майдонлар хозирги кунда анча қисқартирилган ва экин майдонларининг тахминан 40 фоизини ташкил этади. Миллий қўриқхоналар, боғлар ва экомарказлар ривожлантирилмоқда.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 24 октябрдаги 469-сонли қарори билан тасдиқланган, мамлакатимиз экологик сиёсатини амалга оширишда асосий стратегик йўналиш хисобланган “Ўзбекистонда 1999-2005 йилларда атроф-мухитни муҳофаза филиш бўйича харакатлар дастурини” ва 1999-2005 йилларга мўлжалланган атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича худудий дастурларни амалга ошириш муддати якунланди. Жорий давр мобайнида ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 1999 йил 11 ноябрида тасдиқланган, Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 20 октябрда қабул қилинган 469-сонли қарорини бажариш бўйича чора-тадбирлар режасига биноан амалга оширилди.

2005 йил август холати бўйича 165 режалаштирилган тадбирлардан 136 таси ёки 82,4% бажарилган, 25 тадбир бажарилмоқда (улардан 6 тасини бажариш муддати тугалланмаган) ва 4 тадбир бўйича ишлар маблағ, йўқлиги сабабли бажарилмаяпти, умуман кўзда тутилган тадбир-чораларни қамраб олиш 98,2% ни ташкил этади.

Ушбу чора-тадбирларни бажариш учун 3,0 миллиард сум, 11,3 млн. Евро ва 9,6 млн. АКШ долларидан зиёд маблағ ўзлаштирилди. Улардан: 863,2 млн. сум давлат бюджети маблағи; 1,5 млрд, сўмдан кўпроғи - корхона ва ташкилотлар маблағлари; грант асосидаги инвеститсиялар 571,6 млн. сўмни, 11,3 млн. Евро ва 9,6 млн. АКШ долларини ташкил этди хамда 362,9 млн. сўм табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари маблағларидан иборат бўлди. Тадбирларни бажариш натижасида атмосферага ифлосланган моддаларнинг ташланиши 2.1 минг тоннадан кўпроқ камайтирилди, этиллаштирилган бензин ишлаб чиқариш улуши - 16,9% ни ташкил этди (20% - кўзланган эди), юк ташиш ва енгил автомобиллар учун газ балонли ускуналар тайёрланди ва синовдан ўтказилди, таркибида симоб мавжуд бўлган ишдан чиқкан лампаларнинг 75% дан ортиғи қайта ишланди. Дастурни бажариш натижасида давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассислари, манфаатдор вазирликлар, идора ва ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг қўйидаги бешта қонунлари: “Экологик экспертиза тўғрисида” (25.05.2000), “Радиацион хавфсизлик тўғрисида” (31.08.2000), “Давлат кадастрлари тўғрисида” (15.12.2000), “Чиқиндилар тўғрисида” (05.04.2002), “Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида”

(13.12.2004), хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қўйидаги 32та қарорлари: “Ўзбекистон республикаси давлат бюджетининг 2000 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрларининг прогнози тўғрисида” (554-сонли 31 декабр 1999 йил, унга кўра 2000 йилнинг 1 январидан бошлаб табиий мухитга ифлослантирувчи моддаларни ташлаш ва Ўзбекистон Республикаси худудида чиқиндиларни жойлаштириш учун тўловлар белгиланган); “Озон қатламини химоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида” (2000 йил 24 январ 20-сонли); “Табиий ресурсларни сақлаш ва Чимён-Чорвоқ худудини ўзлаштиришга хар томонлама ва тизимли ёндашишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” (2000 йил 10 март 83-сонли); “Ўзбекистон Республикаси худудига таркибида озон қатламини бузувчи моддалар мавжуд бўлган маҳсулотлар ва ана шундай моддаларни олиб кириш ёки олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида” (2000 йил 14 март 90-сонли); “Ўзбекистон Республикаси худудига экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни олиб кириш ёки олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида” (2000 йил 19 апрел 151-сонли); “Ўзбекистон Республикаси ўсимликлар дунёси обьектларининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги қоидани ва Ўзбекистон Республикаси хайвонот оламининг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги қарорини тасдиқлаш тўғрисида” (2000 йил 5 сентябр 343-сонли); “Вазирликлар ва идораларнинг мониторинг борасидаги фаолиятларини мувофиқлаштиришни белгиловчи табиий мухит давлат мониторинг тўғрисидаги қоида” (2002 йил 3 апрел 111-сонли); “Орол бўйи генофондини химоя қилиш бўйича хайрия жамғармасини яратиш тўғрисида” (2004 йил 3 апрел 162-сонли); “Андижон ва Наманган вилоятларида Қорадарё дарёсининг сув муҳофазаси худудлари ва қирғоқ бўйи худудларини белгилаш тўғрисида” (2004 йил 13 апрел 178-сонли); “Наманган вилоятида Норин дарёсининг сув муҳофазаси худудлари ва қирғоқ бўйи худудларини, белгилаш тўғрисида” (2004 йил 13 апрел 179-сонли); “Вазирлик ва идораларнинг бюджетдан ташқари фондларига маблағ ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” (2004 йил 25 октябр 499-сонли); “Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикаси худудига олиб кириш ва олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида” (2004 йил 28 октябр 508-сонли) ва бошқалар ишлаб чиқилди хамда қабул қилинди. ГХФУ (гидрохлорфторуглерод), метил бромидларга квоталарни кўзда тутувчи хамда таркибида озон моддаси (ОБМ) бўлган ва озонни бузувчи маҳсулотларга лицензиялар бериш тизимини кўчайтиришга қаратилган Вазирлар Махкамасининг “Ўзбекистон Республикаси хукумати қарорларига баъзи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойихаси ишлаб чиқилди ва Адлия Вазирлигига кўриб чиқиш учун тақдим этилган. Озон қатламини емирувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш бўйича миллий дастур, мамлакатни барқарор ривожланиш моделига ўтиш миллий стратегияси, чўлга айланиб бориш билан курашиш бўйича харакатлар миллий дастури, парникли газлар эмиссиясини камайтириш бўйича миллий стратегия, муҳофаза

этиладиган табиий худудларни ривожлантириш ва жойлаштириш бош схемаси, экологик таълим давлат стандарти ва экологик таълим дастури ишлаб чиқилди хамда амалга оширилмоқда. Ер ости ичимлик сувлари захираларини шакллантириш худудларига муҳофаза этиладиган табиий худудлар мақомини бериш бўйича ишлар тўла хажмда бажарилди, улардан 11 таси Республика ва 8 таси вилоят аҳамиятига эга. Тошкент шахри ва Тошкент вилояти корхоналарида захарли чиқиндилар чиқариш устидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича дастлабки маълумотлар тайёрланди, Тошкент шахри ва Тошкент вилояти учун захарли чиқиндиларни кўмиш полигонларининг техник-иқтисодий хисоблари (ТИХ,) ва АПЗ ишлаб чиқилди ва лойихани экологик экспертизаси ўтказилди.

Таркибида симоб бўлган лампалар ва асбобларни қайта ишлаш мақсадида Навоий, Андижон ва қўшимча Бухоро шаҳрида люминесцент лампаларни демеркуризация қилиш бўйича қурилмалар тайёрланди ва ишга туширилди.

Инсон ва хайвонлар учун хавфсиз бўлган пестицидлардан фойдаланиб, ўсимликларни химоялаш умумий тизимини татбиқ этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Биолабораториялар ва биофабрикалар тармоғи ташкил этилди хамда энтомологик хизмати кучайтирилди. 83 та янги биолаборатория ишга туширилди ва уларнинг умумий сони 809 тани ташкил этди. Ўсимликларни химоя қилиш бирлаштирилган тизимининг вилоятлар схемалари ишлаб чиқилди. Ўсимликларни химоя қилиш бирлаштирилган тизими бўйича 2000-2005 йилларга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастурларга биноан Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда 2001-2003 йилларда ўсимликларни химоя қилиш барча асосий турлари (агрокимёвий ва биологик) қўлланилди. 3482,7 минг гектар майдонда қишлоқ хўжалиги зааркунандаларига қарши кураш бўйича профилактик ишларини ўтказиш учун биолабораториялар томонидан 4928,1 кг трихограмма, 1431,9 миллион дона бракон этказиб берилди.

Ер ости сувларининг давлат кадастри олиб борилмоқда. Ёнилғи сифатини яхшилаш, шу жумладан бензиндан қўрғошинни ажратиб олиш бўйича тадбирлар бажарилмоқда, юқ ва энгил автомобиллар учун суюлтирилган табиий газда ишловчи газ баллон ускуналарининг (ГБУ) тажриба намуналари ишлаб чиқарилди ва синовдан ўтказилди.

Самарқанд, Хива, Бухоро шаҳарларининг тарихий ёдгорликлар жойлашган худудларида ер ости сувлари даражасини назорат қилиш мақсадида кузатув кудуклар тармоғи яратилди. Бухорода 173 кузатиш кудуклари ва 181 вертикал дренаж кудуклари қурилди. 2005 йилнинг биринчи ярми давомида улар ёрдамида 20,6 млн. м<sup>3</sup> ер ости сувлари чиқарилди, бу чора ер ости сувлари даражасини ўртacha 2,15 м даражасида туришини таъминлашга имкон берди. Бироқ моддий маблағлар йўқлиги сабабли Хива ва Самарқанд шаҳарларида ер ости сувларининг талаб этиладиган даражасини таъминлаб туриш бўйича қийинчиликлар мавжуд. Амударё дельтасида ва Орол денгизи қуриган тубида кичик сув хавзаларини яратиш бўйича лойиха-изланиш ва умумий қурилиш ишлари ўтказилди, Орол денгизи қирғоги бўйлаб ва Амударё дельтасида кичик махаллий сув хавзаларини

яратиш бўйича ТИА (техник-иктисодий асослар) ишлаб чиқилди, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси (ОҚҲЖ) ажратган 6,15 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. “Междуреченск” сув омборининг шимолий дамбасини, “Главмясо” каналига бетон ён томон сув чиқариш ва сув тушириш иншоатини куриш бўйича ишлар бажарилмоқда.

Мухофаза этиладиган табиий худудлар Давлат кадастрини жорий қилиш бўйича методик кўрсатмалар тасдиқланди ҳамда “Хайвонот ва ўсимликлар дунёси давлат кадастрларини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилиб, Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 5 сентябрдаги 343-сонли қарори билан тасдиқланди. Шу асосда 170 дан ортиқ уч тоифадаги объектлар бўйича кадастр маълумотлари тўпланди.

“Маълумотлардан фойдаланиш, атроф-мухиттга тааллуқли қарорлар қабул қилиш жараёнларида жамоатчиликнинг иштирок этиши ва шу масалалар бўйича қонуний хукуқи тўғрисида”ги БМТ эИК Орхус Конвенсиясига (1998) Ўзбекистоннинг қурилиши имкониятларига дойр зарур материаллар тайёрланди. Озонни бузувчи моддалар (ОБМ) ўрнини босиши бошқариш бўйича офис ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Давлат табиатни мухофаза қилиш қўмитаси ва УНЕП меморандумига биноан 17 минг АҚШ доллари тенг ускуналар олинди ва божхона хизматларига етказиб берилди, божхона ходимларининг ўқуви ташкил этилди.

Тошкент, Андижон, Навоий, Фарғона, Учқудук, Бухоро шахарларида 26 та ўқитувчи-инструкторлар ва музлатиш ишлари бўйича 25 та гурух мутахассисларни ўқитиш амалга оширилди. Жами 500 дан ортиқ мутахассис малака ошириш бўйича ўқитилди. ОБМларни бошқариш бўйича ўқув анжомлари олиниб, ТДТУ, Навоий тоғ коллеки, Қарши мухандислик-иктисодий ва Тошкент кимё-технология институтларига етказиб берилди. 1,1 млн. АҚШ доллари тенг маблағи хисобига ХФУ-12 хладагентларни рециркуляция қилиш ва ажратиб олиш бўйича ускуналар сотиб олинди ва 101та корхонага тақсимланди. Иқлим ўзгариши хақида Миллий маъруза тайёрланди ва у иқлим ўзгариши бўйича Миллий Комиссия томонидан тасдиқданди.

Парник газлари эмиссиясини камайтириш бўйича миллий стратегия лойихаси ишлаб чиқилди ва 9.10.2000 йилда Вазирлар Махкамаси томонидан 389-сонли қарор қабул қилинди. Миллий стратегияни амалга ошириш мақсадларида халқ хўжалиги турли соҳалари бўйича 12 та лойиха тайёрланди ва молиялаштириш учун Жаҳон Банки, Глобал экологик жамғармасига ва бошқа халқаро ташкилотларга юборилди. Чўлга айланиш билан курашиш бўйича харакатлар Миллий дастури ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда мувофиқлаштирилди ва тасдиқланди, мазкур дастур чўлга айланиш билан курашиш бўйича БМТ Конвенсиясининг котабияти томонидан маъқулланди. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Миллий стратегияни ва харакатлар режасини амалга ошириш учун “Муҳофаза этиладиган табиий худудларни ривожлантириш ва жойлаштириш Бош схемаси” ишлаб чиқилди ва уни татбиқ этиш амалга оширилмоқда.

“Нурота-Қизилқум биосфера резерватларини яратиш” лойихаси амалга оширилмоқда, биосфера резерватлари чегаралари белгиланды ва унинг худудларини зоналаштириш ўтказилди. Қозогистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон худудларида Ғарбий Тян-Шанда биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича трансчегаравий лойиха амалга оширилмоқда.

Ғарбий Тян-Шан худудларида ноёб ва иқтисодий ахамиятга эга хайвонлар ва ўсимликлар туркумларининг кам учрайдиган ва эндемик турлари аниқданди. Ўсимликларнинг ноёб ва эндемик турларини сақлаб қолиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Бажариш муддати тугаган 17 та тадбирни амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Тошкент шаҳрида 358та жихозланган ва 752 ускуналар билан жихозланмаган чиқинди тўплаш майдончалари қурилди ва ишлаб турибди.

Экологик хавфсизлик, узулуксиз ривожланиш.

Инсон томонидан юритилган хўжалик фаолиятининг жадал ривожланиши табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш конуниятларини хисобга олмай туриб, “XXI асрга йўл” Рим клубининг ишларидан бирида таъкидлаганидек, ер юзидағи барча қарама-қаршиликлар тупроқ эрозияси, ўрмонларнинг йўқ бўлиб кетиши, балиқларнинг ортиқча овланиши, кислотади ёмғирлар ёғиши, атмосферанинг ифлосланиши, озон қатламишининг бузилиши орол бўйи муаммолари ва хоказоларнинг юзага келишига олиб келди Республикамизда аҳоли зичлигининг курсаткичи 1980-йилдаги бир квадрат километрга 35,6 кишидан 2002 йилга келиб 55,8 кишигача ортди. Аҳоли сонининг ортиб бориш суръатларини хисобга олиб, 2010 йилда республика аҳолиси 28,5-28,7 миллион кишини ташкил этиши таҳмин қилинмоқда.

Адирили худуд (куруқ минтақа) шароитларида, аҳоли сони ўсиши билан антропоген таъсир (сувга ва хаёт учун зарур бўлган бошқа воситаларга нисбатан эҳтиёжнинг ўсиши) ортади. Бу республикамиз аҳоли зич яшайдиган худудларида қўшимча экологик, иқтисодий ва ижтимоий муаммони келтиради.

Ўзбекистон худудида иқлимининг глобал ва минтақавий ўзгаришининг оқибатларини баҳолаш 2030 йилларга келиб, шимолий худудларда ўртacha йиллик хароратнинг 2-3 даражага ва республика жанубий қисмида 1 даражага ўсиши кутилмоқда (тоғли худудларга камроқ таъсир кўрсатилиши мумкин).

Ўзбекистоннинг барча худудларида ёғингарчиликлар миқдори кўпайиши кутилмоқда: Фарғона водийсида 5-15 фоизгача, республикамизнинг шимолий қисмида эса -15-20 фоизгача. Иқлимининг ўзгариши сув юзасидан буғланиш хисобига 10-15 фоизга ва ўсимликлар транспирацияси хисобига 10-20 фоизга сув йўқотилиши миқдорининг ортишига олиб келади. Бу эса сувдан фойдаланишнинг ўсиши билан сув истеъмол қилинишини ўртacha 18 фоизга ўсишига олиб келади. Самарали харорат йифиндисининг 5-10 фоизга ўсиши ва совук бўлмаган даврнинг давомийлиги 8-15 кунга ортиши сабабли қишлоқ хўжалик экинларига ишлов бериш агроиклим шароитлари ўзгаради.

Шу билан бирга, нокулай ёзги давр 1-3 ун кунликкача ортиб, бу пахта ва яйловлар махсулдорлигига салбий таъсир кўрсатилиши мумкин.

“Биз 20-25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув хавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ, бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлоднинг кўз ўнгига бутун бир денгиз халок бўлган хол хали рўй берган эмас эди”.

Сўнги 40-45 йил давомида денгиз сатхи 22,0 метрдан кўпроқقا пасайди, акватория майдони 3,8 баробардан ортиқ камайди, сув хажми 1064 дан 115 километр кубгача пасайди, сувдаги туз миқдори 72 г/л га этди. Орол денгизи деярли “ўлик” денгизга айланди. Унинг қуриб қолган қисмининг майдони 4,2 млн. гектарни ташкил этди ва яқин атрофга қумли тузлар тарқатиш манбаи бўлиб қолди. Чанг тарқалаётган майдон узунлиги 400 километр ва кенглиги 40 километрга етмоқда. Чангли бўронлар таъсири доираси 300 километрни қамраб олмоқда.

Хар йили бу ерда атмосферага 15 дан 75 миллион тоннагача чанг кўтарилади. Утган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, бундай бўронлар йилига 90 кунлаб кузатилади.

Айни пайтда Амударё ва Сирдарё дельталарида ерларнинг табиий холати бузилиб, чўлга айланиш суръатлари ўсиб бормоқда.

Орол денгизининг қуриб бориши сабабли келиб чиқиши ва оқибатлари даражаси бўйича халқаро хусусиятдаги мураккаб ижтимоий-иктисодий муаммолар мажмуаси юзага келди.

“Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир.

Денгиз хавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди”.

Марказий Осиё худуди хавфли табиий жараёнлар ва ходисалар кенг доирасининг таъсири остида қолиб, уларнинг орасида энг катта хавф туғдирувчилари - зилзилалар, сув тошқинлари, сел оқимлари ва ер кўчиши хисобланади. Ўзбекистон Республикаси худудининг иқлими ва геологик хусусиятлари хамда халқ хўжалик тармоқларининг инфратузилмаси фавқулотда холатлар юзага келишининг юқори даражадаги эҳтимолликларига (табиий оғатлар, ишлаб чиқаришдаги йирик баҳтсиз ходисалар ва фалокатлар) сабаб бўлади.

Инсон томонидан йўқ қилинган турларнинг даражаси ва ҳажми бироз баҳс мунозарали ҳисобланади, бироқ охирги юз йиллар мобайнида йўқолиши даражасининг шиддат билан ўсиб бораётганига ҳеч ким шубха қилмайди. Бунга асосий сабаб сифатида Европа колонизация туфайли табиий яшаш муҳитларининг бузилиши ва XX аср давомида аҳолининг дунё миқёсида ортиши кўрсатилмоқда. Инсоният бевосита ёки билвосита тарзда бўлган, атроф муҳитнинг секин-аста ўзгариши туфайли содир бўладиган “табиий” ва “аҳамиятсиз позицияда” даги турлар йўқолишининг 100 дан 10,000 тасига омил сифатида кўрсатилмоқда. Бундан ташқари янги пайдо бўлган курашлар ва вақти-вақти билан содир бўлиб турувчи оғатлар яъни ёнгин, бўрон ва касалликлар ҳам турларнинг йўқолишига олиб келади. Хозирги ва келгусида йўқолиш эҳтимоллик даражаси турли усусларда масалан, Бутунжаҳон ҳимоя бирлашмасида (ИУСН) маҳсус майдон

модели ва ўзгаришлари усулига кўра хавфлилик категорияси бўйича ўлчаб борилади. Барча мавжуд турларни бутун дунёдаги миқдорига асосланиб шуни айтиш мумкинки, амфибияларнинг 31%, қушларнинг 12% ва сут эмизувчиларнинг 20% (яхши ўрганилган ҳайвон гуруҳлари) Бутунжакон ҳимоя бирлашмаси рўйхатига йўқолиши ҳавфи мавжуд бўлган турлар сифатида киритилди. Ҳар йили қанча турнинг йўқолиши ҳам жуда кўп мунозарага сабаб бўлувчи мавзудир. Ўртacha олганда ушбу кўрсаткич бир неча мингдан бошланиб 100,000 тагача етиши мумкин ва ушбу йўқолган турлар ичида ҳали фанга маълум бўлмаганларининг мавжуд эканлиги ачинарли ҳол албатта. Ушбу рақамлар турли шубҳаларни келтириб чиқаради, чунки бу турлар учрайдиган жой, аҳоли истиқомат майдонлари ва табиий муҳит билан чамбарчас боғлиқ. Бундан кўриниб турибдики берилаётган башоратларнинг кўпчилиги хато ҳисобланиб, инсоннинг табиий тизимининг тузилиши ва функциясига таъсири ҳам чалкашdir. Бешта катта йўқотилишлар қуйидаги омилларга сабаб бўлган: (1) улар глобал турли туманликнинг йўқолиши; (2) улар тезлик билан (камида эволюция ва геологик вақт омили туфайли); (3) таксономик жихатдан, таъсир тасодифан бўлмаган (шуниг учун, баъзи гуруҳлар таъсир натижасида нобуд бўлганда бошқа гуруҳларнинг кўпчилиги ўзгаришсиз қолган); ва (4) яшовчан турлар кўпинча аввалги доминант эволюцион гуруҳдан бўлмаган. Юқорида келтрилган барча холатлар биологик турлилик кризисига сабаб бўлган. Олтинчи катта йўқотилиш тропик регионларга тўғри келиб, бунда регион турларнинг ҳар хиллик даражасига (ҳар бир қушнинг иккidan ортиқ тури мавжуд) ва қўламига кўра юқори ўринда туради. Ушбу регионда аҳолининг кўпайиши қўпгина турларнинг ҳавф остида қолишига сабаб бўлди. Замонавий турланинг йўқолишидаги асосий “тизимли омиллар” га ердан фойдаланишининг ўзгариши (табиий муҳитларнинг йўқолиши ва бўлиб ташланиши), ортиқча эксплуатация, йиртқич турлар, касаллик, атмосферада карбонат ангидриди миқдорининг ортиши билан боғлиқ бўлган иқлим ўзгариши (глобал исиш) ва азот ўтиришининг миқдорининг ортиши кабилар киради. Қадимги турлар йўқолишининг (инсон омили туфайли 200 йил аввал) механизми ҳам бироз ўхшаҳ бўлиб, уларга қуйидагилар киради: ҳайвонларни ортиқча овлаш, йиртқич ҳайвонлар ва касаллик, ва ибтидоий одамларнинг табиий майдонларга кўчиб ўтиши натижасида табиий яшаш муҳитининг бузилиши.

Ўзбекистон Республикаси худудининг иқлими ва геологик хусусиятлари ҳамда иқтисодиёт соҳаларининг инфратузилмаси фавқулотда холатлар юзага келишида юқори эҳтимолликка сабаб бўлмоқда (табиий оғатлар, йирик ишлаб чқариш авариялари ва халокатлар). Ўзбекистон Республикасининг ярмидан зиёд худудлари сейсмик жихдтдан фаол худудларда жойлашган, бу ерларда МСК-64 ҳалқаро шкаласи бўйича 7-9 баллик кучга teng ер силкинишлари содир бўлиши мумкин. Мазкур худудларда 16 миллион аҳоли яшайди (республика аҳолисининг 64%). Саноат салоҳиятининг 87,5% жамланган. Лекин шу билан бирга охирги 15-20 йиллар давомида маълум сейсмик осудалик кузатилмоқда. Бу эса ортиқча сейсмик энергиянинг тупланиши билан ифодаланувчи ҳавотирли белги ҳисобланади.

1996 йил охири ва 1997 йил бошидан бошлаб Ўзбекистон ва республикамизга қўшни бўлган давлатлар (Қозоғистон, Қирғизистон, шимолий-гарбий Хитой, Афғонистон, шимолий ерон, Туркия) худудларида сейсмик фаоллашиш даври бошланди. 1998 йил феврал ойида шимолий Афғонистон худудининг Хиндикуш тизмаларида зилзила марказида 8-9 баллга тент кучли ер силкиниши содир бўлди. Жанубий Осиё, Осиё - Тинч океани минтақасининг бир қатор мамлакатларида ядро қуроллари синовлари қайта бошланиши мумкинлиги хам ташвишли хол бўлиб, улар хам Марказий Осиёда ер силкинишини келтириб чиқариши мумкин. Чорвок, Андижон (Ўзбекистон), Токтогул (Қирғизистон) Қайроқум (Тожикистон), Каттакўрғон, жанубий Сурхон сув омборлари тўғонларининг шикастланиш эҳтимоли айниқса хавотирли вазиятларни юзага келтириши ва бунинг оқибатида республика худудида сув босиши худудлари пайдо бўлиши мумкин. Тожикистон тоғларида Усой уюми натижасида юзага келган Сарез кўли алоҳида хавфли хисобланади (хажми -16,6 км<sup>2</sup>). Агар бу уюм тўсиғи ёриб ўтилса Бартог, Панж ва Амударё дарёлар водийларида халокатли тошқинлар юзага келиши мумкин. Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари Республикада энг хавфли ер кўчиш худудлари хисобланади.

Тоғлар ўрамидаги Фаргона водийсида кўчкилар асосан адирларни ўзлаштириш билан боғлиқ, Самарқанд вилоятининг баъзи худудларида хам кўчкилар кузатилди.

Ўзбекистон Республикасининг тоғ ён бағри худудларининг деяри барчаси сел хавфи бор худудлар хисобланади. Фаргона водийси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари сел хавфи кучли худудлар хисобланади. Қорлар жадал эрий бошлайдиган, узоқ вақт давом этадиган ёмғирлар даври - апрел-июн ойларида селлар юзага келиш фаоллашуви кузатилади.

Шунга қарамай хозирги вақтда республикада атиги 5 та сел омборлари фаолият юритмоқда.

Марказий Осиёда XXI асрда сув манбаларининг чекланганлиги сабабли вазиятнинг кескинлашиши мумкин. Сув манбалари билан таъминланиш борасида Ўзбекистон энг нокулай табиий шароитларда қолган. Марказий Осиё гидрографик тармоғи сув манбалари обьектларининг нотекис тақсимланишига эга. Сирдарё дарёси ўзани бўйича кўп йиллик ўртacha дарё оқими йилига 37,9 км<sup>3</sup> ташкил этади. Шу билан бирга кўп йиллар давомида ўртacha Қирғизистонда йилига 28,0 км<sup>3</sup> (73,8%), Ўзбекистонда - 5,59 км<sup>3</sup> (14,8%) ва Қозоғистонда - 4,08 км<sup>3</sup> (10,8) дарё ресурслари шаклланади. Амударё бассейни бўйича ўртacha кўп йиллик ресурслар 78 км<sup>3</sup> дан ортиқни ташкил этади, улардан 62,9 км<sup>3</sup> (80% дан ортиги) Тожикистон худудида шаклланади, Ўзбекистонда эса факатгина 4,7 км<sup>3</sup> (6%) қисми таркиб топади.

Амударё сувларини буриш йўли билан шимолий Афғонистоннинг дарё бўйи худудларига сув чиқариш лойихасини амалга ошириш қўшни мамлакатлар, биринчи навбатда Ўзбекистон ва Туркманистоннинг хўжалик манфаатларига жиддий таъсир кўрсатади, чекланган сув ресурсларидан фойдаланиш учун тортишувларда вазиятни кескинлаштиради.

Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистонда чўлга айланиш жараёнлари алоҳида ташвишли холатdir. Бу фақатгина чўл худудларининг кенгайиб боришидагина эмас, балки биологик махсулдорлик даражасининг ўзгаришида хам намоён бўлмоқда. Чўлга айланиб бориш ер ландшафтининг биологик махсулдорлигини пасайишига олиб келади ва бунинг оқибати сифатида - ахолининг экологик нокулайликларига, ўсимлик ва хайвонот дунёси турлари тузилмаларининг қисқаришига сабаб бўлади. Мана шу кўрсаткичлар бўйича Марказий Осиёда янги чўллар майдони деярли 100 минг км га ортган, баъзи худудларнинг махсулдорлиги эса 50% гача камайган.

Чўлга айланиб бориш маълум даражада ижтимоий-иктисодий кескинликка (чорвачилик махсулдорлигини пасайишига ва касалликлар келиб чиқишининг ўсишига) сабаб бўлади.

Чўлга айланиб боришнинг асосий сабаби - сувдан нотўғри фойдаланиш ва маълум даражада иқлим ўзгариши туфайли худудлар ва акватория сув режимининг ўзгариши хисобланади. Орол бўйларида, Устюрт тизими, Қорақум ва Қизилқум чўлларида, Тян-Шан ва Помир тоғ ён бағирларида айниқса чўлга айланиш жараёнлари тез кечмоқда.

Экин майдонлари, ер ресурслари доимий равишда турли хилдаги эрозиялардан заарланмоқда, шу жумладан сув эррозияси - 2790 минг га (сугориладиган - 339 минг гектар), шамол эррозиясига - 20478 минг га (сугориладиган - 2262 минг гектар), бир вақтнинг ўзида хам сув, хам шамол эррозиясидан 2005 минг га (сугориладиган - 341 минг гектарда) заарланади.

Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Корақалпогистон Республикасида тупроқнинг дефлясияси энг кенг тарқалган.

Сурхондарё, Тошкент, Наманган вилоятлари ерлари энг кўп даражада сув эррозиясидан заарланган, бу худудларда 50-60% қишлоқ хўжалик майдонлари эрозияга дучор бўлган. Шахар ва қишлоқ аҳоли турар жойларида 20% дан ортиқ худудларни кучли сув босган.

Биологик обьектлардан фаол фойдаланиш ўсимликлар ва хайвонлар хаёт кечириш шароитларининг ёмонлашувига, уларнинг турлари ва умумий сонининг камайишига олиб келди.

Республика ёввойи ўсимликлар дунёсининг 3000 дан ортиғини олий ўсимликлар ташкил этади, улар орасида кўплаб эндемик ва қадимги ўсимликлар бор. Ўсимлик дунёсини сақлаб қолишига масъулиятсиз муносабатда бўлиш ва ундан нооқилона фойдаланиш ўсимликлар дунёсининг кескин камбағаллашиб кетиш хавфини юзага келтириди.

Кейинги ўн йиллик давомида “Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби” га киритилган ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик турлари сони 163 тадан 301 тургача ортди (республикамиз жаъми ўсимлик дунёсининг 8%).

Ўрмонзорларнинг катта миқдори йўқолиб кетиши хавотирли холатdir. Кейинги ўн йил ичida ўрмон хўжаликлари томонидан ўстирилган дарахтзорларнинг умумий хажмидан таҳминан 124.0 минг га майдондаги дарахтлар йўқ бўлиб кетди (умумий майдоннинг 32%) ва хисобдан чиқарилди.

Арча ва тўқай ўрмонзорлари экотизими энг аянчли холатда. Хайвонларнинг кўп турлари ва сони анча қисқарди: тўқай буғуси, хонгул-архар, тоғ эчкиси, буғу, ёввойи чечка, жайрон. Бу эса улар билан боғлик бўлган йиртқичлар, йўлбарс, қоплон, гепард, қизил бўри, чия бўри қабиларнинг республика хайвонот дунёсидан йўқолиб кетишига сабаб бўлди. Ўсимликлар ва хайвонлар эндемик туркумларидан мензбир (Ангрен ясси тоғликлари) суғури, тоғ текисликлари турлари, инсон томонидан кенг ўзлаштирилган Амударё қуи оқимларидаги гидрофил турлари сезиларли жабрга дуч келмоқда. Бундан ташқари 1981 йилда чиқарилган “Қизил китоб” га 161 турдаги хайвонлар киритилган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 184 турни ташкил этди, шунга ўхшаш 1991 йилда 163 ўсимликлар турлари киритилган бўлса, 1999 йилда 301 тури қайд этилди.

Мухофаза этиладиган табиий худудларнинг мавжуд тизими Ўзбекистоннинг хайвонот ва ўсимликларнинг барча турларини қамраб олмаган. Устюртда, Қизилқум чўлларида, адирли паст тоғликларда қўриқланадиган табиат худудлари мавжуд эмас.

Шундай қилиб, ахоли сонининг ўсиш суръатларини тартибга солиш, экологик хавфсизликни таъминлаш хамда нооқилона истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш тизимларини қисқартириш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва барқарор ривожланиш бўйича сайъи-харакатлар бир-бирини тўлдириш хусусиятига эга.

Экологик тахдидлар - бу атроф-мухит ахволига ва инсоннинг хаёт фаолиятига тўғридан-тўғри зарар этказиш ёки бунга сабаб бўладиган табиий ва техноген хусусиятдаги ходисалардир.

Экологик тахдидлар қуидаги даражалар бўйича таснифланади: глобал, миintaқавий, миллий, махаллий.

#### Таълим ва тарбия концепсияси

Кейинги даврларда - фан ва техника ютуқларига асосланган инсониятнинг табиатга кўрсатган таъсири ниҳоятда кучайган бир пайтда табиатни, ундаги экологик мувозанатни асраш ниҳоятда муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам келажак авлодни экологик жиҳатдан саводли ва етук кишилар қилиб тарбиялаш, бу борада ёшлар онгода экологик тушунчани шакллантириш ҳозирги даврнинг долзарб муаммосидир.

Табиат мувозанатини тўғри тушунмаслик натижасида инсон ўз яшаб турган муҳит табиий ҳолатнинг ўта бузилишига сабабчи бўлмоқда. Инсоннинг табиатдаги ўрнини аниқ белгилаш шарт, унинг жавобгарлигини ошириш ва ҳосил бўлган янги кучларини биосферани яхшилашга йўналтириш керак бўлади. Шу нарсани алоҳида қайд қилиш керакки, ҳар бир одам ўзи яшаб турган жойни кузатабиладиган, унинг тарихини, таркибини, органик ва минерал компонентларини тўлиқ ўрганган бўлиши шартдир. Бу масъулиятли вазифани бажаришда ўқувчиларга ва барча ёш авлодга берилаётган экологик таълим тарбиянинг аҳамияти бениҳоя каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2008 йил 19 сентябрдаги “2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф – муҳитни

муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисидаги 212-сонли қарор” эълон қилинган эди. Шу қарорга биноан Ўзбекистон Республикасининг барча Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ва бошқа ташкилотлар 2008-2010 йилларда экология ва барқарор ривожланишни таъминлаш соҳасидаги маърифий тизимни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш дастури бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб амалга оширмоқдалар.

Республикада яшаётган ҳар-бир инсон ва ёш авлод биздаги экологик муаммоларни яхши билиши керак. Экологик маънавиятни юқори қўтариш лозим. Ёшларни кўпроқ табиатни муҳофаза қилишга ва асрашга қаратмоқ керак. Куръонда келтирилган 6000 оятдан 700 таси табиатни муҳофаза қилишга қаратилган. Экологик таълим масаласига бефарқ қарамаслик керак, уни ҳаётга тез тадбиқ қилишимиз лозим. Биз экологик мувозанатни бузганимиз учун Орол денгизи атрофида қишлоқ хўжалигида йўл қўйилган хатолар денгизнинг қуриши олиб келди, бу эса ўз навбатида ана шу вилоятлардаги аҳоли яшаш шароитларининг ёмонлашишига ва ҳар хил касалликларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Табиат билан жамият ўртасидаги шу сабабларнинг бузилиши ҳар хил экологик зиддиятларни келтириб чиқаради. Хусусан Амёдарё қуий қисмида ҳосил қилинган экологик фожиа, яна ҳар хил ўта заҳарли моддаларнинг дехқончиликда ишлатилиши, дарё сувларидан тўғри фойдаланмаслик, минерал ўғитларнинг нотўғри ва меъёридан юқори ишлатилиши, кўлларнинг қуриши миңтақада экологик мувозанат бузилишига олиб келди.

Ҳозирги кунга келиб атмосфера ҳавоси чиқиндилар билан ифлосланиши жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Атмосфера ҳавосининг заарли газлар, чанг, қурум, туманлар билан ифлосланиши ўз навбатида инсонларда аллергия, пневмания, бронхиал астма ва рак касалликларини уйғотмоқда. Айrim маълумотларга қараганда Олмалиқ, Фарғона, Навоий ва Кўқон шаҳарлари атмосфера ҳавосининг заарли моддалар билан ифлосланиши бўйича энг ифлос ҳаволи шаҳарлар гуруҳига киради. Чирчиқ шаҳрида қон касали 4,7 баробар, эндокрин безлар тизими касаллиги 1,9 баробар, қон босимининг ошиши 4,5 баробар ортганлиги маълум.

Фарғона шаҳрида 1982-1988 йиллар мобайнида нафас йўли касалликлари жуда ошганлиги аниқланган эди. Сурхондарё вилоятининг Сариосиё худудига Тожикистоннинг Мирзо Турсынзода шаҳрида жойлашган алюминий заводи чиқиндиларининг асорати туфайли бу ерда бир қанча касалликлар содир бўлмоқда.

Айникса болалар ўртасида қон ва қон яратувчи аъзолар, асад тизими ва сезиш аъзолари, суяк-мушак тизими касалликлари анча қўпайган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, алюминий завод ишлаб турса атроф-мухит, тупроқ ва сув фторли водородли, икки оксидли олtingугурт, икки оксидли азот, бензопирен билан анча буғланишга сабаб бўлади. Бу ҳолат эса аҳоли ўртасида умумий касалланишни кўпайишига олиб келаяпти.

Республикамизда саноатнинг ва кон-металлургия комбинатларидан чиқадиган бирикмалар, нефть маҳсулот чиқиндилари мис, хром, олтингугурт ва бошқа заҳарли моддалар оқова ва дарё сувларига ташлаб юборилмоқда.

Айниқса, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (цемент заводлари) атмосфера ҳавосини ифлосланишига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Республикамизда ҳавони энг заҳарловчи манъба автомобиль транспорт хисобланади. Улар таркибида барча тирик жонзодни заҳарловчи кўрғошин бирикмалари бор. Тошкент атмосферасига автомобиль газ чиқиндилари билан ҳар хил ифлослантирувчи моддалар тушади. Кейинги йилларда Ўрта Осиё шароитида қишлоқ хўжалик анча жадаллашди. Экин майдонлар кенгайди. Тупроққа солинадиган ўғитлар микдори ошиб бормоқда. Минерал ўғитлар, заҳарли химикатларнинг кенг қўлланилиши тупроқда ва кейинчалик ўсимликлар ва ҳайвонлардан олинадиган маҳсулотларда кадмий, қўрғошин, симоб, фтор ва табиий радионуклеидлар микдорининг ошишига олиб келмоқда. Суғориладиган ер майдонларининг кенгайиши натижасида Ўрта Осиё республикаларида экологик шароитнинг жуда мураккаблашувига олиб келди. Миллионлаб гектар ерлар шўрланди ва сув тагида қолди, оқова сувларнинг кўпайиши шўр кўлларни юзага келтирди. Амударё ва Сирдарёдан режасиз тарзда кўплаб сувни олиш экологик ҳолатни бузилишига, яъни Орол денгизининг қуришига олиб келди. Қишлоқ жойларда сувнинг таркиби бузилди. Орол бўйида Қорақалпоғистон, Хоразм, Тошкент вилоятларида сув таъминотида оғир вазият юзага келди.

Ўзбекистонда 4,5 млн. га суғориладиган ер мавжуд, шундан ҳозирги кунда 65% ер майдони маълум даражада шўрланган, мелиоратив ҳолати ёмонлашган. Бу ерларни экологик ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида хукуматимиз 130 миллиард сўм маблағ ажратди.

Кўп заҳарли химикатлар ишлатилиш туфайли тиббий-санитария ҳолат мураккаблашди, ичимлик сувнинг сифати ёмонлашди.

Фақат Ўзбекистон Республикаси худудида кейинги 10 йил мобайнида ҳар йили чет элда фойдаланиш ман қилинган, таркибида хлор мавжуд пеститсидлар 6 минг тоннадан ортиқ ишлатилди. Республиkanинг очиқ сув ҳавзаларида бактериал ва кимёвий ифлосланиш кўпаймоқда. Айниқса кимёвий моддалар билан ифлосланиш Сурхондарё вилоятида 45,5%, Бухорода 30,7%, Хоразмда 22,5% ундан ташқари Тошкент шаҳрида 36,4% ва Қорақалпоғистон Республикасида - 47,2% ни ташкил қилади. Ҳозирги кунда 217 шаҳар ва шаҳар типидаги пунктларда 69 канализация тизими мавжуд. Республика бўйича 14% аҳоли канализация хизматидан фойдаланади.

Ўрта Осиё минтақаси экология тизимида вужудга келаётган ижтимоий экологик вазият аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Кейинги 15 йилда фақат Ўзбекистоннинг ўзида катта ёшдаги аҳоли ва болалар орасида касаллик мунтазам ўсиб борган.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ижтимоий-экологик вазият яхши бўлмаган худудлар: Оролбўйи, Тошкент вилояти, Ангрен, Бухоро, Қўқон, Навоий,

Самарқанд каби саноати ривожланган шаҳарларда касалликларга чалиниш даражаси энг юқори экан, чунки бу шаҳарларнинг атмосфера ҳавосида фторидлар, кўрғошин, бенз (а) парин, олтингугурт қўш оксиди, углерод ва азот оксидлари, хлор ва фторли водородлар ва чанг миқдори рухсат этилган чегаравий миқдордан юқорилигича қолмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон йирик саноат ва аграр минтақага айланган бўлиб, келажакда машинасозлик, энергетика кимё, газ, курилиш ва озиқ-овқат саноати транспорт мажмуини янада ривожлантириш қўзда тутилмоқда.

Холбуки, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожлантирилиши республика ижтимоий экологик тизимини ҳолатига муайян даражада салбий таъсир қўрсатади. Бунинг олдини олиш учун:

Йирик худудий саноат комплекслари жойлашган раёнларда табиатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш;

Орол ва орол бўйи муаммолари, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;

Агросаноат комплексида экологик муаммоларни ҳал қилиш;

Табиатдаги сувларнинг саноат чиқиндилари, пестицидлар ва минерал ўғитлар билан ифлосланишга йўл қўймаслик;

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш, миллий боғларни кенгайтириш ва бошқалар.

Юқорида қайд қилиб ўтилган масалаларни ҳал қилишда ва ватанимизда экологик мувозанатни асраш учун экологик таълим тарбия ва табиатни муҳофаза қилиш масалаларининг илмий асосларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганишга, инсон фаолияти натижасида биосферада рўй бераётган ҳодисаларнинг сабаб ва қонуниятларини таҳлил қилиш асосий масалалардан ҳисобланади. Табиатни муҳофаза қилиш, ёшларни экологик, эстетик, маънавий ва уларни меҳнатга ўргатиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Экологик таълим тарбия лицей, коллеж ва олий ўкув юртларининг талабаларини ўз ичига олади. Унда табиат гўзалликларини севиш, улардан эстетик завқ олиш руҳида тарбиялашни тақозо қиласди. Ёш авлодга экологик таълим ва тарбия бериш мураккаб, узоқ давом этадиган жараён ҳисобланади. Ёшлар табиат ҳақидаги дастлабки тасавурларни одатда ўз уйларида оладилар. Ёшлари улғайган сари уларнинг табиатга бўлган муносабатлари ижобий томонга ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам ота-оналар ўз фарзандларини экологик масалалар ҳақидаги тушунчани уларнинг онгига сингдириб, табиатни севиш туйғусини шакллантириб боришлари шарт. Ёшларда экологик маданиятни шакллаштириш учун барча олий ўкув юртларида экология фанини чуқурроқ ва мукаммал ўқитиш лозим. Ана шундагина юқорида айтиб ўтилган муаммоларни бажариш осон бўлади. Ҳозирги кунда экология дасрлари қўпчилик олий ўкув юртларида ўқитилмайди.

Табиатни муҳофаза қилиш ва экологик тарбия масаласи педагогика ва психология масалаларининг энг муҳим тарбиявий қисмидир. Инсонларда табиат қонунларига тўла риоя этиш тўғрисида ва бу соҳада Ватан, ҳалқ, давлат ва

келажак авлод олдидаги бурч түйғуси ва масъулият ҳисси яратилмаса, уларда тұла экологик онг ва тафаккур ҳосил бўлмайди. Экологик онг ва тафаккурга эга бўлган инсон ўз меҳнат фаолиятида табиатга таъсир этиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан қўриб, онгли равишда иш кўради. Экологик тарбия – ахлоқий тарбиянинг ажралмас қисмидир. Қишиларда экологик онг ва тафаккурни, экологик дунёқарашни ҳосил қилиш табиатни тўғри тушунишга ёрдам беради ва келажакда соғлом ҳаётий муҳитни яратишда кафолат беради. Келажак авлод учун гўзал табиатимиз гўзаллигича қолаверади.

### **“Блиц усули”**

| <b>№</b> | <b>Мавзулар саволи</b> | <b>Биламан</b> | <b>Билишни<br/>хоҳлайман</b> | <b>Билдим</b> |
|----------|------------------------|----------------|------------------------------|---------------|
| 1.       | Экологик мониторинг    |                |                              |               |
| 2.       | Глобал мониторинг      |                |                              |               |
| 3.       | Худудий мониторинг     |                |                              |               |
| 4        | Махаллий мониторинг    |                |                              |               |
| 5.       | Мллий мониторинг       |                |                              |               |
| 6.       | Экологик муаммолар     |                |                              |               |

### **“Инсерт усули”**

**Инсерт** - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

### **Матнни белгилаш тизими**

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлади.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур

### **Инсерт жадвали**

| <b>Тушунчалар</b>              | <b>V</b> | <b>+</b> | <b>-</b> | <b>?</b> |
|--------------------------------|----------|----------|----------|----------|
| Мониторинг                     |          |          |          |          |
| Экологик мониторинг            |          |          |          |          |
| Ерозия                         |          |          |          |          |
| Экологик мониторинг даражалари |          |          |          |          |
| Экспертиза                     |          |          |          |          |
| Экологик экспертиза            |          |          |          |          |

### **Мавзуга оид вазиятли масалалар**

#### **Вазиятли масала**

Қайси мониторингнинг вазифаси зааркундалар популациясининг динамикасини кузатиш ва уларни таъқиб қилиб туриш, жумладан катта майдондаги ҳашаротларни (у ёки бу турнинг бутун ареалида), муҳофаза қилинадиган ҳайвонлар популацияси ҳаракатини ҳисобга олишдир?. Мониторинг ўрмон ва дала ўсимликларига ҳашаротлар томонидан кўрсатиладиган заарларни,

уларнинг вақтларини назорат ва тахлил қилиш имкониятини беради. Кузатиш нуқталаридан олинган ялпи маълумотлар ҳисоблаш техникалари ёрдамида яхши тахлил қилиниши керак.

#### Вазиятли масала

Экологик мониторинг ҳар хил даражадаги занжирларни ўз ичига олиши зарур, жумладан: глобал, миллий, худудий, маҳаллий, сурункали, узлуксиз, квартал, ойлик.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

#### Вазиятли масала

Худудий мониторинг, бу халқаро ҳамкорликда амалга оширилади

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

#### Вазиятли масала

Глобал (биосфера) мониторинг, бу ҳар бир давлатнинг ўзида маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар томонидан олиб борилади;

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

#### Вазиятли масала

Маҳаллий (биоэкологик) мониторинг - бу йирик худудда халқ хўжалигини ўзлаштириш бўйича фаол фаолият қўрсатилаётган раён экотизимидағи худудда йирик ишлаб чиқариш комплекси барпо этилаётган бўлса;

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

#### Вазиятли масала

Миллий мониторинг, аҳоли яшайдиган мавзелар, саноат марказларида, корхоналарда муҳит сифатининг ўзгаришларини ҳисобга олади.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

#### Вазиятли масала

Республикамида аҳоли зичлигининг курсаткичи 1980-йилдаги бир квадрат километрга 45,6 кишидан 2002 йилга келиб 58,8 кишигача ортди. Аҳоли сонининг ортиб бориш суръатларини ҳисобга олиб, 2010 йилда республика аҳолиси 28,5-28,7 миллион кишини ташкил этиши тахмин қилинган.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

#### Вазиятли масала

Ўзбекистон Республикаси қайси худудининг иқлими ва геологик хусусиятлари хамда халқ хўжалик тармоқларининг инфратузилмаси фавқулотда холатлар юзага келишининг юқори даражадаги эҳтимолликларига (табиий оғатлар, ишлаб чиқаришдаги йирик баҳтсиз ходисалар ва фалокатлар) сабаб бўлади.

1. Вазиятни баҳоланг.

## 2. Сизнингфикрингиз.

### Вазиятли масала


Ўзбекистон Республикасининг тог ён бағри худудларининг деяри барчаси сел хавфи бор худудлар хисобланади. Қайси вилоятлари сел хавфи кучли худудлар хисобланади. Қорлар жадал эрий бошлайдиган, узоқ вакт давом этадиган ёмғирлар даври - апрел-июн ойларида селлар юзага келиш фаоллашуви кузатилади.

### Вазиятли масала

Хозирги вактда сув, электр куввати, нефть, мой, минерал ва органик хом ашёлар, металл, кўмир ва бошка табиий бойликлардан фойдаланишда кўплаб истрофгарчиликка йўл кўйиляпти.

1. Вазиятни баҳоланг.
2. Сизнингфикрингиз.

**Мавзуу амалий күнкүмларини эгалашнинг  
ўкув технологияси  
“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” УСУЛИ  
“ЭКОЛОГИК МОНИТОРИНГ”**




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
“Кластер” усули**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**

**ЭКСПЕРТИЗА ЖАРЁНИДА КОРХОНАНИНГ АТРОФ МУХИТГА, ОДАМЛАРНИНГ  
СОГЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛИШИНИ ЎРГАНИШ**




## **Мавзууни амалий күнікмаларини эгаллашнинг “ПИРАМИДА” ўқув технологияси**


### **ЭКОЛОГИК ХАФВСИЗЛИК. ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ТАРБИЯ**



## Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг ўқув технологияси “Кластер” усули




**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси**  
**“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” усули**



**Мавзуни амалий кўникмаларини эгалашнинг  
ўқув технологияси  
«НИЛУФАР ГУЛИ» усули**

**РЕСПУБЛИКАМИЗ АХОЛИ ЗИЧ ЯШАЙДИГАН  
ХУДУДЛАРИДАГИ МУАММОЛАР**



**1 - вариант**

1. “Мониторинг“ атамаси қандай маънони англатади ?
  - А. лотинча “монитор”, илгарига қаровчи ёки “кузатувчи“ деган маънони англатади.
  - Б. грекча “монитор”, орқага қаровчи ёки “кемирувчи“ деган маънони англатади.
  - В. юнлнча “монитор”, ёнга қаровчи ёки “назоратчи“ деган маънони англатади.
  - Г. инглизча “монитор”, келажакка қаровчи ёки “рахбар“ деган маънони англатади.
2. Мониторингнинг мақсади нима ?
  - А. фактларни қайд этиш, экспериментлар ўтказиш, жараёнларни моделлаштириш, илмий башоратларнинг сифатини текшириш
  - Б. Клонлаштириш ишларини олиб бориш, фактларни қайд этиш, экспериментлар ўтказиш,
  - В. хайвонларда тажрибалар ўтказиш, жараёнларни моделлаштириш,

Г. ўсимликлар селекцияси билан шуғулланиш, илмий башоратларнинг сифатини текшириш

3. Мониторингнинг маҳаллий вазифаси нималардан иборат?

А. зааркунандалар популяциясининг динамикасини кузатиш ва катта майдондаги ҳашаротларни, муҳофаза қилинадиган ҳайвонлар популяцияси харакатини ҳисобга олиш.

Б. бу халқаро ҳамкорликда амалга оширилади

В. бу ҳар бир давлатнинг ўзида маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар томонидан олиб борилади

Г. бу йирик ҳудудда халқ хўжалигини ўзлаштириш бўйича фаол фаолият кўрсатилаётган раён экотизимидағи ҳудудда йирик ишлаб чиқариш комплекси барпо этилади

4. Экологик мониторингнинг даражалари?

А. Глобал, миллий, ҳудудий, маҳаллий,

Б. Анъанавий, миллий, ҳудудий, маҳаллий,

В. Глобал, юридик, ҳудудий, маҳаллий,

Г. Глобал, миллий, конституцион, маҳаллий,

5. Глобал (биосфера) мониторингнинг вазифалари нималардан иборат?

А. бу халқаро ҳамкорликда амалга оширилади

Б. бу ҳар бир давлатнинг ўзида маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар томонидан олиб борилади

В. аҳоли яшайдиган мавзелар, саноат марказларида, корхоналарда муҳит сифатининг ўзгаришларини ҳисобга олади.

Г. бу йирик ҳудудда халқ хўжалигини ўзлаштириш бўйича фаол фаолият кўрсатилаётган раён экотизимидағи ҳудудда йирик ишлаб чиқариш комплекси барпо этилади

6. Миллий мониторинг нима?

А. бу ҳар бир давлатнинг ўзида маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар томонидан олиб борилади;

Б. аҳоли яшайдиган мавзелар, саноат марказларида, корхоналарда муҳит сифатининг ўзгаришларини ҳисобга олади.

В. бу йирик ҳудудда халқ хўжалигини ўзлаштириш бўйича фаол фаолият кўрсатилаётган раён экотизимидағи ҳудудда йирик ишлаб чиқариш комплекси барпо этилади

Г. бу халқаро ҳамкорликда амалга оширилади

7. Ҳудудий мониторинг нима ?

А. бу йирик ҳудудда халқ хўжалигини ўзлаштириш бўйича фаол фаолият кўрсатилаётган раён экотизимидағи ҳудудда йирик ишлаб чиқариш комплекси барпо этилади

Б. бу халқаро ҳамкорликда амалга оширилади

В. бу ҳар бир давлатнинг ўзида маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар томонидан олиб борилади

Г. аҳоли яшайдиган мавзелар, саноат марказларида, корхоналарда муҳит сифатининг ўзгаришларини ҳисобга олади.

8. Маҳаллий (биоекологик) мониторинг нима?

А. аҳоли яшайдиган мавзелар, саноат марказларида, корхоналарда муҳит сифатининг ўзгаришларини ҳисобга олади.

Б. бу халқаро ҳамкорликда амалга оширилади

В. бу ҳар бир давлатнинг ўзида маҳсус ташкил қилинган ташкилотлар томонидан олиб борилади

Г. бу йирик ҳудудда халқ хўжалигини ўзлаштириш бўйича фаол фаолият кўрсатилаётган раён экотизимидағи ҳудудда йирик ишлаб чиқариш комплекси барпо этилади

9. Лишайникларнинг дараҳтлар поясида учраши билан атмосферанинг ифлосланиши ўртасида боғланиш нимадан иборат?

А. агар атмосфера заҳарли моддалар билан ифлосланган бўлса, лишайниклар у ердаги дараҳтлар поясида кам учрайди.

Б. хеч қандай боғланиш йўқ.

В. атмосфера заҳарли моддалар билан ифлосланмаган бўлса, лишайниклар у ердаги дараҳтлар поясида кўп учрайди

Г. атмосфера заҳарли моддалар билан ифлосланган бўлса, лишайниклар у ердаги дараҳтлар поясида кўп учрайди

10. Атмосферанинг ифлосланиши даражасини аниқлашда энг кўп қўлланиладиган усул?

А. лихеноиндикация

Б. лихеноконденсация

В. машиноиндикация

Г. лихенокомпенсация

## 2 - вариант

1. Марказий Осиё ҳудуди хавфли табиий жараёнлар ва ходисаларга нималар киради ?

А. зилзилалар, сув тошқинлари, сел оқимлари ва ер кўчиши

Б. цунами, тошқинлари, сел оқимлари ва ер кўчиши

В. торнадо, сув тошқинлари, оқимлари ва ер кўчиши

Г. вулкан, сув тошқинлари, сел оқимлари

2. Сел хавфи кучли ҳудудлар қайсилар?.

А. Фаргона водийси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари

Б. Сирдарё, Амударё, Қашқадарё вилоятлари

В. Жizzах, Андижон, Хоразм вилоятлари

Г. Навоий, Самарқанд, Бухоро вилоятлари.

3. Экологик таҳдидлар қандай таснифланади:

А. глобал, минтақавий, миллий, маҳаллий

Б. генетик, маҳсус, миллий, маҳаллий

В. глобал, марказий, муҳим, маҳаллий

Г. глобал, минтақавий, муҳит, аралаш

4. инсоният ер багридан йилига қанча тог жинслари казиб олади?

- А. 100 миллиард тонна
- Б. 10 миллиард тонна
- В. 1 миллиард тонна
- Г. 50 миллиард тонна

5. сайёрамиз ўрмонлари хар дақикада қанчага камаяди?

- А. 20 гектарга
- Б. 10 гектарга
- В. 30 гектарга
- Г. 15 гектарга

6. Атмосферадаги кислород хажми йилига қанчага камаяди?

- А. 10 миллиард тоннага
- Б. 20 миллиард тоннага
- В. 1 миллиард тоннага
- Г. 5 миллиард тоннага

7. атмосфера ҳавосининг заарли моддалар билан ифлосланиши бўйича энг ифлос ҳаволи шаҳарлар гурухига киради

- А. Олмалиқ, Фарғона, Навоий ва Қўқон
- Б. Тошкент, Бухоро, Самарканд.
- В. Хоразм, Уғрғенч, Нукус
- Г. Термез, Янгийўл, Газалкент

8. Орол денгизининг сатхи қанчага пасайди?

- А. 22,0 метрдан кўпроқقا
- Б. 32,0 метрдан кўпроққа
- В. 12,0 метрдан кўпроққа
- Г. 2,0 метрдан кўпроққа

9. Орол денгизи сув хажми қанчага пасайди?

- А. 1064 дан 115 километр кубгача
- Б. 2064 дан 105 километр кубгача
- В. 1564 дан 11 километр кубгача
- Г. 564 дан 15 километр кубгача

10. Орол денгизи қуриган жойлардан хар йили атмосферага қанча чанг кўтарилади?

- А. 15 дан 75 миллион тоннагача
- Б. 5 дан 15 миллион тоннагача
- В. 25 дан 35 миллион тоннагача
- Г. 1 дан 55 миллион тоннагача

## ГЛОССАРИЙ АТАМАЛАР ЛУГАТИ

**Аутэкология.** - Аутэкология-тур вакларининг яшаш шароити, бир-бирлари ҳамда уларни ўраб турган атроф-муҳит билан муносабатларини ўрганади, шунингдек турнинг турғунылигини, унинг турли экологик омиллар таъсирида мослашувини, муҳитнинг организмларнинг морфологик, физиологик ва хулқий ўзгаришларига сабаб бўлишини аниқлади.

**Адаптация** -Организмларнинг эволюцион ривожланиш жараёни давомида уларнинг абиотик муҳит омилларига мослашиши ва бошқа организмлар билан еркин рақобат қилаолиш хусусияти. Ушбу жараёнда уларда муҳит омиллари таъсирига нисбатан физиологик, морфологик ва хулқ-атвorum мослашишлари пайдо бўлади;

**Аменсализм (-.0).** - Бунда бир популяция ўзига зарар келтирмасдан иккинчи популяциянинг яшашига тўсқинлик қиласи ёки уни ўсишга қўймайди. Аменсализмга типик мисол қилиб антибиотик замбурууглар — актиномицетлар ёки ўсимлик фитонцидларининг паразит микроорганизмларга кўрсатган таъсирини олиш мумкин

**Автотроф организмлар** - Қуёш энергиясини ютиб анорганик моддалардан органик моддаларнинг бирламчи ўсимлик моддаларини ҳосил қиласи.

**Биосфера** - Биосфера-тирик организмлар яшайдиган ва уларнинг таъсирида тинмай ўзгарадиган ер шари қобиғининг бир қисмидир. Ердаги ҳамма биогеоценозларнинг йиғиндиси умумий экологик система – биосферани ҳосил қиласи.

**Биокимёвий функциялар** - тирик организмларнинг хаёт фаолияти давомида ва уларнинг ўлимидан кейин биокимёвий жараёнларни таъминлайди. Биокимёвий функция организмларнинг озиқланиси, нафас олиси, кўпайиси, ўлган организмларнинг парчаланиши, чириши билан боғлиқдир

**Биоген миграцияси** - Кимёвий элементлар доимий равища бир организмдан иккинчисига тупроқдан, атмосферадан, гидросферадан тирик организмларга, улардан эса яна атроф-муҳитга ўтиб, биосферанинг жонсиз моддалари таркибини тўлдиради

**Биогенез босқичи** - Ерда биосфера биринчи тирик организмлар билан бир вақтда пайдо бўлди. Шу вақдан бошлаб тирик организмлар эволюцияси билан бирга биосфера ҳам ўзгара боради. Биринчи пайдо бўлган тирик организмлар бир хужайрали гетеротроф, анаэроблар эди.

**Бошқарувчи омиллар.** - Популяция аъзоларининг микдорини ўзгартиради, ўзгаришни тезлаштиради, оптимал ҳолатдан четлаштиради. Бундай бошқарувчи омилларга организмларнинг бир-бирлари орасидаги биотик муносабатлар киради.

**Биоценоз.** - Табиятда ҳар хил турлар популяциялари бирлашиб, юқори тузилиш ва хусусиятларга эга бўлган биологик бирликлар ёки биоценозларни ҳосил қиласи. Биоценозлар-бу ўсимлик, ҳайвон ва микроорганизмлар популяциялари

гурухидан иборат бўлиб, маълум жойда бирликда яшашга мослашган биологик бирлиkdir.

**Галофитлар** — кучли шўрланган тупроқда ўсувчи ўсимликлар.

**Галофоблар** — тузли муҳитда яшашга чидаёлмайдиган организмлар. Уларга чучук сувда яшовчилар (кўпгина сувётлари, содда организмлар, зулуклар, баъзи моллюскалар, сув ҳашаротлари ва чучук сув балиқлари) ва тупроқдан макон топганлар киради

**Гелиофиллар** - (гр. ҳелиос—қуёш +филео-севадиган)—ёруғликни севувчи организмлар, қуёшсеварлар

**Гелиофитлар**.- (гр. ҳелиос-қуёш +фитон - ўсимлик) — қуёсҳ нури кўп тушадиган жойларда ҳаёт кечирични хуш кўрувчи ўсимликлар

**Гелобионтлар** организмлар- (гр. ҳелос-ботқоқлик.+бионтос-яшовчи) — ботқоқликда яшовчи

**Гелофитлар** - (гр. ҳелос-ботқоқлик +фитон - ўсимлик) — ботқоқлик ўсимликлари (мас., сфагнум, ботқоқлик кипариси).

**Гемикриптофитлар** - (гр. ҳеми —ярим + крыйпто - яширин + фитон- ўсимлик) — кўп йиллик ўтчил ўсимликлар яъни қишида ер усти поялари қуриб, ўсиш куртаклари ер юзасида яширин ҳолда, тўкилган хазонлар ёки қор тагида совуқдан ҳимояланиб, баҳорда ер исиши билан яна ўсишга бошлайдиган ўсимликлар (ўрта кенгликларда тарқалган кўп йиллик ўтчил ўсимликлар, баъзи айиқтовонсимонлар, қоқи ва бошқ.).

**Географик популяция** – экологик популяцияларни ўз ичига олади ва бир ҳил географик шароитда, худудда учрайди. Лекин географик популяциялар етарли даражада бир – биридан чегараланган бўлиб, катта-кичичилиги, кўпайиши, экологик мосланишлари, физиологик ва хулқий хусусиятлари билан фарқ қиласи.

**Газ алмашиниш функцияси**.- фотосинтез ва нафас олиш жараёнларига боғлиқ. Автотроф организмларнинг органик моддаларни синтезлаш жараённада қадимги атмосфера таркибидаги корбонат ангидрид кўп миқдорда сарфланади

**Ёпиқ популяция**. - Фақат бир-бири билан жуфтлаша оладиган индивидлар гурухи

**Изоген популяция**. - Генетик жиҳатдан айнан ўхшаш, яъни барча локуслар (хромосоманинг бир ген жойлаган чизиқли участкаси) бўйича кўпчилик ҳолларда гомозигота бўлган индивидлар гурухи;

**Зооценоз** - ҳайвонлар гурухлари

**Конкуренция (рақобатлилик)**.. - Бунда икки популяциялар бир- бирларига тўсқинлик қиласидилар. Яъни бир популяция иккинчи популяция билан дефицит (етишмайдиган) ресурсларни ўзлаштиришда курашадилар

**Комменсализтик** - (+,0) Бунда бир популяция иккинчи популяция билан бирлашганда фойда кўради, бу бирлашиш иккинши популяция учун эса аҳамиясиз ёки унинг учун бефарқ бўлади

**Концентрациялаш функцияси** - тирик организмлар томонидан атроф-муҳитда тарқалган кимёвий элементларнинг тўпланишидир. Ўсимликлар фотосинтез жараённада кимёвий элементларни тупроқда, калий, фосфор, азот, водород ва

бошқаларни, ҳаводан углерод олиб хўжайранинг органик моддалари таркибиға киритади

**Консументлар** - ёки истеъмол қилувчилар. Продуцентлар ҳосил қилган органик моддаларни истеъмол қиласди. Уларга ҳайвонлар, паразит ўсимлик ва микроорганизмлар киради

**Мұхиттинг абиотик омиллари**- - организмга таъсир этувчи жонсиз табиат омиллари, улар организмнинг яшаш шароитини белгилайдилар. М.а.о кимёвий (атмосфера ҳавоси ва унинг таркибидаги газлар аралашмаси, сув, сув ости ётқизиқлари ва тупроқдаги кимёвий бирикмалар) ва физикавий (ҳаво ва сувнинг ҳарорати, босими, шамоллар, радиация ва ҳ.к.з.) омиллар гурухларига бўлинади. Организмлар ўзларининг эволюцион тараққиёти жараёнида бу омилларининг тъсирини ўтказади.

**Модификация (ёки турланувчи) омиллар** - Ҳамма абиотик омиллар кириб, улар популяциянинг сони, сифати, зичлиги, тузилиши, озуқа ресурларига фаол таъсир қиласди, уларнинг ўзгаришига сабаб бўлади, аммо ўзлари ўзгармай қолади.

**Менделча популяция** - Бир географик ареалда тарқалган, кўпайиш ва бошқа хусусиятлари бир хил бўлган индивидлар мажмуи;

**Мувозанатланган популяция**..- Генлар частотаси (такрорланиши) мутацион ва селекцион тазиқлар ўртасидаги мувозанатга асосланиб ўзгариб туради ва тасодифий жуфтлашиш принципига кўра жуфтлашишда ҳамда локуслараро еркин рекомбинасияланишда генотипларнинг амалдаги частотаси назарий қутилган ҳолатга мос келади

**Микроценоз** - микроорганизмлар гурухлари

**Мутуализм (+,+)**.. - Бирлашган икки популяция ҳам факат фойда кўради, бу бирлашиш улар учун фойдалидир, бундай бирлашган организмлар табиий шароитда бири иккинчисиз ҳаёт кечира олмайди

**Нейтрализм — (0:0)** - Бунда икки популяциядаги ассациацияларда ўзаро таъсир сезилмайди, икки популяция индивидлари ҳам деярлик бир хилдай яшайди.

**Оптимум қонуни** – Пессимум - (лот. оптимус -енг яхши) — муайян бир экологик омилнинг организмга кўрсатадиган ёқимли таъсир кучининг чегараси. Ўша омилнинг айнан шу даражадаги таъсиридан организм ўзини яхши ҳис қиласди. Унинг таъсир даражаси белгиланган чегарадан қанчалик кўп чиқса (камайса ёки кўпайса), организмга таъсири шунчалик салбий бўлиб боради. Бу ерда доно халқимизнинг «асал ҳам меъерида ширин» деган иборасини эслаш ўринли. Қар.

**Оксидланиш-қайтарилиш функцияси** - ўзгарувчан валентликка эга бўлган кимёвий элементларнинг темир, олtingургут, марганец, азот ва бошқаларни айланишини таъминлайди.

**Продуцентлар** – ўлик моддалардан тирик моддаларни ҳосил қилувчилар. Булар, асосан фотосинтезловчи мураккаб ва тубан яшил ўсимликлардир

**Популяция** - (юонча популус; - гурух уюшма, халқ) — бу узоқ муддат даврида муайян бир худудда яшайдиган ёки ўсадиган бир турга мансуб индивидлар

йифиндисидир. Популяция деганда бир турга оид бир-бирлари билан доимо боғланган организмлар йифиндиси эътиборга олинади

**Популяциянинг асосий хусусиятлари:** - организмларнинг тўғри экологик мослашиши, қайта кўпайиши ва турғунлиги бўлиб, популяциянинг турғунлиги узоқ вақт насл қолдириш қобилиятини сақлаб қолишидир

**Популяция биологик хусусиятлари:** - популяция аъзоларининг ҳаёт цикли, ўсишга қобилияти, фарқланиши ва ўзининг сон сифатини ушлаб тириш хусусиятлари кириб, улар популяцияни ҳосил қилувчи организмларга таалуқлидир.

**Популяция гурухлик хусусиятлари.** - Тур вакллариниг умумий сони; Маълум майдон учун ўртача сони, қалинлиги ва маконда, массаси, туғилиши, ўлиши, туғилиш ва ўлиш ўртасидаги фарқ, ўсиш тезлиги

**Панмитик популяция** - Индивидлар жуфтлашиши жуфт танламасдан амалга ошади

**Популяциянинг тузилиши.** - Популяция аъзоларининг жинс ёш бўйича, морфологик кўриниши, физиологик жараёни, хулқий холатлари, генетик хусусиятлари ва худудлар бўйича тақсимланиши популяциянинг тузилишини акс эттиради.

**Популяцияларнинг ёшига қараб тузилиши;**. - Популяциянинг ёш бойича тузилиши унинг муҳим белгиси бўлиб, популяциянинг туғилиши ва ўлишига таъсир қиласи. тезкор кўпаяётган популяцияларнинг асосий қисмини ёш вакллар ташкил қиласи

**Популяциянинг жинс бойича тузилиши;**.- популяция аъзоларининг ёш бойича ва жинс бўйича таркиби доим бир-бирлари билан боғлиқ бўлади. Популяция вакллариниг ҳаёти унинг ёш бўйича тузилишига қарамадир

**Популяциянинг маконда тузилиши;**. - популяцияни ҳосил қиладиган тур вакллари ҳар хил маконда турлича тарқалиш имкониятига эгадир. Бу билан улар ўzlари яшайдиган жой ва озуқа билан таъминланади ҳамда ўсиш, кўпайиш ва ривожланиш, насл қолдириш учун муҳитнинг абиотик ва биотик омиллари билан алоқада бўлади

**Популяциянинг этиологик тузилиши-** - унинг аъзолари ўртасидаги қонуний алоқалар бўлиб, унинг асосида ҳайвонлар хулқларини ўрганадиган иш ётади.

**Паразитизм ва йиритқичлик - (+,-)** Бунда бир популяция иккинчи популяцияга хужум қилиб унинг яшашига зарар келтиради, бироқ ўзининг келгусидаги ҳаёти ҳам ўлжасига бевосита боғлиқдир

**Редуцентлар-** органик моддаларни минераллаштирувчилар, аввалги холатига қайтарувчилар. Уларга бактериялар, замбуруғлар, сапрофит ўсимликлар киради. Ифодали қилиб айтганда ҳаёт эстафетасини яшил ўсимликлар бошлаб ҳайвонларга узатади, уни бактериялар маррага олиб боради, яна қайтадан яшил ўсимликларга узатади. Янги ҳалқа бошланиб бу эстафета тинмасдан давом этаверади.

**Синекологик оптимум.** - Бу биоценоз ичидаги биотик алоқалар бўлиб, шу ердаги тур бошқа турлар таъсири (рақобати, йиртқичлар, паразитлар)дан ҳоли шароит турнинг яхши ривожланишига имкон беради.

**Трофик алоқалар.** - Биоценоздаги бир турнинг иккинчи тур билан, унинг тирик вакиллари ёки ўлик қолдиқлари, маҳсулотлари билан озиқланиш жараёнидан келиб чиқади. Масалан, ниначиларнинг ҳашаротлар билан озиқланиши, қўнғизларнинг молок гўнг арилар чанги, йўлбарслар турли ўлжалар, уларнинг қолдиқлари билан озиқланиши мисол бўлади

**Форик муносабатлар.** - Биоценоздаги бир тур иккинчи турнинг тарқалишига ёрдам беради. Бу ҳолатда ташувчи вазифасини кўпчилик ҳайвонлар ўтайди (зоохория); ҳайвонлар жуни, танасига ўсимлик уруғлари илиниб, ёпишиб бир жойдан иккинчи жойга тушади

**Фабрик муносабатларда.** - Биоценоз ичидаги бир тур ўзининг яшаш жойи учун иккинчи тур қолдиги, ўлик ёки тирик қисмларидан фойдаланади. Масалан, қушлар уя қуриш учун ўсимлик барги, пояси, буталар шохи, бошқа қушлар патлари, ҳайвонлар жунлари, пахта ва латталардан ҳам фойдаланади. Дарёлардаги тошлар устида учрайдиган қуртлар лойқа, ўсимликлар шохи, пояси, баргидан фойдаланади.

**Физиологик оптимум.** - Бу биоценоз ичидаги турнинг ўсиш, кўпайиш ва ривожланиши учун ҳамма абиотик омилларнинг қулай бўлишидир.

**Фитоценоз** - ўсимликлар гуруҳлари

**Экологик ниша.** - Экологик жой-нишачси ансҳа кенг, яъни: макондаги ниша ёки макондаги маълум жойланиш; трофик ниша (турлараро алоқалардаги турнинг жойи), кўп гомерли ёки гипер ҳажмли ниша. Организм экологик нишасида организм қаерда яшаётганлиги ва унинг атроф –муҳитга бўлган умумий талаби инобатга олиниши ҳақидаги тушунчалар

**Экологик омиллар** - Ташқи муҳит омиллари. Омил тирик организмларга тўғридан-тўғри таъсир этувчи муҳитнинг айрим бир таркибий қисмидир

**Экологик муҳит.** - Экологик муҳит бузилишининг сабаб ва оқибатлари. Экологик омилларнинг таснифланиши. Экологик омилларнинг тирик организмларга таъсир этишининг умумий қонуниятлари )

**Элементар популяция** - бу унча катта бўлмаган, бир хил жойда учрайдиган тур вакилларининг йиғиндиси

**Экологик популяция** – содда элементар популяциялар йиғиндисидан ҳосил бўлади. Улар маълум биогеоценозда тур ичидаги гуруҳлардан юзага келади

**Элементар популяция** - бу унча катта бўлмаган, бир хил жойда учрайдиган тур вакилларининг йиғиндиси

**Экологик популяция** – содда элементар популяциялар йиғиндисидан ҳосил бўлади. Улар маълум биогеоценозда тур ичидаги гуруҳлардан юзага келади

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Қосимова С.Т. ва бошқалар. “Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва шаҳар иқлимшунослиги (ўқув қўлланма)” Т., Истиқлол, 2005 й.
2. Ергашев А., Юлчиева М., Аҳмедов Ў., Абзалов А., экология, Тошкент, 2010 й.
3. Нурмуҳамедова М.Х., Назарова Х.А. Гигиена. “ЎзР Фанлар академияси” нашриёти. Т., 2007 й.335 бет
4. Обшая гигиена. А.М.Болшаков, И.М.Новикова. Москва «Медицина» 1985. 320 стр.
5. Мирзиёев Ш.М. Еркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент. “Ўзбекистон”. НМИУ, 2017 – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. НМИУ, 2017 – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан кўрамиз. НМИУ, 2017 – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2017 йил февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947 – сонли фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6 – сон, 70 – модда.
9. Ўзбекистоннинг экологик шархи . Индикаторларга асосланган. Тошкент 2008 й.
10. Ергашев А., Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш. Т. “Янги аср авлоди” 2005 й.
11. Мустафоев С. Ўроқов С.. Сувунов П, Умумий экология. Т., Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамгармаси нашриёти, 2016 й.
12. Даде W.Моеллер. Энвиронментал Ҳеалтҳ. Тҳирд эдитион. Лондон, энгланд. 2005. 652 паг
13. Дусчанов Б.Д., Искандарова Ш.Т. Умумий гигиена “Янги авлод” нашриёти. Т., 2009 й.
14. Ш. Т. Искандарова, К. Ш. Балтаева, М. И. Хасanova, Д. Ш. Зиявиддинова Умумий гигиенадан амалий машғулотлар. Ўқув қўлланма – Т. , 2011 й.
15. Санитарные нормы и правила по охране атмосферного воздуха населенных мест Республики Узбекистан. СанПиН № 0350-17
16. Санитарные правила и нормы устройства, оборудования и эксплуатации аптек. СанПиН Р.Уз № 0337-16
17. Санитарные правила и нормы устройства, оборудования и эксплуатации складских помещений хранения лекарственных средств и изделий медиксинаского назначения. СанПиН РУз № \_0319-15
18. Солихўжаев С.С., Дўстжанов Б.Д. Умумий гигиена. Т., 1996 й.
19. Солихўжаев С.С., Гигиена. Т., 1992 й.
20. А.Е. Федотов. “Чистые помещения” - М. АСИНКОМ, 2003й.
21. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси: ( 2011 йил 1 июлгача бўлган ўзгартириш қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Адолат, 2011. – 276 б.

22. Руководство к практическим занятиям по общей гигиене. Искандорова Ш.Т, Хасанова М.И., Иногамова В.В., Икрамова М.И. Издательство "Тафаккур бўстони" Ташкент. 2014, 320 стр.
23. Уайт В. "Технология чистых помещений" – М. Клиндум, 2002й.
24. Файзуллаева З.Р., Қодирова Д.Е., Атаулаева С.Ф. Гигиена. "Янги нашр" нашриёти. Т. , 2011 й.187 бет
25. Физиологические нормы потребностей в пищевых веществах и энергии по половозрастным и профессиональным группам населения Республики Узбекистан для поддержания здорового питания. СанПиН РУз № 0347-17.

### **Интернет сайтлари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www. nature.uz](http://www.nature.uz)
3. [www. catuzmu.uz](http://www.catuzmu.uz)
4. [www. pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
5. [www. natl.uz](http://www.natl.uz)
6. [www.eso.uz](http://www.eso.uz)
7. [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz)
8. [www.wikipedia.com](http://www.wikipedia.com)
9. 2.[www.pharmapractice.ru](http://www.pharmapractice.ru)
- 10.[www.remedium.ru](http://www.remedium.ru)
- 11.[www.pharmvestnik.ru](http://www.pharmvestnik.ru)
- 12.[www.gov.uz](http://www.gov.uz) – O‘zbekiston Respublikasi hukumat portalı.
- 13.[www.lex.uz](http://www.lex.uz) – O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy ba’zasi.